

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**Рахимов Бори Хафизович  
Қосимова Саодат Тошевна  
Шоджалилов Шокомил**

**ШАҲАР ИНЖЕНЕРЛИК  
ИНШООТЛАРИ**

**ДАРСЛИК**

5340300- Шаҳар қурилиши ва хўжалиги

5111000- Касб таълими (ШҚҲ)

5610100- Сервис(турар жойга хизмат қўрсатиш) йўналишлари ва шаҳар  
инженерлик масалалари билан шуғулланувчи ихтисосликлар учун

**ТОШКЕНТ- 2018**

## **УДК 624.9**

**Муаллифлар:** проф., и.ф.д. Рахимов Б.Х., доц., т.ф.н. Қосимова С.Т.,  
доц., т.ф.н. Шоджалилов Ш.

Дарслик қурилиш олий ўкув юртлари талабалари учун ёзилган бўлиб, уларда инженерлик иншоотларнинг конструкциялари, транспорт иншоотлари, шаҳардаги дарё бўйлари, гаражлар ва автомобил тўхташ жойлари, минора, мачталар, спорт иншоотлари, резервуарлар, бозорлар ва бошқа инженерлик обьектлари тўғрисида малумот берилган.

Мазкур дарсликда мураккаб тизимли ва катта ораликли кўприклар, уларни хисоб-китоб қилиш хусусиятлари, йирик тоннеллар ва спорт иншоотлари каби шаҳар мухандислик иншоотларининг энг оммавий турларининг конструктив хусусиятлари янада муфассал баён этилган.

Дарслик 5340300 - “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги”, 5111000 - Касб таълими (Шаҳар қурилиши ва хўжалиги) ва 5610100 - “Сервис” таълим йўналишларида тахсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Дарсликдан шу соҳадаги мутахассислар ва малака ошириш факултет тингловчилари ҳам фойдаланиши мумкин.

### **Такризчилар:**

**Мамажонов Р.К.** “Ўзогирсаноат лойиҳа” ОАЖ илмий ишлар директор ўринбосари, т.ф.д., профессор

**Ходжаев С.А.** Тошкент архитектура қурилиш институти т.ф.д., профессор

## **СЎЗ БОШИ**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида илмий-техника тараққиётининг жадаллашуви материал, меҳнат сарфининг камайишига, ёнилғи энергия ресурсларининг тежалишига ва пивовардида аҳоли фаровонлигининг юксалишига имкон беради.

Шаҳар инженерлик иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш шаҳар қурилиши ва хўжалигида алоҳида ўринни эгаллайди. Бу таркибий ташкил этувчиларнинг, ташкилотларнинг бутун фаолияти шу омилларга боғлиқ эканлиги билан ифодалайди.

Дарслик қурилиш олий ўқув юртлари талабалари учун ёзилган бўлиб, улар инженерлик иншоотларнинг конструкциялари, транспорт иншоотлари, шаҳардаги дарё бўйлари, гаражлар ва автомобил тўхташ жойлари, миноралар мачталар, спорт иншоотлари, резервуарлар, бозорлар ва бошқа инженерлик обьектлар тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари; лойиҳалаш услубларини, уларни қуриш ва фойдаланишни билишлари керак. Шуларни ҳисобга олган ҳолда муаллифлар материаллар бакалаврларни тайёрлаш талабларини қониқтирадиган даражада бўлишига интилишиди.

Мазкур дарсликда мураккаб тизимли ва катта оралиқли қўприклар, уларни ҳисоб-китоб қилиш хусусиятлари, йирик тоннеллар ва спорт иншоотлари каби шаҳар мухандислик иншоотларининг энг оммавий турларининг конструктив хусусиятлари янада муфассал баён этилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси шаҳарларида мамлакатимиз ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи турли даражалардаги, транспорт ва йўловчилар кесишувлари, қўприклар, йўл қўприклар ва эстакадалар, спорт иншоотлари, замонавий бозорлар ва жуда йирик савдо мажмуалари қурилиши жадал суръатларда амалга оширилади. Шаҳарларда бундай иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш ҳали ҳам адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шунинг учун мазкур дарсликда

шахар курилиши ва хўжалиги соҳасида мавжуд бўлган мамлакатимиз ва чет эл тажрибасини умумлаштиришга харакат қилинди.

Муаллифлар тақризчиларга билдирилган қимматли тавсиялар ва фойдали маслаҳатлар учун чукур миннатдорчиликларини изхор этадилар.

## **КИРИШ**

Шахар аҳолисининг ўсиб бориши янги шаҳарлар қуриш ва эскиларини кенгайтириш асосларининг бош омилларидан биридир. Шаҳар худудига нисбатан аҳолининг тезроқ қўпайиши шаҳарсозликда одамларнинг меҳнат қилиши, турмуши ва дам олиши учун энг яхши шароитларни таъминловчи ишлаб чиқариш корхоналари, туар жойлар, жамоат ва маданий муассасалар, транспорт, инженерлик қурилмалари ва энергетикани оқилона комплекс ташкил этишини назарда тутиш мажбуриятини юклайди. Бу масалани ҳал қилиш кўп даражада аҳолисини жойлаштириш, шаҳарнинг ривожланиши, аҳолининг меҳнат қилиш ва дам олиш шароитларини яхшилашнинг хусусиятини белгилаб беради.

Жаҳондаги йирик шаҳарлар эгаллаган ҳудудлар анча катта ўлчамларни, хусусан, Қарачи шаҳар  $3530 \text{ km}^2$  ни, Истанбул- $1970 \text{ km}^2$ , Шанхай- $1600 \text{ km}^2$ , Лондон- $1580 \text{ km}^2$ , Дехли- $1400 \text{ km}^2$ , Пекин- $1370 \text{ km}^2$ , Нью-Йорк- $1214 \text{ km}^2$ , Москва- $1080 \text{ km}^2$  майдонни ташкил этади. Бу шаҳарларнинг маъмурий чегараларидағи, аҳолисининг кўпчилик қисми шаҳарлар билан боғлиқ бўлган шаҳар атрофи ҳудудларида яшашини хисобга олмаган ҳолдаги майдонлардир.

Шаҳарларнинг ўсиши, аҳолининг шаҳар атрофи билан меҳнат ва маданий-маиший алоқалари, шунингдек шаҳар атрофи ҳудудларининг дам олиш учун фойдаланилиши аҳолининг ва транспорт воситаларининг кенг ривожланишига олиб келди. Кейинги йилларда айниқса енгил автомобиль транспорти жуда тез ривожланди, у узоқ масофаларга боришнинг, ҳаракатланиш ва қулайлик тезлигини таъминлайди. Бу ўз навбатида қуйидаги заруриятларни қўяди:

- шаҳар, шаҳар атрофи ҳудуди ва шаҳар атрофидаги автомобиль йўлларининг энг мухим қисмлари орасида энг қулай алоқани ташкил этиш, шунингдек пиёдаларнинг хавфсиз ва қулай ҳаракатланишлари учун мос шароитлар яратиш мақсадида юқ ташиш ва йўловчилар транспортиниг узлуксиз ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш;

- турар жой даҳаларига ва жамоат биноларига олиб борадиган қулай кириш йўллари ва йўлакчаларини барпо қилиш;
- шахсий автомашиналар учун гараж хўжалигини ва автомашиналарининг узоқ вақт ва вактинча туриши учун автомобиллар тўхташ жойларини ташкил этиш ва бошқа кўпгина ишлар.

Шаҳарларда автомобиль парки аҳоли сонига қараганда анча тез суръатлар билан ўсмоқда. Шаҳар ривожланишининг маълум бир босқичида кўча тармоғининг транспорт воситалари билан ўта кўпайиб кетиши юзага келади. Бундай шароит маълум бир пайтда кўча ҳаракатининг фалаж холатга келишига сабаб бўлиши мумкин, бундай вазиятлар жаҳондаги йирик шаҳарларда ҳозирданоқ юз бермоқда.

Чорраҳалар яқинидаги транспорт воситаларининг тез-тез тўхташлари йўлларнинг едирилишини тезлаштиради ва уларнинг бузулишига сабабчи бўлади (бунда йўл сиртининг силжишлари ва тўлқинсимон қатламлар ҳосил бўлади). Транспорт воситалари чорраҳада тўхтаганда ва ҳаракатланишини бошлаган вактда шаҳар хавосини заҳарловчи катта миқдорда тутунли газлар ажратиб чиқаради. Шунинг учун шаҳар ҳаракатини оқилона ташкил этиш масаласи кўча тармоғининг холатига тўғридан тўғри боғлиқдир, бу эса янги шаҳарларда кўчаларнинг максадга мувофиқ қарашда ва режалаштиришда сифат жиҳатидан янги қарорлар қабул қилишни талаб этади. Вужудга келган вазиятдан чиқишининг йўли турли даражадаги шаҳар магистраллари кесишувларини барпо этиш, кўприкли ўтиш йўлларини, йўл кўприкларни куриш ҳисобланиб, улар ҳаракатланиш тезлигини ва хавфсизлигини хамда йўл узоқлигини қисқартиришни таъминлайди.

Шаҳар транспорт иншоотларининг умумий мажмууда ер ости автомобиль тўхтаб туриш жойлари ва гаражлари, транспорт, йўловчилар ва коллектор тоннеллари мухим ўринни эгаллайди, ана шуларсиз замонавий йирик шаҳарнинг ҳаётини тасаввур этиш қийин. Бир-бири билан боғлиқ бўлмаган айрим ер ости иншоотлари қатори узун (давомли) тоннеллар тармоғи билан ўзаро бирлаштирилган йирик ер ости транспорт ва кўп

вазифани бажарувчи мажмуалар барпо этилмоқда. Кўпгина шаҳарларда катта узунликдаги кўчадан ташқари ер ости автомагистраллари назарда тутилмоқда. Транспортнинг янги тезкор турлари учун ҳам катта миқдордаги тоннеллар ва ер ости иншоотларини куриш керак бўлади.

Замонавий шаҳарлар ер усти ва ер ости маконидан фойдаланган холда фақат горизонтал бўйича эмас, балки вертикал бўйлаб ҳам кенгайиб бормоқда. Вертикал зоналаштириш транспорт ва пиёдалар оқимларини, транзит ва маҳаллий, тезкор ва оддийгина транспортни ажратишга имкон беради. Бунда транспорт магистраллари ва пиёда йўллари жойлашувининг турли хил варианatlари, хусусан ер сатҳида, унинг устида ёки ер остида бўлиши мумкин.

Шаҳар транспорт муаммоларини муваффақиятли ҳал қилишга ер ости маконини комплекс ўзлаштириш ва фойдаланиш, яъни транспортни ўтказиш ва инженерлик коммуникацияларини ётқизиш, автомобилларни вақтинча ва доимий сақлаш, инженерлик курилмаларини, савдо корхоналарини, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, турли хил обьектлар ва иншоотларни ер остида жойлаштиришга имкон беради.

Шаҳарнинг дарё бўйи ҳудудларини режалаштириш ва куриш, қирғоқ чизигига режада, профилда (кесимда) ва унинг меъморий безатилишида маълум йўналиш берилишини талаб қиласди. Қирғоқ бўйларининг ҳажмий-композицион ечимлари боғлиқ боғлиқ бўлган микрорайонлардан табиий ёки сунъий сув хавзалари акваториалларига эркин чиқиши таъминлаши керак. Шаҳарнинг марказий қисмларида улар шаҳар меъморий композициясининг бош фасадлари (олд қисмлари) ҳисобланади.

Халқ хўжалиги, шаҳарларни жойлаштириш тизимларининг доимий ривожланиши муносабати билан йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситалари миқдори ортиб боради. Саноати ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, автомобиллар сонининг қўпайиши бир қатор нокулай оқибатларни келтириб чиқаради, улар орасидан куйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим:

- жойлаштириш хусусиятининг ўзгариши, харакатланиш масофаларининг ортиши;
- кўп микдорда ёнилғи истеъмол қилиниши туфайли атроф мухитнинг юкори даражада ифлосланиши;
- жамоат транспорт ахамиятининг пасайиши;
- кўча ва йўл тармокларида транспорт воситаларининг тирбандланиб тўхтаб қолиши, уларни қайта қуриш, ривожлентиришга катта харажатлар қилиниши;
- зич жойлашган турар жойларда, автомобиллар тўпланадиган пунктларда уларнинг тўхтаб туриш жойининг етишмаслиги.

Айтиб ўтилган муаммоларнинг охиргиси борган сари долзарб бўлиб бормоқда. Транспортнинг ривожланишини йўналтиришда автомобиллаштиришнинг ўсиши билан боғлиқ масалалар, шу жумладан уларнинг тўхташ жойларини лойихалаш ва жойлаштириш ҳеч бир қийинчиликсиз ва асосли истиқбол билан ҳал этиш зарурияти пайдо бўлади.

Транспорт тизимининг жадал ривожланиши бир қатор масалаларни, шу жумладан мамлакатни тезкор автомобиллаштириш шароитида транспортнинг тўхтаб туриш жойи муаммосини ҳал қилиш йўлларини излашни тақозо этади. Транспортнинг барча турлари учун тўхтаб туриш жойлари ва гаражлари муаммосини ҳал қилиш шаҳарсозлик сиёсатининг таркибий қисмидир.

Дарслик юқорида баён қилинганлардан ташқари спорт иншоотларини, минора ва мачталар, ЭУЛ таянчлари каби баланд иншоотлар, резервуарлар ва сув босими миноралари, шунингдек очик ва ёпиқ бозорларни лойихалаш, қуриш ва фойдаланиш билан боғлиқ масалалар доирасини ўз ичига қамраб олади. Унда шу иншоотлар бўйича назария ва амалиётнинг замонавий ютуклари акс эттирилган бўлиб, уларни талабалар билишлари зарур. Дарслик шаҳар қурилиши ҳамда ҳўжалиги соҳасида машғул бўлган мутахассисларга ҳам фойдали бўлиши мумкин.

## **1. ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИ**

### **1.1. ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИ ТАСНИФИ**

Хар йили автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташиш ҳажмлари ортиб бормоқда, бинобарин, шаҳарларда харакатланиш суръати борган сари жадаллашмоқда. Автомобиллар сони ва уларда юк ташиш ҳажмларининг ортиши харакатланиш тезлиги ва йўлларнинг ўтказиш қобилиятини оширишни талаб этади. Ҳаракатланишнинг тирбандлашуви автомобилларнинг турли даражаларда тўсиқсиз ўтиб кетишини таъминловчи маҳсус инженерлик иншоотлари зарурлигини тақазо этади. Бундай иншоотлар атрофдаги шаҳар қурилиши кўчалар тармоғида автомобиль ва йўловчиларнинг катта оқимлари тўпланадиган шароитда айникса зарурдир.

Транспорт эҳтиёжларини таъминлаш учун хизмат қилувчи барча сунъий иншоотларни тўртта асосий гурухга ажратиш мумкин:

- жойлардаги табиий тўсиқларни кесиб ўтиш учун мўлжалланган;
- автомобиллар ва пиёдаларнинг ҳаракатланишини жадаллаштириш ва шароитларини яхшилаш учун мўлжалланган;
- транспорт воситаларининг маҳсус турларини ўтказишни таъминловчи;
- автомобилларнинг тўхтаб туриши учун мўлжалланган.

Биринчи гурухга кўприклар ва виадуклар киради. Кўприк сув тўсиғи (дарё, кўл, дengiz кўлтиғи ёки бўғози) устидан барпо этилади, виадук эса – чуқур жарлик, тоғ дараси орқали ўтказилади. Кўприк ва виадук йўл бўйлаб автомобиль ва пиёдалар ҳаракатини таъминлайди. Уларнинг конструкцияси кўп даражада табиий тўсиқнинг тури (дарё ёки жарликнинг чуқурлиги, сув оқимининг тезлиги, кема қатнови, пойдеворлар асосидаги тупроқлар) билан белгиланади.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи гурухдаги иншоотлар асосан конструкцияларнинг мустақил турига ажралиб, улар аввало транспорт ҳаракатининг ташкил этиш талабларига амал қилган ҳолда барпо этилади.

Улар автомобиль йўлларидағи оддий кўприклар ва виадуклардан фарқли равишда шартли ҳолда транспорт иншоотлари деб аталган.

Иккинчи гурух транспорт иншоотлари деб йўл кўприклар ва эстакадаларни айтиш мумкин.

**Йўл кўприк** деб бир транспорт магистралини бошқаси устидан турли сатҳларда ўтказиш учун хизмат қилувчи иншоотга айтилади. Транспорт магистрали устида фақат пиёдаларни ўтказиш учун фойдаланиладиган пиёда йўл кўприклари деб аташ лозим эди, лекин уларни одатда пиёда кўприклари деб аталади.

Ер сирти устидан автомобиль транспортини тўсиқсиз ўтказиш учун хизмат қилувчи иншоот **эстакада** деб аталади. Бирок йўл кўприклар факат транспорт магистраллари кесишиган жойлардагина барпо этилади, эстакадаларнинг қўлланиш соҳаси ва вазифаси анча кенгdir. Эстакадалар:

- икки ва ундан ортиқ транспорт магистраллари кесишиган жойларда;
- кўчалар тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда шаҳар қурилиши устидан тезкор автомагистралларни ўтказиш учун;
- катта кўприкларга яқинлашганда баланд тўқмалар ўрнига;
- кўп микдорда автомобиллар тўпланадиган манзил (вокзаллар, аэроромлар, меҳмонхоналар, стадионлар ва ҳ.к)га яқин жойларда;
- кирғоққа яқин йўлларни кенгайтириш ва дарё бўйлаб ҳаракатни ташкил этиш учун;
- қияликлар, ботқоқликлар ва бошқа мураккаб шароитларда тўқма ва тиргак деворлар ўрнида қўлланилади.

Эстакадаларнинг оралиқли қурилмалари темир бетон ва металлдан тайёрланади.

Режада жойлаштирилишига кўра эстакадалар куйидагича фарқланади:

- тўғри чизиқли;
- эгри чизиқли;
- тармоқланувчи;
- ҳалқали;

- спиралсимон.


Ҳаракатланиш сатҳлари сонига кўра эстакадалар:

- бир ярусли;
- қўп ярусли турларга ажратилади.

Эстакадалар автомобиль ва бошқа шаҳар транспорт воситалари (автобус, трамвай, троллейбус)ни ўтказиш учун мўлжалланади. Улар бўйлаб баъзида пиёдалар ҳаракати ҳам амалга оширилади. Ўзининг иш турига кўра эстакадалар узок муддатга ҳаракатни таъминловчи доимий ва вақтинчалик (йигилувчи ажралувчи) бўлиши мумкин.

Мураккаб транспорт кесишувлари эстакадаларга хос бўлган обьектлар: қўп ярусли, режада ўзига хос шаклдаги ва ҳаракатланишинг турли йўналишларига мўлжалланган турларга тааллуқлидир. Бундай қурилиш мажмуалари кўчалар тармоғи мураккаб ва ҳаракат жадал бўлган шаҳарларда ҳам, автомобиль йўллари кесишган жойда ёки тезкор ҳаракат амалга оширилевчи магистралларда ҳам кенг тарқалган.(1.1-расм.)

Мавжуд кўча ёки автомобиль йўли сони кўпайиб кетган транспортни зарур ўтказиш қобилиятини таъминлай олмаган ҳолларда, улар ёнида бир ёки бир неча ҳаракатланиш сатҳларига эга бўлган эстакадалар қурилади. Шаҳар кўчаларида бу, одатда, биноларни бузиб ташламасдан ҳаракат жадаллигини оширишнинг, ягона йўлидир. Автомобиль йўлларида бундай ечим тупроқ шароитлари нокулай бўлган жойларда ёки атроф табиий мухитини сақлаб қолиши учун ҳам аъло ҳисобланади. Шаҳар кўчаси бўйлаб эстакада қуриш унинг йўналишини такрорлайди. Бироқ, бир қатор ҳолатларда, мавжуд кўча тармоқлари билан мос тушмайдиган бирор-бир йўналишда катта миқдордаги транспорт оқимларини ўтказиш зарурияти пайдо бўлади, бундай ҳолда ҳаракатни шаҳар қурилишлари устидан керакли йўналишида ўтувчи эстакада транзит бўлиши ёки кесиб ўтилаётган ҳудуддаги кўчалар билан алоқа боғлаш учун тармоқланишларга эга бўлиши мумкин.



**1.1-расм. Лос-Анжелесда (АҚШ) тезкор ҳаракатни автомагистраль билан кесишиш жойларидаги эстакадалар**

Кўпинча шаҳарлар катта ва чукур дарёлар қирғоқларида, айниқса уларнинг ўзани яқинида жойлашади. Бундай дарёлардан денгиз ва океан кемаларининг ўтиши мумкин ва улар устидан ўтказилган кўприклар бўйлаб ҳаракатланиш сатхини катта баландликка кўтаришга тўғри келади. Яқин кўчалар тармоғи билан туташиши учун бундай кўприкларга яқинлашиш жойларида мураккаб тармоқланган ва кўп ярусли эстакадалар қурилади.

Денгиз портларида йўловчилар пирслари бўйлаб ва уларга яқин жойларда кеманинг турли полубаларига ёки улардан бир вақтда йўловчиларни ўтказиш ва юкларини ортиб жўнатиш ёки тушириш учун эстакадалар бир неча ярусли қилиб қурилади. Худди шунга ўхаш, вокзаллар, стадионлар, меҳмонхоналарнинг турли қаватларига хизмат

кўрсатилади. Бу иншоотлар яқинидаги эстакадалар етарлича мураккаб шаклга эга ва уларнинг умумий меъморий қиёфасига мос бўлиши керак. (1.2-расм).

Автомобиль ҳаракати жадал бўлган шаҳарларда қўшимча транспорт йўлларини барпо этиш учун кенг ёки унча катта бўлмаган дарё қирғоқларидан фойдаланилади. Агар кемалар қатновига ҳалал бермаса, катта дарёлар қирғоқлари бўйлаб йўлларни кенгайтирувчи эстакадалар курилади. Шаҳар учун аҳамиятли бўлмаган кичик ариқлар эстакада билан тўла ёпилиб кетади.



**1.2.- расм. Тошкент аэропорти яқинидаги эстакада**

Жуда баланд-паст ёки тогли худудларда жойлашган шаҳарларда тоғ ён бағирлари бўйлаб эстакадалар қуриш мумкин. Автомобиль йўлларида ҳам шундай қарор қабул килинади. Биринчи ҳолатда шаҳар қурилиши саклаб қолинади, иккинчи ҳолда табиий рельеф ва кескин тоғ ёнбағирларининг барқарорлик шароитлари бузилмайди.

**Иккинчи** гурух иншоотларига шаҳардаги дарё қирғоқларининг тиргак деворларини ҳам киритиш мумкин, чунки улар бир вақтда дарёни тартибга

солувчи иншоотлар ва шаҳарнинг меъморий ансамбли элементлари бўлгани ҳолда дарё кирғоқ бўйлаб транспорт ҳаракатини таъминлайди.

Транспорт иншоотларининг **учинчи** гурухига шаҳарларда монорельсли (бир изли) йўллар эстакадаларини киритиш мумкин. Монорельсли ер усти йўллари темирбетон ёки металл эстакадаларда курилиб, улар бўйлаб вагонлар ҳаракатланади. **Учинчи** гурухга шартли равищда шаҳар марказини унинг атрофидаги обьектлар билан (масалан, аэропорт билан) тезкор боғлаш учун вертолёт майдончаларини ҳам киритиш мумкин. Майдончаларни ҳар доим ҳам ер сиртида жойлаштириб бўлмайди, чунки бунга шовқин даражаси ёки режалаштриш шартлари бўйича йўл қўйиб бўлмайди. Вертолётлар қўниши учун маҳсус конструкцияларни барпо этиш ёки бунинг учун баланд биноларнинг томларини мослаштириш мақсадга мувофиқ.

Ва ниҳоят, шаҳарларда автомобилларнинг кўплиги улар туродиган жойларни ташкил этишни талаб этади. Шаҳарнинг марказий қисмларидаги йўлнинг автомобиллар билан тўлиши, уларнинг ўтказиш қобилиятини пасайишига олиб келади. Кўпгина ҳолатларда **тўртинчи** гурух иншоотларини – кўп қаватли ер устида қуриш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Бундай тўхташ жойлари одатдаги гаражлардан автомобилларнинг унча узоқ бўлмаган муддат туриши учун хизмат қилиши, техник хизмат кўрсатиш пунктларига эга бўлмаслиги ва тез хамда тўсиксиз кириш ва чиқишини таъминлаши билан фарқ қиласди. Кўп қаватли тўхташ жойлари автомобилларнинг катта микдори тўпланган жойларда ва шаҳарнинг марказий қисмидаги обьектлардан пиёда бориш чегарасида ёки маъмурий, маданий ёки майший вазифани бажарувчи катта бинолар яқинида (масалан, йирик меҳмонхоналар, универсал магазинлар яқинида) жойлаштирилиши мумкин.

Шундай қилиб, транспорт иншоотлари ўзининг тузилишига кўра жуда хилма-хилдир. Уларни шаҳарларда ва автомобиль йўлларида транспортнинг самарали ишлашини таъминлаш вазифаси бирлаштириб туради.

## **1.2. Шаҳар кўприклирига бўлган асосий талаблар.**

Шаҳар кўприги масъулиятли инженерлик иншооти бўлиб, маълум талаблар мажмуасини қаноатлантириши керак.

**Ишлаб-чиқариш эксплуатация талаблари** шундан иборатки, бунда кўприк бўйлаб ҳаракат қулай ва хавфсиз бўлиши керак. Кўприк маълум шароитларда дарёдаги кемаларни ўтишига ҳалал бермаслиги лозим. Кўприкнинг конструкцияси барпо қилишда оқилона ва фойдаланишда қулай бўлиши талаб этилади.

**Хисоблаш-конструктив талаблар** кўприкнинг барча иншоотлари ва унинг айрим қисмлари бутун хизмат қилиш муддати мобайнида талаб этиладиган барқарорлик, бикрлик ва мустаҳкамликни таъминлаши, шунингдек табиий шароитлар, сув, муз ва сувдаги ҳамда хаводаги заарли аралашмалар таъсирига чидамли бўлишидан иборат.

**Иқтисодий талаблар** лойихалашда эксплуатацион-техник кўрсаткичларга бўлган талабларни таъминлаш билан бир вактда ишларнинг қийинлиги имкони борича кам бўлиши, қуриш ва фойдаланишга маблағ ва материаллар харажатларини тежамкорлигини талаб этувчи қарорни қабул қилиш зарурлигидан иборат.


Шаҳар кўприлари учун **меъморий-режавий талаблар** алоҳида хусусиятларга эга. Кўприкнинг меъморий қиёфаси атрофдаги шаҳар қурилиши билан уйғунлашиб кетиши керак бўлиб, у кўпинча кўприкнинг кўринишини ва ҳатто тизимини ҳам белгилаб беради. Шаҳар кўприлари одатда устидан юриладиган қилиб қурилади. Кўприкнинг пастидан юрилувчи тамоилда қуришга факат алоҳида холатлардагина рухсат этилади. Режавий талаблар ҳам вертикал профил бўйича, ҳам ўтиш режаси бўйича жуда муҳимdir.

Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- шаҳар кўприги кўпчилик ҳолларда қирғоқлар билан тўсилган дарё (арик, канал) орқали барпо қилиниб, ундаги ҳаракатни ҳисобга олиш зарур; кўприк таянчлари ёки қирғоқларнинг тиргак деворлари билан бир чизиқда

жойлашиши, ёки улардан кирғоклар асослари тупроқларидағи күчланғанлық ҳолатининг ўзгармаслигини таъминловчи масофада бўлиши керак;

- дарёдаги сув сатҳлари ва дарёда юрадиган кемаларнинг баландлиги билан белгиланадиган кўприкнинг тўлиқ баландлиги иложи борича кам бўлиши керак, чунки шаҳарларда узун ўтишларни қуриш жуда мураккаб (1.3.расм); шу сабабли кемалар қатнови жуда кўп бўлмагандан қўпинча очиладиган (кўтариладиган) кўприклар қурилади;



1.3.-расм Кўприкнинг тўлиқ баландлиги

- кўприкнинг жойлаштирилиши шаҳарнинг бош режаси ва унга яқин туманлар режаси билан боғланиши керак. Кўприкка келадиган йўллар яқин кўчалар билан уйғунлашган бўлиши керак. Шаҳар кўпригининг жойлашиш жойини танлаш қўпинча гидрогеологик шароитлар билан эмас, балки унга келадиган транспорт оқимларининг микдори ва жадаллиги билан белгиланади;
- шаҳар кўприги қўпинча катта пиёдалар оқимини ўтказади, бу эса кенг тротуарлар, велосипед йўлакларини қуришни талаб этади ва хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча муаммоларни вужудга келтиради. Шу билан бирга узун кўприклардан одатда пиёдалар кам фойдаланади ва уларда тротуарлар кичик ўлчамда бўлиши мумкин;

- шаҳар кўпригининг конструкциясида шаҳар ер ости тармоқлари (электр кабеллар, водопровод ва х.к.) ўтказилади, шунинг учун кўприкни режалаштиришда баъзида уларнинг жойлашиш режаси ҳам хисобга олинади.


Кўприкниң жойлашиш ўрнини танлаш ва унга ўтиш йўлларини режалаштиришга бўлган талабларни янада муфассал кўриб чиқамиз.

Агар кўприкка олиб келадиган йўллар ҳам дарёга перпендикуляр бўлса катта дарё устига қуриладиган кўприкни дарёга перпендикуляр равишда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Кўприкка томон ҳаракатнинг асосий оқими дарёга қия бўлиб келадиган кўча бўйлаб йўналган ҳолда кўприкни ҳам қия қилиб жойлаштириш керак. Бунда кўприкниң таянч ўқларини дарё оқими йўналиши бўйича йўналтирилган ҳолда қолдириш мақсадга мувофиқ. Унча катта бўлмаган дарёларни кесиб ўтувчи кўприкларни транспорт ҳаракати ташкил этиш шароитларига тўлиқ бўйсундириб, уларни режада қия, эгри чизикли ёки истаган бошқа шаклда қилинади.

Кўприкларнинг кенглиги ва сони хисоблаш орқали аниқланади ва ҳаракатланиш жадаллигига ва бошқа омилларига (иктисодий, транспорт, эксплуатацион ҳаражатлар ва х.к.га) боғлиқ бўлади. Факат битта кўприк қурилаётган ҳолда унинг кенглиги автомобиль ва йўловчилар ҳаракатининг кутилаётган жадаллиги билан белгиланиб, бунда уларнинг истиқболда ўсиши хисобга олинади. Агар кўприк бир кўчанинг давомини ташкил этиб ва унча кенг бўлмаган дарёни кесиб ўтса, унинг кенглиги кўчанинг кенглигига тенг қилиб белгиланади.

Кенглиги ва ҳаракат жадаллиги ҳар хил бўлган кўприкка ўтишни турли хил усуслар билан ташкил этиш мумкин. Уларнинг энг соддаси - бу кўприк олдида ҳалқали ҳаракат қилинадиган майдонни ташкил этишdir (*1.4.- a расм*). Бундай режалаштириш ҳаракат жадаллиги унча катта бўлмаганда мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатни анча мукаммал ташкил этиш – турли сатҳлардаги қирғоқларнинг улардан тушиш йўллари билан кесишидир.

Кўприкка ўтиш йўллари тиргак деворлардаги тўқмалар ёки эстакадалар кўринишида барпо этилади (*1.4-б расм*).



**1.4.-расм. Кўприк олди майдонида ҳаракатни ташкил этиш схемаси**  
1 - дарё; 2 - шаҳардаги қурилиши; 3 - қўчалар ва майдонлар; 4 - кўприк.

Эстакада остидаги бўшлиқ кўпинча ёпик гаражлар ёки очик автомобиллар тўхтаб туриш жойлари тарзида фойдаланилади. Ҳаракатни ташкил этишнинг бу схемалари транспорт оқимларининг кесишувларини бартараф этган ҳолда ёндашувнинг мураккаб тизимлари орқали топилади.


Катта кўприкларга яқинлашишда транспорт бўғинларининг схемалари режалаштиришнинг маҳаллий шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Кўприкка яқинлашганда ҳаракатни ташкил этишнинг ўзига хос сифатларидан учта ҳолини ажратиб кўрсатиш мумкин: кўприкнинг баландлиги унча катта бўлмаганда, қирғоги перпендикуляр ҳолда ўтувчи кўприк (*1.5.-а расм*) ва кўприк баландлиги анча катта бўлганда спиралсимон эстакадани қуриб перпендикуляр соҳил ва кўприк ўқи бўйлаб асосий кўчаси бўлган (*1.5.-б расм*); кўприкка яқин келганда бирлашувчи ҳаракат тармоқланган қўчалар (*1.5-в расм*). Кўприкка яқинлашиш йўлларининг ўтказиш йиғма қобилияти кўприкнинг ўтказиш қобилиятидан кам бўлмаслиги керак.

Шаҳар кўприкларининг бўйлама ва кўндаланг қияликлари вертикал ва горизонтал эгри чизиқларининг радиуслари, машина қатнайдиган қисмининг

ва тротуарларнинг кенглиги автомобиль йўллари кўприкларининг умумий меъёrlарига кўра белгиланади.

Шахар кўприги бўйлаб икки йўлли трамвай харакатини ўтказиш учун унга эни 6,6-6,8 м бўлган маҳсус йўл ажратилиб, уни кўприкнинг ўқи бўйлаб ҳам, унинг четига томон силжиган ҳолда ҳам жойлаштириш мумкин.

Баъзида шахар кўприлари автомобиллар ҳаракати ва метрополитен билан кўшилган ҳолда ҳам бўлади. Чуқур дарёлар ёки денгиз қўлтиқлари орқали йирик ва қимматбаҳо кўприкларда шахар ва темир йўл ҳаракатининг барча турларини бирга кўшиш мумкин.(1.5.-расм).



**1.5.-расм Шахар кўприларига яқин жойда эстакадалардан фойдаланган ҳолда ҳаракатни ташкил этиш схемаси**

**1 - дарё; 2 - шахардаги қурилиши; 3 - кўчалар ва майдонлар; 4 - кўпrik олдидағи эстакадалар; 5 - кўпrik.**

### **1.3. Эстакада, йўл кўприк ва муракқаб транспорт кесишувлариға бўлган талаблар**

Эстакада, йўл кўприклири ва транспорт кесишувлариға қўйиладиган умумий, ишлаб чиқариш эксплуатацион, ҳисоб-конструктив, меъморий-режалаштирув, ва иқтисодий талаблар автомобиль йўллари ва шахар кўприклариға қўйиладиган талаблар билан бир хил. Бундан ташқари, улар иншоотларнинг ҳар бир тури учун ўзига хос бўлган бир қатор қўшимча талабларни ҳам қаноатлантириши керак.

**Шаҳар эстакадалариға** қўйиладиган қўшимча талаблар асосан куйидагилардан иборат:

1. кўчалар кесишган жойда қурилган эстакада оралиқларининг узунлиги бу кўчалар кенглигининг фақат унинг бутун узунлигининг унча катта бўлмаган қисмида аникланади. Қолган узунликда ва бошқа турдаги эстакадалар учун оралиқлар узунлиги меъморий талабларни ҳисобга олган ҳолда бутун иншоотнинг энг кичик қиймати шароитларидан аникланиши керак.
2. эстакадаларнинг оралиқли қурилмалари қурилиш баландлиги иложи борича кичик бўлиши керак, чунки бу унинг умумий узунлигини ва яқинидаги кўтармалар узунлигини камайтиради, бу эса шаҳар ҳудудида жуда мухимдир.
3. эстакаданинг умумий қиёфаси ва айниқса унинг таянчлари енгил бўлиши ва атроф-худуд ҳамда қурилиш билан уйғунлашган бўлиши керак. Таянч сиртлари ва оралиқ қурилмаларини pardozlash юқори сифат билан бажарилиши ва чиройли ташқи кўринишига эга бўлиши керак.
4. эстакада таянчларининг жойлашиши ва пойдевор турини танлаш мавжуд шаҳар ер ости тармоқларини жойлаштириш билан келиштирилиши ва уларни ўзгартириш ишларини имкони борича камайтирилиши керак.
5. эстакадалар бўйлаб ҳаракатланиш хавфсизлигига талаблар анча катъий бўлиши керак, чунки шаҳарда авария юз бериши, шаҳар ташқарисидаги иншоотларга қараганда анча оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Қоплама сирти йилнинг барча фаслларида автомобилларнинг ғилдираклари

билин яхши тармасиши керак. Транспорт қатнайдиган қисм чегаралари бўйлаб автомобиллар зарби ва босимидан ҳимоя қилиш учун ишончли тўсиклар ўрнатилиши керак.

6. эстакадаларни атроф мухитни ифлосланишдан ҳимоялаш талабларига мувофиқ каркасиклаб текшириш лозим. Эстакада қурилишлар орасида шундай жойлаштирилиш керакки, бунда атроф худуддаги эстакадага яқин турган уйларда шовқин ва газланганлик даражаси бўйича меъёрлар бузилмаслиги керак

7. эстакаданинг ёритилиши атрофдаги уйларда яшовчи одамларга халақит бермаслиги керак.

8. шаҳар эстакадаларидан сувларни чиқариш, табиий сув оқизиб юборилишига йўл қўймаслик шаҳар сув оқизиш тармоғига уланиши керак.

**Тармоқланган эстакадалар** ва эстакадалардан ташкил топган мураккаб кўп ярусли кесишувлар эстакадаларга қўйиладиган барча талабларни қаноатлантириши ва қўшимча тарзда қуйидаги талабларни ҳам қониктириши керак:

- кесишувларни режалаштириш, яруслар сони, бурилишларнинг радиуслари ва яқинлашишлар узунлиги атрофдаги шаҳар билан боғлик ҳолда бўлиши ва кесишишига ажратилган шаҳар худудининг қийматини хисобга олиш лозим;
- транспорт кесишуvinинг шакли асосан кесишувчи транспорт оқимларининг йўналиши ва жадаллиги ҳамда уларни биректириш тури билан аниқланиши керак:

**Автомобиль йўлларидағи йўл қўприкларга** қуйидаги талаблар қўйилади:

1. йўл қўприкларнинг оралиқлари ва уларнинг баландликлари кесишаётган йўлнинг кенглиги, у бўйлаб ҳаракатланиши ўлчови ва йўл қўприк остидаги йўл бўйлаб кўриниши шароитлари билан аниқланиши керак;

2. йўл қўприк остида автомобиль ҳаракати учун хавфсизлик шароитларига амал қилиниши, айниқса автомобилларнинг таянчларга ва йўл қўприк оралиқ

қурилмаларининг паст қисмига урилишлардан ҳимоялаш шартларига амал қилиниши лозим;

3. йўл кўприк бўйича бош йўл устидан иккинчи даражали йўл ўтганда йўл кўприк кесиб ўтаётган бош йўлни лойихалаш шартларига бўйсуниши ва унинг ўқига перпендикуляр равишда жойлашиши керак.

Йўл кўприк бўйлаб бош йўл иккинчи даражали йўл устидан ўтганда бош йўл кўприкнинг қўриниши ва конструкциясини тўла белгилаб беради.

Эстакадаларнинг ёки йўл кўприкларнинг кенглиги ўтказилаётган ҳаракат жадаллигига боғлиқ. Битта ҳаракатланиши йўлининг кенглиги 3,5-3,75 м. ни ташкил этади, бир жинсли автомобил ҳаракатида битта йўлининг ўтказиш қобилияти соатига  $I_p=1000 \div 1500$  транспорт бирлигини ташкил этади. Агар кўприк (эстакада) бўйлаб назарда тутиладиган ҳаракатланиш таркиби маълум бўлса, келтирилган жадалликни қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$I = \sum k_i I_i \quad (1.1)$$

Бунда:  $I_i$  – i- туридаги транспортнинг жадаллиги,  $k_i$  – бир жинсли енгил машиналар ҳаракатига келтириш коэффициенти.

Келтириш коэффициентларини турли хил автомобиллар учун қўйидаги қийматларга teng деб қабул қилинади: енгил автомобиллар – 1; 3т гача бўлган юк автомобиллари – 1,5; 3 дан 5т гача бўлган юк автомобиллари – 2; 5т дан юқори юк автомобиллари ёки автобуслар – 2,5; троллейбуслар – 4; мотоцикллар – 0,5; велосипедлар – 0,3.

Ҳаракатланиш полосалари сони  $n$  ни кетма-кет уринишлар орқали қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$n = \frac{I}{I_p(k_{p1} + k_{p2} + \dots + k_{pn})} \quad (1.2)$$

бу ерда:  $I$  (1.1) формуладан олиб ўрнига қўйилади;  $k_{pi}$  – йўналишдаги ҳаракатни тақсимлаш коэффициентилари, улар қўйидагиларга teng деб қабул қилинади:  $k_{p1}=1$ ;  $k_{p2}=0,85$ ;  $k_{p3}=0,7$ ;  $k_{p4}=k_{p5}=\dots=k_{pn}=0,5$

$I_n$  – бир жинсли енгил ҳаракатда бир полосанинг ўтказиш қобилияти – соатига транспорт бирлиги.

Агар эстакада ёки йўл кўприкда пиёда ҳаракат мавжуд бўлса, тротуарнинг кенглиги  $T$ , пиёда ҳаракат интенсивлиги  $I_{pt}$  бўйича аниqlанади. Бу ҳолда  $0,75m$  кенгликда битта йўлакча  $I_{pt}= 600\div 800$  одам/соат интенсивликдаги пиёдалар оқимини ўтказади деб хисобласак, у ҳолда

$$T = 0,75 \frac{I_{pt}}{I_{pp}} \quad (1.3)$$

н ва  $T$  нинг қийматларига кўра транспорт қатнайдиган қисмнинг энг яқин меъёрий ўлчови ва тротуарларнинг эни қабул қилинади.

Эстакадалар ва йўл кўприклар кўпинча горизонтал эгри чизикларда жойлаштирилади. Бу ҳолда ҳар бир ҳаракатланиш полосасини горизонтал эгри чизиқнинг  $R$  радиусига боғлиқ ҳолда  $\Delta$  катталикка кенгайтириш тавсия этилади:

R, м...	750-550	550-400	400-300	300-200	200-125	125-90	90-60
$\Delta$ , м	0,2	0,25	0,3	0,35	0,5	0,6	0,7

Маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда эстакаданинг оралиқли қурилмаларининг умумий ўлчовлари ва кенглигини турлича белгилаш мумкин. Эстакаданинг тўлиқ кенглигини меъморий нуқтаи назардан ҳам, кўндаланг температура деформацияларини чеклаш шароитларидан ҳам,  $30\div 40m$  дан ортиқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай эстакадаларни эни  $15\div 20m$  дан бўлган иккита мустақил оралиқли қурилмаларга ажратиш маъқул. Агар эстакада атрофи қурилишлар билан сиқилган бўлса, у ҳолда оралиқли қурилмалар орасида бўлиниш полосаси бўйлаб бўйлама чок қилинади. Агар бундай сиқиб кўйиш бўлмаса, оралиқли қурилмалар бир биридан  $3-10m$  масофада жойлаштирилади, бу улардан исталганини қуришда

қулайликни таъминлайди. Ҳар бир бундай оралиқли қурилма одатда бир йўналишда харакатланиш учун мўлжалланади.

Асосий эстакадага тармоқларнинг эстакадалари қўшилганда ўтувчи полосаларни қисман транспорт харакатланадиган қисмнинг ён томонлари бўйича эҳтиёт полосалар кенглиги ҳисобига қилиш мумкин бўлиб, бунда охиргиларнинг кенглигини камида 0,75м қилиб қолдириш керак.

Эстакадаларни вертикал режалаштириш автомобиль йўллари ва шаҳар кўприклари меъёrlарига кўра бажарилади. Бўйлама қияликлар 4-5% дан ошмаслиги керак, улар иқлимини ва транспорт харакатланадиган қисмнинг қоплама турини ҳисобга олиб белгиланади. Кўчалар кесишадиган ёки автомобильлар ўтадиган жойларда эстакада остининг баландлиги пиёдаларнинг эркин ўтишини таъминлаш мақсадида камида 2,5м баландликда автомобиль харакатининг габарити билан аниқланади.

Мураккаб транспорт кесишувлари учун уларни режалаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шаҳарнинг икки магистралини транспорт кесишувларининг бир неча турлари ёки транспорт оқимлари кесишуvgан харакатни тўла ташкил этилган автомобиль йўлларини қараб чиқамиз. “Беда япроғи” туридаги икки сатҳдаги оддий кесишиш тахминан 6-7 га майдонни эгаллайди. Йўлнинг транспорт юрадиган қисмнинг энМесто для формулы.ини ҳисобга олмаган ҳолда ва транспорт юрадиган қисмнинг горизонтал эгри чизиклари радиусларини ўзгармас деб ҳисоблаб (1.6.-а расм), қуйидаги формула бўйича кесишиш эгаллайдиган майдоннинг  $F_1$  юзини ҳосил қиласиз

$$R_1 = \frac{R(1+\sqrt{2})}{\sqrt{2}-1} = 5,83 R;$$

$$F_1 = 4(R_1^2 - \frac{\pi R^2}{4}) = 0,86R_1^2 \approx 29,2 R^2 \quad (1.4)$$

бу ерда:  $R$ - ички айланиб чиқиши горизонтал эгри чизиги радиуси.

Харакатланишнинг учта сатҳи (1.6.-б расм) дан иборат ва иккинчи сатҳи ҳалқали эстакада жойлашган транспорт кесишуви кичикроқ майдонни эгаллайди, унинг  $F_2$  катталигини қуйидаги формуладан аниқлаш мумкин:


$$R=R_1(\sqrt{2}-1)=0,41R_1; \quad F_2=4R_1^2(1-\pi/4)=0,86R_1^2=5,1R^2; \quad (1.5)$$

бу ерда: R- ҳалқали эстакаданинг радиуси.

Ҳаракатланишининг тўрт сатҳли бўлган (1.6.-в расм) ва ўнга кетадиган эстакадаларда чапга бурилиш учун юриш йўллари жойлаштирилган билан транспорт кесишуви  $F_3$  майдонни эгаллайди.

$$R_1=2R; \quad F_3=0,86 R_1^2=3,44 R^2 \quad (1.6)$$

Бу ерда: R- чапга бурилиш учун эстакада ўрта қисмининг горизонтал эгри чизиги радиуси.



**1.6.-расм. Турли сатҳлардаги мураккаб транспорт кесишувлари схемалари  
1 – 4 - ҳаракатланишининг тегишли сатҳлари (биринчиси – ер сирти бўйича).**

Бу кесишувларда эстакадалар конструкцияларнинг узунлиги (таксиминан) транспорт ҳаракати қисмининг сатҳи баландлигига ва кириш йўллари қияликлигига боғлиқ. Ҳар бир ҳаракатланиш йўналиши учун

эстакадалар узунлигини хисобга олиб, бу кесишувлардаги эстакадаларнинг йигинди узунлайлари  $L_1$ ,  $L_2$ ,  $L_3$  ни ифодалардан ҳосил қиласиз

$$\begin{aligned} L_1 &\approx 4\left(\frac{H}{i} - \frac{h_H}{i}\right); \\ L_2 &\approx 8\left(\frac{H}{i} - \frac{h_H}{i}\right) + 2\pi R + 4\left(\frac{2H}{i} - \frac{h_H}{i}\right) = 16\frac{H}{i} + 2\pi R - 12\frac{h_H}{i}; \\ L_3 &\approx 4\left(\frac{H}{i} - \frac{h_H}{i}\right) + 4\left(\frac{2H}{i} - \frac{h_H}{i}\right) + 4\left(\frac{3H}{i} - \frac{h_H}{i}\right) = 24\frac{H}{i} - 12\frac{h_H}{i} \end{aligned} \quad (1.7)$$

бунда:  $H$ - автомобиль йўли габарити баландлиги ва эстакада оралиқли қурилмаси қурилиш баландлиги йифиндисига тенг ҳаракатланишининг битта сатҳи баландлиги;  $h_H$ - эстакада бошланган жойдаги қўтарма баландлиги;  $i$ - эстакадаларда қабул қилинган бўйлама қиялик.

Ҳаракатланиш сатҳининг таҳминий баландлигини  $H=6\div 7m$  деб қабул қилиш мумкин.

Кираверишдаги қўтартмаларсиз кўп ярусли транспорт кенсишувишининг умумий қиймати қўйидаги қўринишда баҳоланиши мумкин.

$$C = C_r F + \sum C_s L_i B_i \quad (1.8)$$

бунда  $C_r$  – шаҳар юзаси бирлигининг ўртача қиймати бўлиб, у биноларни бузиш қийматини ер ости тармоқларини ўтказишни, худудни режалаштиришни ва инженерлик тайёргарлигини ва ҳ.к.ларни хисобга олади;  $C_s$  – оралиқли қурилмалар, таянчлар қийматини ва уларни барпо қилишга ҳаражатларни хисобга олган ҳолда битта ҳаракат йўналиши учун эстакаданинг транспорт ҳаракатланадиган қисми юзаси (майдони) бирлигининг ўртача келтирилган қиймати;

$B_i$  – битта ҳаракатланиш йўналиши учун эстакаданинг кенглиги

Транспорт кесишувишининг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун (1.4)-(1.8) формулалар етарлича аниқ эмас, лекин режавий ечимларнинг вариантларини таққослаш учун хизмат қилиши мумкин. Транспорт кесишувларининг бошқа турлари учун худди шунга ўхшаш формулаларни олиш мумкин.

Шаҳар эстакадалари горизонтал эгри чизикларининг минимал радиуслари 100-300 м. ни ташкил этади. Жой тифиз бўлган ҳолатларда тушиш жойларида ва ҳаракатланиш кам бўлган тармоқланишларда улар 20-30м гача камайтирилиши мумкин.

Масалан, ҳаракатланиш тезлиги 30-40км/соат учун горизонтал эгри чизиклар радиусларини 1.6- расм бўйича  $R = 50$ м қилиб қабул қилиш мумкин. У ҳолда  $F_1=7,5$ га,  $F_2=1,3$ га,  $F \approx 0,9$ га, яъни кесишиш турига боғлиқ ҳолда унинг юзи 8 марта ўзгариши мумкин.  $H=6$ м,  $h_H=3,5$ м ва  $i=0,03$  бўлганда эстакадаларнинг йигинди узунлиги  $L_1 \approx 330$ м,  $L_2 \approx 2100$ м,  $L_3 \approx 3400$ м teng  $F_1$  ва  $L_1$  оқилона нисбат  $C_1$  ва  $C_2$  қийматларининг нисбатига ва  $B_i$  кенгликка боғлиқ бўлади.

#### **1.4. Темирбетон эстакадаларнинг, оралиқ қурилмалари, таянчларининг асосий тизимлари ва турлари.**

Темирбетон эстакадалар шаҳарларда ва автомобиль йўлларида энг кўп тарқалган. Уларни, одатда, тўсинли ёки ромли тизимда барпо этилади.

Тўсинли эстакадалар кирқимли (оддий) ёки кирқимсиз ва жуда кам ҳолларда консолли қилиб барпо этилади.

**Тўсинли қирқимли эстакадалар** оралиқли иншоотларнинг иккита таянч қисмларидан тушадиган вертикал босимларнинг ва тормоз ёки марказдан кочма кучлардан тушадиган горизонтал кучланишларни заминга узатилинишини таъминловчи таянчларга эга бўлиши керак. Қирқимли тўсинли оралиқли иншоотлар ўтиб кетаётган автомобилларда турткilarни вужудга келтиради, шунинг учун бир қатор ҳолларда хароратли-қирқимсиз оралиқли иншоотлар қилинади, яъни оддий тўсинли ва транспорт қатнайдиган қисми қирқимли ва қирқимсиз тизимлар ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди.

Тўсинли қирқимсиз эстакадалар фойдаланишда анча қулай, материал сарфланишига кўра анча тежамкор бўлиб, ингичка оралиқ таянчларга эга

бўлиши мумкин. Ҳарорат деформациялари ва горизонтал кучлар уларда четки таянч-тиргакларга узатилади, буларни етарлича залворли қилиш мумкин. Қирқимсиз эстакаданинг катта умумий узунлигига оралиқли иншоотлар 50-60 м узунлиқдаги баъзида ундан ҳам ортиқ алоҳида кўп оралиқли кирқимсиз секцияларга бўлинади, уларни учлари бўйлаб деформация чоклари ва янада кучли ёки жуфтланган таянчлар қурилади.

Кўпинча кирқимсиз оралиқли иншоотлар таянчларнинг учи билан бикр бириктирилиб, конструкцияни кўп оралиқли ромлар қирқимсиз тўсинларга ўхшаш ҳолда секцияларга ажратилади. Таянчларнинг схемалари ва тупроқ шароитларига боғлиқ ҳолда ромлар пойдевор билан шарнирли ёки бикр ҳолда бириктирилиши мумкин.

Конструкциясининг турига кўра эстакадаларнинг оралиқли иншоотларини: плитали, қовурғали ва кутисимонларга ажратиш мумкин. **Плитали** оралиқли иншоотлар баландлиги ўзгармас ёки ўзгарувчан, бўйлама ва кўндаланг бўшлиқли яхлит кесимида қилиб қурилади. Қовурғали оралиқли иншоотларнинг кўндаланг кесимида ўзгармас ёки ўзгарувчан қалинликдаги бир неча қовурғага эга бўлади. Кутисимон оралиқли иншоотлар кўндаланг кесими бир контурли ёки кўп контурли бўлиши мумкин. Шунингдек қурилиш баландлиги пасайтирилган кенг кўп контурли оралиқли иншоотлар ҳам кўлланилади.

Темир бетон эстакадаларнинг таянчларини шартли равишда қуидаги турларга ажратиш мумкин: тиргаклар, устунлар (яхлит ва тармоқланган), ромлар ва деворлар (яхлит ва тармоқланган)

Ўлчамлари унча катта бўлмаган тўғри тўртбурчак ёки кўп бўшлиқли **таянч-тиргаклар** учларида: шарнирли ёки бикр таянишга эга. Эстакаданинг кўндаланг кесимида бундай устунлардан битта ёки бир нечтаси жойлаштирилиши мумкин. Устунлар умумий ригель билан бириктирилмайди, балки бевосита оралиқли иншоотни ушлаб туради. Улар одатда, кирқимсиз тизими эстакадаларда кўлланилади.

**Таянч-устунлар**, одатда, эстакаданинг кўндаланг кесимида биттадан ўрнатилади. Устунлар яхлит ёки ичи бўш, оралиқли иншоотлар ва пойдевор билан бикр ёки шарнирли бириктирилган бўлиши мумкин. Кўндаланг кесимида устунларга думалоқ, эллипс ёки бошқача шакл берилади, баландликда эса уларни цилиндрик ёки конусли қилиб қўйилади. Баъзида устунларнинг юқори қисми алоҳида тиргакли тармоқлагичларга бўлинади. Устунли таянчларни ромли эстакадаларда қўллаган маъкул, бунда оралиқли иншоотларни тўртта нуктасига тираб, фазовий бикрлик вужудга келтирилади.

Ригель билан бикр бириктирилган устунлар эстакаданинг кўндаланг кесимида ром таянчларини хосил қиласди. Устун-оёкларни пойдеворга бикр маҳкамланган холда ёки шарнирли тираган холда вертикал ёки оғма қилинади. Ромнинг ригели оралиқли иншоот остида жойлаштирилиши мумкин. Ром таянчларининг конструкцияси эстакадани режалаштиришнинг махаллий шароитларига кўп жихатдан боғлиқ. Баъзида уларни носимметрик, катта консоллар билан ёки бошқа ноодатий шаклда қилишга тўғри келади.

**Таянч – деворларнинг** эни анча катта, қалинлиги ҳам каттагина бўлиб, у оралиқли иншоотлар ва пойдеворлар билан шарнирли ёки бикр равишда бириктирилиши мумкин. Кўпинча шарнирли таянишга деворлар бикр беркитилган холларда ҳам, уларнинг қалинлиги кичиклиги ва эстакаданинг оралиqlари бўйлаб мослашувчанлиги хисобига таянч-деворларни икки нуктада таянтирган холда тўғри тўртбурчакли, трапециясимон қилинади. Улар консолли ва тармоқланмайдиган оралиқли иншоотлар остида қўлланилади. Таянчларнинг бошқа турлари ҳам бўлиши мумкин бўлиб, уларнинг икки ва ундан ортиқ асосий турлари аралаш ишлатилади.

Эстакадаларнинг асоси темирбетонли тиргак деворлар кўринишида ишланади ва уларнинг конструкцияси автомобиль йўллари кўпприкларининг асосларидан жиддий фарқ қилмайди. Темирбетон эстакаданинг конструкциясини танлашда уни қуришда қабул қилинган усул катта

аҳамиятга эга бўлади. Кўпинча қабул қилинган конструкциядаги эстакадаларни куриш учун яхши ишлаб чиқилган технология ва комплекс курилма, уларнинг камроқ материал сарфига эга, аммо тайёрланиши анча сермеҳнат бўлгандарига нисбатан қўлланилишининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини белгилайди.

Курилиш турига кўра эстакадаларнинг конструкцияларини яхлит қўйма, йиғма-яхлит қўйма ва йиғма турларга ажратиш мумкин. Яхлит қўйма эстакадалар курилиш жойида бевосита колипга жойланадиган бетондан барпо этилади. Йиғма-яхлит қўйма эстакадалар олдиндан тайёрланган йиғма элементлардан барпо этилган конструкция, йиғма қисм билан ягона бутунга бирлаштирилган яхлит қўйма бетондан иборат бўлади. Бундай конструкцияларда йиғма ва яхлит қўйма бетоннинг ҳажмлари бўйича бир-бирига яқин бўлади. Йиғма эстакадалар тўла равишда олдиндан тайёрланган элементлардан қурилади. Яхлит-қўйма бетон бу холда ҳам чоклар, бирикиш жойлари ва ҳ.к.ларни тўлдириш учун фойдаланиши мумкин, лекин унинг ҳажми йиғма бетоннидан бир неча марта кам бўлади.

Баъзида эстакаданинг оралиқли иншоотлари ва таянчларини куриш усуслари турлича қилиб белгиланади. Масалан, оралиқли иншоотлар тўлиқ холда йиғма бўлганда таянчлар яхлит-қўйма қилиб ишланиши мумкин.

Ишларни амалга ошириш усулини танлаш эстакадани режалаштиришнинг маҳаллий шароитларига, йиғма темирбетон заводлари ва курилиш жихозларининг мавжудлигига, қурилиш амалга оширилаётган худуднинг иқлим шароитларига ва бошқа омилларга боғлиқ.

## **1.5. Шаҳар кўприклари ва транспорт иншоотлари архитектураси**

Шаҳар кўприклари – муҳим архитектура объектлари, бинолар, боғларнинг қадимий ва замонавий месъморий ансамбллари катори шаҳарнинг

умумий қиёфасини яратиб фақат унга хос бўлган хусусиятларни ва ўзига хосликни беради. Кўприк яратадиган эстетик тасаввур унинг меъморий хусусиятларига ва кўприкнинг қиёфаси атроф мухит билан қандай уйғунлашишига боғлиқ бўлади.


Иншоотнинг меъморий хоссаларига таъсир қилувчи омилларнинг хилма-хиллиги бирор ҳил андозаларни яратиш мумкин эмаслигини ва у ёки бу ечимни танлаш ҳам конструкциянинг, ҳам уни лойихалаштирилаётган одамларнинг шахсий хусусиятларига боғликларини кўрсатади. Шу билан бир вактда айрим умумий коидаларни ажратиб кўрсатиш мумкинки, уларни шаҳар кўприклари ва транспорт иншоотлари инженер курувчиси билиши зарур.

Шаҳар кўпригининг умумий қиёфасини танлашда унга дарё томондан ва унга яқин жойлардан кўриниши катта аҳамиятга эга. Кўприкни қанча кўп нуқтадан кузатиш мумкин бўлса, иншоот шунчалик хилма-хил ва қизикарли кўринади. Лойихалашда бу барча мумкин бўлган ресурсларни кўприкни ўраб турган бинолар билан биргаликда кўриб чиқиш зарур. Шунингдек кўпридан туриб шаҳарнинг атрофдаги худудларининг ва дарёнинг кўринишини ҳисобга олиш ва атрофдаги қизикарли деталларни конструкциялар билан тўсиб кўймаслик керак.

Кўприкка узоқдан назар ташлаганда унинг силуэти ва умумий шаллари асосий таассурот яратади. Архитектурада конструкция ва материал ишининг бадиий ифодаси тектоника деб аталади. “Енгил”, “огир”, “массив” ва ҳ.к. тушунчалар иншоотнинг тектоник хусусиятларини кўриб идрок қилишнинг натижаси ҳисобланади. Иншоотнинг тектоникаси кўприкнинг кучлари ва конструктив хусусиятлари кучларининг ҳақиқий ўйинини ва маҳаллий шароитлар ёки умумий композицион ғоя туфайли иншоотга конструкциянинг ўзи эга бўлмаган кўриниш (масалан, ичи бўш ромни арк кўринишида тасаввур қилиш) бериладиган хиссиётни таъкидловчи реал восита бўлиши мумкин.

Иншоотни тектоник идрок қилиш учун массаларни оралиқли иншоотларда ва таянчларда тақсимлаш асосий аҳамиятга эга. Бу турли хил күч омиллари таъсир қилганда кўприкнинг конструктив элементларининг ишлашига ҳам таалуклидир.

Кўприкка яқин масофага яқинлашганда уни кўриб идрок қилишда меъморий деталлари катта аҳамиятга эга бўлади. Улар инженерлик иншоотининг анча катта ўлчамларидан одам билан ўлчовдош элементларига ўтишни юзага келтиради. Меъморий деталлар, карниزلар, парапетлар, зинапоя тушишлари, тутқичли тўсиклар, ёритиш устунлари, хайкаллар ва ҳ.к. кўприк бўйлаб ёки дарё соҳилидан ўтиб бораётган одамлар учун кўприк композициясининг ўзига хослигини вужудга келтиради (1.7.-расм).



1.7.-расм. “Тошкент шаҳар Paxtakor” стадиони яқинидаги Анхор соҳилидаги шаҳар кўприги

Кўприк устидан транспорт воситаларида ўтиб бораётган йўловчилар учун у шаҳар автомагистралининг таркибий қисми хисобланади. Шу билан бирга, кўприк майдон сингари, шаҳар кўчасида энг муҳим ўринни эгаллайди,

шунинг учун кўприкни узунлиги бўйича композицион ажратиш керак. Бундай ажратишга меъморий деталлар – кўприкнинг бирор нуқталарини қайд қилувчи фазовий мўлжаллар, масалан, унинг бошланиши ва охири, таянчлар, оралиқларнинг ўрталари ва х.к.лар орқали эришилади. Бу деталларнинг кўприк бўйлаб ўтишида, айниқса узун кўприкларда, монотон такрорланмаслиги учун турли интерваллар (оралиқлар) билан бажариш мақсадга мувофиқ. Уларни хаддан ортиқ тез-тез жойлаштириш ҳам керак эмас, чунки катта ҳаракат тезликларида улар бир-бирига кўшилиб кетгандек кўринади. Йўловчи иккита асосий кесишувчи йўналиш кўприк ва дарёни аниқ сезиб туриши керак.

Кўприк конструкцияси атрофдаги шаҳар меъморий ансамблига органик тарзда киришиб кетиши керак. Бундай кўшилишга турли хил усуллар билан, эришилиши мумкин. Кўприк, айниқса унинг таянчлари ва асослари ташқи қисмининг материал ва унинг хусусиятига кўра соҳиљдаги конструкциялар билан уйғуналиши керак. Кўприк сиртларининг материаллари ёки фактураларининг атрофдаги биноларнинг материаллари билан бирлигини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек кўприкнинг ва атрофдаги биноларнинг масштаблари бирлигига амал қилишга интилиш зарур. Кўприкнинг кўриниши қўшни қурилишларни тўсиб кўювчи, безор киладиган бўлмаслиги керак.

Конструкцияларда қизиқиши уйғотмайдиган, бир хил кўринишидаги таассурот қолдирувчи оддий монотон ритмлардан қочиш керак.

Худди шунга ўхшаш меъморий талаблар шаҳар эстакадаларига нисбатан ҳам қўйилади. Эстакада бўйлаб ўтаётганлар учун атрофдаги биноларни, кесишувчи кўчаларни ва майдонларни тўсиш керак эмас, шунинг учун транспорт ҳаракатланадиган қисм устида, иложи борича камроқ конструктив ва ёрдамчи элементларни чиқариш керак. Тутқичли тўсиклар ва айниқса уларни ёритиб туриш учун устунларни оддий ва ёнгил қилиш керак. Ёритиш устунларини оралиқли иншоотларда улардан бири вазиятга кўра оралиқнинг ўртаси билан мос тушадиган қилиб жойлаштирумаслик керак.

Эстакаданинг четдан кўриниши иншоотнинг енгиллиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиши керак. Бунинг учун оралиқли иншоотларнинг курилиши баландлигини конструктив ва кўриш нуктаи назаридан камайтиришга ҳаракат қилинади: тутқичларни сийрак жойлашган устунлар ва пўлатдан, ёки алюминийдан бўйлама элементлар билан қилинади, транспорт қатнайдиган қисмнинг четларига туташ хавфсизлик тўсинларини имкони борича қўлланилмайди, четки тўсинларда тротуар консоллари берилади, улардан тушаётган соя гўёки тўсинлар баландлигини камайтириши учун тўсинлари баландлиги кичик бўлган плитали ёки қутисимон оралиқли иншоотлар ва ҳ.к.лар қўлланилади.

Пиёдалар учун эстакаданинг пастдан кўриниши катта аҳамиятга эга. Бу ерда таянчларнинг тури, таянчлар сиртларининг ва оралиқли иншоотлар пастки қисмининг фактураси, ранги ва уларни белгиловчи омиллар ҳисобланади. Таянчларни имкони борича анча енгил, эстакада остидаги фазони тўсиб қўймайдиган қилиш керак. Кўп устунли ёки деворли таянчлар бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Оралиқли иншоотларнинг пастки қисми силлиқ тўғри чизиқли ёки бир текис букилган сиртларда анча қулай кўринишга эга бўлади. Шаҳарларда кўп қовурғали оралиқли қурилмалар унча оқилона эмас. Пастки сиртларни ёғоч опалубка излари бўлган бетонли қилиб қолдириш, пардозлаш, силлиқлаш ёки бўяш мумкин.

Оралиқли иншоотлар ва таянчларни уларнинг конструктив бирлигини таъкидлаш учун битта рангга бўяш ёки оралиқли иншоотни таянчлардан ажратиб, фарқлантирувчи рангларга бўяш мумкин. Оралиқли иншоотлар оч рангда бўлганда, таянчларнинг тўқ рангда бўлиши таянчларнинг енгиллигини ва ўлчамлари кичик эканлигини таъкидлайди. Баъзida эстакадаларнинг пастки сиртида ёриткичлар жойлаштирилади.

Эстакадаларнинг оралиқли иншоотлари ва шакли уйғунлашиши керак. Оралиқли иншоотларнинг текис, думалоқланган шаклида таянчларни ҳам шундай шаклда тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Баъзida таянчлар ўз шаклига кўра оралиқли иншоотларни гўёки давоми бўлиши мумкин.

Оралиқли иншоотларнинг бурчакли, кескин шаклдор бўлиши худди шундай бурчаксимон таянчларнинг қўлланилишига йўл қўяди. Худди шуни эстакадаларнинг тармоқланиш шаклида ҳам айтиш мумкин. Оралиқли иншоотларни барча ўткир учларини думалоқлаб, текис қилиб ёйиш ёки аккаркаса, тармоқланишларнинг кескинлигини таъкидлаш мумкин.

Узун эстакадаларнинг таянчларини ҳар хил қилиш мақсадга мувофиқ. Бунга оралиқларнинг катталикларини, таянчларнинг шаклини ёки уларнинг кўндаланг йўналишида сонини ўзгартириш орқали эришиш мумкин. Баъзида таянч устунларини шахмат шаклида жойлаштириш ҳам мумкин. Янги шаҳар туманларида буни бажариш осон, чунки замонавий турар жой ва жамоат бинолари эстакадаларнинг енгил ва жадал шакллари билан яхши уйғунлашади, эстакадаларни эски курилган қўчалар ва майдонларга мослаштириш анча мураккаб. Бу ерда курилиш услуби билан уйғунлашувчи меъморий деталларни, сиртлар фактурасини ва таянчлар шаклини кенгроқ қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Пиёда қўпиклари қўпинча шаҳардаги боғларда (паркларда) ёки дам олиш худудларида курилади. Уларнинг архитектураси бу худудларнинг умумий композицион ғояси билан уйғунлашиши керак. Сохилларнинг тиргак деворлари атрофни ўраб турган биноларнинг материали билан безатилади. Одатда бу тош билан пардозлаш, баъзан эса бетон сиртларда кўринади. Агар дарё сохили эстакада конструкцияси билан кенгайтирилса, бунда эстакаданинг таянчларини ва оралиқли иншоотлар остидаги коронгу фазони ёпиб турувчи декоратив деворларни назарда тутиш керак. Сохилларнинг панжара-тўсиклари уларнинг умумий меъморий қиёфаси учун катта аҳамиятга эга. Яхлит тош панжара-тўсиклар анча оддийдир, лекин улар паст енгил автомобилларда сохил бўйлаб ўтиб кетаётган йўловчиларга дарё манзарасини беркитиб қўяди, дарё томонидан эса биноларнинг пастки қаватларининг кўринмаслигига сабаб бўлади. Шунинг учун янги курилаётган сохилларга ораси очиқ панжара-тўсиклар ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Сохилларда даврий равища дарёга тушадиган зинапояли йўллар қуриш керак. Улар пиёдаларга сув сатхи ёнига бевосита яқин боришга имкон беради ва унча катта бўлмаган сайр қилиш кемалари (қайиқлари) учун мўлжалланган бандаргоҳлар билан қўшиб олиб борилиши мумкин.  $180^{\circ}$  дан катта бурчак ташкил этувчи сохилларнинг чизиклари узилган жойларда сухбатхона-ровондали томоша қилиш майдончаларини ташкил этиш яхши бўлади. Дарё бўйида жойлашган маҳобатли бинолар яқинида сохилларни бинони ўраб турган майдоннинг умумий меъморий безагига киритиш мумкин.

Катта биноларга олиб борувчи шаҳар транспорт иншоотлари ва уларга хизмат кўрсатувчилар ўз архитектурасида бу биноларнинг композициясига бўйсунади.

**Назорат саволлари:**

1. Сунъий иншоотларни қандай асосий гурухларга ажратиш мумкин?
2. Кўпприк ва виадук қаерда барпо этилади?
3. Йўл кўпприклар ва эстакадалар қандай гурухларга бўлинади?
4. Йўл кўпприклар эстакададан нима билан фарқ қиласиди?
5. Эстакадалар қаерда кўлланилади?
6. Мураккаб транспорт кесишувлари қаерда барпо этилади?
7. Мураккаб тармоқланишлар ва кўп ярусли эстакадалар қандай мақсадларда қурилади?
8. Қандай иншоотлар II гурух транспорт иншоотларига киради?
9. Транспорт иншоотларининг умумий вазифаси нимадан иборат?
10. Шаҳар кўпприкларига қандай талаблар кўйилади?
11. Ҳудудларнинг вертикаль профили ва ўтиш режаси бўйича қандай асосий талаблар кўйилади?
12. Кириш эстакадалари қандай жойлаштирилади?
13. Шаҳар кўппригига икки йўлли трамвай қандай ўтказилади?
14. Қандай кўпприклар шаҳар ва темир йўл харакатининг барча турларини қўшиб олиб бориши мумкин?
15. Автомобиль йўлларида шаҳар эстакадалари ва йўл кўпприкларга қандай талаблар кўйилади?
16. Эстакадалар ва йўл кўпприкларнинг кенглиги нимага боғлиқ?
17. Эстакадаларнинг оралиқли иншоотлари кенглиги қандай белгиланади?
18. Темирбетон эстакадалар қандай конструктив тизимларга эга?
19. Қандай холатларда ҳарорат қирқимсиз оралиқли иншоотлар қурилади?
20. Темирбетон эстакадаларнинг таянчларини шартли равища қандай турларга ажратиш мумкин?
21. Курилиш турига кўра эстакадаларни қандай турларга ажратиш мумкин?
22. Архитектурада тектоника деб нимага айтилади?
23. Шаҳар кўпприклари ва эстакадаларига қандай меъморий талаблар кўйилади?
24. Сохиллардаги панжара-тўсиклар қандай бўлиши керак?

## **2. ШАҲАР КЎПРИКЛАРИ**

### **2.1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Йўлнинг ва ундан ўтаётган транспорт воситаларининг турига қўра кўприклар қуидагиларга бўлинади:

- автомобиль йўллари учун – автомобиль йўллари бўйича барча турдаги транспорт воситалари ва пиёдаларни ўтказиш учун;
- темир йўл – темир йўл поездларини ўтказиш учун;
- шаҳар – барча турдаги шаҳар транспорти (автомобиллар, троллейбуслар, трамвайлар, автобуслар)ни ва пиёдаларни ўтказиш учун;
- пиёдалар - фақат пиёдалар ўтиши учун;
- аралаш – бир вақтда автомобиллар ва темир йўл поездларини ўтказиш учун;
- маҳсус – қувур ўтказгичлар, кабеллар ва бошқа шаҳар тармоқларини ўтказиш учун.

Дарёни кесиб ўтишда бунёд этиладиган иншоотлар мажмуи **кўприкли ўтишини** ифода этади. Унинг таркибига кўприк, унга олиб борадиган йўллар, сув оқими йўналишини тартибга солиш иншоотлари, шунингдек, қирғоқни мустаҳкамловчи, тўсувчи ва бошқа қурилмалар киради.

Кўприкли ўтиш мажмуига киравчи ва юқори сув тошқинлари, кемалар, ва йилнинг айрим вақтида ёғоч оқизишни ўтказувчи кўприклар **юқори сувли кўприклар** дейилади (*2.1.- a, b расм*). Сув тошқини пайтлари сув босадиган кўприклар **паст сувли кўприклар** дейилади ва доимий кўприкни куриш вақтида ва бошқа шароитда қирғоқлар орасида қисқа муддатли алоқа учун қўлланилади.


Ажраладиган ва сузувчи кўприклар оралиқ ҳолатни эгаллайди. Ажраладиган кўприклар остидан кемалар ўтиши мумкин бўлмаган даражада қўлланилади. Шунинг учун кўприкнинг бир қисмини (очилувчи оралиқ иншоотини) юкорига ёки бир томонга очиладиган килинади (*2.1.- e расм*).

Ажраладиган күпприкларда күпприк очилган ҳолатда транспорт воситалари ҳаракатида ёки дарё бүйича күпприк ёпилган ҳолатда танаффус бўлиши муқаррар.

Сузувчи күпприклар сувда сузувчи ва ундан ўтувчи күпприк конструкциясини кўтариб турувчи понтонларда ёки баржаларда ўрнатилади. (2.1.- г расм). Бундай күпприклар юқори сувли күпприкни қуриш жуда киммат бўлганда ва күпприк бўйлаб кутилаётган ҳаракат ўзини оқламайдиган ҳолатда кенг ва чукур дарёларда кўлланилади. Кемаларни ўтказиб юбориш учун, чиқарувчи секциялар кўзда тутилади. Муз кўчиши вақтида, баъзида муз туришининг бутун даврида сузувчи күпприклар йиғиб олинади. Күпприк ёки бошқа күпприк иншооти (йўл күпприк, виадук, эстакада ) оралиқли иншоотлардан ва таянчлардан иборат (2.1.- а расм). Оралиқли иншоот – бу күпприк конструкцияси бўлиб, таянчлар орасидаги фазони қоплаб, күпприкдан ўтаётган барча юкланишларни кўтариб туради ва ҳам уларнинг, ҳам ўзининг оғирлигини таянчларга узатади. Таянчлар оралиқли иншоотдан тушаётган юкланишларни қабул қиласи ва уни асос грунтига узатади. Кўпприкка кириш кўтартмаларига ёндашган таянч чекка таянчлар дейилади, массив оралиқ таянчлар букачалар деб айтилади. Оралиқли иншоот юк кўтарувчи конструкциядан (тўсинлар, фермалар, аркалар ва х.к.) ва транспорт қатнайдиган йўл қисмининг тротуар ва бошқа барча ёрдамчи элементлари бўлган конструкциядан иборат. Агар транспорт қатнайдиган йўл қисми оралиқли иншоот устида бўлса, у ҳолда **кўпприкни юқоридан юриладиган кўпприк** (2.1.-а- расм, 4), агар йўлнинг транспорт қатнайдиган қисми оралиқли иншоот тагида бўлган ҳолда **пастидан юриладиган кўпприк** дейилади (2.1.- а расм,5). Юриши пасайтирилган ёки ўртаси бўйлаб юриладиган кўпприкларнинг транспорт қатнайдиган қисми оралиқли иншоотлар баландлиги чегарасида бўлади (2.1.- расм, 8).

Оралиқ иншоотлари тайёрланган материалига кўра кўпприклар металл (пўлатдан), темирбетон, бетон, ёғоч ва тошли турларга бўлинади. Баъзида битта кўприқда ҳам металл, ҳам темирбетон оралиқ иншоотлари учрайди.

Оралиқ иншоотларнинг юк күттарувчи конструкциялари статик схемасига кўра кўприклар тўсинли, аркали, ромли, осма ва шу каби бошқа тизимларга бўлинади.. Шунингдек икки ёки бир нечта оддий, масалан, тўсинли ва аркали тизимларнинг қўшилиши қўринишидаги омихта тизимли кўприклар, баъзан эса тирговучлар тирадан тўсин қўринишидаги тиргакли тизим ҳам қўлланилади.



2.1.- расм. Кўприкларнинг асосий турлари

1- кўприк олди кўтармаси; 2- кўтарма конуси; 3- чекка таянч; 4- устидан юриладиган оралиқли иншоот; 5- пастидан юриладиган оралиқли иншоот; 6- оралиқ таянч (буқача); 7- таянч пойдевори; 8- қатнов ўртасида бўлган оралиқли иншоот; 9- ажсалувчи оралиқли иншоот; 10- сузуви таянч.

**Юқори сувли** кўприк тошқин сувларини узлуксиз ўтказишни таъминлаши керак, шунинг учун кўприкнинг оралиқли иншоотларининг пастки кисмини юқори сув сатҳи (ЮСС)дан 0,5-1м юқорида жойлаштириш керак. Юқори сувлар сатҳи – бу дарёда кўприкдан ўтиш жойидаги сувнинг энг баланд сатҳи гидрологик кузатиш маълумотларига кўра меёлларда

белгиланганидан ҳам юқори даражанинг пайдо бўлиш эҳтимоли бўлмайдиган шартдан аниқланади. Агар дарёда кема қатнови мавжуд бўлса, у холда оралиқ иншоотларининг пастки қисмининг ҳисобдаги сатҳи, мазкур дарё учун кема юриши габарити баландлигидан каттароқ баландликка кўтарилиган бўлиши керак. Ҳисобдаги кема юриши даражаси (сатҳи) – бу кема юрадиган даврда дарёдаги сувнинг энг юқори сатҳи бўлиб, у одатда ЮССдан бироз паст бўлади. Сув тошқинларидан кейинги даврдаги сувнинг ўртача сатҳи межен сувлар сатҳи (МСС) ёки межен сатҳи дейилади.

Кўприк, йўл кўприк ёки эстакада тўсиқни асосан тўғри бурчак остида кесиб ўтиши мумкин. Агар кесишиш бурчаги тўғри бурчакли бўлмаса, у холда кўприк қия бўлади. Баъзан кўприк ўқи режада эгри чизикли бўлиши ҳам мумкин.

Кўприкка яқин кўтартмага ёндош асосларнинг қиррали орасидаги кўприк ўқи бўйича  $L$  узунликни кўприкнинг узунлиги дейилади.  $L \leq L \leq 25\text{m}$  узунликдаги кўприклар кичик,  $25\text{m} < L \leq 100\text{m}$  узунликдаги кўприклар ўртача, ва  $L > 100\text{m}$  узунликдаги кўприклар катта кўприклар деб ҳисбланади. Кўприкнинг қўшни таянчлари орасидаги масофа оралиқ дейилади. Узунлиги  $L > 100\text{m}$ , лекин ораликларидан бири  $60\text{m}$  дан ортиқ бўлган кўприклар ҳам катта кўприклар қаторига киритилади.

Кўприк ва унинг элементларининг бошқа асосий кўрсаткичлари куйидагилардан иборат:

- **кўприк тешиги**, у кўприк остидаги сув кўзгуси эркин энига юқори сувлар сатҳи бўйича тенг  $L_0 = \sum l_{oi}$ ; бунда  $l_{oi}$  – ёруғликдаги таянчлар қирралари орасидаги масофа;
- **кўприк баландлиги**- Н, транспорт қатнов қисми сиртидан межен сувлар сатхигача бўлган масофа;
- **кўприк остидаги эркин баландлик**  $H_o$  – оралиқ иншоотларнинг пастки қисми билан юқори сувлар сатҳи ёки ҳисобий кема қатнови сатҳи (агар кема қатнови бўлса) оралиғи;

- **қурилиш баландлиги**  $h$  – транспорт қатнов қисмидан оралиқ иншоотнинг энг пастки қисмларигача бўлган масофа;
- **ҳисобий оралиқ**  $\ell$  – оралиқли иншоотнинг кўшни таянчларга таяниш ўқлари орасидаги масофа.

Кўприкнинг асосий ўлчамлари кўприкнинг вазифасини ва махаллий шароитларнинг бутун мажмуини хисобга олинган ҳолда, уни лойихалаш жараёнида белгиланади.

Сунъий иншоотлар – йўлнинг муҳим ва қиммат баҳо элементлари ҳисобланади. Автомобиль йўлларида, шаҳар кўчаларида уларни барпо қилиш ҳаражатлари шаҳар кўчалари ёки автомобиль йўли қийматининг тахминан 10% ини ташкил этади.

## 2.2. ЁГОЧ КЎПРИКЛАР

### 2.2.1. Ёғоч кўприкларнинг хусусиятлари

Кўприклар куришда ёғочдан қадимдан фойдаланиб келинади. Аввал курилган кўприкларнинг катта қисми ёғочдан барпо этилган.

XIX асрнинг бошида дастлабки темир йўллар пайдо бўлди. Улар катта оралиқли юқори таянчларга эга кўприкларни талаб қилувчи бир катор йирик дарёларни кесиб ўтгани учун тўсинли оралиқли иншоотларнинг янги тизимларига зарурият пайдо бўлди. Бундай тизимлардан бири АҚШ да 1820 йилда архитектор Таун томонидан таклиф этилди. Тауннинг оралиқли иншоотлари ёғоч нагелларида бириктирилган тахталардан иборат кўп панжарали фермалардан иборат эди.

XIX асрнинг 40-йилларида яна АҚШ да инженер Гау томонидан яратилган бошқа бир тизим фермаларнинг элементлари бруслардан ва факат устунлари металл тортқичлардан иборат эди. Бу тизимни рус инженери Д.И.Журавский (1821-1891) чукур ўрганиб, унинг конструкциясига бир катор янгиликлар киритди, ҳисоблаш усулини ишлаб чиқди ва бунинг натижасида тизим йирик ёғоч кўприкларни қуриш учун қўлланди.

Ёгоч кўприкларни қуришда катта ютуқлар XIX асрнинг бошида кузатилди. Ёгоч кўприклар автомобиль йўлларида ва шаҳарларда айниқса кенг қўлланила бошланди.

Ҳозирги даврда металл ва темирбетон кўприкларнинг кенг тарқалиши муносабати билан ёгоч кўприкларни қуриш ҳам техник, ҳам иқтисодий жихатдан мақсадга мувофиқ бўлмай қолди.

Шу билан бирга фойдаланилаётган ёгоч кўприкларнинг хизмат муддатини орттириш учун уларни чиришдан муҳофаза қилиш чораларини кўриш зарурлигини ҳам таъкидлаш лозим.

### **Материал**


Ёгоч яхши қурилиш материали бўлиб, ўртача солиштирма оғирлигининг кичиклиги, ишлов бериш осонлиги ва нисбатан мустаҳкам эканлиги билан ажралиб туради. Ёгочнинг қурилиш материали сифатида асосан даврий равишда намланиши ва қуриши шароитида чириши хавфлидир.

Ёгоч кўприклар учун игна баргли ва япроқ баргли дарахт ёғочлари қўлланилади. Қурилиш материали сифатида игна баргли дарахтлар яхшироқдир, чунки улар тўғри текис танага эга бўлиб, кам кўзли, анча юмшоқ, катронли ва эластик ёғочдир. Игна баргли турдаги ёғочлардан кўпинча қарағай, арча, тилоғоч, кедр ва пихта, япроқли дарахтлардан – эман, бук, граб, ясень, тол, терак, чинордан фойдаланилади. Табиий шароитда дарахтнинг танаси бўйлама букилиш билан сиқилишга, шунингдек кўндаланг букилишга ишлайди. Шунинг учун ёгоч материаллар бундай турдаги куч таъсиrlарига кўпроқ мослашган. Ёгочнинг тузилиши бир жинсли эмас. Танасининг кесимиға кўра ўзак қисми энг кам мустаҳкамликка эга; пўстлоғига яқин қатламида ёгочнинг мустаҳкамлиги ортади.

Дарахт танаси узунлиги бўйлаб йўғон тарафидан ингичка тарафи томон табиий конусликка эга. Бундай конуслик тахминан 1% ни ташкил этади.

Агар ёғоч танаси цилиндрик шакл билан ишлов берилса, бу холда ёғочнинг энг мустаҳкам қисми олиб ташланади ва бундан ташқари, дарахтнинг конус ясовчилари бўйлаб йўналган толаларининг катта қисми қирқилиб кетади (2.2.- a расм).

Ёғоч танасини брусга ёки тахтага арраланганда ёғоч яна кўпроқ мустаҳкамлигини йўқотади (2.2.- б расм). Шунинг учун ёғоч танасининг табиий конуслигини имкони борича сақлаш мақсадга мувофиқдир. Цилиндр шаклига келтирилган ёғоч, бундан ташқари, сермехнат қўлда ишлов беришни талааб этади.



2.2.- расм. Цилиндрик ва арраланган ёғоч материали схемалари

Кўприк конструкцияларида ёғочнинг энг мустаҳкам ва чидамли пўстлоғига яқин қатламларидан ҳоли равишда арраланган ёғочдан фойдаланилганда конструкцияларни чиришдан ҳимоя қилишига алоҳида эътибор бериш керак. Дарахтнинг механик сифатлари ёғоч призмаларни сиқилишига ва ғўлачаларни кўндаланг эгилишига синааб текширилади. Қарагай ёғочини мустаҳкамлик чегаралари намлиги 15% бўлган кичик стандарт намуналарни синашда кўйидаги қийматлардан паст бўлмаслиги керак:

- толалар бўйича сиқилишга ва эгилишга ..... 13,0 МПа
- толаларга кўндаланг сиқилиш ва эзилишга ..... 1,8МПа
- эгилишга ..... 13,0МПа

Сунъий иншоотларни ҳисоблашда қабул қилинадиган ёғочнинг ўртача солишишима зичлиги:

- қарағай, арча, кедр, пихта (антисептик шимдирилмагани).....6 КН/м<sup>3</sup>
- уларнинг ўзи, антисептик шимдирилгани .....7 КН/м<sup>3</sup>
- антисептик шимдирилмаган дуб, бук, шумтол, граб,  
тилоғоч .....8 КН/м<sup>3</sup>
- уларнинг ўзи, антисептик шимдирилгани .....9 КН/м<sup>3</sup>

Ёғочнинг намлиги W (% ҳисобида) қуидаги формула бўйича аниқланади

$$W=100(Q_1 - Q)/Q \quad (2,1)$$

бунда  $Q_1$  - текширилаётган ёғоч намунасининг оғирлиги;  $Q$  - 100<sup>0</sup> С хароратда доимий оғирликкача қуритилгандан кейинги оғирлиги.

Янги кесилган дарахтда намлик одатда 50-70% бўлади. Намлик ошиши билан ёғочнинг мустаҳкамлиги камаяди.

Қуриганда ёғоч ўлчамлари камаяди. Ёғочнинг толалари бўйлаб қуриши унча катта эмас; энг катта қуриш йиллик ҳалқалар бўйича рўй беради. Радиал йўналишда ва йиллик ҳалқалар бўйича турлича қуриш, шунингдек қуришнинг бир текисда бўлмаслиги сабабли, ёғоч қийшаяди ва ёрилади. Айниқса юпқа ёғоч материали кучли шакл ўзгартиради, бунда ёғочлар йиллик ҳалқалар қабариқлиги томонига қийшаяди (2.2.- в расм). Қуришда ёриқлар йиллик ҳалқаларга радиал ҳолда вужудга келади (2.2.- г расм).

Кўприклар учун намлиги 25% дан ортиқ бўлмаган, ярим қуруқ деб аталган ёғоч талаб этилади. Тилинган ёғоч тахталарнинг намлиги 20% дан ортиқ бўлмаслиги керак. Ёғочли фермалар ва конструкциянинг майда деталлари учун намлиги 15% дан ортиқ бўлмаган (ҳавода қуритилган) ёғочдан фойдаланиш керак.

Чиришга қарши антисептик билан ишлов берилган, яхши ёғоч материалидан ишланган кўприклар яхши назорат қилиб турилганда

25-30 йил ва ундан кўпроқ хизмат қиласи. Антисептик ишлов берилмаган ёғоч кўприкларнинг хизмат қилиш муддати ўртача фақат 12-15 йилни ташкил этади холос.

### **2.2.2 Ёғоч кўприкларнинг конструктив тизимлари**


Ёғоч кўприк тизимини ва конструкциясини танлаш курилиш баландлиги, хисобдаги вақтинча юкланиш, вертикал режалаштириш шартлари бўйича мавжуд оралиқлар катталиги, шунингдек маҳаллий шароитларга боғлик.

Унча катта бўлмаган дарёларни ва жарликларни кесиб ўтишда, шунингдек йўл кўприклар куришда оддий тўсинли тизим қўлланилади (2.3.- a расм). Оддий тўсинли тизим билан  $\ell=8\div10$ м оралиқлар, таркибий ёки елимланган тўсинлар қўлланилганда –  $10\div24$ м гача оралиқлар учун ишлатиш мумкин. Бир оралиқли тўсинли кўприкларда одатда  $\ell=4\div6$ м бўлади. Энг оддий тўсинли тизимдаги кўприклар нисбатан унча катта бўлмаган курилиш баландлигига эга бўлади.

8-10м дан 20м гача бўлган оралиқлар учун кўприкларнинг тиргакли тизимлари қўлланилган эди (2.3.- б расм). Ҳозирги вақтда сермехнат дурадгорлик ишлари туфайли улар қурилмаяпти, лекин 16-20м дан 40-50м гача бўлган оралиқларни ёпиш учун турлича кўринишдаги панжарали фермали тўсинли оралиқли иншоотлар қўлланилади. Бундай оралиқлар жуда кўп ҳолларда думалоқ ёғочдан тайёрланган Гау-Журавский фермали оралиқли қурилмалар ёки камдан-кам ҳолларда металл тортқич кўринишидаги устунли фўлачалардан иборат конструкция билан ёпилади (2.3.- в расм).

Ишончлилиги катта бўлиши ва хизмат кўрсатиш муддатини ошириш учун ҳам пастки, ҳам юқоридаги камар металлдан тайёрланиши мумкин. Гау-Журавский фермаларини заводда тайёрланган блоклардан монтаж қилиш мумкин. Шунингдек мих билан бириктирилган ёғоч фермали кўприклар ҳам

қўлланилади (2.3.- г расм). Ёғоч фермалар тайёрлашда қулай, лекин уларнинг умрбоқийлиги кам, шунинг учун улар асосан хизмат муддати чекланган кўприклар учун мақсадга мувофиқдир. Ёғоч фермалар ҳам заводларда тайёрланган блоклардан йигма бўлиши мумкин, 50-60м атрофидаги ораликларни ёпиш учун фақат аркали камар билан кучайтирилган панжарали фермалардан иборат аралаш тизим қўлланилиши мумкин. (2.3.- д расм) Бироқ бундай конструкция мураккаб ва қўполдир.



2.3.- расм. Ёғоч кўприкларнинг асосий конструктив тизимлари

### 2.3. Тош ва бетонли кўприклар


Табиий ва сунъий тош (гишт, бетон тош-блоклар) дан ёки бетондан қурилган кўприклар тош кўприк дейилади. Тош кўприкларнинг асосий юк кўтарувчи элементи қубба ҳисобланади (2.4.- расм). Қубба ўқининг тасвири парабола, эллипс, шунингдек қубба ўқи ҳисобдаги юкланишлар босими эгри чизигига иложи борича яқин бўладиган шартга яхшироқ жавоб берувчи, бошқа янада мураккаб эгри чизиклар бўйича қабул қилинади.

Қуббадаги кучланишларга қуббани кўтариш ўқининг киймати  $f$  катта таъсир кўрсатади.  $f$  нинг қубба кўтарилиши деб аталувчи қубба оралиғига нисбати  $f/\ell$  қанча катта бўлса, қуббанинг тиргаги шунча кичик бўлади  $f/\ell=1/4\div1/7$ .

Тош кўприклар бошқа материаллардан қурилган кўприкларга қараганда қуйидаги асосий афзаликкларга эга:

- хизмат кўрсатиш муддатининг катталиги;
- тош кўприкларнинг вазндорлиги туфайли уларга динамик таъсир кўрсатувчи вақтинча юкланишларнинг кам таъсир этиши;
- ташки кўриниши ва меъморий имкониятларининг кенглиги;

Асосий камчилиги – мураккаблиги ва қуришда сермеҳнатлиги, асосда мустаҳкам грунт бўлиши зарурлиги.



**2.4.- расм Тош кўприклар қуббаси**

Бетон кўприклар тош кўприкларнинг бошқа бир тури бўлиб, уларнинг қуббаси яхлит қўйма темирбетондан қурилган, бу эса ишларни механизациялашга имкон беради. Бетоннинг киришиш ва эластиклик модули Е нинг ҳамда чизиқли кенгайиш коэффициентининг қиймати катта эканлиги, уларда қўшимча кучланишларни ҳосил бўлишга олиб келади.

Тош кўприкларни табиий тошга бой бўлган ва мустаҳкам грунтларга эга худудларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

## **2.4. Темирбетон кўприклар**

### **2.4.1. Материаллар ва уларнинг тавсифлари**

Темирбетон биргалиқда ишлайдиган бетон ва пўлатдан ташкил топган материалдан иборат. Бетон сикилишига қанчалик яхши ишласа, чўзилишга шунча ёмон ишлайди, шунинг учун пўлат арматурани бетонда чўзувчи кучлар ҳосил бўлувчи зонага жойлаштирилади.

Бетон билан пўлат арматура ўртасидаги тармашув яхши бўлгани, шунингдек уларнинг харорат таъсиридаги кенгайишлари деярли бир хил бўлгани туфайли плита, тўсин, устун, арка қўринишдаги темирбетон элементлар қурилиш конструкцияларида яхши ишлайди. Бундан ташкари, пўлат арматура бетон ичидаги зангламайди. Замонавий темирбетон кўприкларда арматуралашнинг икки тури қўлланилади. Бетон жисмига стерженлар бирор бошланғич кучланишлар бермасдан ўрнатилиши мумкин. Бундай арматурали темирбетон эса арматураси зўриқтирилмаган темирбетон ёки оддий темирбетон дейилади. Арматура дастлабки чўзилишга дучор қилиниши мумкин. Бу ҳолда бетон зўриқувчи арматура кучланишилари билан сикилади. Бундай арматура-зўриқтирувчи, шундай арматурали темирбетон эса олдиндан зўриқтирилган темирбетон дейилади.

**Бетон.** Темирбетон кўприкларда портландцемент, сульфат бардошли портландцемент, глинозем цемент (тупроқ таркибида алюмин оксиди) ва ҳ.к лар қўшилган бетон ишлатилади. Портландцемент энг муҳим иншоотларда, сульфатбардошли портландцемент ва глиноземли цемент-денгиз, минералланган сув ёки бошқа тажаввузкор таъсиrlар остида бўладиган конструкцияларда қўлланилади. Цементнинг сифати унинг маркаси ёки фаоллиги билан белгиланади. Цементнинг маркаси бу цемент қоришмаси намунасининг 28 суткаликда сикилишга бўлган мустаҳкамлик чегарасидир. Кўприкларда одатда мустаҳкамлиги 30 дан 60МПа гача бўлган цементлар қўлланилади.

Кўпrik конструкциялари учун бетонни мустаҳкамлиги, совукқа бардошлилиги, айрим холларда эса сувга чидамлилиги ва сув ўтказмаслигининг талаб этиладиган шартларига боғлиқ ҳолда танлаб олинади. Бунда иншоотнинг ўлчовлари, мустаҳкамлиги ва ахамияти хисобга олиниши керак.

Кўпrik конструкцияларида сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича B15; B20; B22,5; B25; B30; B35; B40; B45; B50; B55; B60 синфли бетонлар қўлланилади. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларида қўлланиладиган арматура турига боғлиқ ҳолда, сиқилишга мустаҳкамлик синфи B25- B35 дан паст бўлмаган бетон қўлланилади. Бетоннинг олдиндан зўриқтирилган арматура билан сиқилиш пайтидаги мустаҳкамлиги конструкция учун қабул қилинган бетон маркасидан қатъий назар 30МПа дан кам бўлмаслиги керак.

Бетоннинг совукқа чидамлилик бўйича лойихавий маркаси навбати билан музлатиш эритиш циклининг сони бўлиб, улардан сўнг унинг сиқилишга мустаҳкамлиги кўпи билан 10-15% га камайиши мумкин. Темирбетон кўприкларнинг конструкциялари учун совукқа чидамлилик бўйича бетоннинг F100, 150, 200, 300 маркалари, жуда оғир шароитларда эса F400 ва 500 маркалари ишлатилади. Совукқа чидамлилик бўйича бетоннинг лойихавий маркаси конструкциянинг кўриб чиқилаётган қисмини барпо қилиш ва жойлашиш ҳудудида: сув усти сатҳи ўзгарувчи жойларда сув ости, доимий музлик ҳудудида ва ҳ.к.да энг совук ойдаги ҳавонинг ўртача ойлик ҳароратига боғлиқ равиша белгиланади.

Сув ўтказмаслик бўйича бетоннинг лойихадаги маркаси маҳсус режим бўйича синалган, 28 суткалик намуна орқали сувнинг сизиб кириши кузатилмайдиган сув босимига ( $\text{кгс}/\text{см}^2$ ) мос келади. Бу марка сув ости ва ер ости қисмларида W4 дан паст бўлмаслиги ва сув ўтказадиган қувурларда, транспорт қатнайдиган қисмнинг йўл устки қатламида ва бошқа элементларда W6 дан паст бўлмаслиги керак.

Кўприкларнинг конструкциялари қум ва шағал ёки табиий жинсли чақиқ тошдан иборат тўлдиргичли ўртacha зичликдаги ( $\text{кг}/\text{м}^3$ )  $D$  2300 маркали оғир, зичлаштирилган бетондан барпо этилади. Одатда темирбетоннинг ўртacha зичлиги  $2450 \text{ кг}/\text{м}^3$  атрофида бўлади. Maxsus меъёрларга кўра керамзит ёки бошқа материаллардан иборат тўлдиргичли енгил бетонни қўллашга ҳам руҳсат этилади; бундай бетонларнинг ғовакли тўлдиргичли бетонларнинг ўртacha зичлиги тахминан  $1800 \text{ кг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади.

### **Бетоннинг синфлари ва маркалари**

Темирбетон конструкцияларнинг вазифаси ва фойдаланиш шароитларига боғлиқ ҳолда бетоннинг сифат кўрсаткичлари белгиланади, уларнинг асосийлари қўйидагилар ҳисобланади:

- сиқилишга мустаҳкамлик синфи В; лойихада асосий тавсиф сифатида барча ҳолларда кўрсатилади;
- ўқ бўйича чўзилишга мустаҳкамлик синфи  $B_t$ ; бу тавсиф асосий аҳамиятга эга бўлганда ва ишлаб чиқаришни назорат қилинаётган ҳолларда белгиланади;
- совуққа чидамлилик бўйича марка F; намланган ҳолатда музлаш ва эришнинг алмашиниши таъсирида бўладиган конструкциялар учун белгиланади;
- сув ўтказмаслик бўйича марка W; сув ўтказмаслик бўйича чекланган талаблар қўйиладиган конструкциялар учун белгиланади;
- ўртacha зичлик бўйича марка D; мустаҳкамлика қўйиладиган талаблардан ташқари иссиқлик изоляцияли талаблари ҳам қўйиладиган ва ишлаб чиқаришда назорат қилинадиган конструкциялар учун белгиланади.

Бетоннинг ўқ бўйича сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги бўйича синфи В ( $\text{МПа}$ ) деб статик ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолат  $20 \pm 1^\circ\text{C}$  ҳароратида стандартга мувофиқ, қирраси 150 мм ўлчамли бетон кубларнинг 28 сутка сақлангандан сўнг синалгандаги сиқилишга вақтинча қаршилигига айтилади.

Бетоннинг керакли синфини бетон қоришмаси таркибини тегишлича танлаб олиб, кейин назорат намуналарини синаш орқали аниқланади. Унинг мустаҳкамлиги ва зичлигига цементнинг микдори ва фаоллиги, шунингдек (W/C) деб аталувчи сув массасининг цемент массасига нисбати энг кўп таъсир қиласи. Кўлланилаётган цементнинг фаоллиги одатда бетоннинг сиқилишга бўлган лойихавий маркасидан 1,3-1,8 марта катта бўлади. 1м<sup>3</sup> бетонга цемент сарфи камида 250кг, сувга тегиб турадиган конструкцияларда эса 270 кг дан кам бўлмаслиги керак. Цементнинг ортиқча микдори тоб ташлаш ва киришишда катта деформацияларни вужудга келтириб, бетонга зарарли таъсир кўрсатиш ва дарзлар ҳосил бўлишига сабабчи бўлиши мумкин. W/C нинг катталashiши бетоннинг мустаҳкамлигини камайтиради, шунинг учун уни аралаштиришда сув микдори кам бўлганда қоришка қаттиқ бўлиб чиқади ва уни жойлаштириш ҳамда зичлаштириш қийинлашади. Кўприклар учун одатда сув цемент нисбати 0,6-0,65 дан ортиқ бўлмаган бетон қоришмалари қўлланилади. Бетон қоришмаси узок вибрация билан зичлаштирилганда W/C=0,3 бўлган бикр қоришмалар қўлланилиши мумкин. Бетон қоришмасининг пластиклигини (харакатчанлигини), уни қувишда ошириш учун унга маҳсус кўшимча пластификаторлар қўшилади.

Бетон эластикликнинг оддий қонунларига бўйсунмайдиган материал ҳисобланади. Жумладан, бетоннинг эластиклик модули кучланишлар ортиши билан ўзгаради (камаяди). Сиқилишга ва чўзишишга бўлган эластиклик модуллари ҳар хилдир. Эластиклик модулининг катталиги бетоннинг синfigа боғлик. Вакт ўтиши билан бетоннинг мустаҳкамлиги ошгани учун эластиклик модули ҳам ўзгаради. Темирбетон конструкцияларни лойихалашда бетоннинг ҳақиқий эластиклик хоссаларини аниқ ҳисобга олиб бўлмайди ва ҳисоблаб чиқиш учун эластиклик модули Е<sub>b</sub> нинг сиқилишига кўра ўртача шартли қийматлари қабул қилинади:

Бетоннинг сикилишга бўлган мустаҳкамлик, синфи	B15	B20	B25	B30	B35	B40	B45	B50	B55	B60
E <sub>a</sub> MPa	23000	27000	30000	32500	34500	36000	37500	39000	39500	40000

Бетоннинг айрим ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш зарур:

- бетон ва арматуранинг чизикли кенгайиш коэффициенти бир хил бўлиб, 0,00001 1/град га teng хисобланади.

- бетон қотаётганда ҳажми ўзгаради, хавода ҳажми камаяди – бетоннинг киришиши юз беради, сувда эса у шишади. Бетонда цемент миқдори ва W/C катталиги қанча кўп бўлса, бетоннинг киришиши шунча кўп бўлади. Тез қотувчи ва ўта мустаҳкам цементларнинг қўлланилиши киришишини орттиради. Қотаётган бетонни намлаш унинг сирти куришини секинлаштириши туфайли киришишини камайтиради. Бетон қота бошлиши пайтидан бошлаб бир йил мобайнида унинг киришиши даражаси юқори бўлиб, кейинчалик эса секинлашади. Киришиш эркин ривожланиб борганда нисбий киришишнинг катталиги 0,0003/0,0004 ни ташкил этиши мумкин. Арматура бетон киришишининг ривожланишини тўхтатиб туради, бунда арматурада сикувчи кучланишлар, бетонда эса чўзувчи кучланишлар вужудга келади. Бу кучланишлар бетонда киришиш деб аталувчи дарзларни ҳосил қилиши мумкин;

- бетонга узоқ вақт таъсир қилувчи юкланишлар таъсирида тоб ташлаш деформациялари деб номланувчи эластик бўлмаган деформацияларга эга бўлиши мумкин. Юкланиш қанча узоқ вақт таъсир қилса, бетонда тоб ташлаш деформацияси шунча бўлади. Тоб ташлаш ёш бетонда эски бетонга қараганда кучлироқ намоён бўлади. Тоб ташлаш деформацияси бетон узоқ вақт таъсир қилувчи юкланиш билан юкланган пайтдан бир-икки йил мобайнида жадал суръатда ошиб боради. Кейинчалик тоб ташлаш деформацияси секинлашади. Бетон тоб ташлашнинг тўлиқ нисбий деформацияси уч-тўрт йилдан сўнг шартли чегаравий катталигига эришиш мумкин. Бетоннинг мустаҳкамлиги ошиши, ундаги цемент

миқдорининг ва сув/цемент нисбатининг камайиши билан бетондаги тоб ташлаш камаяди. Тоб ташлаш деформацияси конструкциянинг эгилишини сезиларли даражада ошириши мумкин.

**Арматура.** Темирбетон кўприкларда арматураларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

- диаметри 6 дан 40мм гача бўлган, ВС<sub>T</sub>3 СП2, ВС<sub>T</sub> 3 нс2 ва ВСТЗГПС2 маркаларидаги ёки диаметри 6-10 мм бўлган, С<sub>T</sub>3 С<sub>п</sub>3, С<sub>T</sub>3 нс3, С<sub>T</sub>3<sub>кн</sub>3, ВС<sub>T</sub>3кп 2 маркаларидаги А1 синфидаги иссиқ юмалаётган текис доирасимон кесимли стерженлар. Диаметри 6-40мм, маркаси 25Г2С ва 35ГС бўлган, АШ синфидаги, 10-22мм диаметрли, 20ХГ 2Ц ва 80С маркали АIV синфидаги ва диаметри 10-22мм, 23Х2Г2Т маркали AV синфидаги иссиқ юмалатилган даврий профилли стерженлар;

- диаметри 10-25мм, А<sub>T</sub>-W, AT-V ва AT-VI синфидаги даврий профилли (кесимли) термик мустаҳкамланган стерженлар;

- диаметри 3-8мм, В<sub>p</sub>-II синфидаги даврий кесимли совук тортилган юқори мустаҳкамликдаги сим;

- диаметри 9-15мм, К-7 синфидаги (етти симли ўрамлар) юқори мустаҳкамликка эга симдан тайёранган арматура арқонлари;

- спиралсимон, қўш ўрамли ёки берк сим арқонлар.

Иссиқ юмалатилган доирасимон кесимли стерженлар углеродли мартен ва кислород-конвертор пўлатидан тайёранади.

Даврий профилли иссиқ юматилган стерженлар бетон билан тармашивуни ортирувчи маҳсус чиқиқларга эга. Бетон билан яхши тармашув арматурада ўраб турган бетоннинг катта чўзувчи кучланишларга йўл қўйиш имконини беради. Шунинг учун даврий профилли арматура мустаҳкамлиги юкорироқ бўлган углеродли пўлатдан тайёранади. Диаметри 12мм дан ортиқ стерженларнинг узунлиги 6-12м ни (18м гача) ташкил этади. Диаметри 12мм дан камроқ арматура ўрамларда келтирилади.

Совуқ тортилган сим юқори мустаҳкамлика чегарасига эга бўлади (1600-1900 МПа гача), бунда симнинг диаметри канчалик кичик бўлса, унинг мустаҳкамлиги шунчалик юқори бўлади.

А-I дан А-IV синфигача бўлган стерженлар арматурани олдиндан зўриқтирилмаган арматурани конструкцияларда қўлланилади. А-IV, А<sub>T</sub>-IV дан то А<sub>T</sub>-VI гача синфдаги стерженлар, юқори мустаҳкамлика эга симлар, ўрамлар ва симарқонлар олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкцияларда қўлланилади.

#### **2.4.2. Темирбетон кўприкларнинг афзалликлари**

Темирбетон кўприклар- тўгри лойихалаштирилганда ва қурилиш ишлари сифатли бажарилганда атмосфера таъсирларига юқори даражада чидамилийка эга ва пўлат кўприклар каби даврий бўяб туришни талаб этмайдиган капитал иншоотдир. Темир бетон кўприкларни ишлатишга бўлган сарфлар пўлат кўприкларга нисбатан кам. Темирбетон кўприкларнинг алохида афзалликлиги- пўлат кўприкларга қараганда анча кам миқдорда металл сарфланишидир.

Темирбетон кўприкларнинг тизимлари ва конструкциялари жуда хилма хилдир. Уларнинг асосийлари тўсинли, ромли, аркли, аралаш конструкциялар ҳисобланади. Тўсинли кўприкларга оддий, кирқимсиз ва консолли тўсинли кўприклар киради. Ромли кўприклар ромли-кирқимсиз, ромли- консолли, ромли- осмали тизимда бўлиши мумкин. Темирбетон очиқ ферма конструкцияларида, шунингдек осма ва вантли кўприкларда қўлланилади.

Темирбетон ва айниқса олдиндан зўриқтирилган темирбетон кўприк конструкцияларининг ва уларни қуриш усуулларининг ривожланиши автомобиль йўллари ва шахар кўприкларида пўлат конструкциялар билан тенг равища (400м дан каттароқ ораликлардан ташқари) қоплаш имконини берди.


Шуни назарда тутиш зарурки, темирбетон кўприкларнинг қиймати ва уларни барпо этиш муддатлари заводда тайёрланганда, янада тўлиқроқ унификацияланганда ва монтаж қилиш усуллари такомиллаштирилганда анча камаяди.

#### **2.4.3. Темирбетон кўприкларнинг асосий тизимлари.**

Темирбетон кўприкларнинг конструкциялари маълум даражада иншоотнинг танланган тизимига боғлиқ бўлади. Тўсинли кирқимсиз, кирқимли ва консолли кўприклар тизими энг кўп тарқалган ҳисобланади. Плитали оралиқ иншоотли оддий тўсинли кўприкларнинг оралиқлари одатда 3-18м бўлади.

Тўсинли кирқимли тизимлардан (2.5.- а расм) 6-8м дан то 30-40м гача оралиқларни қоплашда фойдаланилади. Тўсинларнинг учлари шарнирли қўзгалмас ва шарнирли- қўзғалувчи таянч қисмларга таянади, бунинг натижасида вертикал юкланишларда тўсин таянчларга фақат вертикал реакцияларни узатади. Тўсинли кирқимли кўприкларга эгувчи моментларнинг бир қийматли эпюраси хосдир. Тўсинли кирқимсиз кўприк таянчлари асосидаги گрунт етарлича мустаҳкам бўлганда оралиқлар 30-40м дан 100-150м гача бўлганда қўлланилади. (2.5.-б расм). Қирқимсиз тўсинларнинг таянчлари асосан вертикал кучланишларни қабул қиласи, тўсиндаги моментлар эпюраси эса оралиқ таянчлар устидаги манфий участкалар билан икки ишорали бўлади. Қирқимсиз тўсинларда таянчларнинг чўкиши қўшимча кучланишлар пайдо қилиш мумкин.

Консолли тизимларда (2.5.- г расм) статик аниқлик туфайли таянчларнинг чўкиши қўшимча кучланишларни пайдо қилмайди. Консол тўсинли иншоотларда осма оралиқли иншоотлар  $\ell_1$  оралиқ билан асосий оралиқли иншоотларнинг  $\ell_2$  консолларига таянади.



**2.5.- расм. Темирбетон кўприкларнинг тўсинли (а, б, г) ва ромли (в, д) тизимлари  
хамда эгувчи моментларнинг эпюралари**

Кучланишларнинг тақсимланишига кўра консолли тизимлар қиркимсиз тизимларга яқин бўлади, бироқ бикрлиги камроқ бўлиб, юкланиш остида осма оралиқли иншоотларнинг консоллар билан туташган жойидаги эгилиш чизигида узилиш (синиш) ни беради.

Ромли тизимлар (2.5.-в расм)  $l=30\div60\text{м}$  бўлганда мақсадга мувофиқдир. Улар шу билан тавсифланадики, бунда ромларнинг устунларида эгувчи моментлар вужудга келади, таянчларга эса ҳам вертикал, ҳам горизонтал кучланишлар узатилади. Ромли устунлари эгилишга ишлаб, ригел юкини енгиллаштиради. Устунлари оғма бўлган ромли кўприклар кенг тарқалган (2.5.- д расм).

Ромли тўсинли тизимлар (2.6.- а расм) ромларнинг консолларга шарнирли таянган, Т-симон ромлар ва осма оралиқли иншоотларнинг қўшилишидан иборат. Бундай тизимларнинг оралиқлари  $40\div60\text{м}$  дан  $80\div150\text{м}$  гача чегараларда бўлиши мумкин. Вертикал юк таъсирида ром таянчлари асосга вертикал кучни ва эгувчи моментни узатади; горизонтал таянч реакцияси эса, одатда кичик. Ромларнинг ригелларда факат манфий эгувчи


моментлар вужудга келади, осма қирқимли оралиқли иншоотларда фақат мусбат моментлар пайдо бўлади. Ромли тизимнинг бошқа тури бир-бири билан шарнирли бириктирилган Т-симон ромлардан иборат конструкция хисобланади (*2.6.- б расм*). Бундай ромлар 60м дан 120-160м гача оралиқлар учун қўлланилади. Олдинги тизимдан фарқли равишда таянчлар асосга горизонтал кучни ҳам узатади. Кейинги вактларда ромларнинг учларини шарнирсиз яхлит куйма бетондан қилиш бошланди.

Таянчлар асоси мустаҳкам грунтдан иборат бўлганда, кўпинча аркли тизимлар мақсадга мувофиқдир (*2.7.- а расм*). Темирбетон кўприклар аркли 50-60м дан то 200-300м ли оралиқларни ёпиш мумкин, аммо арқларнинг оғма таянч босимларини қабул қилувчи ва уларни грунта узатувчи пойдеворларнинг ривожлантирилишини талаб этади. Арклар асосан сиқилишига ишлайди. Арканинг уст қисми қурилмаси қурилиш транспорт қатнайдиган қисм тўсинлари ва сиқилган устунларадан иборат.


Бир қатор қурилган кўприкларда консолли-аркли тизим қўлланилган бўлиб, унинг ҳар бир  $\ell$  оралиғи транспорт қатнайдиган қисм сатҳида жойлашган юқори тортқич билан боғланган икки ярим арқдан иборат (*2.7.- б расм*). Бунинг натижасида таянчларга кўп жихатдан вертикал кучланишлар узатилади, таянч реакцияларининг горизонтал ташкил этувчилари камаяди. Бундай тизимларнинг оралиқлари  $90 \div 120$ м ни ташкил этади.

Вантли тизимлар таянчларнинг вертикал пилоналари учига маҳкамланган оғма вантлар билан тутиб турилувчи қирқимсиз тўсинлардан иборат (*2.7.- в расм*). Вантлар тўсин учун қўшимча таянчлар яратади, бу унинг ишини енгиллаштиради; улар фақат чўзувчи кучланишларни қабул қиласиди. Пilonлар асосан марказий сиқилишга ишлайди. Бундай тизимнинг оралиқлари 50-80м дан то 150-300м гача бўлиши мумкин.

Айрим холларда темирбетон кўприкларнинг бошқа тизимлари ҳам қўлланилиши мумкин.



2.6.- расм. Ромли-түснли (а) ва ромли-консолли (б) кўприклар тизими ва эгувчи моментларнинг эпюралари



2.7.- расм. Темирбетон кўприкларнинг аркали (а ва б) ва вантли(в) тизимлари

#### 2.4.4. Тўсинли кўприклар. Плитали кўприклар

Унча катта бўлмаган оралиқларни қоплаш учун кўлланиладиган тўсинли кўприкларнинг энг оддий тури плитали оралиқли иншооти бўлган кўприклар хисобланади. Ўзининг статик схемасига кўра улар қирқимли, қирқимсиз ва консолли бўлиши мумкин. Кўпинча арматураси

зўриқтирилмайдиган ёки зўриқтириладиган қирқимли плитали оралиқли иншоотлар қўлланилади.

Арматураси зўриқтирилмайдиган плитали оралиқли иншоотларнинг баландлигини оралиқнинг 1/12 – 1/25 атрофида белгиланади, арматураси зўриқтириладиган эса оралиқнинг – 1/18 – 1/25 атрофда белгиланади. Оралиқли иншоотлар яхлит қўйма ёки йиғма бўлиши мумкин. (2.8.- a, b, в *расм*)


Яхлит қўйма бетонли плиталар силлиқ арматура, даврий профилли стерженлар ёки пайванд тўрлари билан арматураланади (2.8.- a *расм*). Бўйлама ишчи арматуранинг бир қисмини оралиқнинг бутун узунлигига ўтказилади, иккинчисини бош чўзувчи кучланишларни қабул қилиш учун таянчлар олдида букилади. Кўндаланг йўналишда диаметри унча катта бўлмаган тақсимлаш арматураси ўрнатилади.

Плитали оралиқли иншоотларнинг кўндаланг кесимларини тўғри тўртбурчакли (текис, яssi) қилинади ёки уларнинг юқори сиртига тротуарларга томон икки нишобли қияликлар қилинади. Биринчи холда плитада сув оқиб кетиладиган учбурчак қурилиб, унга гидроизоляция ётқизилади; иккинчи холда – гидроизоляция остига юпқа текисловчи синфи В 15 дан кам бўлмаган қалинлиги 4 см қоришма қатлами ва унинг устидан 5-бсм қалинликда асфальт-бетонли қоплама ётқизилади.

Тротуар консолларининг оралиқли иншоот билан бирга эгилишга ишлашида қўшимча кучланишлар вужудга келмаслиги учун улар одатда оралиқ иншооти плитасининг юкорисигача етадиган бир неча кўндаланг чоклар билан қирқилади.

Яхлит қўйма бетонли плитали кўприкларнинг таянч ва чекка тиргакларни ҳам монолит бетондан барпо қилинади (2.8.- a *расм*).

Йиғма плитали оралиқ иншоотлар бир бирига параллель ётқизилган ва биргалиқда ишлашини таъминлаш учун кўндаланг йўналишда бирлаштирилган блоклар қаторидан иборат. Унча катта бўлмаган бир бир оралиқли йиғма кўприкларда оралиқли иншоот асосга таъсир кўрсатувчи,



**2.8.- расм. Плитали кўприкларинг асосий турлари**

**а-** яхлит қўйма, **б-** йигма ва ҳ.к., **1-** яхлит қўйма плита; **2-** асоснинг йигма девори; **3-** қўндаланг кучлантириладиган арматура; **4-** тиргак; **5-** оралиқ иншоотнинг йигма блоки (армоэлементи); **6-** монолитланадиган бетон; **7-** йигма блокларни ва қўрқимсиз тўсинин бирлаштирувчи таянчнинг монолит ригель таянчи.

грунтнинг горизонтал босимини қабул қилувчи тиргак бўлиб хизмат қилувчи конструкцияларни қўллаш фойдалиdir (2.8.- б расм). Асосларнинг пастки қисмида кўпинча тиргаклар ўрнатилади. Бунда асосларнинг иши анча енгиллашади ва улар юпқа деворлар кўринишида бажарилиши мумкин.


Йигма кўприкларнинг оралиқ иншоотлари блокларнинг кенглиги 0,5 – 1,5м қилиб белгиланади. Уларнинг кўндаланг кесими яхлит ёки бўшлиқли қилиб ишланади. Кўпинча даврий профилли алоҳида юқори мустаҳкамликка эга стерженлардан иборат тўғри чизикли зўриқтирилган арматурали бўшлиқли блоклар кўлланилади. Арматурада хеч қандай анкерли маҳкамлагичлар ўрнатилмайди ва зўриқтиришнинг барча кучланишлар тармашиш кучлари хисобига бетонга узатилади. Ораликлар 6-9м бўлганда оралиқли иншоотлар блокларини цилиндрик бўшлиқли қилинади (2.9.- б расм), ораликлар 12-18м бўлганда эса – овал бўшлиқли қилинади (2.9.- г расм). Еттига симли ўрамдан ёки даврий профилли 5мм диаметрли кўшилган симлардан тайёрланаган зўриқтирилган арматурали оралиқлари 6, 9, 12, 15 ва 18м бўлган плитали кўприклар учун йигма элементларнинг бир хил шаклга келтирилган конструкциялари кенг қўлланилади (2.9.-г расм)

элементларнинг эни – 1м. Плитали кўприклар қаторига таянчлари бирикиб яхлит плиталарни ташкил этувчи олдиндан зўриқтирилган икки таврли элементлардан ташкил топган конструкцияларни ҳам киритиш мумкин (2.9.-*д расм*).

Махсус пазухлари бўлган орасидаги бўйлама чокларни монолитлаш орқали, (2.9.- *б, г расм*), ёки диафрагмаларда кўндаланг арматураларни тортиш билан йиғма блоклар яхлит оралиқли иншоотга бирлаштирилади.

Айрим ҳолларда оралиқли иншоотларнинг йиғма-монолит конструкциялари қўлланилади (2.9.- *в расм*), уларда йиғма олдиндан зўриқтирилган элемент (армоэлемент) билан бирга конструкцияни битта бутунга бирлаштирувчи бетон қориши маси қатлами жойида ётқизилади.

Айрим ҳолларда тўсинли блокланадиган йиғма блоклар (армоэлементлар) қўлланилади, жойида ётқизилаган бетон билан эса уларни факат кўндаланг йўналишда, бирлаштирибгина қолмай, балки ягона қирқимсиз конструкцияни яратилади (2.8.- *г расм*). Йўл кўприклар учун мақсадга мувофиқ бўлган бундай иншоотлар ингичка устунли таянчларга суюниши мумкин. Плитали кўприкларнинг таянчлари сифатида кўпинча йиғма ёки монолит ростверк бўлган темирбетон қозикоёклар қўлланилади (2.8.- *в расм*).



2.9.- расм. Плитаң оралиқли иншоотларнинг күндаланг кесимлари

*а- үйгем блокларни монолит қилиши учун бүшлиқтар; б- арматура түри; в- монолит бетони; г- сим тор таҳталар; д- диафрагмаларда күндаланг зўриқтириладиган арматура; 1- монолитлаш үчун маҳсус бүшлиқтар; 2- бетон қоршишмаси қатлами; 3- конструкцияни битта бутунга бирлаштирувчи; 4- үйгем юк кўттарувчи плиталар; 5- күндаланг арматуралар.*

#### **2.4.5. Қовурғали оралиқ иншоотли құприклар**

6-8м дан ортиқ оралиқларни зўриқтирилмаган арматурали конструкциялар билан ва 15-18м дан ортиқ оралиқларни зўриқтирилган арматурали конструкциялар билан ёпиш (қоплаш) учун қовурғали тўсинли оралиқ иншоотлари кўлланилади. Улар оралиқни қоплаб турувчи бош тўсинлар (қовурғалар) дан ва транспорт қатнайдиган қисмнинг уларни тутиб турувчи плитасидан иборат. Транспорт қатнайдиган қисмнинг плитаси бир вақтнинг ўзида бош тўсинларнинг эгилишига ишлаб, сиқиқ худуд бўлиб хизмат қилади. Ўзининг статик схемасига кўра қовурғали тўсинли оралиқ иншоотлар кирқимли, киркимсиз ва консолли бўлиши мумкин.

Яхлит қўйма қирқимли қовурғали оралиқ иншоотларида (*2.10.- a расм*) бош тўсинлар орасидаги масофа 2-3м ни ташкил этади (*2.10.- в расм*). Бош тўсинлар бир бири билан одатда ўзаро  $a=4\div 6m$  масофада жойлашадиган кўндаланг тўсинлар (диафрагмалар) билан боғланади (*2.10.- a расм*). Баъзиде бош тўсинлар орасига плитанинг оралигини камайтирувчи иккинчи даражали бўйлама тўсинлар ўрнатилади (*2.10.- e расм*). Бу ҳолда бош тўсинлар орасидаги масофа 4-6м гача бўлиши мумкин.

Йиғма оралиқ иншоотлари конструкцияларини тайёрлаш, ташиш ва монтаж шароитларини ҳисобга олган ҳолда тайинланадиган ва уларни ташкил этувчи бинолар билан белгиланади. Автомобил йўллари қўприклидаги оралиқ иншоотларини блокларга ажратишнинг турли хил усуслари ва бу/ блокларни турли хил кесимлари кўлланилади.


Ярим диафрагмали таврсимон кесимли блоклардан (тўсинлардан) иборат оралиқли қурилмалар қўприкларда анча кенг тарқалган (*2.10.- в расм*). Блоклар арматурали чиқиқлар ёки металл қуйилма деталларни пайвандлаш йўли билан, ярим диафрагмаларни учма-уч туташтириб бирлаштирилади. Кўшни блоклар плитаси одатда учма-уч туташтирилмайди, шунинг учун у консоль тарзида кўндаланг йўналишда ишлайди. Оралиқли қурилмалар П- симон кесимга эга тўсинлардан ташкил этилиши мумкин (*2.10.- г расм*). Тўсинлар орасидаги чоклар бетон ёки қоришка билан

түлдирилади. Бундай блокларнинг энг яхши бирикмаси кўндаланг арматура чиқиқларини ёки тўсинларда кўйилган пўлат қуйилма қисмларини пайвандлаш билан, ёки юқори мустаҳкамликка эга болтлар билан тортиб эришилади. Оралиқли қурилмаларнинг йигма-яхлит қуйма конструкциялари ҳам кўлланилади (2.10.- д расм). Уларда йигма тўсинлар бир-бирлари билан жойида бетонланадиган катнов қисми плитаси диафрагмалар билан бириктирилади. Бир-бiri билан ўтиш қисмининг плитаси бўйича учма-уч туташтириладиган таврли (2.10.- ж расм) ёки қўш таврли тўсинлардан иборат диафрагмасиз оралиқли қурилмалар анча кенг кўлланилмоқда. Бу ерда диафрагмалар ё бўлмайди, ёки улар йигма қилиниб, факат оралиқ қурилма учларига қурилади. Айрим ҳолларда V- симон тўсинлардан иборат оралиқли қурилмалар учрайди, уларга ўтиш йўлларининг йигма плиталари ётқизилади (2.10.- з расм).

Замонавий транспорт ва қўтарувчи воситалар узунлиги 33м гача бўлган яхлит оралиқли тўсинли блокларни қўлланишига имкон беради. Оралиқлар катта бўлганда ҳар бир тўсиннинг массаси анча катта бўлади ва уларни етказиб бериш қийинлашади. Бундай ҳолларда тўсинлар объект яқинидаги полигонларда тайёрланади ёки узунлиги бўйича ажратилган тўсинлар конструкциялари қўлланилади. Бундай ажратилган (блокланган) тўсинларни ташиб унча қийинчилик туғдирмайдиган алоҳида блоклардан барпо этиб қурилиш жойида йигилади.

Яхлит қуйма бетонли қирқимли оралиқ қурилмаларнинг бош тўсинлари  $1/8 \div 1/12$  оралиқ баландлигига, йигма оралиқли қурилмалар тўсинлари эса- $1/12 \div 1/20$  ва ундан кам баландликка эга.

Оралиқ катталashi билан бош тўсинларнинг ўлчамлари ҳам катталашади ва оралиқлар 30-40м бўлганда жуда катта бўлади. Шунинг учун оралиқлар 30м дан каттароқ бўлганда қирқимсиз ёки консолли тизимдаги оралиқ қурилмалар мақсадга мувофиқ. Бироқ айрим ҳолларда тўсинли қирқимли кўприкларнинг оралиқлари 60-70м гача бўлиши ҳам мумкин.



2.10.- расм. Тўсинли қовурғали кўприкларнинг асосий турлари

1- иигма тўсинлар; 2- ўтиши ўйли қисмининг монолит плитаси;

3- биргаликда ишловчи монолит плита билан бирлаштириладиган иигма тўсинлар; 4- иигма диафрагма; 5- ўтиши ўйлидаги иигма плита; 6- осма ораликли

курилмаларнинг консолларга шарнирли тирадишилари; 7- посанги.

*a, б, в, ..., Н, п белгилар матн бўйича изоҳланган*

Қирқимсиз тўсинли ораликли қурилмалар (2.10.- и расм) оралик таянчлари устидаги салбий моментларнинг енгиллаштирувчи таъсири туфайли ораликлар ўртасидаги қиймати бош тўсинга қараганда кичикроқ бўлади, бу эса конструкциядаги темирбетон ҳажмини камайтиради. Қирқимсиз тизим таянчлар ҳажмида ҳам тежамкорлик беради, чунки

уларнинг ҳар бирида қирқимли тизимдаги икки таянч қисми ўрнига фақат битта таянч қисми зарур бўлади. Бундан ташқари, чекка таянч қисмини ўрта таянч ўқи бўйича жойлаштириш, унинг босимини марказий узатилиши таъминланади. Қирқимсиз қўприк тўсинларининг баландлиги оралиқ ўртасида  $h=(1/15 \div 1/25)\ell$  ни, таянчлар устида  $h_T=(1,5 \div 1,8)h$  ни ташкил этади. Ораликлар 50-60м гача бўлганда қирқимсиз бош тўсинлар ўзгармас баландликда қилинади. Ораликлар 60м дан 100-150м гача бўлганда, одатда, эгри чизик шаклдаги ва кўндаланг кесими қирқилмайдиган оралиқ қурилмалари қўлланилади (2.10.- к расм). Бундай тўсинларнинг оралиқ ўртасида баландлиги  $h=(1/30 \div 1/50)\ell$ , таянчлар олдида эса  $h_I=(1/12 \div 1/17)\ell$ , бўлади.

Қирқимсиз оралиқ қурилмалари кўпинча икки, уч, тўрт ва беш оралиқли қилиб тайёрланади. Қирқимсиз ораликларнинг катта сони жуда кам қўлланилади, чунки тўсиннинг катта узлуксиз узунлигига ҳарорат ўзгариши ва бетоннинг киришишидан таянчларда анча катта силжишлар юзага келади. Икки оралиқли қирқимсиз тусинларнинг оралиқлари одатда бир хил қилинади. Ораликлар сони катта бўлганда четки ораликларни бироз кичикроқ  $\ell_I=(0,6/0,8)\ell$  қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўрта ва четки ораликларда эгувчи моментларни тенглаштиради.

Йиғма қўприкларни куриш техникасининг ривожланиши ва уларни барпо этишнинг янги замонавий усууллари жиддий иқтисодий ва эксплуатацион афзалликларга эга бўлганлиги уларни кенг қўллаш имкониятини яратиб берди.


Тўсин консоль қовурғали оралиқ қурилмаларда бош тўсинлар таянчлар устида салбий моментларни вужудга келтирувчи консоллар билан енгиллаштирилади (2.10.- л, м расм). Консол тўсинларининг баландлигини ўшандай оралиқдаги қирқимсиз тўсинлардаги каби қабул қилинади. Консол қўприклар ораликлари одатда 20-30м дан 60-80м гача қилиб, консол қулочи  $\ell_3=(0,2\div 0,3)\ell$ , осма оралиқ қурилмаси узунлиги  $\ell_2=(0,3\div 0,6)\ell$  қилиб олинади. Унча катта бўлмаган қўприкларда ва йўл қўприкларда бир оралиқ

икки консолли оралиқ қурилмалар қўлланилади (2.10.- n расм). Уларнинг консоллари кўприкнинг устунлар қуришни талаб этмайдиган тўшама билан оддий қўшилишини амалга оширишга имкон беради. Тўсиннинг баландлигини камайтириш зарур бўлганда консоллар учларидаги оралиқнинг ўртасида тўсин юкини камайтирувчи посангилар ўрнатилади. Одатда юпқа бетон билан юкланган катта посангилар оралиқ ўртасида тўсинларнинг баландлигини  $h=(1/30 \div 1/40)\ell$ , гача камайтиришга имкон беради (2.10.- n расм). Аммо таянчда уларнинг баландлиги  $h_1=(2 \div 3)h$  гача бўлиши мумкин (2.10.- n расм).

Тўсинли ковурғали темирбетон кўприкларга материаллар сарфи етарлича катта чегараларда ўзгаради, чунки улар кўпгина сабабларга боғлиқ бўлади (2.11.- расм).

Автомобил йўллари кўприкларида йўлнинг ҳаракат қопламаси асфальтбетон ёки камдан-кам ҳолларда цеменбетонли қилинади. Қалинлиги 6-8 см бўлган бир вақтнинг ўзида гидроизоляция ҳимоя қатлами бўлиб хизмат қилувчи, асфальт-бетон қопламаси сиқилишга мустаҳкамлиги В15 бетон син fidаги 3-4 см қалинликдаги майда донали бетон қопламиси устига ётқизилади. Айрим ҳоллардаги юкори мустаҳкамликтаги бетон қатлами ва маҳсус қўшимчалар қўлланганда бетонларда бутунлай гидроизоляция қилинмайди.

Гидроизоляция қатлами оралиқ қурилмани унга кўприк сиртидан намлик сингиб киришидан ишончли ҳимоя қилиши керак. Гидроизоляцияни қоришима ёки бетоннинг текисловчи қатлами устига ётқизилади. Йўлнинг ҳаракат қисми четлари бўйлаб ва деформация чоклари атрофидан намлик гидроизоляция остига сингиб кира олмаслиги учун у букилади ва тротуар яқинидаги бордюр тоши орқасига ўтказилади (2.12.- a расм).




**2.11.- расм. Кўприкнинг  $1\text{m}^2$  сиртига тахминан сарфланадиган материал**

**1- тўсинли қирқумли оралиқ қурилмаларда темирбетон сарфи; 2- шунинг ўзи, тўсинли-қирқумсиз ва ромли оралиқли қурилмаларда; 3- оралиқли қурилмаларда арматуранинг йигинди сарфи.**

Тротуар бордюр тоши қўйилмаган йиғма блоклардан иборат бўлса, у ҳолда гидроизоляция тротуар бошланадиган жойда юқорига қараб букилади(2.12. - б расм). Сувни тротуар блоклари ковурғаларида ўрнатилган тешиклар орқали чиқариб ташланади. Бу ҳолда гидроизоляцияни оралиқ қурилмасининг четларига олиб бориш керак. Одатда, тротуар яқинида кўприкнинг ҳаракат қисми ва тротуардан тушаётган сув воронкалар орқали бартараф этилади (2.12. - а, б расм). Гидроизоляция воронканинг ўзи ва унга ўрнатилган стакан орасига киритилади (2.12. - г расм). Стаканнинг усти сув қабул қилувчи тешиклари бўлган тўр билан жихозланади. Йўлнинг транспорт юрадиган қисмидан сувнинг оқиб кетишини таъминлаш учун у тахминан 1,5% ли қўндаланг қиялик билан қурилади. Яхлит ва йиғма кўприкларнинг тротуарлари одатда блоклардан барпо этилади. Йиғма кўприкларда тротуарларни анча баланд фасад тўсинлари хисобига ўрнатиш мумкин (2.12.- а расм). Тротуарларнинг йиғма блоклари бош балкаларга ўрнатилади, улар кўприк тўсинлари устидаги консоллар кўринишида бўлишии мумкин (2.12.- б расм). Тротуар блоклари тўсинлар бўйлаб янги ётқизилган бетонга қўйилади. Блокларда суюнчик устунларини маҳкамлаш учун қовирғалари бор.

Тўсин ва плита орасидаги фазодан кабель, трубопроводлар ва бошқаларни жойлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Кейинги вактларда бевосита тўсинларга ўрнатиладиган тротуар блоклари борган сари кўпроқ қўлланилмоқда (*2.12.- в расм*). Оралиқ қурилмалари ва устунлар орасидаги деформация чоклари, шунингдек кўп оралиқли жойлардаги қўшни оралиқ қурилмалари орасидаги деформация чоклари конструкциянинг эркин кўчишини таъминлаши ва сувни ўтказмаслиги керак. Агар чоқдаги силжишлар 0,5-1см гача бўлса, у ҳолда чок устидаги йўл қопламаси узилмайди (*2.12.- д расм*). Бундай ҳолларда эластик бурма шаклда букилган ёки рухланган пўлат лист билан беркитилади, у ўзининг эгилувчанлиги билан чоқдаги деформациялар ўрнини босади. Пўлат листнинг учлари бетоннинг текисловчи қатламидаги маҳсус бўшлиқка киритилади. Гидроизоляция бурмага эга ва чок устидан узилишсиз ўтади. Унинг устидан бетоннинг ҳимоя қатлами узилган жойда битум мастикаси қатлами билан қопланади. Чокнинг иккала томонида бетоннинг ҳимоя қатлами устидан асфальтбетонни деформация чоки устидаги ёриклардан ҳимоялаш учун 1-1,5м узунликка тол қатлами ётқизилади.

Агар чоқдаги силжишлар 1,5-2см дан ошса, ухолда қоплама қирқилади ва уни металл лист билан қопланади (*2.12.- е расм*). Қўшни оралиқ қурилмалари плиталарининг четларига бурчаклар ўрнатилади. Чокни ёпиб турувчи лист ёки тароқ бир томондан оралиқ қурилмаларига ёндашганлардан бирини ҳошиялаб турувчи бурчаклар билан пайвандланади. Листнинг ёки тароқнинг иккинчи томони қўшни оралиқ қурилмасини ўраб турувчи бурчаклар бўйлаб сирпанади. Чокка келиб тушадиган сувни тўплаш ва чиқариб ташлаш учун швеллер ёки маҳсус букилган листлардан тайёрланган сув чиқариб ташловчи тарнов ясалади. Кейинги йилларда синтетик резина билан тўлдирилган деформация чоклари қўлланила бошланди (*2.12.- ж расм*). Бундай чоклар конструкциянинг эркин деформациясини таъминлайди ва сувни ўтказмайди. (*2.12.- расм*).



2.12.- расм. Темирбетон кўприкларнинг тротуарлари ва транспорт қатнайдиган қисмининг деталлари

1- асфальтобетон; 2- бетоннинг ҳимояловчи қатлами; 3- гидроизоляция;

4- бетоннинг текисловчи қатлами ёки сув оқиб чиқадиган учбуручак; 5- сувни чиқариб ташловчи воронка; 6- тротуар блоки; 7- бордюр тоши; 8- панжара; 9- стакан;

10- битумли мастика; 11- оқ туникали компенсатор; 12- металл марқ; 13- чокни ўраб турувчи уголоклар; 14- резина компенсатор.

Автомобиллар харакатининг тезлашиши билан деформация чокларини камайтириш масаласи пайдо бўлди, чунки уларнинг ҳар бири ўтиб бораётган автомобилда туртки зарбларни вужудга келтиради. Шу муносабат билан киркимсиз ёки хароратли-киркимсиз ораликли қурилмалар кўпроқ

қўлланиладиган бўлди. Ҳароратли-кирқимсиз оралиқли қурилмалар кирқимли қовурғали тўсинлардан иборат бўлиб, уларда кўчанинг транспорт ҳаракатланадиган қисми плитаси оралик устунлар (таянчлар) устидан деформация чоки бўлмаган ягона қирқимсиз конструкцияга бириктирилади. Доимий ва вактинча юкланишларга бундай тўсинлар қирқимли тарзида ишлайди, ҳарорат ўзгаришининг таъсирига эса қирқимсиз тарзида ишлайди. Таянчлар устидаги транспорт ҳаракатланадиган кўча қисмининг плитаси тўсинлар билан биргаликда ишлашдан ҳосил бўладиган кучланишга ва ҳарорат кучланишларига ҳисоблаб арматураланади.

#### **2.4.6. Зўриқтирилмаган арматурали қирқимли тўсинли оралик қурилмаларнинг конструкциялари**

Оралик қурилмаларнинг конструкциялари кўп жихатдан арматура турига ва уни жойлаштириш усулига боғлик. Зўриқтирилган арматура сифатида силлиқ ёки даврий профилга эга алохидатар, пайванд тўрлари ва арматура каркаслари қўлланилади.


Агар кўприк конструкцияни жойида ҳавозалар қурмасдан бетонлашни талаб этувчи шароитларда қуриладиган бўлса, у ҳолда кўтарувчи арматура қўлланилиши мумкин. Кўтарувчи арматурани ё думалоқ стерженлардан пайванд каркаслар ёки прокат тўсинлардан бикр арматура ёки профилли пўлатдан панжарали фермалар кўринишида тайёрланади. Темирбетон кўприкларда арматура атрофидаги бетон билан яхши боғланишга эга бўлиб, намлик ва ҳаво киришидан ишончли муҳофаза қилинган бўлиши ва конструкцияни тайёрлашда бетон коришмасини ётқизишда ҳалақит бермайдиган қилиб жойлаштириш керак. Думалоқ (силлиқ) чўзилган арматуранинг барча ишчи стерженлари учларида ички диаметри стержен диаметрларининг камида 2,5 диаметрли ярим доиравий илгаклари бўлиши керак. Сиқилган ҳудудда силлиқ стерженларнинг бўш учлари, шунингдек чўзилиш зонасидаги профилли арматуралар чўзилган тўғри илгаклар билан тугалланади (*2.13.- a расм*).

Пайванд түрлари (*2.13.-б расм*) кесишувчи стерженларни контакат пайвандлаш билан боғлаб, олдиндан заводларда ёки полигонларда тайёрланади ва тайёр ҳолда конструкцияга ўрнатилади. Уланиш жойларида кўшни тўрлар бир-бирининг устига тўр стерженларнинг камидаги 30 та диаметрига тенг узунликда ва камидаги 25 см га ўтган ҳолда ётқизилади. Арматура пўлатининг айрим стерженлари бутун конструкция (плиталар, тўсинлар)узунлигидан кичик, шунинг учун уларни пайвандлашга тўғри келади. Чўзилган арматура стерженлари контактли электр-пайвандлаш билан эритиш услубида учма-уч биректирилади. Бунда чок ўрнида унча катта бўлмаган йўғонлик хосил бўлади (*2.13.- в расм*). Монтаж шароитида бажариладиган чоклар ванна усулида, полосали пўлатдан қилинган эгилган осткўймадан фойдаланиб пайвандланади (*2.13.- г расм*). Бу осткўйма (остлик) эритилаётган металлнинг оқиб тушишидан тутиб турувчи ва пайвандланаётган стерженларнинг янада чуқур эришига имкон берувчи “ванна” ни хосил қиласи. Айрим ҳолларда арматурани ёйли пайвандлаш ёрдамида усткўймалар билан учма-уч туташтирилишига рухсат этилади (*2.13.- д расм*).

Одатда йўлнинг транспорт ҳаракатланадиган қисмининг плитаси, бош тўсинлари ва диафрагмалари (кўндаланг тўсинлар) алоҳида арматураланади. Темирбетон кўприкларни транспорт катнайдиган қисмининг асосий кўтарувчи элементи плиталар ҳисобланади. Яхлит қўйма кўприкларда плиталар уни ушлаб турувчи бош тўсинларга ва кўндаланг диафрагмаларга қисилган бўлади (*2.13. – е расм*). Унинг оралиги ўртасида вақтинча юкланиш таъсирида тўсинларда мусбат плиталарни ушлаб турувчи балкаларда манфий эгувчи моментлар вужудга келади. Шу муносабат билан плитанинг таянчларида арматурани унинг юкори қисмига, оралиқ ўртасидаги арматура эса пастки қисмида жойлаштирилади. Бунда тайёр пайванд тўр кўринишидаги арматура афзалдир.

Транспорт катнайдиган қисмдаги плитанинг қалинлиги камидаги 12 см ёки тўсинли плиталар учун ҳисобдаги оралиқнинг 1/25 тарзида ва контур

бўйича тиralган плиталар учун 1/30 тарзида белгиланади. Плитанинг ишчи арматуралари стерженлари шундай жойлаштириладики, бунда ҳимояловчи бетон қатлами (бетон сирти билан стержен учи орасидаги масофа) камида 2см бўлиши керак. Уларнинг диаметри камида 10см, қўшни параллел стерженлар орасидаги масофа 20 дан 5 см гачани ташкил этиши мумкин. Ишчи арматурага перпендикуляр йўналишда конструктив жойлаштириладиган тақсимлаш арматураси стерженларининг диаметри камида 6мм бўлиши ва плитанинг 1м кенглигига камида 4 дона ўрнатилиши керак.




**2.13.- расм. Транспорт қатнов қисм плиталари арматура деталлари ҳамда бош тўсинларини арматуралаш**

**1- пўлат ости қўйма (“ванна”); 2- пайванд чоклари; 3- устқўймалар; 4- чок қўйишда пайванлаши йўналиши.**

Бундан ташқари тақсимловчи арматурани ишчи арматуранинг букилган барча жойларига кўйиш керак. Манфий эгилувчи моментлар таъсир қилувчи участкаларда плита юқорисидаги ишчи арматурани плита оралигининг 1/4-1/6 узунлигига ёки оралик ўртасида пастки арматуранинг 1/4 узунлигига (кесим юзи бўйича) ўрнатилади, пастки ишчи арматурани эса плитанинг 1м кенглигига камидаги учта стержен микдорида албатта таянчгача етказилади.

Йиғма П- симон тўсинлар плитаси монолит кўприкларнинг транспорт қатнайдиган қисми плитасига ўхшаш ҳолда ишлайди (2.13.- жс расм). У тўсин қовурғалари билан қаттиқ сиқиб қўйилади. Қовурғалари яқинида арматура юкори зонада жойлашиши ва қовурғаларга кириб туриши, оралик ўртасида эса плиталар қуи зонада жойлашиши керак. Транспорт қатнов қисм плитасини тўсинлар орасида жойлашган йиғма элементлардан монтаж қилинган ва у билан монолит қилинмаган конструкциялар ҳам учрайди. Бундай плита мусбат эгувчи моментларга қирқимли каби ишлайди ва уни фақат қуи зонада арматураланади (2.13.- з расм). Йиғма кўприкларда транспорт қатнайдиган қисм плитаси тўсинлар билан яхлит бутунликни ташкил этади ва уларнинг конструкциясига боғлиқ ҳолда турлича ишлайди.

Диафрагмали тавсимон тўсинларда (2.14.- расм) плитани кўшни тўсинлар плитаси билан одатда туташтирилмайди; у қовурғаси қисиб қўйилган консоль тарзида ишлайди ва уни фақат чўзилган юкори зонада арматураланади. Консоль плитанинг учидаги қалинлик камидаги 8-10 см бўлиши керак.



**2.14.- расм. Ярим диафрагмали йиғма ораликли қурилманинг кўндаланг кесими**  
1- транспорт қатнов қисмидаги сув оқиб кетадиган тешикли тўсиқ; 2- йўл кийими қатламлари; 4- ярим яхлит қўйма туташуви; 5- йиғма-тўсин;


6- ярим диафрагма.

Оралиқли қурилмаларнинг бош түсінларини алохіда стерженлар ёки пайванд каркаслари билан арматуралаш мүмкін (2.15.- расм). Түсінларнинг ишчи арматуралари диаметрини камида 12мм қилиб, унинг учун ҳимоя бетони қатламини камида 3см ва түсин сиртнинг ён ёки пастки сиртларидан кўпи билан 5см гача қабул қилинади. Агар монолит түсінлар алохіда стерженлар билан арматураланса, у ҳолда улар орасидаги масофа вертикал ва горизонтал йўналишларда камида 5см бўлиши керак. Ишчи арматура стерженларини юқори зонага букиш мүмкін. Хомутлар диаметри- камида 8мм олинади. Хомутлар ва түсінларнинг ён ёки пастки сиртлари орасидаги бетоннинг ҳимоя қатлами 2см дан кам бўлмаслиги керак. Түсин бўйлаб қўшни хомутлар орасидаги масофа хомутнинг кўпи билан 20та диаметри ёки 20см қилиб белгиланади.

Йиғма түсінларда зўриқтирилмаган арматура кўп қаторли пайванд каркаслар кўринишида кўп тарқалган (2.15 ва 2.16.- расм). Улар саноат шароитида тайёрланади, монтаж қилиш осон, улар узунлиги 20м гача бўлган түсінларда кўлланилади.

Пайвандланган каркас бир-бирининг устига оралиқсиз тахтланган ва бир-бiri билан камида 4мм қалинликдаги чоклар билан пайвандланган бўйлама ишчи арматура стерженлари қаторидан иборат. Агар битта вертикал қаторда уч-тўрттадан кўпроқ стержен қўйилган бўлса, у ҳолда улар устига ўша ўлчамдаги ва диаметри камида олтитта диаметрга teng қистирмалар ўрнатилади, ундан кейин яна уч-тўртта стержен зич қилиб қўйилади. Қистирмалар ҳосил қилган оралиқлар (тирқишлир) бетон билан яхшироқ тармашувини таъминлайди. Қўшни вертикал каркаслар орасидаги масофа камида 5см ёки ишчи арматуранинг икки диаметридан кам бўлмаслиги керак. Бетоннинг ҳимоя қатлами алохіда стерженлар учун қандай бўлса, шундай қалинликда олинади. Каркас бўйлама арматурасининг ишчи стерженларини  $30-60^0$  бурчак остида букиш мүмкін, лекин барча каркасларда камида иккита стерженни таянчгacha етказилиши керак. Букиш радиуси даврий профилдаги

букилаётган стерженнинг камиди 12та диаметрида ёки силлиқ стержен учун 10 диаметри миқдорида бўлиши керак (2.13.- расм)




**2.15.-расм. Зўриқтирилмайдиган арматурали йиғма тўсин конструкцияси**  
**1- ярим диафрагма; 2- арматуранинг ярим диафрагмадан чиқиқлари; 3- боғловчи (стропила) сиртмок; 4- йиғма тўсин.**

Қўшимча букиб қўйилган стерженларни асосий арматура стерженларига пайвандлашга рухсат этилади. Бу холда ҳар бир стерженга диаметри асосий бўйлама стерженнинг диаметридан икки марта кичик иккитадан ортиқ бўлмаган қўшимча букилган стерженларни пайвандлаш тавсия этилади. Бундай букилган стерженлар эгилган стерженнинг камиди 12 диаметри узунлигидаги пайванд чоклари билан маҳкамланади (бир томонлама пайвандлашда).

Бўйлама стержен ва букилмаларни пайвандлашда каркасда икки томондан барча пайванд чокларининг узунлиги икки марта камайтирилади. Букилмаларнинг жойлашуви хисоблаш орқали аникланади, лекин букилмалар бўлган участкада тўсиннинг ҳар бир вертикал кўндаланг кесимиға жуда бўлмагандан битта букилма тушиши керак. Тўсиннинг ён деворлари бўйлаб баландлик бўйича 10-12 диаметр масофаларида 8-14мм

диаметрли даврий профилли бўйлама арматура ўрнатилади. Бу арматура бетонни киришиш дарзлари пайдо бўлишидан саклайди.

Кўприкнинг оралиқли қурилмаси ярим диафрагмалар чиқиқларини “ваниали” пайвандлаш билан бириттириб, монтаж қилинадиган жойда уларни бетон билан монолитлаштириб, йигма бетонлардан монтаж қилинади (2.15.-расм). Кейин тротуар блоклари ва йўл қоплама қатламлари ётқизилади.



**2.16.-Текис пайвандли каркаслардан иборат йигма тўсиннинг конструкцияси**

Агар таврли тўсинларда ярим диафрагмалар бўлмаса, улар оралиқли қурилмага транспорт қатнайдиган қисм плиталаридан арматура чиқиқларини монолитлаштириш билан бирлаштирилади (2.16.-расм A-A кесим). Бу холда транспорт қатнайдиган қисм плитаси қовурғаларга эластик бириттирилган сифатдагина эмас, балки вақтинча юкланиш остида кўндаланг йўналишда оралиқли қурилманинг умумий ишида ҳам иштирок этади, чунки тўсинлар ўртасида плитадан бошқа боғланиш йўқ. Бундай плитада мусбат ва манфий

эгувчи моментлар оралиқда ҳам, түсінлар олдида унинг таянчларида ҳам вужудға келиши мүмкін, шунинг учун плитанинг ишчи арматурасини узлуксиз равище да юқори ва қуи зоналарда жойлаштирилади. Күшни түсінлар плиталари орасидаги чокда илгак күренишида ишчи арматура диаметрининг камида 15 та миқдоридаги узунликка устма-уст киритилади ва яхши боғланиш учун күшімча конструктив арматура ва хомутлар қўйилади (*2.16.-расм Б-Б кесим*).

Транспорт қатнов қисм плитасининг ишчи арматураси оралиқли иншоотнинг бош түсінлари йўналишларига доим кўндаланг қилиб жойлаштирилади. Бундан ўз контурига қараб таянган плиталар, яъни кучланишларни бош түсінларга ҳам, диафрагмаларга ҳам узатувчи плиталар бундан мустасно. Күшни диафрагмалар орасидаги масофа қўшни бош түсінлар орасидаги масофанинг икки баробаридан кам бўлганда плита контури бўйича таянган деб аталади. Бу ҳолда плитанинг ишчи арматураси (юқори ва қуи зоналарда) икки перпендикуляр йўналишларининг ҳам кўндаланг, ҳам бўйлама йўналишларида ўрнатилади.

Яхлит қуйма ва йиғма түсінлар диафрагмалари юқори ва қуи бўйлама ишчи арматуралари ва хомутлари билан ўзакланади. Ўзаклашни соддлаштириш учун диафрагмаларда букишларни қилмасликка харакат қилинади.

2.14.-2.16.-расмларда келтирилган оралиқли иншоот түсінлари конструкцияси сиқишига мустаҳкамлиги бўйича В25 синфидағи бетондан ва даврий профилли А-П синфидағи пўлатдан ишланган.

## **2.4.7. Арматураси зўриқтириладиган кўпприкларнинг тўсинли бўлакланадиган оралиқли иншоотлари**

Олдиндан кучлантирилган темирбетон конструкциялар икки хил технология бўйича тайёрланиши мумкин: бетонлангунга қадар ва бетонлангандан кейин зўриқтирилувчи.


**Бетонлангунча зўриқтириладиган қирқимли тўсинли оралиқ иншоотлар конструкциялари.** Улар маҳсус стационар (баркарор) ёки ҳаракатдаги (кўчма) стендлар тайёрланади. Тортилган арматура атрофида опалубка ўрнатилади ва конструкция элементи бетонланади. Бетон белгиланган мустаҳкамликка эришгандан сўнг тортилган (чўзилган) арматура анкер қурилмалардан озод қилинади ва у қисқариб бетонни сиқади. Битта стенда бири иккинчисининг орқасидан жойлаштирилган битта ёки бир неча тўсинни бир вактда тайёрлаш мумкин. Арматурани турли хил усуlda тортиш (чўзиш) мумкин. Арматурани гидровлик домкратлар билан чўзиладиган стендлар энг кўп тарқалган (*2.17.- a расм*). Бу ҳолда стенд арматура элементлари орасидан ўтказилган ва кўчма троверсларга маҳкамланган тиргакларга эга бўлади. Тиргаклар ва троверслар орасида жойлашган домкратлар батареялари арматурани тортиб троверслар дастлабки ҳолатига қайтиралии, қисқараётган арматура эса сиқилишни бетон тўсинга бетон билан илашиш ва маҳсус анкерлар орқали узатади.

Айrim ҳолларда арматурани электр қизитиш усули билан чўзиш мумкин (*2.17.- б расм*). Арматура стерженлари орқали ток ўтказиб улар узайтиргунча қиздирилади. Кейин улар кассеталарга ўрнатилади ва учлари маҳкамланади. Арматуралар совиб, узунлиги бўйича қисқаради ва тортилади. Конструкция элементи кассетада бетонланади. Бетон коришмаси қотгандан сўнг тортиб қўйилган стерженларнинг учлари бўшатилади, улра қисқариб бетонни сиқади.

Шунингдек арматурани узлуксиз ўраш учули ҳам қўлланилади (*2.17.- в расм*). Ҳаракатланувчи ролик кассетанинг умумий асосида жойлашган

анкерларга арматурани думалатиб келтиради. Махсус курилма арматурада доимий тарангликни тутиб туради. Түсинні бетонлаш тугатилиб, бетон зарур мустаҳкамликтеке эришгандан кейин кассета асоси анкерлар билан олиб ташланади ва бўшаган арматура бетонни сикади.

Зўриқтириладиган арматурага эгри чизиқли (полигональ) шакл бериш учун стендлар арматурани букиш жойларида маҳқамлайдиган торткичлар билан таъминланади (2.17.- a расм).



**2.17.- расм. Арматурани бетонлашгача чўзиш курилмасининг схемалри**

- 1- арматура маҳқамланган ҳаркатланувчи троверса; 2- домкратлар батареяси;
- 3- стенд таянчлари; 4- кучлантириладиган арматура; 5- тортқи; 6- бетонланадиган түсин;
- 7- стенд; 8- кассета; 9- электр токи билан қизитиладиган арматура;
- 10- арматурани ўровчи ҳаракатланувчи ролик; 11- тортувчи курилма томон кетувчи кучлантирувчи арматура учи; 12- арматурани ўраши учун анкерлар; 13- кассетанинг асоси.

Тўсин оралиги ва стенднинг турига караб, зўриқтириладиган арматура ва тўсинларнинг конструкцияси ҳар хил бўлиши мумкин. Зўриқтириладиган арматурасининг диаметри 5-7мм ли 15-24 тадан симдан иборат даста кўринишидаги тўсинлар кенг тарқалган (2.18.- a расм). Бундай дастада дастлабки зўриқтириш кучи бетонга фақат тармашув билангина узатилиши мумкин эмас, шунинг учун дастали арматура анкерлар билан таъминланади (2.18.- расм). Бетонни кучайтириш учун анкерлар олдига оддий арматурадан

тайёрланган спираль ўрнатилади. Бундай арматурали тўсинлар ораликлари 12-15м дан 40м гача, баъзида ундан хам ортиқ бўлганда қўлланилади. зўриқтириладиган арматура тўсин чети яқинида жойлашган анкерлар билан полигонал шаклга эга бўлиши мумкин (2.18.- а расм). Бошқа ҳолларда анкерлари тўсин оралигининг узунлиги бўйича турли жойларида жойлашган арматуранинг факат тўғри чизиқли дасталари қўлланилади (2.18.- б расм). Анкер орқасидаги арматуруни ишдан чиқариш мақсадга мувофиқ, бунинг учун уни бетон билан тармашувидан битум шимдирилган каноп билан ёки битум суркалган қофоз ўрами билан ажратилади. Бундай изоляция тўсинни таянчлар яқинида арматура билан нохуш сиқилишидан сақлайди. Зўриқтириладиган арматура дасталари одатда бир неча қатор қилиб жойлаштирилади, бунда вертикал бўйича қўшни дасталар орасидаги ёруғликдаги масофа  $\leq$  6см ёки даста диаметрига teng бўлиши керак. Бетоннинг дастадан пастки ёки ён қиррагача ҳимоя қатлами  $\leq$  4см бўлиши, юқори қиррасидан  $\leq$  3см бўлиши керак.

Зўриқтирилган арматурадан ташқари тўсинлар конструктив бўйлама стерженлар, тўсин деворидаги хомутлар, транспорт қатнайдиган қисм плитасидаги стержен ва диафрагмалар кўринишидаги зўриқтирилмаган арматураларга ҳам эга бўлади. Хомутлар қадами 20см дан ортиқ бўлмаган қийматларда бўлади. Таянчлар яқинида хомутларнинг диаметри камида 10мм ва қадами 10см дан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар тўсинда зўриқтириладиган хомутлар мавжуд бўлса, у холда оддий арматурадан иборат хомут оралиғи 30см дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Тўсинларнинг зўриқтириладиган арматура жойлашган пастки белбоғида кесим контури бўйлаб  $\emptyset \leq 8\text{мм}$  ли ва қадами 20см дан ортиқ бўлмаган хомутлар қўйилади.


Баъзида зўриқтириладиган арматура сифатида даврий профилли юқори мустаҳкамликка эга стерженлар қўлланилади. Стерженлар оралиғи камида 3см ёки диаметрнинг бир ярим баробаридаги масофада бир неча қатор қилиб жойланади. Тўсиннинг юқори қисмида транспорт қатнов қисмининг йиғма тўсинлар ўрнатилгандан сўнг жойида бетонланадиган плитаси билан

монолит қилиш учун зарур чиқиқ ва хомутларнинг чиқарилган жойлари бўлади (*2.18.- e расм*).

Параллел симлардан иборат даста арматура ўрнига даврий профилга эга икки-еттита симдан тўқилган ўрамлар кўлланилиши мумкин. Даста ана шундай ўрамлардан иборат бўлиши мумкин(*2.18.- e расм*).

Унча катта бўлмаган ораликли (8-15см) тўсинлар учун диаметри 2-8мм бўлган алохидা симлардан иборат ёки плитали кўприкларнинг тўсинлари конструкциясига ўхшаш тўсинларнинг юқори ва пастки таянчларида букилмасдан жойлаштирилган ўрамлардан иборат зўриктириладиган арматура кўлланилади (*2.9.- расм*). Тўсиннинг юқори худудида жойлашган зўриктириладиган арматуранинг унча катта бўлмаган қисми уни пастки зўриктириладиган арматура билан сиқиш пайтида, шунингдек ташишда ва монтаж қилишда дарзлар пайдо бўлишидан сақлайди. Агар арматура силлик симлардан килинган бўлса, у ҳолда унда бетон билан тармашувини орттириш учун анкерлар қилиниши мумкин (*2.18.- a расм*). Кўшни симлар орасидаги масофа камида 1см бўлиши, ўрамлар орсидағи эса камида 3см ёки ўрамнинг бир ярим диаметри катталигида бўлиши керак. Бетоннинг ҳимоя катлами пастки киррадан камида 3см, ён ва юқори қирралардан- камида 2см бўлиши керак.

Йиғма тўсинлар оралик иншоотларига диафрагмалар бўйича туташтириб, ёки худди зўриктирилмайдиган арматурали тўсинлар каби юқори токчаларни монолитлаш билан бириктирилади. (*2.14.-2.16.- расмлар*). Баъзида туташтириш учун транспорт қатнов қисм плитасида ёки диафрагмаларда жойлашган зўриктириладиган арматура кўлланилади.



2.18.- расм. Арматураси бетонлашгача зўриқтирилган тўсиннинг конструкцияси  
1- арматура спирали; 2- арматуранинг бетонга тармашувдан изоляциялаи.

**Бетонлангандан сўнг зўриқтириладиган арматурали оралиқ иншоотлар.** Бундай оралиқли иншоотларда аввал тўсин бетонланади, кейин эса арматура зўриқтирилади. Турли конструкциялар ва арматуралаш усууларидан параллель симлар дастаси, симлар ўрамларидан, ёки буралган симли арқонлар кўринишидаги конструкциялар энг кўп қўлланилмоқда.

Шунингдек катта диаметрли, юкори мустаҳкамликка эга пўлат стерженлардан иборат арматура хам қўлланилади. Арматуранинг учлари анкерлар билан маҳкамланади, улар орқали ўз кучланишини бетонга узатади. Бетон зарур мустаҳкамликка эга бўлгандан сўнг арматурада домкратлар билан зўриқиши хосил қилинади, бунда уларни тираш учун бевосита зўриқтирилётган деталдан фойдаланилади. Арматура очик

жойлашиши ёки конструкция бетони ичидан ўтувчи каналларда бўлиши мумкин.

Олдиндан зўриқтирилган арматура анкерлари уч хил бўлиши мумкин.


**Биринчи** турдаги анкер зўриқтириладиган арматура элементи билан олдиндан бириктириб кўйилади (*2.19.- a расм*). Домкрат шу анкерга маҳкамланади ва тўсин бетонига тирилиб ва уни сиқиб, арматурани тортади (*2.20.- a расм*). Ҳосил бўлган оралиқка қистирмалар ўрнатилади, улар домкратдаги кучланиш олингандан сўнг уни бетонга узатади.

Зўриқтиришнинг худди шунга ўхшаш усули анкерларнинг **иккинчи** турида ҳам қўлланилади, улар арматура элементи-одатда юқори мустаҳкамликка эга стержень учидаги резьбага буралади (*2.19.- б расм*).


Домкрат гайка орқасидаги резьба орқали стерженни тортади, гайка эса охиригача бураб киритилади, бунда ҳосил бўлган оралиқ бартараф этилади. Домкратдаги кучланиш олингандан сўнг, у бетонга шу гайка орқали узатилади.

**Учинчи** турдаги анкерлар билан зўриқтирилаётган арматура маҳкамланиб, уни анкерда маҳсус конус билан ўрнатилади (*2.19.- в расм*). Бу усул энг кўп тарқалган, чунки зўриқтирилаётган арматуранинг учларига ҳеч қандай ишлов беришни талаб этмайди. Аммо бундай анкерларда арматурани чўзиши ва маҳкамлаш учун икки тарафлама харакатланувчи маҳсус домкратлар зарур.

Кейинги вақтларда симлар дастаси унинг учларида йўғонликлар-каллаклар ҳосил қилиш натижасида маҳкамланган анкерлар қўлланилмоқда (*2.20.- б расм*). Бу каллаклар маҳсус станокда совуқ ҳолатда ўрнатилади. Анкер биринчи ёки иккинчи турга тегишли. Уни марказий тешикка бураб киритиладиган домкрат тортиб туради. Арматура тешиклар орқали тортиб чўзилгандан сўнг конусларда ёки анкерларда консолларига цементли қоришма босим билан юборилади, у каналларни бутунлай тўлдиради ва арматурани занглашдан сақлайди.



**2.19.-** расм. Бетонлашдан кейин зўриқтириладиган арматура анкерларининг турлари  
1- анкер; 2- қистирма; 3- зўриқтириладиган түсин; 4- зўриқтириладиган арматура  
элементи; 5- анкер гайкаси; 6- конус; 7- анкер обоймаси.




**2.20.-** расм. Учларида каллаклар чиқарилган арматура ва симлар дастаси анкерни  
чўзиш учун домкратнинг схемалари

1- домкрат; 2- поршень; 3- сиқилган мойли камера; 4- тортувчи шток; 5- домкратни  
ва арматура анкерларининг тутқичи; 6- зўриқтириладиган арматура; 7- сиқиладиган  
түсин; 8- анкерни тарангланган ҳолда маҳкамлаши учун гайка; 9- домкратнинг  
тортувчи штоки учун ички резбали бўшилик; 10- учларида каллаклари чиқарилган  
арматура дастаси симлари; 11- сим учидағи каллак.

Арматуралар бетон мустахкамлик олганидан сўнг чўзилгани учун катта  
оралиқ тўсинларини ташиш учун қулай ўлчам ва массага эга алоҳида  
блоклардан узунликлари бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бундай тўсинни оралиққа ўрнатиш учун уни майдончада алоҳида блоклардан йиғилади. Кейин тўсинлар орасидаги чоклар бетон қориши маси билан тўлдирилади. Шунингдек блокларнинг четларини эпоксид асосдаги маҳсус елимлар билан суртиб чиқиш ҳам мумкин. Арматура дасталари каналларига блокларни ўрнатиш билан суртиб чиқиши ҳам мумкин. Арматура дасталари каналларга блокларни ўрнатиш билан бир вақтда ёки бутун тўсин йигиб бўлингандан сўнг ўрнатилади. Чоклардаги бетон, қоришима ёки елим талаб қилинган қаттиқликка эга бўлгандан арматура дасталари тортилади, шундан сўнг тўсин бутун элемент тарзида ишлайди.

Чўзиш учун симларнинг учлари тортувчи домкратнинг қисқичларига маҳкамланади (2.21.- a расм). Анкер обойма ва конусдан иборат. Домкрат камерасига мойни босим билан юборилганда тортувчи цилиндр силжийди ва даста симларини тортади.




**2.21.- расм. Арматурани чўзиш учун икки тарафлама таъсир кўрсатувчи домкратнинг схемаси**

- 1- домкратни тортувчи цилиндр; 2- арматурани чўзиши учун сиқилган мойли камера;
- 3- даста симлари учун қисқичлар; 4- анкер конусини пресслаши учун мойли камера;
- 5- итарувчи шток; 6- анкерга тирадувчи домкрат оёги; 7- анкер обоймаси;
- 8- сиқиладиган тўсин; 9- зўриктириладиган арматуранинг симлари; 10- анкернинг конуси.

Бунда домкрат анкерга тиради ва кучланиши элементдаги бетонга уни сикқан холда узатади. Симларнинг хисобдаги чўзилишига эришилгандан сўнг мой домкратнинг бошқа камерасига босим билан юборилади, бунда биринчи камерадиги босим туширилмайди; шунда домкрат штоки конусни анкер обоймасига пресслайди (2.21.- б расм). Шундан сўнг босимни пасайтириш ва домкратни ечиб олиш мумкин. Даста тортилган ва анкерда маҳкамланган ҳолда қолади.

Обоймаси пўлатдан ва конуссимон тешикли анкерлар кенг тарқалган. Тешикка тобланган пўлатдан тайёрланган конус прессланади. Ишқаланиш кучлари конус ва обойма орасига сиқиб қўйилган тортилган даста симларининг ўрамлари учун анкер ҳам худди шунга ўхшаш конструкцияга эга ўлчами ва кўп микдорда бўлиши билан фарқ қиласиди (2.22.- б расм). Чет элларда обоймаси мустаҳкамлиги бўйича сиқилишга B50 ва конуси B50-B75 синифидаги бетондан бўлган анкерлар қўлланилади.





2.22.- расм. Дастали ва ўрамли зўриқтириладиган арматуранинг конусли анкери

1- даста симлари; 2- ҳар бири еттита симдан иборат ўрамлар.

12-42м ли ораликлар учун кўприкларнинг олдиндан зўриқтирилган оралиқ иншоотларининг наъмунавий бир хил шаклга келтирилган конструкциялари кенг қўлланилмоқда (2.23.- а расм). Оралиқ иншоотлари диафрагмаларсиз; бош тўсинларни ўзаро транспорт қатнайдиган қисм

плитаси бўйича ёки худди зўриқтирилмаган диафрагмасиз тўсинлардаги каби (2.16.- расм) ёки ҳар бир тўсин плитасининг чети бўйлаб 1м қадам билан жойлашган қўйилма деталлар (2.23. расм I узел) орқали бириктирилади.



**2.23.- расм. Бетонлангандан сунг арматурани зўриқтирилган ораликли иншоотнинг кўндаланг кесими**


**1- оғма металл лист; 2- бириктирувчи усткўйма; 3- стержени; 4- кичик анкер; 5- арматура стерженилари; 6- кўндаланг зўриқтириладиган арматурани ўтказувчи канал.**

Диафрагмасиз түсінларни транспорт қатнайдиган қисм плитасидан ўтадиган күндаланг арматура дасталарини таранглаб күндаланг бириктириш мүмкін (2.23.- б *расм*). Бу ҳолда зўриқтириладиган арматура маҳсус каналларда жойлаштирилади, қўшни түсінларнинг плиталари бўйлама чоклари қум цементли аралашма ёки бетон қоришмаси билан тўлдирилади.

Агар оралик иншоот түсінларидаги диафрагмалар бўлса (2.23.- в *расм*), у ҳолда улар күндаланг йўналишида бириктирилади, ёки диафрагмаларда күндаланг зўриқтириладиган арматура билан, ёки диафрагмаларнинг оддий арматурасини улаш билан бириктирилади (2.15.- *расм*). У ҳолда ҳаракат йўли плиталари туташтирилмайди ва у консоль сифатида ишлайди.

Зўриқтирилмайдиган арматурага ва бетоннинг ҳимоя қатламларига кўйиладиган талаблар худди арматурани бетонлашгача зўриқтириладиган түсінларга кўйиладиган талаблар каби, зўриқтириладиган арматура дасталари текис синик чизик ёки эгри чизик бўйича букилади. Букиш радиуси камида 4м бўлиши керак. Зўриқтирилаётган арматурадан ташқари ҳар бир йиғма блок тўрлар ва каркаслар кўринишида А-І ёки А-ІІ синфдаги зўриқтирилмайдиган арматураларнинг катта микдори билан арматураланади ва уни ҳисоблаш бўйича ёки конструктив талабларга мувофиқ ўрнатилади (2.24.- б *расм*).

Каркаслар ва тўрларга бўлиниши уларнинг монтаж қилишдан олдин қолипларга кулай ўрнатилишини таъминлайди (2.24.- в *расм*). Түсінлар күндаланг йўналишида плиталар чиқиқларини бетонлаш билан монолитланади (2.24.- б *расм A-A кесим*). Агар түсінлар күндаланг зўриқтириладиган арматура билан бириктирилса, йиғма блоклар плитасида уни ўтказиш учун каналлар назарда тутилади (2.25.- а *расм*).




**2.24.- расм. Бетонлангандан кейин зўриқтириладиган тўсин блокининг конструкцияси**

**1- йигма блок; 2- елими чок.**

Бетонлангандан сўнг зўриқтириладиган барча четки тўсин блоклари, шунингдек блокларга ажратилмаган тўсинларнинг кирралари яқинида хомутлар, кўндаланг стерженлар ва спираллар кўринишида кучайтирилган арматура кўйилади (2.25.- расм. Б). Бу арматура тарангланган дасталарнинг анкерлари яқинида катта маҳаллий кучланишларни қабул қиласиди. Анкерлар остига металл плиталар ётқизилади (2.25.- а расм Б кўриниши). Арматура таранглангандан кейин анкерлар бетонга монолитланади.

Диамаетри 10мм дан ортиқ бўлган ўта мустаҳкам стерженлардан тайёрланган зўриқтириладиган арматура ўта мустаҳкам симга қараганда нисбатан камроқ мустаҳкамлика эга бўлади. Бундай арматурали тўсинлар чет элларда ҳам, бизнинг мамлакатимизда ҳам қўлланилмоқда.



2.25.- расм. Бетонлангандан кейин зўриқтириладиган тўсин конструкцияси.

1- зўриқтириладиган арматура дасталари

2- дасталар учун каналлар; 3- конструкция бетони; 4- таянч плита;

5- арматура стержени учун канал; 6- гайка; 7- юмалоқланган резьбали стержень.

2.25.- б расмда транспорт қатнов қисмнинг монолит плитаси билан бирлаштириладиган 14м оралиқли йиғма тўсиннинг кўндаланг кесими келтирилган. Зўриқтириладиган арматура стержен учларида тишлари баландлиги ўзгарувчан думалатиш усули билан хосил қилинган резьбага эга. Бундай резьба стерженning кесимини кучсизлантирамайди ва тортиш кучини гайкага, ундан эса таянч плита орқали конструкциянинг бетонига текис узатишга имкон беради. Тортувчи домкрат стерженнинг учига бураб киритилади, кейин керакли кучланишгача тортилади, анкерлашни эса гайкани таянч плитага тирадиганча бураш орқали таъминланади. Транспорт қатнов қисмидаги плита билан бирга ишловчи йиғма тўсинлар учун дастали ёки ўрамли зўриқтириладиган арматуралар ҳам қўлланилади. Кўпчилик холларда улар мақсадга мувофиқ, чунки транспорт қатнов қисм плитасидан кейинчалик ажратилиши сабабли кичик массага эга, осон монтаж қилинади.

#### **2.4.8. Темирбетон ромли кўприклар**

Ромли темирбетон кўприклар оралиқ иншоотларининг таянчлари билан бириктирилади, бу эса оралиқ иншоотларини (ром ригелларни) енгиллаштириш ва уларнинг курилиш баландлигини камайтиришга имкон беради. Ромли кўприкларнинг таянчлари, аккаркаса, сикувчи кучланишларни ҳам, анча катта эгувчи моментларни ҳам қабул қилиб, анча жадал ишлайди.

Таянч устунларини жадал арматуралаш уларни нисбатан унча катта бўлмаган кесимли қилиш имконини беради, шунинг учун ромли кўприклар кўпинча кўприк остидаги фазони таянчлар билан иложи борича камроқ тўсиш керак бўладиган йўл кўприк ва эстакадаларда қўлланилади.

Кўприкларнинг ромлари одатда қўш шарнирли ёки шарнирсиз курилади. Шарнирлар устунларнинг пойдеворлар билан туташган жойларида ўрнатилади. Шарнирсиз ромли кўприклар пойдеворларнинг асосида грунт яхши бўлганда, таянчларнинг чўкиш хавфи бўлмаган ҳолда қўлланилади. Шунинг учун заиф грунтлар бўлганда таянчларнинг чўкишидан камроқ таъсиранувчи қўш шарнирли ромларга ўтилади. Бироқ шарнирлар конструкцияни ва ишларни амалга оширишни мураккаблаштиради, шунинг учун, агар грунт шароитлари имкон берса, доим ромларни шарнирсиз қилишга интиладилар. Ромли кўприклар ҳам яхлит қўйма, ҳам йиғма элементлардан барпо этилади. Яхлит қўйма кўприклар унча катта бўлмаган  $\ell=15\div30\text{m}$  ораликларда ригелнинг баландлиги  $\hbar=(1/12\div1/30)\ell$  ва устунлар кенглиги  $\hbar_c=(1,8\div1/10)\text{H}$  бўлганда қўлланилади (*2.26.- a расм*). Бундай ораликлар йиғма қирқимли тўсинлар билан осон ёпилиши мумкин бўлгани учун, кичик ораликли яхлит қўйма ромли кўприклар ҳозир ниҳоятда камдан кам холларда курилмоқда.


Яхлит қўйма ромли кўприклар бир ораликли ва кўп ораликли бўлиши мумкин. Бир ораликли кўприкларда кўпинча қўш консолли ромлар қўлланилади (*2.26.- a расм*). Консоллар бош тўсинларнинг юкини енгиллаштиради, устунларда эгувчи моментларни камайтиради ва

кўприкнинг кўтарма билан оддий туташувига имкон беради. Агар махаллий шароитларга кўра кўтартмаларнинг конусларини очик қолдириш мумкин бўлмаган ҳолда, ром қия холатларга эга қовурғали таянчлар тарзида ишланиши мумкин. Грунтларнинг сифатига кўра бундай ромлар шарнирли)ёки бикр махкамланиши мумкин (2.26.- б, в *расм*). Бикр (шарнирсиз) махкамлаш кутисимон асосни тўлдирувчи грунт билан таъминланади.

Кўп оралиқли ромли кўприклар, йўл кўприклар ва эстакадалар иншоотнинг ҳарорат деформациясини хисобга олиб курилади. Узун кўприкларда атроф ҳарорати ўзгарганда, деформациялар туфайли катта кучланишлар вужудга келади. Шунинг учун кўп оралиқли ромлар бирбирига боғлик ҳолда деформацияланувчи 50-70м узунликдаги қисмларга ажратилади. Бундай ажратишни ромлар орасига (2.26.- г *расм*) узунлиги  $l_1=(0,3\div0,6)l$  узунликда тўсинли осма оралиқ иншоотини қуриш билан ёки қўшни секцияларнинг яқинлаштирилган таянчлари орасида L узунликдаги чокларни қуриш билан таъминлаш мумкин (2.26.- д *расм*).

Кўндаланг кесимда яхлит қўйма ромли кўприклар оралиқли иншоот бош тўсинларининг миқдорига кўра, устунлар қаторига эга бўлган таянчлар билан курилади. Баландлик катта бўлгандан устунлар кўндаланг тиргаклар билан бириктирилади. Ромли эстакадаларда унинг остидаги фазони камроқ эгаллаш учун устунлар сони минимал миқдор бўлган (битта ёки иккита) таянчлар қуриш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолда оралиқли иншоотда устунлар билан бевосита боғланмаган, бўйлама тўсинлар курилади (2.26.- а *расм*).

Унча катта бўлмаган ромли кўприклар одатда зўриқтирилмайдиган арматура билан барпо этилади. Ўзининг тузилишига кўра ромли кўприкларнинг оралиқли иншоотлари тўсинли кўприкларникига ўхшаш бўлади. Айрим хусусиятлар ромларнинг бош тўсинлари (ригеллари) нинг устунлар билан туташтирилиши учунгина хосдир



2.26.- расм. Яхлит қўйма ромли қўприкларнинг турлари


Равоқнинг устун билан туташиши унга эгувчи моментларнинг узатилишини таъминлаши керак. Бунинг учун оралиқ таянчлар устунлари арматуралари ригелга унинг ўки юқорисидан киритилади (2.27.- а расм). Ригелнинг четки устунлар билан қўшилишида ригел арматурасини устунга ташқи сирти бўйлаб киритилади, устун арматурасини ригелнинг юқориги арматурасигача етказилади (2.27.- б расм).

Ром ригел арматураси худди тўсинли қирқимсиз ёки консолли қўприклар оралигининг ўртасидаги асосий ишчи арматура пастда, таянчлар олдида эса юқорида бўлади. Таянчлар яқинида арматура стерженлари букилади ва ригелнинг бу участкаларида катта кўндаланг кучларни қабул қилиш учун хомутларни бир-бирига яқинроқ ўрнатилади. Пойдевор билан бикр туташтириладиган устунлар арматураси унинг массивига киритилади

(2.27.- *в*, *г*, *д*, -расмлар). Пойдевор билан шарнирли бириктирилганда устун арматураси унинг киррасида кучайтирилади.

Шарнирнинг энг оддий конструкцияси устуннинг кирраси (чети) ва пойдеворнинг сирти ўртасидаги металл қистирма кўринишида қилиниши мумкин (2.27.- *е расм*). Қистирмани одатда қалинлиги 10-15мм бўлган пўлат листдан тайёланади, лекин уни кўрғошиндан ёки резинадан қилиш мақсадга мувофиқроқdir. Горизонтал тиргакни қабул қилиш учун шарнир орқали ундаги бурилишларга каршилик кўрсатмайдиган арматура стержени ўтказилади. Ромли кўприкларда симли шарнирлар ҳам қўлланилади, улар шарнирнинг марказидан ўтувчи, қия стерженлар билан арматураланган темирбетон устунларнинг махаллий торайишини ифода этади. (2.27.- *ж расм*). Устун буралганда шарнир бўйнидаги бетон ёрилиб кетиши мумкин. Бу ҳолда шарнирга таъсир қилувчи барча кучланишларни арматура қабул қилиши керак. Бу арматурани бетон ёриғи орқали ўтадиган намлиқдан сақлаш учун, унинг атрофидаги сув ўтказмайдиган материалдан қистирма қилинади. Таянч босимлари катта бўлганда ромли кўприкларнинг шарнирлари пўлат куймадан тайёланилади. Пойдеворлар таянчнинг ҳамма устунлари остида умумий ёки алоҳида бўлиши мумкин (2.26.- *а расм*).

Мустаҳкам грунтлардаги товонининг эни унча катта бўлмаган ( $\alpha < 30^{\circ}$ ) пойдеворлар бетондан арматурасиз бўлиши мумкин (2.27.- *в расм*). Агар пойдевор товонини кенгайтириш ( $\alpha > 30^{\circ}$ ) талаб этилса, у ҳолда уни пастдан тўр билан арматураланади (2.27.- *г расм*), жуда ҳам эни катта пойдеворларда эса бош чўзувчи кучланишларни қабул қилиш учун қия стерженлар ҳам ўрнатилади (2.27.- *д. расм*).



2.27.- расм. Оралиқлри унча катта бўлмаган ромли кўприклар конструкцияларининг деталлари


*1- металл лист ёки қўргошин қистирима; 2- эластик сув ўтказмайдиган қистирима.*

Катта оралиқли (60-150 м) ромли кўприклар фазода йигиш орқали ёки тўсинли қирқимли ёки консолли кўприклар сингари осма бетонлаш билан барпо этилади. Натижада таянчи асосга бикр ўрнатилган “Т” симон ромлар ҳосил бўлади. Консолларнинг учлари ўзаро яхлит қўйма қилинади, (2.28.- а. расм) ёки ораликлар ўртасида шарнирли қилиб бириттирилади (2.6.- д расм), бунда ромли-қирқимсиз ёки ромли-консолли тизим яратилади. Агар “Т” симон ромларнинг консоллари учларига тўсинли илгакли оралиқ иншоотлар кўйилса, у холда статик аниқ ромли-тўсинли тизимни ҳосил қилинади (2.6. а расм). Ромли-консолли ёки ромли-қирқимсиз тизимдаги кўприкларнинг ораликлари ўртасидаги тўсинлар баландлиги ( $1/40 \div 1/60$ ) $\ell$  ни таянчда ( $1/15 \div 1/20$ ) $\ell$  ни ташкил этади, бу ерда:  $\ell$  – таянч ўқлари оралиғи. Ромли-тўсинли тизимлар учун ҳам шунга ўхшаш нисбатлар сакланади (2.28.- б расм). Илгакли оралиқли иншоотнинг баландлиги унинг  $\ell$  узунлигига боғлиқ (кирқимли тўсинлардаги каби).

Күндаланг кесимда унча катта бўлмаган ромли-консолли ва ромли-тўсинли кўприклар кўндаланг йўналишида диафрагмалар ва тўсинларга ётқизилган тарнспорт қатнов қисмининг йиғма плитаси билан биритирилган алоҳида қўш таврли блоклардан йиғилиши мумкин (2.28.- *в* расм). Баъзида фақат кучли диафрагмалар ва йиғма плитаси бўлган факат иккита бош тўсин қурилади (2.28.- *д* расм).

Катта оралиқли кўприклар кутисимон кесимли блоклардан йиғилади. Улар орасига транспорт қатнов қисмининг йиғма плитаси ётқизилади (2.28.- *г* расм), ёки плита блокларнинг юкори токчаси ва консоллари билан ҳосил қилинади (2.28.- *е* расм). Ромларнинг кутисимон консолларини кўндаланг диафрагмалар билан бирлаштириш мумкин.

“Т”-симон ромларнинг консолларидаги зўриқтириладиган арматурани киркимсиз оралиқ иншоотлари арматурасига ўхашаш кутисимон ёки қўштаврли блокларнинг консоллари ёки бўшлиқларининг юкори белбоғи бўйича жойлаштирилади. Арматура блокларни мувозанатли монтаж қилиш жараёнида ўрнатилади ва тарангланади. Унча катта бўлмаган ромли-осма оралиқли иншоотларда бутун консол блокини битта монтаж элементи кўринишида бажариш мумкин.



2.28.- расм. Т-симон ромли кўприкларнинг схемаси

#### **2.4.9. Аркасimon кўприклар**

Арка тизимдаги темирбетон кўприкларда куббалар ёки аркалар асосий кўтарувчи элементлар бўлиб хизмат қиласди. Кубба эгри чизиқли плитадан иборат бўлиб, унинг эни қалинлигидан анча каттадир. Арка – қўндаланг ўлчами одатда унинг баландлигидан кичик бўлган эгри чоркирра ғўладир. Аркалар (куббалар) асосан сиқилишга ишлагани учун уларда мустаҳкамлик кўрсаткичлари юқори бўлган бетонни қўллаш самаралидир.

Аркасimon кўприкларнинг оралиқ иншоотлари тўсинли кўприкларнига нисбатан доим енгил ва тежамлироқ бўлади. Бироқ тиргакни таянчларга узатиш, уларнинг ўлчамларини, айниқса четки таянчларнинг (устунларнинг) анча миқдорга оширишини талаб қиласди. Шунинг учун аркали кўприклар одатда грунт яхши бўлганда ва таянчлар баландлиги нисбатан унча катта бўлмагандага мувофиқдир. Темирбетон аркалар ёки куббалар билан 60:80 м ва ундан ортиқ ораликлар қопланади, замонавий аркали кўприклар 300 м гача оралиқларни ёпиш имконига эга.


**Аркасimon кўприкларнинг асосий тизимлари.** Статик схемага кўра аркали темирбетон кўприкларни тиргакли ва тиргаксиз кўприкларга ажратиш мумкин. Тиргакли аркали кўприкларда аркалар ёки куббалар товоонлари билан таянчларга таянади ва уларга вертикал босимларни ва тиргакни узатади, тиргаксиз кўприкларда тиргакни иншоот тортқичи қабул қилиб таянчларга фақат вертикал босимни узатади.

Аркасimon кўприклар устидан (2.29.- *a* расм) ёки пастидан юриш йўлига эга бўлади (2.29.- *б* расм). Айрим ҳолларда транспорт қатнов қисми арканинг товоони сатҳида қурилади. Транспорт қатнов қисмни жойлаштириш, сатҳини танлаш кўприқдан ўтишнинг бўйлама профилини лойихалаштириш шароитлари билан белгиланади. Юқоридан юришда транспорт қатнов қисм кубба ёки аркага, арка усти устунлари ёрдамида тиради, пастдан юришда эса уни аркаларга илгаклар билан осиб қўйилади.

Кўприкларнинг аркалари (куббалари) шарнирсиз, икки шарнирли ва уч шарнирли бўлиши мумкин. Шарнирсиз аркалар (куббалар) тузилишига кўра энг оддийдир. Бироқ таянчлар ўта чўкканда ва силжиганда, ҳарорат ўзгарганда, бетон киришганда ва силжувчанлигида, уларда қўшимча кучланишлар ва кучлар вужудга келади. Шунинг учун шарнирсиз аркали кўприкларни грунт бўш бўлганда, шунингдек ҳарорат кескин ўзгарадиган худудларда қўллаб бўлмайди. Икки шарнирли аркалар қўшимча кучланишларга камроқ даражада мойил бўладилар, лекин уларнинг конструкциялари шарнирлар мавжуд бўлгани учун анча мураккаблашади. Уч шарнирли аркалар на таянчларнинг деформациясидан, на ҳароратнинг ўзгаришидан, на бетоннинг чўкиши ва силжишидан, қўшимча кучланишларни бошидан кечирмайди. Шунинг учун улар таянчларнинг ўта чўкиши ёки силжиши мумкин бўлганда, шунингдек ҳароратнинг катта ўзгаришлари бўлганда қўлланилади. Уч шарнирли тизим шунингдек тайёр яrim аркалардан монтаж қилинадиган кўприкларда ҳам қулайдир.

Темирбетон аркаларнинг шаклини ҳисобдаги юкланишдан ҳосил бўлган босим, эгри чизигига иложи борича яқин қилиб қабул қилинади. Аркаларни кўтариш ўқини маҳаллий шароитларга боғлик ҳолда оралиқнинг 1/2- 1/3 дан 1/8-1/10 қисмигача қилиб белгиланади.

Тиргакли кўприкларда тортқич фақат чўзувчи кучланишларни қабул қиласидиган элемент кўринишида бўлиши мумкин; аркалар эса сиқилишга ва эгилишга ишлайди. Бундай тизимни эгилувчан тортқичли бикр арка дейилади (2.29.- *в расм*). Бошка кўринишида тортқични эгилишга ҳам ишлайдиган бикр тўсин кўринишида тайёрланади. Бу ҳолда арка ўқ бўйлаб сиқилишга ишловчи эгилувчан элемент (эгри чизиқли ёки полигонал) бўлиши керак; бундай тизимни бикр тортқичли эгилувчан арка дейилади (2.29.- *г расм*). Бикр аркали, эгилувчан тортқичли ва оғма илгакли тизим қизиқарли бўлиб (2.29.- *д расм*), улар аркадаги эгувчи моментларни камайтиради ва уни анча енгил қилишга имкон беради. Тиргаксиз аркали кўприкларни омухта тизим деб ҳам аталади.



2.29.- расм. Темирбетон аркали кўприкларнинг асосий тизимлари

1- арка усти устунлари; 2- арка; 3- транспорт қатнайдиган қисмнинг конструкцияси; 4- илгак; 5- бикр арка; 6- эгилувчан тортқич; 7- эгилувчан арка; 8- бикр тортқич; 9- огма илгаклар.


**Қубба аркали кўприклар.** Юқорисидан юриладиган аркали кўприкларда қубба устидаги конструкцияни тутиб турувчи битта ёки бир нечта параллель қуббалар қўлланилади. Агар оралиқ иншоотида битта қубба бўлса, у ҳолда унинг кенглигини кўприкнинг тўлиқ энига teng ёки бироз кичикроқ қилинади (2.30.- a расм). Икки ёки бир нечта параллель қуббаларни қўллаб, яна ҳам тежамли ечимни ҳосил қилиш мумкин (2.30.- б расм). Оралиқлар 60-80м бўлганда қуббалар яхлит кесимли қилиниб, улар қуббанинг шаклига мос ҳолда букилган бўйлама стерженларга перпендикуляр ҳолда тақсимловчи арматура қўйилади. Қуббанинг юкори ва пастки арматура тўрлари хомутлар билан боғланади. (2.30.- a расм). Яхлит қуббаларнинг қалинлиги  $(1/50 \div 1/80)\ell$  қилиб олинади. Оралиқлар катта бўлганда (ичи бўш) кутисимон қуббалар қуриш маъкул (2.30- б расм). Материални кесимнинг четларига тўплаш туфайли (юкори ва пастки плиталарда) кутисимон қубба эгилишга яхлит қуббага қараганда рационалроқ ишлайди. Кутисмон қуббаларнинг баландлигини  $(1/40 \div 1/60)\ell$

қилиб қабул қилинади. Қубба усти қурилмаси күндаланг деворлардан (2.30.-*a расм*) ёки транспорт қатнов қисмни күтариб турувчи алоҳида қубба усти устунларидан иборат (2.30.-*б расм*). Қубба усти деворларини қуришда транспорт қатнов қисмининг плитасини бевосита уларга тираб қўйиш мумкин. Қубба усти устунларида, улар плитани бўйлама ва күндаланг тўсинлар ёрдамида тутиб туради. Тугун яқинида транспорт қатнов қисм плитаси қуббага қўшилади ёки у билан туташиб кетади; транспорт қатнов қисмининг йўл қопламаси тугун участкаси бевосита қубба билан тутиб турилади.

Ўзига хос енгил конструкция қуббали аркали кўприкларнинг бошқа бир тури аркали дисклардан иборат кўприкларни ифода этади (2.30.-*в расм*). Аркали дисклар транспорт қатнов йўл қисмининг плитаси биргаликда ишлаши учун пастки эгри чизиқли плита ва бўйлама деворлар билан ягона қутисимон кесим сифатида бириктирилади. Унча катта бўлмаган ораликларида пастки плита бўлмаслиги мумкин, бунда арка диски оддий қовурғали кесимга эга бўлади. Кўпинча арка диски оралиқнинг ўрта қисмида қутисимон кесимга эга бўлади, таянчларга яқин жойда эса транспорт қатнов қисм биргаликда ишлашдан ажраб қолади, диск эса пастки эгри чизиқли плита билан киррали кесимга эга бўлади (2.30.-*в расм*). Аркали дисклардан кўприклар харорат ўзгаришлари, таянчлар деформацияси, бетоннинг чўкиши ва силжиши натижасидаги катта қўшимча кучланишлар бўлмаслиги учун уч шарнирли қилинади.

**Алоҳида аркали кўприклар.** Бундай кўприкларда асосий юк кўтарувчи элемент арка ҳисобланиб, уларнинг кесимлари тўғри тўртбурчакли бўлади, жуда катта ораликларда эса қўштаврли ёки қутисимон қилинади. Аркалар кесимининг баландлигини  $\ell/40$  дан  $\ell/60$  гача оралиқда қилиб қабул қилинади. Юкорисидан юриладиган кўприкларда күндаланг кесимдаги аркалар сони кўприкнинг кенглигига боғлиқ бўлади. Одатда аркалар орасидаги масофа 2-3м дан 5-6м гача бўлади. Паст томонидан

ҳаракатланишда оралиқ иншоот иккита аркага эга бўлади, улар орасидаги масофа кўприк бўйлаб харакат габаритининг эни билан белгиланади.



**2.30.- расм. Куббали темирбетон аркали кўприклар**

1- кубба; 2- кубба усти девори; 3- транспорт қатнайдиган қисм плитаси;

4- куббанинг ишчи арматураси; 5- тақсимловчи арматура; 6- хомутлар;

7- кутисимон қубба; 8- қубба ости устунлари; 9- арка диски.

Аркалар бир-бири билан оралиқ иншоотнинг қўндаланг йўналишида бикрлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш учун тортқичлар билан боғланади. (2.31.- a, b расм). Аркалар уларнинг юқори ва қуий сиртлари бўйлаб кетувчи бўйлама стерженлар билан арматураланади. Бўйлама арматура хомутлар билан қамраб олинади.


Алоҳида аркали кўприкларнинг арка усти устунларида аркалар билан биргаликда ишлашдан қўшимча кучланишлар пайдо бўлишини бартараф этиш учун транспорт қатнов қисмнинг конструкциясини аркалардан чоклар орқали ажратиш тавсия этилади. Бу устунларнинг учларида кўпинча шарнирлар ўрнатилади, бу уларни шарнирлар туфайли эгувчи моментларни қабул килмайдиган тебранувчи устунларга айлантиради (2.31.- a расм).

Чукур жарликлар ёки оқими тез дарёларни кесиб ўтишда, аркаларни бетонлаш учун хавоза қуриш мумкин бўлмаганда, баъзида металл аркали фермалар кўринишидаги бикр арматура қўлланилади. Бу фермалар осма

холда йигилади, уларга опалубка ўрнатилиб ва бетонланади. Бетон мустаҳкамлик олгандан сүнг металл фермалар арка арматураси вазифасини бажаради. Икки ва уч шарнирли аркаларда шарнирлар одатда пўлатдан ясалади.

Оралиқлари унча катта бўлмаган (30-50 м гача) кўшилувчи қисмларнинг ўзаро бурилишни таъминловчи пўлат листлардан ёки қўргошин қистирмалардан иборат оддий шарнирлар қўлланилиши мумкин (2.31 б. расм). Листлар ёки қистирмаларнинг кенглигини арка кесимининг тахминан  $1/3 \div 1/4$  баландлигига қабул қилинади. Шарнир орқали кўндаланг кучларни қабул қилиш учун хизмат қилувчи бўйлама стерженлар ўтказилади. Ўзаро шарнирли қўшилувчи иккита ёстиқ-балансирлардан иборат, пўлат қуймали шарнирлар анча муқаммалдир (2.31- г расм). Шарнирлардан босимлар узатиладиган жойлар билан кучайтирилади.

Аркали кўприкларнинг оралиқ иншоотларини тўлиқ йиғма ёки яхлит қуйма аркали, йиғма арка усти иншоот қурилади. Тўла йиғма аркали кўприкларда аркалар тайёр блоклардан монтаж қилинади.



**2.31.- расм. Аркалари алоҳида бўлган консолли яхлит қуйма кўприкларнинг конструкциялари**

1- транспорт қатнов қисмдаги чок; 2- аркалар орасидаги тортқичлар; 3- арка усти устунларидаги шарнирлар; 4- арка; 5- арка усти устунлари; 6- қўргошин лист; 7- сув ўтказмайдиган мастика; 8- шарнирнинг ўқли стержени; 9- пўлат-балансирловчи шарнир.


Иккита ярим аркалардан аркани монтаж қилиш қулай, уларни тайёр ҳолда оралиққа етказилади (*2.32.- a расм*).

**Яхлит қуйма аркалар** жойида хавозаларда бетонланади. Арка усти иншоот йиғма тарзда транспорт қатнайдиган қисмнинг элементларини ушлаб турувчи устунлар, күндаланг деворлар ёки ромлардан барпо этилади. Арка усти устунлар бўйича консоллари ётқизилиб, уларга транспорт қатнов қисмнинг плитали ёки қовурғали элементлари тиралади. (*2.32.- b расм*). Арка усти қисмнинг устунлари ва консоллари ром блокларига бирлаштирилиши мумкин (*2.32.- c расм*). Шунингдек устунлари бўйича бўйлама тўсинлар ётқизиладиган, улар устидан эса транспорт қатнов қисмнинг блоклари жойлашадиган арка усти иншооти ҳам кўлланилади (*2.32.- d расм*). Йиғма арка усти иншооти конструкцияларида доим оддий тўсинли оралиқ иншоотлари элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофик.

**Тортқичли аркалар.** Тортқичли арка оралиқ иншоотлари таянчларга тиргакларни узатмасдан катта оралиқларни ёпиш талаб этилган холларда қатнов пастдан амалга ошириладиган кўприкларда кўлланилади. Бундай кўприкларда арка тиргаклари тортқичлар қабул қиласи, умуман оралиқ иншоотлари эса тўсинли иншоот каби ишлайди.

Эгилувчан тортқичли аркали оралиқ иншоотларида тортқич темирбетон ёки металдан қилинади. Авваллари темирбетон тортқичлар кучланишини оралиқ иншоотининг қирраларига пўлат ёстиқлар оркали узатиладиган, учлари ишончли тарзда мустаҳкам маҳкамланган силлиқ пўлат стерженлар билан амалга оширилар эди. Замонавий конструкцияларда тортқичларни олдиндан зўриқтирилган юкори даражада мустахкам пўлат симли дасталар ёки чийралган сим арқонлар билан анча мукаммал арматуралаш усули кўлланилади.

Металл тортқичлар кўш таврли, кўш швеллерли ёки қутисимон кесимли профил металдан, илгаклар эса – темирбетондан ёки кўпинча думалоқ пўлатдан тайёрланади.




2.32.-расм. Йиғма аркали күпірекларнинг конструктив элементлари

1- тайёр блок ярим-арка; 2- арка усти иншоот ромлари; 3- транспорт қатнайдыган қисмнинг йигма элементлари; 4- қубба усти дөвори; 5- ригель; 6- блоклар орасидаги чоклар; 7- арка блоклари; 8- арка; 9- арка усти устуни; 10- бүйлама таянч.

Пўлат илгакларнинг учлари аркаларга ва транспорт қатнов қисмнинг кўндаланг тўсинларига гайкалар ва пўлат қистирмалар ёрдамида маҳкамланади.

Бикр тортқичли аркали оралиқ иншоотларда аркаларнинг вертикал текисликдаги бикрлиги минимал бўлиши ва аркаларга оралиқ иншоотининг умумий деформациясидан жиддий эгувчи моментлар узатилмаслиги учун аркаларга иложи борича кичик кесим баландлиги берилади (2.33.- расм). Тортқични бўйлама кучнинг эгувчи моментлар билан биргаликдаги таъсирига хисобланган баланд тўсин кўринишида тайёрланади. Бикрлик тўсинининг кесими ораликлар кичик бўлганда тўғри тўртбурчак шаклда, катта ораликларда эса қўштаврли ёки қутисимон килинади (2.33.- в расм). Бикрлик тўсинларида икки хил ишорали эгувчи моментлар вужудга келиши сабабли, арматурани ҳам юқорига, ҳам пастга жойлаштирилади. Бош чўзувчи кучланишларни қабул қилиш учун хомутлар ва кия стерженлар қўйилади (2.33.- а расм).




2.33.- расм. Тортқичли аркаларнинг деталлари

1- эгилувчан арка; 2- бикр тортқич; 3- қўндаланг тўсин.

**Аркали кўприкларнинг таянчлари.** Таянчлар фақат вертикал кучларнига эмас, балки аркаларнинг горизонтал тиргакларини ҳам қабул қиласди. Шунинг учун уларни сурилиш ёки ағдарилишдан сақлаш учун яхлит қилиб барпо этилади. Агар оралиқ таянчга туташувчи аркалар бир хил оралиқка эга бўлса, у ҳолда таянч ҳам конструкцияга симметрик бўлади (2.34.- а расм). Барча таянчларни катталашиб зарурияти бўлмаган ҳолда унинг юқори қисмини ингичка устунлардан енгиллашиб ишлаб тайёрлаш мумкин (2.34.- б расм). Оралиқлари бир хил бўлмаган аркалар туташган таянчлар катта арка томонидан мувозанатланмаган горизонтал тиргакнинг таъсирига дуч келади. Бундай таянчнинг шакли тиргакни нейтралловчи, носимметрик бўлиши мумкин (2.34.- в расм).

Аркали кўприкларнинг асослари аркалардан анча катта горизонтал кучларни қабул қиласди, шунинг учун улар узунлашиб ишлайди. Асослар бир пайтда кўприкка кириш кўттармаси грунтини ушлаб тура олади, (2.34.- г расм) ёки арка иншоот устунларини кўтариб туриши мумкин (2.34.- д расм).

Катта чукурликларда заиф грунтларнинг мавжудлиги аркали кўприк таянчларининг кучли ривожланишини талаб этади ва кўприк умуман иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлмайди.



2.34.- расм. Аркали кўприкларнинг таянчларининг турлари:

1- арка; 2- оралиқ таянч; 3- асос.

#### 2.4.10. Вантли кўприклар

Вантли тизимдаги темирбетон кўприклар 300-350м гача бўлган катта оралиқларни қоплаш учун қўлланилади. Одатда улар таянчларни куриш қийин ва мураккаб бўлган чукур дарёлар билан кесишиш жойларида, дарёнинг қўйилиш жойларида, денгиз кўрфази ва бўғозларида барпо этилади. Вантли кўприклар шунингдек шаҳарларда ҳам барпо этилади, чунки улар яхши ташқи кўринишга эга.

Вантли кўприк темирбетон таянчларга – пилонларга эга бўлиб, унга сим дасталардан иборат металл вантлар маҳкамланади (2.35.- a расм). Пilonлар асосан сикилишга, вантлар эса чўзилишга ишлайди. Вантли автомобиллар ҳаракати амалга ошириладиган бикрлик темирбетон тўсинини кўтариб туради.

Кўпгина нукталарда бикрлик устунларининг вантларга маҳкамланиши туфайли у камроқ эгувчи моментларга ишлайди ва нисбатан кичик қурилиш баландлиги билан бажарилиши мумкин.

Вантли кўприк пилонларининг баландлиги  $H$  ни  $(1/5 \div 1/3)\ell$  га тенг қилиб қабул қилинади, бунда  $\ell$ - кўприкнинг марказий оралиғи (*2.35.-расм*) Чекка ораликларда  $(0,5 \div 0,8)\ell$  га тенг. Вантларнинг бикрлик тўсинига маҳкамланиш нукталари орасидаги масофа турли хил схемаларда кенг чегараларда  $a=5 \div 10\text{m}$  дан  $a=50 \div 60\text{m}$  гача ўзгариши мумкин. Вантларнинг жойлашиши частотасига боғлиқ ҳолда бикрлик тўсинининг баландлиги  $h$  ўзгариши, уни деярли ҳар доим оралиқ узунлиги бўйича ўзгармас деб қабул қилинади. Одатда  $h=(1/15 \div 1/20)a$  ёки  $h=(1/40 \div 1/100)\ell$  бўлади.


Вантлар горизонтал бўйича камида  $30^0$  қиялик бурчаги остида жойлаштирилади, акс ҳолда уларда катта кучланишлар юзага келиши, бикрлиги эса тез камайиши мумкин. Вантларнинг жойлашиш тизими жуда хилма-хилдир. Вантлар пилонининг бир нуктасидан чиқиши (*2.35.-a расм*) ёки пilonга турли баландликда ёндашиб, параллель жойлашиши мумкин. (*2.35.-б расм*).

Вантлар бикрлик тўсинининг бир нуктасидан чиқиши (*2.35.-в расм*) ёки пilonнинг турли нукталаридан ва турлича қиялик билан чиқиши мумкин (*2.35.-г расм*). Баъзан вантли кўприклар битта носимметрик жойлашган пилон билан таъминланади (*2.35.-д расм*). Бундай схема кўпинча катта шаҳарларда кўприклар қуришда афзалликларга эга. Бир пилонли кўприкнинг катта оралиғида одатдаги таянчлар ўрнатилиши мумкин, бунда вантларга энг яқин таянчни  $a \approx (1 \div 2)a$  масофада жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Вантли кўприкнинг пилони асосий оралиқ  $\ell$  нинг вантларидан горизонтал кучланишларнинг бир қисмини ўзига қабул қилиш учун вертикалга  $\beta=10^0 \div 20^0$  бурчак остида оғган бўлиши мумкин (*2.35.-е расм*).

Вантли кўприкларнинг кўпчилиги қабул қилинган тиргакли тизим сифатида ишлаб, бунда вантлардаги кучланишларнинг горизонтал ташкил этувчилари бикрлик тўсинига узатилади (*2.35.-а, б расм*). Бу ҳолда оралиқли

иншоот таянчларга фақат вертикал кучланишларни узатади. Вантлар автомобиль йўли кўпригининг чекка таянчига, (айниқса бир пилонли схемада) маҳкамланиши мумкин (2.35.- e расм). Бу ерда бикрлик тўсини асослардан бирига таяниб, унга горизонтал кучланишларни узатади. Вантли кўприкниг бикрлик тўсинини унинг вактинчалик юкланишлардан ва шамол таъсиридан буралишига ишлашини яхшилаш учун қутисимон кесимли конструкциялардан бажарилади. Бикрлик тўсини алоҳида пилонларга учлари бўйича вантларга осилади (2.35.- расм A-A кесим). Кўндаланг йўналишида катта бикрликка эришиш учун пилонлар ромли конструкцияда барпо этилади (2.35. расм B-B кесим).



2.35-расм. Вантли кўприларнинг схемалари

1-вантлар;2-пилонлар;3-бикрлик балкалари;4-кўндаланг таянч балкаси

## 2.5 МЕТАЛЛ КҮПРИКЛАР

### 2.5.1 Металл күприкларнинг асосий тизимлари

Пўлатларнинг юқори сифати, уларнинг барча турдаги куч таъсирларида яхши ишлаши, турлича тизимдаги ва конструкциялардаги күприклар тайёрлаш имконини беради. Шунинг учун ҳозирги вактда қўлланиладиган металл күприк тизимлари ҳилма-хил ва жуда кўпдир.

Металл күприкларининг тизимлари ва конструкцияларининг хар хиллиги туфайли уларни аниқ таснифлаш анча қийинчилик туғдиради. Шунга қарамай, оралиқли иншоотларни бош кўтарувчи элементларининг статик схемаларига кўра металл күприклар қуидаги асосий тизимларга бўлиниши мумкин: 1-тўсинли; 2-аркали; 3-осма.

Бундан ташқари, металл кўприклар оддий тизимларни қўшиб олиб бориш ёки оддий тизимларга қўшимча элементларни киритиш йўли билан ҳосил қилинган турлича **омихта тизимларда** қилинади. Баъзида металл кўприкларни **ромли тизимда** ҳам бажарилади.

Ҳозирги пайтда тўсинли кўприклар жуда кенг қўлланилмоқда. Замонавий пўлатлар тўсинли конструкциялар билан ўртача ва катта дарёлар устидан қурилган кўприкларда тез тез учраб турадиган факат оддий оралиқларнигина эмас, балки жуда йирик дарёлар ва бошқа тўсиқлар орқали ниҳоятда катта оралиқларни ҳам (300-500м гача) қоплаш имконини беради. Тўсинли кўприкларнинг ўзига хос хусусияти оралиқли иншоотларининг асосан (вертикал юкланишлардан) факат вертикал босимларни узатиш ҳисобланади. Бу таянчларнинг баландлиги катта бўлганда чукур дарёлар устидан кўприклар барпо қилишни енгиллаштиради. Бундан ташқари, тўсинли кўприкларнинг тузилиши унча мураккаб эмас ва кўпчилик ҳолатларда бошқа тизимлардаги кўприкларга қараганда анча оддий усуулларда барпо қилиниши мумкин.

Статик схемага кўра тўсинли кўприклар қирқимли, қирқимсиз ва консолли тизимларда бўлиши мумкин (*2.36.-а, б, в. расм*).

Бош юк күттарувчи элементларининг тузилишига кўра тўсинли кўприклар бош тўсинлари яхлит деворли кўприкларга (2.36.- *a, б, в расм*) ва ораси очик фермали кўприкларга бўлинади (2.36.- *г расм*).

**Қирқимсиз тизимдаги** кўприкларда ҳар бир оралиқ қўшниси билан боғлиқ бўлмаган мустақил оралиқли иншоот билан қопланган (2.36.- *а расм*).

Кўприкнинг қирқимлилиги ҳар бир оралиқ иншоотнинг соддалигини ва мустақиллигини таъминлайди.

Шу туфайли тўсинли-қирқимли кўприклар ҳатто нокулай грунт шароитида ҳам қўлланиши мумкин, чунки таянчларнинг чўкиши эҳтимоли қирқимли оралиқли иншоотлар ишига салбий таъсир кўрсатмайди. Кўприкдаги оралиқлардан бирининг шикастлаши ёки бузилиши қолган оралиқ иншоотларига таъсир кўрсатмайди. Тўсинли қирқимли кўприкнинг оралиқ иншоотларини умумлаштириш ва стандартлаштириш осон. Бундан ташқари, қирқимли оралиқ иншоотлар тайёрлаш ва йиғиш учун қулайдир. Шунинг учун тўсинли қирқимли тизимдаги кўприклар темир йўлларда ҳам, автомобиль йўлларида ҳам кенг тарқалган.

Қирқимли тўсинли кўприкларнинг асосий камчилиги- нисбатан кўпроқ металл сарфланишидир, чунки уларда қирқимсиз ёки консолли кўприклардагидек, қўшни оралиқлар ёки консолларнинг юкланишни камайтирувчи таъсиридан фойдаланилмайди.

Таянч моментларнинг биргаликдаги иши ва юкини енгиллиштирувчи таъсири туфайли, икки ёки бир неча оралиқларни қоплаб турувчи бош тўсинларга (фермаларга) эга **қирқимсиз кўприклар** қирқимли кўприкларга қараганда камроқ материал сарфланишини талаб этади (2.36.- *б расм*). Қўшни оралиқларнинг юкини енгиллаштирувчи таъсири доимий юкланишдан энг кўп даражада намоён бўлиши оқибатида материаллар сарфидаги тежамкорлик қирқимли тизимга нисбатан кўпrik оралиқлари кўпайиши билан ошади. Бундан ташқари, қирқимсиз тўсинли кўприкларнинг ҳар бири фақат битта таянч қисмида жойлашганлиги ва босимларни марказий холда узатилиши туфайли анча ингичка таянчларни талаб этади. Вактинча

юкланиш оралиқдан оралиққа ўтади, чунки әгилиш чизиги текис күренишга эга бўлади. Қирқимсиз кўприклар киркимли оралиқли иншоотларга қараганда каттароқ бикрликка эга бўлади. Ниҳоят, қирқимсиз кўприклар ҳавозаларсиз осма монтаж қилишни кулагаштиради.

Қирқимсиз кўприкларда: таянчларнинг ҳар хил чўкишида бош таянчларда (фермаларда) қўшимча кучланишларнинг пайдо бўлиши ва кўп оралиқли схемада катта ҳарорат узайишлари каби баъзи камчиликлар ҳам бор.

Ўз хоссалари ва ишлаш шароитларига кўра консолли тизим оралиқ тизим ҳисобланади (*2.3б.- в расм*). Оралиқ иншоотларига металл сарфлаш бўйича у қиркимли кўприкларга яқин туради. Статик аниқланувчанлиги туфайли таянчларнинг ўта чўкиши унинг бош тўсинларида (фермаларида) қўшимча кучланишларни вужудга келтирмайди.

Консолли кўприклар, худди қирқимсиз кўприклар сингари осма йигиш имконини беради. Консолли кўприкларнинг таянчлари уларга оралиқли иншоотларнинг бир нуқтада марказий таяниши туфайли олд томони бўйича унча катта бўлмаган кенгликни ҳосил қиласи. Консолли кўприкларнинг иқтисодий афзалликлари қирқимсиз тизимлардаги каби оралиқлар катталигининг ортиши билан ортади.

Консол тизимининг мураккаб конструктив жойлари осма оралиқларни консол билан туташувига боғлиқ бўлган томони ҳам бор. Бундай қўшилишларда юкланишлар остидаги динамик таъсиirlарни, вужудга келтирувчи әгилиш чизигида анча кескин әгилиш ҳосил бўлади. Бу ҳолат рельс юкланиши (темир йўл, трамвай) остидаги кўприклар учун жуда муҳим, шу билан бирга замонавий тезкор автомагистраллардаги кўприклар учун ҳам аҳамиятга эга. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, асосий оралиқлардан бири шикастланганда қўшни оралиқлар конструкциясининг бузилиши муқаррар.

**Металлдан қурилган аркасимон кўприклар** тиргакли тизим бўлиб, тўсинли тизимдаги кўприкларга қараганда оралиқ иншоотларига металлнинг

камроқ сарфини талаб этади. Лекин тиргакни узатиш туфайли таянчларни янада кучли қилишга түгри келади.

Грунт яхши бўлганда аркали тизим кўпинча мақсадга мувофиқ бўлади. Грунт шароитлари ёмон бўлганда ва таянчлар баландлиги катта бўлганда аркали кўприкларни қўллаш қийинлашади. Шу муносабат билан текис худудларда аркали кўприклар тўсинли кўприкларга қараганда анча кам қўлланилади. Лекин аркали кўприклар шаҳарларда кўпчилик ҳолларда меъморий мулоҳазалардан келиб чиқиб қурилади. Ўзининг конструкциясига кўра аркали кўприклар яхлит кесимли аркаларга (2.36.- *e расм*) ёки панжарасимон аркали фермаларга эга бўлади (2.36.- *ж расм*).

Аркали оралиқ иншоотининг тиргагини тортқич қабул қилиши мумкин. Бу ҳолда оралиқли иншоот тиргаксиз тўсинга айланаб қолади. Авто йўл ва шаҳар кўприкларида кўпинча очик ферма кўринишидаги бикр тортқичли аркалар қўлланилади (2.36.- *з расм*). Бундай оралиқли иншоотларда аркани одатда полигонал сиқилган тасма сифатида қурилади. Ишлаш шароитига кўра бу тизим омухта тизимлар қаторига киради.


Аркали кўприклар кирқимсиз ва консолли бўлиши мумкин, лекин на техник на иқтисодий афзаллilikларга эга бўлмагани учун бу тизимлар кенг тарқалмади.

Осма кўприкларнинг асосий кўтарувчи хусусияти шундан иборатки, унда юк кўтарувчи элементлар сифатида катта мустаҳкамликка эга юқори сифатли пўлатдан тайёрланадиган кабеллар, занжирлар ёки вантлар хизмат қиласи. Бу элементларни грунтда ёки асосда мустаҳкамланган ҳолда осма кўприклар тиргакли деб аталади.

Осма кўприкларнинг вертикал мустаҳкамлигини ошириш учун улар бикрлик тўсинлари билан таъминланади (2.36.- *и расм*), бу ҳолда тизим мураккаб тизимга айланади. Агар тортқич учларини бикрлик тўсини учларига маҳкамланган ва унга тортқичлардаги горизонтал қўшилувчи кучлар узатилса, у ҳолда тизим ташки кўринишдан тиргаксиз бўлиб қолади (2.35.- *к расм*). Ташки кўринишдан тортқичсиз осма кўприкларнинг бошка

турини пилонларнинг иккала томони бўйлаб симметрик ёки носимметрик жойлашган, вантлар тизими билан тутиб туриладиган бикрлик тўсини бўлган тизим ифода этади (2.36.- л расм). Тортқичиз осма тизимлар таянч реакцияларига кўра тўсинли тизимга ўхшайди.

Осма кўприклар кўп оралиқли қирқимсиз бўлиши ҳам мумкин; бундай кўприкларда кўттарувчи кабель бир неча оралиқ орқали узлуксиз ўтади. Осма кўприклар бошқа тизимдаги кўприкларга қараганда бикрлиги камроқ бўлгани учун улар, одатда, автомобиль йўлларида ва шаҳарларда курилади.



2.36.- расм. Металл кўприкларнинг асосий тизимлари

1- осма оралиқнинг консол билан тутишиши; 2- вақтинча юкланиши; 3- бикрлик тўсини; 4- орқали белбог; 5- кабель; 6- вант; 7- ёрдамчи арка белбоги; 8- қўшимча тиргович.

Юқорида күриб чиқилған тизимлардан ташқари металл құпrikларда шпренгель ёки әгилувчан арка күринишидаги пастки құшимча белбоғ билан кучайтирилған түсінлардан (ёки фермалардан) ташқид топған омихта тизимлар ҳам құлланилади (2.36.- м расм).

Кейинги йилларда кенг құлланиладиган бундай тизимларнинг бошқа тури құшимча тиргавучлар билан кучайтирилған консолли ёки қиркимсиз түсіндан ташқил топған конструкция ҳисобланади (2.36.- н расм).


Омихта тизимлар шундай хусусиятга әгаки, бунда статик ноаниқлиги туфайли уларнинг элементларыда металл сарфлашда тежаш имконини берувчи сұнъий тартибға солинган күчланишни құллаш мүмкін.

### **2.5.2. Металл оралиқ иншоотларининг конструктив элементлари**

Исталған тизимдеги металл оралиқли иншоотларнинг асосий құтарувчи элементлари түсінлар, фермалар, аркалар оралиқли иншоотларнинг қолған барча элементларини қамраб турувчи ёки бошқа конструктив элементлар ҳисобланади.

Юқоридан ҳаракат амалға ошириледиган құпrikларда бош түсінлар, фермалар ёки аркалар транспорт ҳаракатланадиган қисмнинг остига жойлаштирилади. Бундай оралиқли иншоотларда бош түсінлар (фермалар, аркалар) сони құпrikнинг кенглигиге боғлиқ бўлади. Кенглиги унча катта бўлмаган автомобиль йўллари ва шахар құпrikларида иккита бош түсін бўлиши мүмкін, кенг құпrikларда эса бош түсінлар сони конструктив ва техник-иктисодий кўрсаткичларга кўра белгиланади (2.37.- а расм).

Бош түсінлар (фермалар, аркалар) оралиқ иншоотининг фазовий ўзгармаслигини ва мустаҳкамлигини таъминловчи бўйлама ва қўндаланг боғланишлар билан ўзаро бирлаштирилади ва құпrikнинг транспорт қатнайдиган қисмини қўтариб туради.



**2.37.- расм. Металлдан тайёрланган оралиқ иншоотларининг конструктив элементлари**

1- бош түсін; 2- тұтқычлар; 3- бүйлама болганишлар; 4- күндаланг болганишлар; 5- транспорт қатнайдыган қисмнинг темирбетон плитаси; 6- бош ферма; 7- қатнов қисмининг бүйлама түсіни; 8- қатнов қисмининг күндаланг түсіни; 9- күндаланг пештоқ болганишлари.

Аркалы күпприкларда күпинча оралиқли иншоотнинг бош түсінлари бевосита юқори белбоғларига ёткизилген темирбетон қатнов қисми құлланилади (2.37.- а расм). Бу плита түсінлар орасидаги юқори бүйлама болганишларнинг ўрнини босиши мүмкін.

Паст қисмидан юриладыган күпприкларда юк күтартувчи элементлар (фермалар, аркалар, осма күпприк кабеллари) транспорт қатнайдыган қисмнинг иккала томонига жойлаштирилади. Шунинг учун паст қисмидан юриладыган оралиқли иншоотлар жуда камдан-кам холларда иккита бош фермага (арка ёки бошқаларга) эга бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, ҳаракатланиш паст қисмидан амалга ошириладыган оралиқли иншоотларнинг транспорт қатнайдыган қисми күндаланг түсінларга, күпинча эса бүйлама түсінларга ҳам эга бўлади. (2.37.- б расм). Ҳаракатланиш пастки қисмидан амалга ошириладыган орилқи иншоотларнинг фазовий ўзгармаслиги ва күндаланг бикрлигини таъминлаш учун уларнинг пастки ва юқори белбоғлари бўйлаб бўйлама боғланишлар ўрнатилади.

Металл күпприкларнинг бош түсінлари, фермалар ёки аркалар ўзларининг таянч босимларини таянчларга маҳсус таянч қисмлари оркали

узатадилар. Таянч қисмлар оралиқли иншоотларнинг таянч босимларини аниқ белгиланган жойларда узатилишини ва шарнирликни яратиш, шунингдек таянишнинг ҳаракатланувчанлигини таъминлаш учун хизмат қиласди.

Металл оралиқли иншоотлар элементлари бир-бири билан электрпайвандлаш, парчин михлар ёки фрикцион болтлар билан бириктирилади. Элементларни заводда ва монтаж қилишда бириктириш усулларига боғлиқ ҳолда металл кўприк конструкцияларининг қуидаги турлари фарқ қилинади. **Парчин михли-** барча бирикмалар, шу жумладан монтаж бирикмалари ҳам парчин михлар билан бажарилади. Яхлит пайвандланган- барча бирикмалар, шу жумладан монтаж қилинадиган бирикмалар ҳам пайвандлаш билан бажарилади. Парчин мих монтаж бирикмали пайвандлаш ва болтли монтаж бирикмали пайвандлаш- заводда бириктирилган жойлари конструкцияларда пайвандланган, монтаж бирикмалари парчин михли ёки юқори мустаҳкамликка эга болтли бўлган ҳолда қўлланади.

### **2.5.3. Металл кўприкларнинг қатнов қисми**

Металлдан қилинган автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларининг транспорт қатнайдиган қисми устида ҳаракатдаги юкланиш ғилдиракларнинг босимидан ва вақтинча юкланиш ва фермаларга узатувчи транспорт ҳаракатланадиган қисмдаги тўсинлардан тушадиган босимни қабул қилиб оловчи йўлдан иборат.

Транспорт қатнайдиган қисм йўл қопламаси ва уни кўтариб турувчи қатнов қисмнинг тўсинларидан, ёки бевосита бош тўсинларидан ташкил топади.

Металлдан қилинган шаҳар кўприклирида йўл қопламаси асфальтбетон ёки цемент бетондан тайёрланади. Транспорт қатнайдиган қисмдан сувни тушиши учун бўйлама ва кўндаланг қиялик берилади. Сув кўприкдан

ташқарига махсус сув чиқарувчи мосламалар орқали кўприк остига оқизилади.

Транспорт қатнов қисмининг оғирлиги металл автомобиль йўли ва шаҳар кўприкларининг тўла доимий юкланишининг катта қисмини ташкил этади. Шунинг учун транспорт қатнайдиган қисмни енгиллаштириш, айниқса, катта оралиқли кўприкларда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

#### **Темирбетон плитали қатнов қисм.**

Замонавий автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларида кўпинча транаспорт қатнов қисм темирбетон плитадан қилинади, бу плита яхлит қўйма ёки олдиндан тайёрланган элементлардан йиғма ҳолда бажарилиши мумкин. Плита оралиқ иншоотининг бош тўсинларига ёки қатнов қисмининг тўсинларига таянади.

Қатнов қисм йиғма плитасининг бош афзаллиги шундаки, уни ўрнатиладиган жойига заводда ёки махсус базада тайёрланган тайёр блоклар кўринишида етказилади. Плитани жойида тайёр блоклардан йиғища фақат блоклар орасидаги чокларни тўлдириш учун унча кўп бўлмаган микдорда бетон ёки қоришима ётқизишга тўғри келади. Йиғма плиталарни тайёрлаш ишларини қиши пайтлари ҳам катта қийинчиликлариз бажариш мумкин.

Йиғма плитанинг камчилиги уланиш чоклари сонининг кўплигига бўлиб, улар жуда яхши бажарилганда ҳам маълум даражада тайёр плитанинг яхлитлиги бузилади. Бундан ташқари, йиғма плитани ўрнатишда катта ўлчамдаги тайёр блокларни етказиб беришда, айниқса уларни вактинча йўллардан ташиш зарур бўлганда кўпинча қийинчиликлар вужудга келади.

Йиғма темирбетон плитадан фарқли равишда яхлит қўйма темирбетон плита жойида бетонланади, бунинг учун махсус колип тайёrlаб ва жойида арматура ишларининг бажарилишини талаб қиласи. Бундан ташқари, бетонланган конструкциянинг бетони етарли мустаҳкамаликка эришгунча маълум муддат давомида кутиб туришга тўғри келади. Яхлит қўйма плитани жойлаш ишлари олдиндан тайёrlаб кўйилган арматура каркасларидан

фойдаланишда ва плитани бетонлашга қараб суріб бориладиган күчма қолипдан фйдаланишда соддалаштирилиши ва тезлаштирилиши мумкин.

Металл кўприкларда ҳозирги вақтгача темирбетон плитанинг йиғма конструкцияси қўлланилиб келинган эди. Бироқ яхлит қуйма плита иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўладиган ҳолатлар ҳам кам эмас. Барча ҳолатларда ҳам транспорт қатнайдиган қисмнинг йиғма ва яхлит қуйма плитаси ўртасидаги танловни кўприк куришнинг барча шароитларини ҳисобга олган холда, уларни техник-иқтисодий жиҳатдан солиштириб асослаш керак.

Темирбетон плитали қатнов қисм яхши эксплуатацион сифатларга эга бўлиб, кўприк бўйлаб ҳаракатланаётган кўчма юкланишнинг динамик таъсирини камайтиради. Замонавий кўприкларда темирбетон плитани, одатда, уни кўтариб трувчи металл тўсинлар билан ҳам бош, ҳам қатнов қисм тўсинларининг биргаликдаги ишлашига мўлжалланади. Бунда, металл тўсинлар билан бирлаштирилган конструкцияда темирбетон плита асосан сикилишга, металл тўсинлар эса чўзилишга ишлайди.

Темирбетон плитали транспорт қатнайдиган қисмнинг камчилиги-унинг  $600\text{-}800\text{kg/m}^2$  га етадиган катта оғирлигидир. Плита оғирлигини камайтиришга енгил бетоннинг, масалан керамзит асосидаги, шунингдек юқори синфли бетонни ва олдиндан зўриқтирилган арматурани қўллаш орқали эришишиш мумкин.

#### **2.5.4. Шаҳар кўприкларида қатнов қисм ва тротуарларни тўсиш**

Автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун қатнов қисмни бордюрлар билан оддий тўсиқ ёки транспорт воситаси тез юрадиган автомагистралларда маҳсус тўсувчи мосламалар ўрнатилади. Тўсувчи мосламалар қатнов қисмнинг бевосита четига жойлаштирилади ёки уларни тўсиқлар билан барпо этилади.

Қатнов қисми темирбетон плитадан иборат металл кўприкларда тўсиқ йўлнинг сиртидан 50-60 см баландликда, бурчак элементлар кўринишида

курилиши мумкин. Тұсуви әлементлар мустақил ўрнатилиши ва темирбетон плитада анкерлар ёки полимер елим билан маҳкамланиши мумкин (2.38.- a расм). Тұсуви әлемент тротуар түсінлари билан бирлаштирилиши мумкин (2.38.- b расм). Қатнов қисміга металл тұшама ётқизилған күпrikларда, уни түсиш металл бордюрли бўртиклар билан амалга оширилади (2.38.- расм). Қатнов қисмни ишончли түсиш металл шаклдор планка ёрдамида эришилади (2.38.- г расм).


Факат автомобиллар ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва пиёдаларнинг ўтишини назарда тутмайдиган йўлларда маҳсус тротуарлар барпо этилмайди ва тўсиқлар сифатида турли мосламалардан фойданилади. Бундай ҳолларда тўсиқлар автомобилларнинг унга берадиган зарбига мос бўлиши, суюнчиқларнинг устунлари эса қатнов йўли қисмининг плитасига ёки оралиқли иншоотнинг металл конструкциясига ишончли тарзда маҳкамланган бўлиши керак.

Тўсиқлар автомобилларнинг зарбларини қабул қилиши учун шаклдор пўлат планкага эга бўлиши (2.38.- д расм) ёки зарбани ўзининг туткичи ва тўлдириш әлементлари билан қабул қилиши мумкин (2.38.-е расм). Чет элларда кўпинча бошқаларга нисбатан каттароқ деформацияланувчаникка эга бўлган, зарбаларни яхшироқ амортизацияловчи алюминий суюнчиқлари кўлланилади.

Металл кўпrikлардаги тротуарлар темирбетон плитанинг консолларида ёки қатнов қисмининг гўё кўндаланг тўсиқлари давомини ифодаловчи маҳсус консолларда қурилади. Тротуарларнинг сиртларидан сув оқиб кетиши учун кўпrikнинг қатнов қисми томонига қараб 1,5-2% қиялик билан қуриш тавсия этилади.

Шахар кўпrikлари суюнчиқлари пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, айрим ҳолларда эса автомобилларнинг келиб урилиши зарбини қабул қилиш учун етарлича мустахкам ва ишончли бўлиши керак (2.38.- д ва е расм).

Шу билан бирга, түсіклар мөймөрий безатилишнинг маъсул элементи, айниқса, юқори қисмидан ҳаракат амалга ошириладиган кўприкларда автомобиллар ва пиёда ўтиб бораётган йўловчилар томонидан кўринадиган ягона конструктив элементидир. Шахар кўприкларида суюнчикларнинг яхши ташқи кўриниши алоҳида ахамиятга эга. Металл кўприкларнинг түсіклари одатда металлдан тайёрланади. Түсик устунлари тротуар консоллари учларига ёки маҳсус тротуар блокларига маҳкамланади (2.38.- a ва b расм). Шахар кўприклари түсіклари одатдаги сортаментдаги прокат металлдан тайёрланади. Шу билан бирга чўяндан қўйилган мөймөрий безакли түсіклар ҳам қўлланилади. Юқори тезликда ҳаракатланувчи автомобиллар учун мўлжалланган автомагистралларда кўприклар куришда қатнов қисмнинг икки ён чеккаларида тутқичларнинг мавжудлиги ҳаракатланаётган автомобилларга салбий аэродинамик таъсир кўрсатиш мумкин.




2.38.- расм. Автомобиль йўллари кўприкларидағи ҳаракатланиш қисмидаги қўлланиладиган түсікларининг турлари

1- бурчакли тўсувчи элемент; 2- полимер елем копламаси; 3- шаклдор пўлат планка; 4- металл устун; 5- кўшиимча тутқичлар; 6- тротуар блоки билан бирлаширилган тўсувчи элемент; 7- пўлатдан тайёрланган тўсувчи бордюр; 8- автомобилнинг зарбаларини қабул қиливчи тутқичлар.

Бунинг сабаби шундаки, харакатдаги автомобиль кесиб бораётган ва икки томонга итариб чиқарилаётган хаво тутқичлар томонидан ёнбош қаршиликка дучор бўлиб, унинг харакати барқарорлигини бузишга қодир қўшимча W ён босимини сезади (2.39.- б расм)

Шунинг учун харакатланиш тезлиги катта бўлган автомагистраль кўприклари тўсиқларининг конструкцияси ҳавони минимал даражада тутиб қолиши, яъни тўлдириш элементларининг иложи борича кичик юзига эга бўлиши керак (2.39.- в расм).



2.39.- расм. Металл кўприкларнинг тўсиқлари  
1- ҳаракатланувчи автомобиль; 2-тўсиқлари.

#### 2.5.5. Металл кўприкларнинг қатнов қисмидаги деформация чокларини ёпиш

Металл оралиқ иншоотларининг чекка таянчларида шунингдек кўп ораликли кўприкларнинг қўшни оралиқ иншоотлари туташиш жойларида

хароратнинг ўзгариши ва вақтинча юкламанинг таъсирида юзага келадиган эркин деформацияларни таъминлаш учун йўлнинг қатнов қисми узилиши керак.

Қатнов қисмидаги чоклар кўприкнинг туташиб турган қисмларининг эркин силжишларига қаршилик кўрсатмай, ҳаракатланиш полотноси сиртининг узлуксизлигини таъминлайдиган конструкцияга эга бўлиши керак. Шунингдек, чокка иложи борича кам атмосфера намлиги тушиши, чок орқали сингиб кирадиган сув эса кўприкнинг пастроқда жойлашган металл конструкциялари ва таянчларининг ҳўлланиши ва ифлосланишига йўл кўймайдиган маҳсус сувни бартараф этувчи мосламалар томонидан тортиб олиниши зарур.

Чокларни кўрсатиб ўтилган шартларни тўлиқ қаноатлантирадиган даражада ёпиш жуда қийин. Айниқса катта оралиқли кўприкларда ёки узун қирқимсиз оралиқли иншоотлари бўлган кўприкларда вужудга келадиган катта силжишларда деформация чокларини ёпиш конструкцияси мураккаблашади. Тутаишлар конструкцияси асосан чокларадаги кўчишларнинг катталигига, шунингдек кўприк автомобиль қатнови қисмининг йўл қопламаси турига боғлиқ.

Тўсинли тизим оралиқли иншоотларнинг деформация тизимларидағи силжиш катталигини аниқлашда куйидагиларга асосланиш мумкин (*2.40.- a расм*):

- харорат ўзгаришининг таъсири остида тўсиннинг эркин таянган учи  $\pm at\ell$  катталикка кўчади, бу ерда:  $a$ - металлнинг чизиқли кенгайиш коэффициенти;  $t$ - хароратнинг ҳисобий ўзгариши;  $\ell$ - кўприк оралиғи;
- вертикал юк остида тўсин эгилади, бунда унинг таянч кесимлари оралик ичига томон оғади.

Куйидаги белгилашларни киритамиз:  $\gamma_1$  ва  $\gamma_2$  - тўсиннинг таянч кесимларининг қиялик бурчаги;

$h_1$  ва  $h_2$ - мос равишда күзгалмас ва күзгалувчан таянч қисмлари шарнирлари марказларидан автомобиль қатнови қисмининг сиртигача бўлган масофа;

$\ell_1$  ва  $\ell_2$ - таянч қисмлар шарнирлари марказидан бош тўсиннинг күзгалмас ва күзгалувчан учлари ўқларигача бўлган масофа.


У ҳолда тўсиннинг күзгалмас тиralган жойида қатнов қисми сатҳида (деформация чокида) кўзгалишлар  $\Delta_1 = \gamma_1 h_1$  бўлади (2.40.- a расм).

Агар нейтрал ўқ бўйича тўсиннинг узуунлиги ўзгаришсиз қолса, у ҳолда тўсиннинг күзгалувчан учлари устидаги қатнов қисми сатҳидаги факат битта вертикаль юкланиш таъсиридаги кўзгалиш

$$\Delta'_2 = -\gamma_2 h_2 + \gamma_1 l_1 + \gamma_2 l_2 = \gamma_1 l_1 - \gamma_2 (h_2 - l_2)$$

формула билан ифодаланади.

Бу ифодадан кўринадики, унга кирувчи катталикларнинг, хусусан  $h_2$ ,  $l_1$  ва  $l_2$  нинг нисбатидан боғлиқ ҳолда  $\Delta'_2$  катталик мусбат ёки манфий бўлиши мумкин.



2.40.- расм. Кўприкларнинг деформация чокларидаги унча катта бўлмаган кўзгалишларни аниқлашга оид схемалар  
1- тўсиннинг деформациясигача бўлган нейтрал ўқи; 2- тўсиннинг деформациясидан кейинги нейтрал ўқи.

$\Delta_2$  нинг манфий қийматида қўзғалувчан таянч устидаги деформацион чокда вертикал юкланишдан силжиш оралиқ ичига томон йўналган бўлади. Мусбат қийматида эса оралиқдан ташқари томонга йўналган бўлади. Вертикал юкланиш ва температурадан тўсиннинг кўчма учлари устидаги тўлиқ қўзгалиши

$$\Delta_2 = \gamma_1 l_1 - \gamma_2 (h_2 - l_2) \pm \alpha t l,$$

Бунда: ҳароратнинг мусбат белгиси унинг ортишига мос келади.

Кўп оралиқли кўприкнинг иккита туташувчи оралиқли иншоотлари чокида энг катта силжишларни кўшиш зарур. Барча ҳолларда силжишларни қурилиш механикасининг умумий усуллари ёрдамида аниқлаш ҳаммасидан яхшироқдир. Масалан, оддий тўсин учун деформацион чокнинг силжиш йўналиши бўйича бирга teng куч қўйиш ва бу кучдан оралиқ иншоотининг вертикал эгилишларининг эгри чизигини ясаш керак. Буни тўсинда бирлик куч  $P=1$  эгувчи моментлар  $M$  қалбаки моментларнинг эпюрасини ясаб бажариш осон (*2.40.- б расм*). Ҳосил қилинган эгри чизик чокда силжишининг таъсир чизигини ифодалайди. Оралиқ иншоотларининг бошқа ҳар қандай тизимларида хам худди шундай иш тутиш лозим. Бунда қўп оралиқли кўприкларда икки оралиқ иншоотлари орасидаги энг катта силжишни аниқлаш учун чокдаги йигинди қўзгалишнинг иккала кўшни оралиқ иншоотлари деформациялари натижасида таъсир чизигини дархол қуриш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун туташувчи оралиқ иншоотларига таъсир қилувчи иккита қарама-қарши бирлик кучланишларни қўйиш ва ҳар бири учун вертикал эгилиш эгри чизигини ясаш керак. Натижада чокдаги изланаётган силжишининг таъсир чизигини ҳосил қиласиз (*2.40.- в расм*).

Олинган таъсир чизигини вақтинча юкланиш билан, шунингдек доимий юкланиш деформация чоклари конструкцияларини ўрнатгандан сўнг оралиқ иншоотига таъсир кўрсата бошлайдиган қисми билан юклаб, вертикал юкламалардан чокдаги мумкин бўладиган энг катта силжишларнинг миқдорини ҳосил қиласиз. Таъсир кўрсатишнинг икки

ишора чизикларида ҳар бир йўналишдаги силжишларнинг алоҳида аниқлаш зарур. Чокда энг катта тўлиқ силжишларни кўшиш керак. Бунда иккала ишоранинг силжишларини алоҳида аниқлаш керак.

Қоплама асфальт-бетонли бўлганда чокларнинг ёпмалари силжишларнинг катталигига боғлиқ ҳолда ёпиқ ёки очиқ қилиб курилади. Тахминан  $\pm 0,5$  см дан ошмайдиган озгина силжишларда чок устидаги асфальтбетон ёпма узлуксиз қилиниши мумкин. Унда чок ораёпмаси лист металл (рухланган пўлат, жез) ёки темирбетон кўприкларда қилинганига ўхшаш йўл қопламаси остида яширган эластик сиртмок кўринишида амалга оширилади.

Катта силжишларда, қоплама бузилишининг олдини олиш мақсадида уни чок ораёпмасини қатнов қисми полотносининг сиртига чиқариб ёпишга тўғри келади. Чокнинг энг оддий устёпмаси текис ёки тарам-тарам сиртли металл лист ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Листни бир томони билан темирбетон плитани ўраб турувчи бурчакка маҳкамланади (*2.41.- a расм*). Лист иккинчи томони билан қўшни оралиқ иншоотининг плитасини ўраб турувчи худди шундай бурчак сирт бўйича эркин сирпаниши мумкин.

Чокни ёпиб турувчи конструкция орқали сингиб ўтувчи сув маҳсус сув чиқарувчи новда тўпланади ва четга чиқариб ташланади. Чокни ёпиб турувчи листлар ёрилган жойда чиқиқ жойларнинг баландлиги унча катта бўлмаслигига қарамай  $\Delta$  узилиш катталиги қанча катта бўлса, тўсинлар ҳам шунча катта бўлади (*2.41.- a расм*). Шунинг учун деформация чокида жуда кичик силжишлар, яъни узилишнинг узунлиги  $\Delta=5-6$  см дан ортиқ бўлганда чокларни ёпиш конструкциясини қўллаш лозим, унда силжиш икки қисмга бўлинади.


Бундай конструкция схематик тарзда 2.41.- б расмда кўрсатилган. Оралиқ иншоотининг таянч билан ёки қўшни оралиқ иншооти билан туташишини ёпувчи металл элемент кўприкнинг туташувчи қисмлари учларидаги қия листлар сиртига тиради. Ёпувчи элемент бу листларга пружина ёрдамида сикилган ва ёпувчи листнинг туташувда тўлиқ

силжишини таъминловчи ричагли механизм билан боғланган. Бу механизм туфайли чокни ёпувчи листнинг кўприкнинг ҳар бир туташувчи қисмларига нисбатан силжишлари чокдаги тўсиқ силжишининг ярмига teng бўлади.

Шаҳар кўприкларида тез-тез кўлланилган силжишлари ажратилган чокнинг янада оддий конструкцияси 2.41.- в расмда келтирилган. Чокни ёпиш туташувчи оралиқ иншоотлари бош тўсинлари учларида ўрнатилган пайванд қўштаврга таянувчи лист ёрдамида амалга оширилади. Ёпувчи лист қўштаврларнинг юқори токчаларида овал тешиклар орқали ўтувчи болтлар ёрдамида маҳкамланади. Овал тешикларнинг узунлиги ҳар биридаги болтнинг силжиши чокдаги йигинди силжишларининг ярмидан ортиқ бўлмаслик шарти билан тамиланади. Бундай конструкция туфайли чокда тўлиқ силжиш  $\Delta$  ҳар бири  $\Delta/2$  бўлган икки интервалга бўлинади. Чок остида одатда сув тўпловчи нов ўрнатилади.

Чоклардаги унча катта бўлмаган силжишларда уларни ёпиш синтетик каучук ёки бошқа полимер материалдан тайёрланган эластик тўлдирувчи қистирмалар ёрдамида бажарилиши мумкин. Темирбетон кўприкларда кенг тарқалаётган бундай конструкциялар ораликлари унча катта бўлмаган металл кўприкларда ҳам кўлланилиши мумкин.

12-15 см дан кўпроқ бўлган катта силжишларда деформация чокларини ёпувчи конструкцияларни янада мукаммал қилиш керак. Чет эл кўприксозлик амалиётида бундай конструкцияларнинг жуда хилма-хил турлари кўлланилади. Одатда, бу конструкциялар анча мураккаб, каркасиклаб тайёрлашни ва монтаж қилишни талаб этади. Уларнинг нархи унчалик кўп эмас, бироқ бир текислик ва туташув орқали кўчма юкланишнинг ўтиши, чидамлилиги ва эксплуатация қилиш мазмунининг (тозалаш, сувни чиқариб ташлаш) қулайлиги ораёпманинг оддий конструкцияларда амалга ошмайди. Чет элларда кўлланиладиган, катта силжишларда деформацион чокларни ёпишнинг айrim турлари келтирилган. Курилмани ёпувчи чоклари ҳамиша имкони борича талабларга тўла жавоб берувчи, ўйлаб қилинган ва пухта бажарилган конструкцияга эга бўлишлари керак.



**2.41.- расм. Металл күпіркларда деформация чокларини ёпиш конструкциялари**

1- төмірбетон плита; 2- чокни ёпувчи металл элемент; 3- ўраб турууучи бурчак; 4- сув йигувчи нов; 5- тор металл лист; 6- бурчакликни ўраб олган маҳкамловчи арматура; 7- асфальтбетонли қоплама; 8- бетон ҳимоя қатлами; 9- гидроизоляция; 10- элемент чокини ёпувчи силжисишини тартибга солиши учун ричаглар тизими; 11- пружина; 12- ёпувчи листни маҳкамловчи болт; 13- болтнинг пайванди; 14- пайвадланган қүштавр; 15- бош түсін.

#### **2.5.6. Ер ости тармоқларини шаҳар күпірклари орқали ўтказиш**

Шаҳарнинг ер ости тармоқлари (кувур ўтказгичлар, кабеллар) дарё, жарлык каби түсикларга дуч келганды уларни түсикнинг бевосита туби бўйича ёки кўпrik бўйича ётқизиб, бошқа қирғоққа ўтказиш мумкин.

Тўсиқнинг туби бўйлаб қувур ўтказгичлар дюкер ёрдамида ўтказилади. Бу усулнинг камчилиги тармоқлар устидан доимий назоратнинг имкони йўқлиги ва таъмирлашнинг қийинлиги ҳисобланади. Шу муносабат билан жадал ривожланган шаҳарларда кўпинча қувур ўтказгичлар ва кабелларни ўтказиш учун тайёр шаҳар кўприкларидан фойдаланилади.

Ер ости тармоқлари элементларини кўприк орқали ўтказиша тармоқлардан меъёрида фойдаланиш шароитларига қўйиладиган асосий талаблар қондирилиши билан бирга кўприкнинг ўзига қўйиладиган талаблар ҳам бузилмаслиги керак.

Фойдаланиш жараёнида қуйидагилар таъминланиши лозим:

- кўрик ўтказиша ва таъмирлашда ёки алмаштириша барча қувур ўтказгичларга ўтиш қулай бўлиши;
- кўрик ўтказиша устидаги қурилмаларни очиш ёки ҳар сафар маҳсус ҳавозалар ёки йўллар қурилишини истисно этиши.

Ер ости тармоқлари кўприк элеменatlарининг мустаҳкамлигини бузмаслиги, конструкциянинг иш шароитларини қийинлаштиrmаслиги ёки меъморий қиёфасини бузмаслиги керак. Тармоқларни конструкциядаги мавжуд бўш фазодан ўтишива конструкциянинг кўтарувчи элеменatlари билан тутиб туришини таъминлаб жойлаштириш керак. Тармоқларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган кўприкни кенгайтиришига йўл қўймаслик лозим.

Шаҳар кўприкларини лойиҳалашда факат мавжуд тармоқларни ўтказишнингина эмас, балки уларнинг истиқболдаги ривожланишини ҳам ҳисобга олиш керак. Ер ости тармоқ элемenatlari шаҳар кўприклари бўйича турли усуllарда ўтказилади:

- тротуарлар остида қуриладиган маҳсус каналларда;
- транспорт қатнайдиган қисм остида, кўприкнинг бош фермалари (тўсинлари, аркалари) остида.

Таяниш усулига кўра:

- кўндаланг тўсинларига осиб қўйиш билан;

- кўндаланг боғланиш элементларига тираб қўйиш билан;
- кўндаланг тўсинларнинг вертикал деворларида маҳсус тешиклар қилиш билан.

Бунда кўндаланг боғланиш элементлари тармоқларнинг вазнини хисобга олиб хисобланиши керак.

## **2.6. Тошкент шаҳридаги янги йўл ўтказгичлар.**



**2.43 –расм. Тошкент шаҳар Новза метроси ёнидаги темирбетон йўл ўтказгич**

### **Назорат саволлари:**

1. Кўприклар қандай асосий турларга бўлинади?
2. Кўприкли ўтиш деб нимага айтилади?
3. Ажралувчи кўприклар қандай шароитларда ишлатилади?
4. Сузувчи кўприклар қачон кўлланилади?
5. Кўприк ёки кўпrik иншоотлари қандай элементлардан ташкил топади?
6. Ёғоч кўприклар учун қандай дараҳт навлари кўлланилади?
7. Тош кўприклар қандай афзаликларга эга?
8. Мустахкамлик бўйича бетоннинг синфи қандай аниқланади?
9. Бетон қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
10. Темирбетон кўприклар қандай афзаликларга эга?

11. Кўприкларнинг қандай тизимлари энг кенг тарқалган?
12. Вантли тизим нимани ифодалайди?
13. Авто йўл кўприкларининг қатнов қисми ёпмаси учун қандай материаллар қўлланилади?
14. Оралиқ курилма ва чекка таянчлар орасидаги деформация чокларнинг тузулмаси қандай?
15. Қатнов қисм плитасининг қалинлиги қандай қабул килинади?
16. Яхлиткуйма ва йиғма тўсинларнинг диафрагмалари қандай арматураланади?
17. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон конструкциялар қандай технология асосида тайёрланади?
18. Арматурани узлуксиз ўраш нимани ифодалайди?
19. Бетонлашдан олдин ва кейин зўриқтириладиган оралиқли иншоотларда арматура қандай бўлади?
20. Арматурани олдиндан зўриқтириш учун қандай анкерлар фойдаланилади?
21. Ромли темирбетон кўприклар қандай афзалликларга эга?
22. Аркали темирбетон кўприкларда юк кўттарувчи элемент нима ҳисобланади?
23. Аркали кўприкларнинг асосий тизимлари нималардан иборат?
24. Яхлит қуйма аркалар қандай бетонланади?
25. Вантли кўприклар қандай шароитларда қўлланилади?
26. Оралиқ курилмаларнинг статик схемасига кўра металл кўприкларни қандай тизимларга ажralиши мумкин?
27. Аркали металл кўприклар қандай бўлиши мумкин?
28. Осма кўприкларнинг бош хусусияти нима?
29. Металл оралиқ иншоотларининг асосий юк кўттарувчи элементларига нималар киради?
30. Шахар кўприкларининг транспорт қатнайдиган қисми қандай элементлардан ташкил топган?
31. Металл кўприкларнинг транспорт қатнайдиган қисмидаги деформацион чоклар.
32. Металл кўприкларнинг транспорт қатнайдиган қисмидаги деформация чоклари?

### **3. ШАҲАР КЎПРИКЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ АСОСЛАРИ**

#### **3.1 УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Шаҳар кўприклари, эстакадалар ва йўл кўприкларни ҳисоблаш автомобиль йўллари ва шаҳарлардаги кўприклар учун ягона бўлган амалдаги меъёрлар ва техник шартларга мувофиқ амалга оширилади. Бу иншоотлардан ўтაётган автомобиллардан тушадиган вақтинча, ҳаракатдаги, вертикал, автомобилларнинг стандарт колонналари ёки бундай колонналарнинг ўрнини босувчи текис тақсимланган юкланишлар кўринишида, шунингдек тротуарларга одамлардан тушадиган юкланишлар кўринишида белгиланади. Кўприкларга автомобиллардан ташқари оғир трейлерлар кўринишидаги маҳсус юкланишлар ҳам таъсири қилиши мумкин.

Шаҳар кўприклари автомобиллар юкланиши ва одамларнинг биргаликдаги таъсирига ёки факат маҳсус юкланиш таъсирига ҳисобланади. Шаҳар эстакадалари, одатда, одамлардан тушадиган юкланишга эга эмас.

Айрим ҳолларда транспорт кесишадиган жойлардаги эстакадаларни оғир маҳсус юкланишга хисобламаса ҳам бўлади, чунки шаҳарда улар эстакадалардан ўтмай бевоста кўчалар бўйлаб ҳаракатланади. Кўчалар бўйича, портларга, йирик биноларга, вокзалларга яқинлашганда кўп ярусли эстакадаларни камайтирилган юкланишга хисоблаш мумкин, чунки бу жойлар асосан енгил автомобиллар ҳаракатланиши учун фойдаланилади.

Вертикал вақтинча юкланиш конструкцияларга марказдан қочма кучлар, бўйлама тормозланиш юклари, ён турткilar ва зарбалар кўринишидаги горизонтал юкланишларни ҳам узатади. Бу юкланишларни ҳисобга олиш эгри чизиқли эстакадаларни ҳисоблашда айниқса мухимдир. Иншоотларга доимий юкланишлар уларнинг хусусий вазнидан, олдиндан зўриклирилган кучланишлар, грунт босимидан, шунингдек ҳарорат деформацияларидан ва бошқа узоқ муддатли таъсиirlардан бўладиган юкланишлардан юзага келади.

Ҳарорат ва узоқ муддатли деформациялар эгри чизиқли эстакадалар учун айниқса мақсадга мувофиқ эмас, чунки уларда нотекис силжишлар ва буралишларни вужудга келтиради.

### **3.2. ТЕМИРБЕТОН ЭСТАКАДАЛАР ЙЎЛ КЎПРИКЛАР ВА ОРАЛИҚ ИНШООТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Шаҳардаги темирбетон эстакадалар ва йўл кўприкларини ҳисоблашнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари бор. Конструкциянинг хусусий вазни ва унинг асосий юк кўтарувчи элементлари (бош тўсинлари) орасидаги вақтинча юкланишдан тушадиган қучларнинг тақсимланишини аниқлашга имкон берувчи, эстакадаларнинг оралиқли иншоотларини ҳисоблаш усуслари айниқса мураккабдир. Бунинг сабаби, оралиқ иншоотлари режада эгри чизиқли ёки қия бўлиши, диафрагмали ва диафрагмасиз, оралиқ иншоотининг бутун эни бўйича ёки факат алоҳида нуқталарда тиralган бўлиши мумкин. Оралиқ иншоотларининг ўзи

қовурғали ёки қутисимон түснілі, ҳамда плитали бўлиши мумкин. Уларни ҳисоблашнинг аниқ усуслари одатда тегишли дастурий таъминотли компьютер техникасидан фойдаланиб амалга оширилади. Бунга параллел равишда, бош түсніларда юкланишлар ва кучларни кўндаланг тақсимлашнинг хусусиятини, конструкциянинг асосий ўлчамларини тайинлаш ва дастлабки маълумотларни аниқлаштирилган ҳисоблашлар учун тайёрлашга етарли даражада имкон берувчи соддалаштирилган усуслар ҳам мавжуд.

Оралиқ иншоотнинг бош түснини ҳисоблаш унинг конструкциясига боғлиқ. Эгри чизиқли қирралар кўринишидаги бош түснілар мураккаб кучланишлар зўриқтирилган ҳолатда бўлади, чунки уларга икки текисликда эгувчи, буровчи моментлар, нормал ва кўндаланг куч таъсир қилиши мумкин. Бундай элементнинг мустахкамлиқ, дарзбардошлиқ ва бикрликка текшириш тўғри чизиқли түснини текширишга караганда мураккаброқдир. Агар бош түсин қутисимон кўндаланг кесимга эга бўлса, у ҳолда унинг ташки юкланишлар остида буралишга ишлаши юпқа деворли ёки бикр чоркирра ғўлаларни ҳисоблаш усуслари билан аниқланади, улар ҳатто тўғри чизиқли ўққа эга элементлар учун ҳам етарлича мураккабдир.

Эгри чизиқли элементларнинг зўриқтирилган арматураси ҳар қандай ҳолатда эгри чизиқ бўйлаб жойлашади ва чўзишда бетонда кўшимча кучларни талаб этади. Эгри чизиқли қия эстакада ва йўл кўприк оралиқ иншоотларининг яхлит ва қутисимон элементлари симметрия ўқларига эга бўлмаган алоҳида шаклдаги кўндаланг кесимлардан иборат бўлиши мумкин. Конструкцияларни ҳисоблаш учун зарур бўлган бундай кесимларнинг геометрик тавсифларини ҳисоблаш қийин.

Олдиндан зўриқтирилган темирбетон оралиқли иншоотларда вақт ўтиши билан бетоннинг тоб ташлаши ва киришишдан узок давом этувчи деформациялар ривожланади, шунингдек атроф мухит ҳарорати ва намлиги ўзгарганда деформациялар пайдо бўлиши мумкин. Улар оралиқ иншоотларининг умумий силжишларини вужудга келтириб, эгри чизиқли,

қия ва бошқа шунга ўхшаш конструкцияларда иншоотларнинг ўқи билан мос тушмайдиган йўналишларда горизонтал силжишларни, қийшайиш ва буралишларни пайдо қиласди.

Эстакадаларнинг таянчлари узоқ муддатли ва ҳарорат силжишларидан, шунингдек марказдан қочма, тормозланиш кучларининг ва кўндаланг зарбаларнинг кучланишларини қабул қиласди. Доимий ва вактинча юкланишлар таъсирида таянчларга фақат вертикал кучларгина эмас, балки икки текисликда эгувчи ва буровчи моментлар узатилиши мумкин. Таянчлардаги мураккаб куч таъсири, уларни аниқ ҳисоблашни талаб этади.

Эстакадалар ва йўл қўприк конструкцияларининг айрим қисмлари учун ҳисоблашнинг ишлаб чиқилган усуллари йўқ. Жумладан, тармоқланган оралиқ иншоотлар, қатнов қисмининг, режада эгри чизиқли плитасининг, кутисимон элементларнинг буралиш билан эгилишга мустаҳкамлик бўйича чегаравий ҳолати ва бошқаларнинг ишлаши етарлича ўрганилмаган.

### **3.3. ЮКЛАНИШ ТУРЛАРИ**

Шаҳар қўприклиари доимий ва вактинча юкланишларнинг ноқулай биргаликдаги таъсирига мўлжалланган бўлиши керак. Умуман олганда юкланишлар икки асосий турга бўлинади: 1) вертикал- ҳаракатланувчи ёки вактинча, доимий; 2) горизонтал- шамолдан, марказдан қочма, тормоздан, кўндаланг турткilar ва ҳаракатланувчи юкланишнинг зарбаларидан. Бундан ташқари, сунъий иншоотларга шунингдек грунт босими, ҳароратнинг ўзгариши, муз ва босим таъсирлари, қўприклар таянчларига кемаларнинг ҳаракатидан юкланишлар, таянчларнинг чўкиши, сейсмик кучлар, шунингдек иншоотни қуриш жараённида вужудга келадиган юкланишлар таъсир кўрсаташи мумкин.

Ҳаракатдаги ёки вактинча- юкланишларга иншоот бўйича ўттаётган автомобиллар, ва бошқа турдаги транспорт воситаларидан, шунингдек пиёдалардан тушаётган юкланиш; доимий юкланиш эса- қўприкнинг ўз вазнидан ва грунт босимидан юкланишдир.


Хисоблашларда турлича мумкин бўлган қўшилишлардаги юкланишлар ҳисобга олинади, бунда уларнинг бир вактда таъсир кўрсатиш эҳтимоли ҳам эътиборга олинади. Асосий қўшилишлар деганда доимий, вактинча ҳаракатдаги вертикал юкланиш, вақтинча юкланиш вужудга келтирган грунт босими ва марказдан қочма кучнинг бир пайтдаги таъсири ҳисобланади. Қўшимча қўшилишлар деб асосий қўшилишларнинг бирон бир вактда сейсмик ва қурилиш юкланишларидан ташқари бошқа турдаги юкланишларнинг битта ёки бир неча тури таъсир қилиши ҳисобланади. Алоҳида қўшилишлар деб сейсмик ва қурилиш юкланишларини бошқа юкланишлар билан биргаликдаги қўшилишига айтилади.

### **3.3.1. Ҳаракатдаги вертикал юкланиш**

КМК “Кўприклар ва кувурлар”, ҚМҚ “Автомобиль йўллари” га мувофиқ автомобиллардан тушадиган юкланиш меъёрий teng тақсимланган кўринишида ва қўприқда ҳар бир ҳаракатланиш полосасида битта икки ўқли аравача кўринишида қабул қилинади (*3.1.- a расм*). Юкланиш синфи АК харфлари билан белгиланади, бунда К ҳарфи аравачанинг битта ўқига тоннаж куч ҳисобидаги юкланишга teng рақам билан алмаштирилади. Бинобарин, аравачанинг ҳар бир гилдирагига 0,5K тўғри келади. Бу куч аравачанинг ҳаракати 0,2м бўйлама томонлари, 0,6м кўндаланг томони бўлган тўғри тўртбурчак майдондаги қоплама сирти бўйича тақсимланади. Битта ҳаракатланиш полосасидаги автомобиллар колоннасидан юкланишни ифодаловчи бир текис тақсимланган юкланиш умумий  $k=0,1K$  жадалликка эга ва кўндаланг кесимда гилдираклар қандай масофада бўлса, иккита бўйлама полосаларда ҳам шундай бўлади (*3.1.- a расм*). Тақсимланган юкланишнинг ҳар бир бўйлама полосаси  $0,05K=0,5k$  жадалликка эга, кўндаланг йўналишда у 0,6м га тақсимланган бўлса, юкланиш полосасида бирлик юзага  $0,05K/0,6=0,0833K$  босим тўғри келади.

I-III тоифали автомобиль йўлларида ва шаҳарлардаги кўприклар ва қувурлар учун, шунингдек IV ва V тоифали йўлларда катта кўприклар учун юкланиш синфини A11 га teng қилиб қабул қилинади (яъни  $K=11\text{t}\cdot\text{с} \approx 110 \text{ кН}$  ва  $k=1,1 \text{ т}\cdot\text{м} \approx 11 \text{ кН/м}$ ). IV ва V тоифали йўлларда ўртача ва кичик кўприклар учун A8 синфидаги юкланиш қабул қилинади. Бундан ташкири, A8 юкланишга ҳисобланадиган кўприкларнинг қатнов қисми элементлари  $11\text{t}\cdot\text{с} \approx 110 \text{ КН}$  га teng якка ўқдан тушадиган кучланишга текширилади (*3.1.- брасм*).

АК юкланишнинг ҳар бир полосасида юкланиш участкаларининг сонига боғлиқ бўлмаган ҳолда юкланиш узунлиги бўйича энг нокулай ҳолатга факат битта аравача ўрнатилади. Текис тақсимланган юкланишни битта белги таъсир чизигининг барча участкаларида ўрнатилади. Кўприкнинг кенглиги бўйича АК юкланиш полосалари қатнов қисми чегарасида кўприкнинг бўйлама ўқига параллель ва харакатланиш полосалари сонидан катта бўлмаган миқдорда жойлаштирилади. Уларни энг нокулай ҳолатда ўқидан энг яқин сақланиш ёки тақсимлаш полосаси четигача, тақсимлаш полосаси бўлмаганда эса қатнов қисми ўқидан 1,5м дан кам бўлмаган масофада жойлаштириш керак. Кўшни юкланиш полосалари ўқлари орасидаги масофа камида 3м бўлиши керак.



**3.1.- расм. Автомобиль йўллари ва шахар кўприклари учун вақтинча юкланишлар схемаси**

Транспорт қатнайдиган қисм конструкциясини таъмирлашда кўприк кенглиги бўйича истаган ноқулай ҳолатда, лекин юкланиш ўқидан тротуаргача 1,5м дан яқин бўлмаган ҳолатда жойлаштириладиган,  $AK$  юкланишнинг битта полосасига текширилади.

Кўприкни транспорт қатнов қисмida бир нечта  $AK$  юкланиш полосаси ўрнатилганда кўприк конструкцияларнинг барча ҳисоблашларида улардан энг ноқулай жойлашгани учун ўзгаришсиз ҳаракатланаётгани қабул қилинади, қолган полосалар учун эса текис тақсимланган  $K$  юкланишга камайтирувчи коэффициент  $n'_c = 0,6K$  киритилади. Бу коэффициент полосалар сони кўп бўлганда автомобиллар билан тўлик юкланмаслик эҳтимолини ҳисобга олади. Аравачалардан тушадиган босим камаяди. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, юклаш чизиги бўйлаб камида 1м бўлган ораликларда текис тақсимланган юкланишни ҳисобга олмаса ҳам бўлади, чунки у аравача босимидан кучланишларни 5% дан камроқ оширади. Катта ораликларда  $AK$  нинг иккала ташкил этувчиларини ҳисобга олиш керак.

Кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлардан ўта оғир юкларни- трейлер-юклар, шатакчилар, тракторлар ва бошқа машиналарни ўтказишга тўғри келади. Шунинг учун автомобил колонналарига хисоблашдан ташқари конструкцияларни якка оғир ғилдиракли ёки гусенициали юкланишларни ўтказишга ҳам текшириш зарур. А11 юкланишга мўлжалланган кўприклар оғирлиги  $80\text{t}\approx800\text{kN}$  бўлган битта НК-80 оғир трейлерга (3.1.- г расм) Н-8 юкли кўприклар эса оғирлиги  $60 \text{ t.c.} \approx 600\text{kN}$  бўлган битта НГ-60 гусенициали юкланиш таъсирига текширилади. Кўндаланг йўналишда НК- 80 ёки НГ- 60 юкланишларни ҳар қандай йўналишдаги қатнов қисмининг нокулай холатига жойланади, унда ғилдирак ёки гусеница ҳимоя чизигига чиқмаслиги лозим.

Пиёдалар кўпригидаги одамлар тўпламидан меъерий юкланишни веритикал ва ўтиш йўлининг бутун сиртида  $q_T = 400\text{kgs/m}^2 \approx 4\text{kPa}$  жадалликда бир текис тақсимланган қилиб қабул қилинади. Кўприкларнинг тротуарларида бу юкланишни  $q_T$  жадаллик билан (КПа хисобида) қабул қилинади

$$q_T = (400 - 2\lambda)10^{-2}, \quad (3.1)$$

бу ерда  $\lambda$  –юкланиш узунлиги ёки юкланиш участкалари узунлеклари йигиндиси, м.

(3.1) формула бўйича аниқланган  $q_T$  нинг қийматларини камида  $200 \text{ kg/m}^2 \approx 2\text{kPa}$  деб олинади.

Бундан ташқари, шаҳар кўприкларининг тротуарларини тақсимлаш майдони  $15 \times 10\text{cm}$  бўлган  $1\text{t.c.} \approx 10\text{kN}$  тўпланган вертикал юк учун эса  $180\text{kgs} \approx 1,8\text{kN}$  вертикал кучга текширилади.

Махсус ажратилган полотнода метрополитең ёки трамвай йўллари бўлган шаҳар кўприклари меъерий метро поездлари ёки трамвайларнинг таъсирига текширилади. Саноат корхоналари йўлларида жойлашган кўприклар ҳакиқатан фойдаланилаётган оғир автомашиналарга мос келувчи махсус автомобиль юкланишларига текширилади.

Автомобиль юкланиши иншоотларга турткы, зарба, ортиқча юкланишлар ва бошқа күринишда құшимча таъсирларни вужудға келтириши мүмкін. Бу таъсирлар йиғиндисини динамик таъсир деб аташ қабул қилинган ёки улар билан у соддалаштирилған тарзда, меъёрларга кўра аниқланадиган бирдан катта бўлган динамик коэффициентта статик таъсирдан бўлган юкланишлар ёки кучланишларни кўпайтириб ҳисобга олинади. Динамик коэффициент фақат темирбетон ва металл сунъий иншоотларни ҳисоблашда киритилади. Ёғоч ва тош кўприклар учун, шунингдек кўтармалар остидаги қувурлар учун динамик коэффициент ҳисобга олинмайди. Тротуарлар ва пиёдалар кўприкларининг юкланишини ҳам динамик коэффициентсиз қабул қилинади.

Оғир ғилдиракли НК-80 ёки гусеницали НГ-60 нинг юкланишини динамик коэффициентни киритиб ҳисобга олинади.

### **3.3.2. Горизонтал юкланиш.**

**Марказдан қочма күч.** Иншоот радиуси 600м ва ундан кам бўлган горизонтал эгри чизикда жойлашганда вақтинча юкланишнинг эгри чизик бўйлаб ҳаракати билан юзага келган марказдан қочма кучлардан пайдо бўладиган горизонтал кўндаланг юкланишини ҳисобга олиш зарур. Марказдан қочма кучнинг қиймати горизонтал юкланишнинг эгрилик радиусига, вақтинча вертикал юкланиш синфига ва ҳаркатланиш полосалари сонига, шунингдек юкланиш узунлигига боғлиқ. АК юкланишдан бўлган марказдан қочма күч кўприкнинг транспорт қатнайдиган қисми сирти устидан 1,5м баландлиқда қўйилган ва эгри чизикнинг қабариқ томонига йўналган, горизонтал текис тақсимланган юкланиш кўринишида қабул қилинади. Бир вақтда бир неча ҳаракатланиш полосалари юклантирилганда марказдан қочма юкланишга худди вертикал юкланишдаги каби  $n_c^1$  коэффициентни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Тормоз күч ҳаракатланадиган горизонтал тормоз юкланишини А-К вертикал юкнинг текис тақсимланган қисмидангина қабул қилинади. Унинг интенсивлиги  $n_c^1$

коэффициентни кўллаган ҳолда ҳар бир ҳаракат полосаси учун 0,5 К деб қабул қилинади. Қатнов йўлининг устидаги бўйлама горизонтал тормоз юкининг қўйиш баландлиги худди марказдан қочма юкнинг таъсири каби олинади. Тормозланишнинг оралик қурилмага берувчи хақиқий кучи АК юкининг юкланиш узунлигига боғлиқ.

**Вактинча юкланишнинг горизонтал кўндаланг таъсирлари** асосан юкланиш ҳаракатининг режадаги тўғри чизиқли йўналишидан оғишларида юзага келади. Автомобиль колонналари вужудга келтирадиган кўндаланг зарбалардан норматив горизонтал юкланиш *AK* ни жадаллиги 0,04K бўлган транспорт ҳаракатланадиган қисмининг тепа сатҳига қўйилган, текис тақсимланган кўринишда қабул қилинади, бу ерда K- *AK* юкланиш синфи.

Агар транспорт қатнайдиган қисм бикр ёки ярим бикр тўсинлар билан тўсиленган бўлса, у ҳолда уларни ҳисоблаш учун меъёрларга кўра бир текис тақсимланган кўндаланг юкланишни ёки тўпланган кучлар кўринишидаги юкланишни қабул қиласиз. НК-80 ёки НГ-60 юкламалардан юзага келадиган зарбалар ҳисобга олинмайди.

**Шамол юклamasи.** Иншоотнинг сиртига шамол босими тик деб ҳисобланади. Оралиқли иншоотлар ва таянчларнинг конструкциясини иншоот ўқи бўйича шамол босимига текширилади, бу босимни очик фермалар учун тўлиқ кўндаланг шамол юкланишининг 60% миқдорида ёки яхлит деворли тўсинлар учун 20% миқдорида қабул қилинади. Конструкциянинг барча элементлари учун горизонтал кўндаланг шамол юкланишининг меъёрий интенсивлиги куйидаги формулага кўра аниқланади

$$q_H^c = q_0 k C_n, \quad (3.2)$$

бунда  $q_0$ - шамолнинг тезликли босими бўлиб, у иншоот қурилган худудга боғлиқ;  $k$ - шамолнинг тезликли босимининг баландликка боғлиқ ҳолда ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент,  $C_n$ - конструкциянинг кўриб чиқилаётган элементи рўпара қаршилигининг аэродинамик коэффициенти.

Шамол юкининг жадаллиги учун якка тартибдаги конструкциялар  $q_n^c \geq 1,25 \text{ кН}/\text{м}^2$ , бир турдаги конструкциялар учун –  $q_0 = 0,7 \text{ кН}/\text{м}^2$ ;  $K = 1,35$ ; шу билан бирга  $c_n$  ни ҳисобга олиб (3.2) формула бўйича жадаллик-  $q_n^c \geq 1,8 \text{ кН}/\text{м}^2$  бўлиши керак.

Конструкцияга таъсир қилувчи кучланиш иншоот элементларининг шамол таъсири йўналишига перпендикуляр текисликка проекцияси юзига боғлиқ.

**Музнинг босими.** Дарёда муз ҳаракатланган ва муз қўчган пайтда кўприк таянчларига муз босими таъсир кўрсатади. Бу юкланиш иншоот жойлашган худудда муз холатига кўра дастлабки маълумотлар асосида унча катта бўлмаган таъсирлардаги вакт оралиги учун аниқланади. Очиқ жойда кузатиш камидаги 5 йил мобайнида ўтказилади.

**Кемаларнинг юришидан горизонтал юкланишлар.** Кўприкларнинг таянчлари кемалар ёпирилиб келишидан бўлиши мумкин бўлган горизонтал босимга ҳам ҳисобланади. Агар таянчлар махсус мосламалар билан ҳимояланган бўлса, у ҳолда бу юкланишни ҳисобга олиш шарт эмас, шунингдек V-VII синфдаги сув йўлларида кўприкларнинг ёғоч таянчлари учун ҳам бу юкланишни ҳисобга олмаса бўлади. Кемаларнинг ёпирилиб келишидан ҳосил бўлувчи меъёрий юкланиш катталикларини кесиб ўтиладиган сув йўлининг синфида боғлиқ ҳолда қабул қилинади. Бунда босим, одатда, таянчнинг узунлиги ёки кенглигининг ўртасидаги ҳисбдаги кема юриши сатхи даражасига қўйилган деб ҳисобланади.

Кўприк сув фазосини таянч бўйлаб юқори томондан ҳам, куйи томондан ҳам юкланишсиз кесиб ўтганда куйи томон меъёрлари бўйича қабул қилинади.

#### 3.4. ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

Кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлар чегаравий ҳолатлар усули асосида ҳисобланади. Бу усул билан ҳисоблашда конструкция элементлари ёки умуман конструкциянинг ўзи юкланиш таъсири янада оширилганида фойдаланишга яроқсиз ҳолга келади деб қаралади. Конструкциянинг бундай ҳолати чегаравий ҳолат дейилади.

Кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларнинг чегаравий ҳолати икки гурухга ажратилади.

**Биринчи гурух** чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш қўйидаги ҳодисаларни олдини олиш учун бажарилади:

- мўрт, қовушқоқ ёки бошқа турдаги (бузилишдан олдин эгилишини ҳисобга олиб мустаҳкамликка ҳисоблаш);
- конструкция шаклининг барқарорлигини йўқолиши (юпқа деворли конструкцияларни барқарорликка ҳисоблаш ва х.к.) ёки унинг ҳолатини йўқолиши (тиргак деворларни, номарказий юкландиган баланд пойdevорларни ағдарилишга ва сирпанишга, чукур ёки ер ости резервуарларини сузуб чиқишга ҳисоблаш ва х.к.);
- толикишдан бузилиш (кўп марта такрорланадиган ёки пульсацияланувчи юкланиш таъсирида бўлган конструкциялар; кран ости тўсинлари, шпаллар, ромли пойdevорлар ва ораёпмалар ва шу кабиларни толикишга ҳисоблаш);
- куч омиллари ва ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирлари (муҳитнинг тажавузкорлиги, навбати билан музлаш ва эриш ва х.к) оқибатида бузилиш.

**Иккинчи гурух** чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашлар қўйидаги ҳодисаларни олдини олиш учун бажарилади:

- дарзларнинг ҳаддан ортиқ ва давомли очилиши (агар фойдаланиш шартларига кўра уларга йўл қўйилса);
- ҳаддан ортиқ силжишлар (эгилишлар, бурилиш бурчаклари, қийшайиш бурчаклари ва тебранишлар амплитудаси).

Бутун конструкциянинг, шунингдек унинг айрим элементлари ва қисмларининг чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш барча босқичлар учун: тайёрлаш, ташиш, монтаж қилиш ва фойдаланиш бўйича бажарилади. Бунда ҳисоблаш схемалари қабул қилинган конструктив ечимларга ва санаб ўтилган босқичларнинг ҳар бирига жавоб бериши керак.

**Биринчи чегаравий ҳолат** бўйича ҳисоблашларда ҳақиқий доимий, ҳатто вақтинча юкланиш меъёрий юкланишдан хам катта бўлиб қолиши мумкин. Бундай вазият маҳсус коэффициентлар орқали ҳисобга олинади.

Иншоотнинг лойиҳадаги вазнига нисбатан ҳақиқий вазнининг ортиши мумкинлигини ҳисобга олувчи доимий кучланиш учун  $n_n=1,1$  га teng деб қабул қилинади. Ёғоч кўприклар учун  $n_n=1,2$  вазнининг кўпайиши хаво намлиги ортишидан мумкинлиги ҳисобга олинади. Йўл қопламаси қатламлари учун ўта юкланишнинг ортирилган коэффициентлари қабул қилинади, чунки конструкциянинг бу қисмида лойиҳадаги катталиклардан оғишлар доим бўлиши эҳтимолдир. Автомобиль йўллари ва шахар кўприкларининг тайёргарлик, изоляция, химоя ва текисловчи қатламларининг оғирлигини  $n_n=1,3$  коэффициент билан, автомобиль йўллари кўприкларининг транспорт қатнайдиган қисмининг ва тротуарларининг йўл қопламаси оғирлигини  $n_n=1,5$  коэффициент билан қабул қилинади. Шахар кўприкларидаги йўл қопламасининг оғирлигини қайта юкланиш коэффициент  $n_{nk}=2,0$  деб қабул қилинади.

Ҳисоблаб текширишда (масалан, устуворликка ҳисобланганда) иншоот оғирлигининг камайтирилиши анча ҳавфли бўлган ҳолларда, доимий юкланишнинг барча санаб ўтилган турлари учун коэффициент бирдан кичик ва  $n_n^1=0,9$  га teng деб қабул қилинади.

Вақтинча автомобиль юкланиши  $AK$  га қайта юкланиш коэффициентлари аравача учун ва текис тақсимланган юкланиш учун ҳар хил.

Транспорт қатнайдиган қисмнинг элементларини ҳисоблашда аравачанинг вазни  $n_B=1,5$  коэффициент билан киритилади, конструкциянинг

бошқа элементларини ҳисоблашда эса:  $\lambda=0$  да  $n_B=1,5$ ;  $\lambda \geq 30m$  да  $n_B=1,2$ , бунда  $\lambda$ - битта белги таъсир чизигининг юклантириладиган участкаси узунлиги.  $0 < \lambda < 30m$  учун  $n_B$  нинг қийматини интерполяция бўйича қабул қилинади.

Текис тақсимланган юкланишнинг вазнини ва A11 якка ўқ юкланишини вазнини ҳисоблашларда  $n_{Bp}=1,2$  коэффициент билан олиш керак, АК устунларидан барча горизонтал тормозлаш, зарб ёки марказдан қочма юкланишларни –  $n_{Bp}=1,2$  коэффициент билан олиш керак. НК-80 ва НГ-60 махсус юкланишлар учун  $n_B=1,0$  коэффициент қабул қилинган. Пиёда кўприкли ёки автомобиль йўллари ва шаҳар кўприкларининг тротуар элементларини ҳисоблаш одамлар тўпламидан тушадиган юкланишни  $n_B=1,4$  коэффициент билан олиш керак. Автомобиль билан бирга кўприкнинг бошқа элементларини ҳисобга олинса, у ҳолда коэффициент  $n_{Bp}=1,2$  бўлади.

Ортиқча юкланиш коэффициентлари юкланишларнинг бошқа турлари учун ҳам киритилади, масалан, шамол юкланиши учун  $n=1,5$ , музнинг таянчларга босими учун ва кемаларнинг ёпирилиб келишидан тушадиган юкланишлар  $n=1,2$  ва х.к. Меъёрий юкланишнинг ортиқча юкланиш коэффициентига кўпайтмаси ҳисобий юкланиш дейилади.

Иншоотга таъсир қиладиган юкланишларнинг (асосий, қўшимча ва махсус) қўшилишдаги боғлиқ ҳолда уларга турли хил вактда караб чиқиладиган юкланишлар ёки таъсирларнинг максимал қийматлари мос тушмаслиги мумкинлигини ҳисобга олувчи  $n_c$  қўшилишлар коэффициенти киритилади. Ўзгармас юкланишлар худди вақтинча юкланишлар каби асосий қўшилишда доимо  $n_c=1$  коэффициент билан ҳисобга олинади. Қўшимча юкланишлар каби асосий қўшилишда юкланишларнинг бирига ёки уларнинг гурухига  $n_c=0,8$  киритилади, бошқа юкланишга ёки юкланишлар гурухига  $n_c=0,7$  киритилади. Бу коэффициентларни киритиш қоидалари меъёрлар бўйича белгиланади.

Конструкция элементини чегаравий ҳолатда тутиб туришга қодир бўлиши унинг материалида кучланишлар мустаҳкамликнинг ҳисобдаги

чегарасига етади, деган шарт билан белгиланади. Бунда материал ҳар доим ҳам меъёрдаги механик сифатларга эга бўлмаслиги ва унинг ҳақиқий қаршилиги ( $R^H$ ) дан паст бўлиши ҳисобга олинади. Бунинг учун материалнинг бир жинслилик коэффициенти деб аталадиган К коэффициент киритилади.

Айрим ҳолларда конструкция материалининг бирор ишончлилик даражасини таъминлаш керак. Бунинг учун ишончлилик коэффициенти  $K_H$  киритилади.

Конструкцияларнинг ҳақиқий ишлашини лойихада қабул қилинадиган ҳисобий тахминлардан четлашишини эътиборга олиш керак. Буни иш шароитлари коэффициенти  $m$  ни киритиб ҳисобга олинади, уни икки катталиктинг кўпайтмаси сифатида қўриш мумкин:

$m=m_1 \cdot m_2$ . Бунда  $m_1$  ҳақиқий конструкциянинг лойихадагидан йўл қўйилган четлашишларини ҳисобга олувчи коэффициент, шунингдек унинг ишлашидаги турли хил ноқулай шароитларнинг таъсирини ифодалайди;  $m_2$  - ҳисоблашлардаги ноаниқликлар ва шартлиликларни ҳисобга олади. Кўп конструкциялар учун ҳисоблашлар анча аниқ; бундай ҳолларда  $m_2=1$ .

У ҳолда материалнинг ҳисоблашлардаги қаршилигининг катталиги

$$R = \frac{mK}{K_H} R^H .$$

Бир катор ҳисоблашларда  $m$  коэффициенти киритилмайди, бунда

$$R = \frac{\kappa}{K_H} R^H$$

деб қабул қилинади.

Юкланишларнинг асосий қўшилишида конструкция элементининг биринчи чегаравий ҳолати умумий ҳисоб шартига қўра текширилади:

$$[n_{\Pi} S_{\Pi} + n_n S_n + n_{PK} S_{PK} + (n_e S_e + n_{ep} S_{ep})(1 + \mu)] : F \leq R \text{ ёки}$$

(3.3)

$$\frac{S_{\text{расч}}}{F} \leq R$$

бу ерда  $S_{\text{расч}}$ - конструкция элементидаги ҳисобий куч (эгувчи момент, бўйлама ёки кўндаланг куч);  $S_{\Pi}$ ,  $S_n$ ,  $S_{PK}$ - конструкциянинг ўз вазнидан, йўл

қопламаси катламларининг оғирлигидан,  $S_b$ ,  $S_{bp}$ - аравачадан ва бир текис тақсимланган  $AK$  юкланишдан кучланишлар ( $MK-80$  ёки  $HG-60$  юкланишлар учун  $S_b=0$  деб қабул қиласиз ва  $S_{pr}$ - бу юкланишлардан кучланиш);  $n_n \div n_{pr}$ - тегишли юкланишлар учун қайта юкланишлар коэффициенти;

$F$ - элемент кесимининг геометрик тавсифи (юзи, қаршилик моменти ва  $x, k$ );

$1+\mu$ - кўчма вертикал юкланиш учун динамик коэффициент.

**Иккинчи чегаравий ҳолат** бўйича конструкциялар қайта юкланиш коэффициентлари билан бирга тенг бўлган меъёрий юкланишлардан ҳисобланади, бунда бу коэффициентлар бирдан катта қилиб қабул қилинганда кўчма таянч қисмларда ва деформацион чокларда силжишларни ҳисоблаш мустасно. Иккинчи чегаравий ҳолат бўйича ҳисоблашларда динамик коэффициент  $1+\mu=1,0$  га тенг деб олинади, бунда  $1+\mu$  нинг тўлик қиймати ўрнига  $1+2/3\mu$  қабул қилинганда темирбетонда дарзлар хосил бўлишига ҳисоблаш мустасно.

Юкланишлар ва таъсиrlарни ҳар бир ҳисобланаётган элемент, конструкция қисми ёки бутун иншоот учун фойдаланишда ва қурилишдаги мумкин бўлган энг нокулай ҳолатлар ва бирималарда қабул қилинади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Шахар қўприклари, эстакадалар ва йўл-қўприкларни ҳисоблаш қандай амалга оширилади?
2. Доимий юкланишлар қандай ташкил этувчиларга эга?
3. Ҳарорат ва узоқ муддатли деформациялар нимани вужудга келтиради?
4. Ораликли иншоотлар, қўприкларнинг таянчлари ва эстакадаларнинг статик ва динамик ҳисоблари қандай амалга оширилади?
5. Темирбетон эстакадалар ва йўл-қўприкларнинг оралиқ иншоотларини ҳисоблаш усулларининг мураккаблиги нималар билан боғлиқ?
6. Эстакадалар ва йўл-қўприкларнинг иншоотларида мухит ҳарорати ва намлиги ўзгарганда қандай деформациялар вужудга келади?
7. Шахар қўприкларини ҳисоблашларда юкланишлар қандай турларга бўлинади?
8. Горизонтал юкланишлар турлари?
9. Ҳаракатдаги юкланиш нима?
10. Алоҳида қўшилиш қандай юкланишларни ўз ичига олади?
11. Ҳаракатдаги вертикал юкланиш қандай тақсимланади?

12. Юкланиш синфи қандай қабул қилинади?
13. Ҳисоблашларда динамик юкланиш қандай ҳисобга олинади?
14. Марказдан қочма күч нима ва у қачон вужудга келади?
15. Шамол юкланиши оралиқ иншоотига қандай таъсир күрсатади?
16. Музнинг кўприк таянчларига босимида юкланиш қандай аниқланади?
17. Кўприклар ва бошқа сунъий иншоотлар қандай усул бўйича ҳисобланади?
18. I гурӯҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашлар қандай ҳоллар учун бажарилади?
19. II гурӯҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблашлар қандай ҳоллар учун бажарилади?
20. Қандай қайта юкланиш коэффициентлари мавжуд?

## **4. ПИЁДА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ**

Сўнги йилларда йирик шаҳарларда транспорт ва пиёдалар ўртасидаги зиддият жуда жиддий ҳолатга етди, бу кўча ходисаларидаги жабрланувчилари сонининг узлуксиз ортишида намоён бўлмоқда. Чет эллардан олинган маълумотларга кўра ахолиси 500 мингдан ортиқ бўлган шаҳарларда пиёдалар билан юз берадиган баҳтсиз ходисалар шаҳар кўчаларида қайд этилган йўл-транспорт ходисаларининг умумий сонидан 65-68% ташкил этади. Зиддиятнинг асосий сабаби эски шаҳарлардаги тор кўчалардан транспорт ва пиёдаларнинг биргаликда фойдаланишлари ҳисобланади.


Агар янги шаҳарлар ёки туманларни лойиҳалашда маконда пиёдалар ва транспорт ҳаракатини ажратиш ғоясини изчил ўtkазиш ва амалий жиҳатдан амалга ошириш имконияти бўлса, у ҳолда анча вактдан бери қарор топган йирик шаҳарларда бу ғояни амалга оширишга бутунлай янгидан ташкил этиш тадбирлари тизимини ўtkазиш йўли билан амалга оширишга яқинлашиш зарур.

Шаҳарни қайта қуришда қуийдаги аниқ вазифалар хал этилиши керак:

- транспорт ҳаракатини маън этган ҳолда факат пиёдалар юрадиган кўчаларни ажратиш;
- савдо марказлари атрофида ва пиёдалар кўп тўпланадиган бошқа “туманларда транспортсиз худудлар”ни ташкил этиш;
- кўчада транспорт ва пиёдаларнинг биргаликдаги ҳаракати сақланганда тротуарни транспорт қатнайдиган йўлдан камида 20м кенглигдаги йўлак билан унга буталар экиб ёки тўсиқ билан ажратиш;
- магистрал кўчалар кесишган жойларда светафорли пиёдалар ўтиш йўлларини ташкил этиш;
- пиёдалар ва транспорт ҳаракати жуда жадал ҳаракатланадиган кўчалар ва кесишиш жойларида кўчадан ташқари пиёдалар ўтадиган йўллар (тоннеллар ёки кўприклар) қуриш.

Хозирги вақтда мавжуд шаҳарда пиёдалар қўчасини ажратишнинг ва “транспортсиз худудлар” ташкил этишнинг бир-бирига қарама-қарши икки усули таклиф этилган: пиёда кўчаларни даҳалар орасидаги макон доирасида ташкил этиш (4.1.- расм), ёки мавжуд кўчаларни пиёдаларга бириктириб, ундаги транспорт ҳаракатини даҳалар орасидаги “ички” ўтиш йўлларига кўчириш.

Агар шунга ўхшаш ички транспорт артерияларининг етарлича аниқ тизимини ташкил этишга эришилса, у ҳолда одатдаги, кўчалар осонгина пиёдалар қўчасига айланади, бу магазинлар, савдо ва жамоат муассасаларини қиммат турувчи кўчиришни талаб этмайди. Вариантни танлаш маҳаллий шароитлар билан белгиланади, улар иккала вариантни ҳам бир кўшиб олиб борилишини тақозо этиши ҳам мумкин.



4.1.- расм. Даҳанинг ичидаги маконда ташкил этилган пиёдалар қўчаси.

#### 4.1. ПИЁДАЛАР ЎТИШ ЙЎЛЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Автомобиль ва пиёдалар ҳаракати кизғин бўлган замонавий шаҳарларда пиёдалар учун махсус иншоотларни барпо этиш эҳтиёжи юзага келади. Бундай иншоотлар шаҳар худудини кесиб ўтувчи дарёлар устидан, жарликлардан, темир йўллар устидан ўтиш учун зарурдир.

Меъморий-режавий хусусиятлари ва ўзининг вазифасига кўра пиёдалар ўтадиган йўлларни қуидаги асосий турларга ажратиш мумкин:

- кўчалардаги ва кўчадан ташқари пиёдалар ўтадиган йўллар;
- темир йўллар устидан пиёдаларнинг ўтиш йўллари;
- дарёлар устидан пиёдалар юрадиган кўприклари;
- парк кўприклари.

#### **4.1.1. Кўчалардаги ва кўчалардан ташқари пиёдалар ўтадиган йўллар**


Тартибга солинадиган чорраҳаларда пиёдалар юрадиган йўлларни светафор ҳимоясида жойлаштириш керак. Тротуар трассалари қуидаги тарзда жойлашиши мумкин:

- а) тротуарнинг бевосита давомида;
- б) чорраҳадан четга силжиган ҳолда (4.2.- a ва b расм).

Биринчи схема (4.2.- a расм) четга оғишига мажбур қилмаган ҳолда пиёдалар ҳаракатининг нисбий йўналишига мос келади, бироқ ҳаракат хавфсизлигини етарли даражада таъминламайди. Бу схема бўйича ҳар бир бурчакда кўчадан икки йўналишда ўтувчи пиёдаларнинг тўпланиб қолиши юзага келади, шу билан бирга шу жойнинг ўзида транспортнинг ўнгга бурилиши амалга оширилади.

4.2.- б расмга кўра ўтиш йўллари етарлича масофага ажратилган ва кўчанинг бурчаги мутлақо бўш. Ўнгга бурилишларни икки тектада мақсадга мувофиқ тарзда тартибга солиш имкони пайдо бўлади: биринчиси- яшил сигнал бўйича чорраҳага чикиш, ўнгга бурилиш ва иккинчи “тўхташ-чизиғи” да айни пайтда пиёдалар йўли олдида тўхташ;

иккинчи тектада иккинчи ўтиш йўли бўйича пиёдаларнинг ҳаракати тўхтаганда, кесишувчи йўналиш учун яшил сигнал бўйича ўнгга бурилишини тугаллаш.



4.2.- расм. Пиёдалар ўтадиган йўлларнинг жойлашиши.

Айтиб ўтилган камчиликдан ташқари (4.2.- б расм) (пиёдалар йўлининг маълум даражада узайиши), у хам чорраҳа чегараларининг кенгайтирилишга олиб келади, чунки “тўхташ чизиклари” орасидаги масофа ортади, бу эса ўз навбатида, кесишувларнинг ўtkазиш қобилиятини бироз камайтиради. Шунга қарамай, хавфсизликни кўпроқ таъминловчи сифатида пиёдалар ўтиш йўлларининг 4.2.-б расмдагидек жойлашувига афзаллик бериш лозим.

Транспорт қатнайдиган йўлни кесиб ўтаётган пиёдалар ҳаракатланиши учун энг яхши шароит яратиш мақсадида пиёдалар ўтадиган йўлнинг энини мос тротуарнинг бир ярим баравар энига teng қилиб қабул қилиш лозим.

Агар тротуар транспорт қатнайдиган қисмдан кўк йўл билан ажратилмаган бўлса, у ҳолда ўтиш тақиқланган участкаларга тўсиқ ўрнатиш зарур.

Светофор билан тартибга солиш мавжуд бўлганда пиёдалар ўтадиган йўлларнинг хавфсизлиги светофорнинг яшил чироги ёнишининг шундай давомийлигини таъминлаши керакки, бунда бу вақт пиёданинг транспорт қатнайдиган кўчани кесиб ўтиши учун сарфлайдиган вақтига мос бўлиши керак:

$$t_3 \geq \frac{B}{V_n}, \quad (4.1)$$

бунда  $t_3$ - яшил чироқ ёниб туриши фазасининг давомийлиги, сек;

В- кўчанинг кенглиги, м;

$V_n$ - пиёданинг ҳаракатланиш тезлиги, м/сек.

Кузатишлар натижасида олинган маълумотларга кўра пиёданинг кўчани кесиб ўтишидаги тезлигининг энг ками- 0,7 м/сек, ўртача- 1,2 м/сек; максимал- 1,7 м/сек ни ташкил этади.

Бундан келиб чиқиб, кўчанинг транспорт қатнайдиган қисмининг турлича кенглигига пиёдаларнинг кўчани кесиб ўтишидаги хавфсизлигини таъминловчи яшил чироқ ёниб туришининг энг кичик давомийлигини аниқлаш мумкин (4.1.- жадвал).

#### 4.1. Жадвал

##### Транспорт қатнайдиган кўча қисмининг турлича кенглигига ўтиш хавфсизлиги

Пиёданинг тезлиги м/сек	Транспорт қатнайдиган кўчанинг турлича кенглигига яшил чироқ ёниб туриши фазасининг давомийлиги, сек					
	10 м	13 м	17 м	21 м	25 м	28 м
0,7	14	18	24	30	36	40
1,2	8	11	14	17	21	23
1,7	6	8	10	12	15	17

Бу катталиклар автоматик светафорни тартибга солиш режимини танлашда ҳисобга олиниши керак. Пиёдаларнинг энг кўп хавфсизлигини маҳсус пиёда светафорлари таъминлайди, уларда транспорт светафорлари сигнализацияси билан синхронлаштирилган “тўхтанг”, “юринг” сигналлари мавжуд.

Пиёдалар бошқарадиган маҳсус тўхтатиш сигнализация тизими борган сари кенг қўлланилмоқда. Айрим ўтиш йўллари олдида таянчидаги тугмачали қутилар маҳкамланган светафорлар ўрнатилади. Кўчани кесиб ўтиши керак

бўлган пиёда тугмачани босади ва 2-3 секунддан сўнг “автомобиллар тўхтачизиги” олдида тўхтайди. Кўчанинг кенглигига боғлиқ бўлган ва уни кесиб ўтиш етарли бўлган транспорт учун яшил чироқ автоматик тарзда ёнади, уни транспорт ва пиёдалар оқимининг жадаллигига боғлиқ бўлган маълум вактдан олдин узиб қўйиш мумкин эмас. Бундай сигнализацияни пиёдалар йиғиладиган йирик пунктлар (универсал магазинлар, кинотеатрлар ва х.к) яқнидаги чорраҳалар ўртасида қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Транспорт ва пиёдалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф ҳисобланган кўчадан ташқарида ўтиш иншоотининг зарурлиги ҳозирча ҳисоблаб асосланганича йўқ, бироқ қурилма қўйидаги холатларда асосланган деб ҳисобланиши мумкин:

- бир йўналишда жадаллиги соатига 250 дан ортиқ транспорт бирлигига тенг бўлган узлуксиз ҳаракатланишда (транспортнинг турли сатҳларда кесишиши ёки ҳалқа бўйлаб ўзини тартибга солиб ҳаракатланиш)
- тартибга солинадиган кесишишларда яшил чироқ ёнган фазада тўпланган пиёдалар кўчани кесиб ўтишга улгурмайдиган жадалликдаги пиёдалар оқимида;
- кўча травматизми бўйича нокулай бўлган чорраҳаларда ва майдонларда, пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг одатдаги усуслари иш бермай қолганида.

Айрим ҳолларда кўчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўлларини куриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эканлиги долзарб кўринади, хусусан, қизил чироқ ёниб туриш фазаси транспортнинг жадаллиги камлиги билан эмас, балки пиёдаларнинг кесиб ўтувчи кучли оқими билан белгиланади. Бу ҳолда кўчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўлларини қуриш яшил фазанинг узайтирилишига, бинобарин, кўрилаётган магистраль йўналишида транспортнинг тутилиб қолишини қисқартиришга олиб келади:

$$\Delta t_3 = t_k - t'_k, \quad (4.2)$$

бу ерда  $\Delta t_3$ - күчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўли қурилганда қаралаётган йўналишида яшил фазанинг орттирилиши мумкинлиги, сек;

$t_k$  – катта жадалликдаги кесиб ўтадиган пиёдалар оқимини ўтказиш шароитларига кўра қизил фазанинг мавжуд давомийлиги, сек;

$t_k^1$ - кичик жадалликдаги кесиб ўтувчи транспорт харакатини ўтказиш шароитларига кўра қизил фазанинг (күчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўли қурилганда)

Магистрал йўналишида транспортнинг тутилиб қолишининг қисқариши (күчадан ташқари пиёдалар ўтиш жойи қурилгандан сўнг) қуйидаги тарзда аниқланади:

$$T_{\Delta 1}' = \frac{t_3}{t_3 + \Delta t_3} T_{\Delta 1}, \quad (4.3)$$

бунда  $T_{\Delta 1}'$  - магистрал йўналишида тутилишнинг пасайиши, маш.-одам/соат;

$T_{\Delta 1}$  - күчадан ташқари пиёдалар ўтиши йўллари қурилгунча магистрал йўналишидаги тутилишлар, маш.-одам/соат;

$t_3$  - күчадан ташқари пиёдалар ўтиши йўллари қурилгунча магистрал йўналишида яшил фазанинг давомийлиги, сек:

Бир вақтда кесиб ўтувчи йўналишда тутилишлар бироз ортади:

$$T_{\Delta 2}' = \frac{t_e}{t_e'} T_{\Delta 2} \quad (4.4)$$

бунда  $T_{\Delta 2}'$  - күчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўли қурилгандан сўнг кесиб ўтувчи йўналишда тутилишларнинг ортиши, маш.-одам /соат;

$T_{\Delta 2}$  - күчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўли қурилгунча кесиб ўтувчи йўналишдаги тутилишлар, маш.-одам /соат.

Кесилишда транспорт тутилишларининг умумий қисқариши қуйидаги тенглик билан аниқланади:

$$\begin{aligned}\mathcal{E} &= (T_{\Delta 1} - T'_{\Delta 1}) - (T'_{\Delta 2} - T_{\Delta 2}) = (T_{\Delta 1} - \frac{t_3}{t_3 + \Delta t_3} T_{\Delta 1}) - (\frac{t_k}{t_k} T_{\Delta 2} - T_{\Delta 2}) = \\ &= T_{\Delta 1} (1 - \frac{t_3}{t_3 + \Delta t_3}) - T_{\Delta 2} (\frac{t_k}{t_k} - 1) \quad \text{маш.-одам / соат}\end{aligned}\quad (4.5)$$

Кўчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўлининг харажатларни қоплаш муддати қўйидаги ифода билан аниқланиши мумкин:

$$S = \frac{R}{F(1 + \frac{\gamma}{100} - m)}, \quad (4.6)$$

бу ерда  $S$ - иншоотнинг харажатларни қоплаш муддати, йил;

$R$ - иншоотни фойдаланишга топширишдан йиллик иқтисод, млн.сўмда;

$\gamma$ - ҳаракат ўлчовларининг ўртача йиллик ўсишини ҳисобга олувчи коэффициент, %;

$m$ - иншоотни сақлаш учун йиллик эксплуатацион харажатлар.

Шу билан бирга иншоотларни фойдаланишга топширишдан йиллик иқтисод:

$$F = 365 \mathcal{E} h k, \quad (4.7)$$

бу ерда:  $\mathcal{E}$ - кесишувда транспорт тутилиб қолишларининг умумий қискариши; маш.-одам/соат;

$h$ - транспортнинг ишлаш соатлари сони, сут;

$k$ - келтрилган маш.-одам/соат қиймати, сўм.

Капитал қўйилмалар самарадорлигини қоплашнинг ҳисобий муддати билан аниқлаш қабул қилингани учун ўрнатилган  $S$  муддатга ва иншоотнинг қийматига кўра кўчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўлини куришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мумкин. Кўпчилик ҳолларда

иқтисодий самарадорлик эмас, балки пиёдаларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Ўзбекистон шахарларида асосан ер ости пиёдалар ўтиш йўллари барпо этилмоқда, улар кўпприк йўлларига қараганда жиддий афзалликларга эга: кўчани тўсувчи элементларнинг йўқлиги, ташқи тавсифларнинг нейтраллиги, ишчи белгиси қийматининг кичикилиги (ўтиш ва ер сирти сатҳларининг ҳар хиллиги). Шу билан бирга ер ости ўтиш йўллари ишларни амалга оширишда мураккаблиги билан ажралиб туради ва ер ости тармоқларини қайта ётқизиши талаб этади.


Ўтказилган тадқиқотлар [31] пиёдаларни механик кўтармайдиган ер ости ўтиш йўлларини қуриш ва фойдаланиш шундай турдаги ер усти пиёдалар ўтиш йўлларини қуриш ва фойдаланиш қийматидан 3-6 марта ортиқ бўлишини кўрсатди. Пиёдаларни механик кўтарадиган ер усти ва ер ости ўтиш йўлларини қуриш ва фойдаланиш қийматидаги фарқ анча кам ва тахминан 20% ни ташкил этади.

Юкорида баён қилинган барча омилларни ҳисобга олиш қўйидаги тавсияларга олиб келади:


- пиёдалар ва транспорт ўтиш йўллари кесишуви яқин жойда бир сатҳда жойлашганда ва пиёдалар ҳаракати жадаллиги 7000 пиёда/соатдан ортиқ бўлганда эскалаторли ер усти ўтиш йўллари;
- кесишишга яқинлашганда (белгилар фарқи камида 0,75м) транспорт қатнайдиган қисмнинг тротуарга нисбатан паст ҳолатда бўлганда эскалаторсиз ер усти ўтиш йўллари;
- эскалаторли ер ости ўтиш йўллари:
  - тоннелнинг мажбурий чуқурлиги 3,5-4,5м ва пиёдалар ҳаракати жадал бўлганда (7000 пиёда/соатдан ортиқ);
  - тоннелнинг мажбурий чуқурлиги 50м дан ортиқ бўлиб, пиёдалар ҳаракати жадаллигидан қатъий назар;
  - оммавий транспортнинг тўхташ пунктлари ер остида жойлаштирилганда;

- кесишуvgа яқинлашганда пиёдалар ва транспорт йўллари бир сатҳда жойлашганда ва пиёдалар ҳаракатининг жадаллиги 7000 пиёда/соатдан кам бўлганда эскалаторсиз ер ости ўтиш йўллари барпо этиш.

Кўчадан ташқари пиёдалар ўтиш йўлларининг ва уларда кириш йўлларининг жойлашиши махаллий шароитларга боғлик ҳолда жуда хилманихил бўлиши мумкин. (майдон ёки чоррханинг конфигурацияси пиёдалар оқимининг жадаллиги ва устувор йўналишларнинг мавжудлиги, қурилишнинг хусусияти ва ҳ.к). 4.3 ва 4.4.- расмларда кўчадан тиашқари пиёдалар ўтиш йўлларининг ер усти ва ер ости ечимларига намуналар кўрсатилган.



**4.3.- расм. Сан-Диегодаги (АҚШ) берк пиёдалар кўприги.**



4.4.- расм. Лубянская майдони остидаги пиёдалар ўтиш тоннеллари (Москва):


1- метронинг ер устидаги вестибюли; 2- метронинг эскалатор зали; 3- “Детский мир” универсал магазининг биринчи қаватидаги метронинг ер усти вестибюли; 4- пиёдалар тоннели; 5- майдонга ўтиши пиёдалар тоннели; 6- метро станциясига олиб борувчи биркитирувчи тоннель; 7- ер ости савдо зали.

Кўп полосали автомобиль йўллари устидан ўтказилган пиёдалар кўприклари шаҳар ташқарисидаги ёки шаҳар яқинидаги худудларда энг оқилона вариандир, чунки у ерда бундай кўприкларни қуриш учун атрофдаги иморатлар ҳалакит бермайди (4.5.- расм). Одатдаги шароитларда, пиёдалар кўприги доим пиёдалар тоннелидан иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Кўпинча пиёдалар кўприги темир йўллар устидан станциялар оралиғида ҳам, станцияларда ҳам барпо этилади. Бу кўприкларнинг баландлиги автомобиль ва темир йўлларда уларнинг яқинлашиш ўдчамлари билан белгиланади, узунлиги эса автомобиль йўлининг кенглигига ёки темир йўл йўналишлари сонига боғлиқ бўлади.



4.5.- расм. Тошкент шаҳар себзор дахаси чорраҳасидаги пиёдалар кўприги

Пиёдалар кўприкларига чикиш ва улардан тушиш йўллари зинапоялар ёки пандуслар кўринишида қилинади. Тушадиган зинапоялар дарёлар устидан ўтказилган кўприкларда ҳам, шаҳар кўчалари ва автомобиль йўллари устидан ўтказилган кўприкларда ҳам кўприкнинг бўйлама кесимига боғлиқ ҳолда қўлланилади. Тушадиган зинапоялар оралиқ горизонтал майдончалари бўлган бир ёки бир неча марта эга бўлиши мумкин. Агар ҳар бир горизонтал майдонча таянчлар билан кўтариб турилса, у ҳолда тушиш йўлининг умумий кўриниши зич жойлашган таянч устунлардан иборат бўлиб, чиройли кўринмайди. Шунинг учун очиқ жойда майдончали тушиш зинапояларини минимал миқдордаги таянчларга тирадувчи ягона конструкция кўринишида қуришга харакат қилинади (4.6.-расм).




**4.6.- расм. Кўча ўқига перпендикуляр жойлашган қўча устидан ўтказилган пиёдалар кўпригининг тушадиган зинапоялари.**

Режада тушиш зинапоялари кўприк ўки бўйича ҳам, унга перпендикуляр равища ҳам ёки бурчак остида ҳам жойлаштирилиши мумкин.

Шаҳар кўчаларида тушиш зинапоялари кўчанинг меъморий ансамблини бузмаслиги ва автомобиллар ҳайдовчиларининг йўлни кўришига халал бермаслиги керак. Шунинг учун ҳам тушиш зинапояларини тротуарнинг кенглиги чегаралари ёки дараҳтлар ўтқазилган қисмида (агар у бўлса) жойлаштириб, тротуар четидан четга суришга ҳаракат қилинади. Кўпинча улар ўтиш йўлига ёндош уйларнинг биринчи қаватига кўшиб ишланади, бу жуда қулай, аммо бино қисмини қайта куришни талаб этади. Агар пиёдалар кўприги атрофидаги худуд етарлича бўш бўлса, у ҳолда тушиш зинапоялари қия пандуслар кўринишида қилинади. Пандуслар кириш йўлларининг умумий узунлигини орттирса ҳам, улар кўтарилиш қиялиги кичик бўлгани учун пиёдаларни чарчатиб қўймайди. Пандуслар бўйича пиёдаларни болалар аравачаси билан, унча катта бўлмаган аравачалар ва ҳ.к.лар билан ўтказиш осон. Режада пандуслар тўғри чизикли, эгри чизикли, синик, спиральсимон, тармоқланган ва бошқача бўлиши мумкин. Улар умуман режавий ечим бўйича зарур шаклни етарлича осон тарзда лойиҳаланади. Қишида кор кўп ёғадиган жойларда очик тушиш зинапоялари

ёки пандусларни яхмалак ҳосил бўлишидан сақловчи иситиш тизимлари билан жиҳозлаш мақсадга мувофиқ. Пандусларни яхшиси 10-12% дан ортиқ бўлмаган қиялиқда қилиш яхшироқ. Иситиш тизимлари ўрнига ёпиқ ўтиш йўлларини қилиш мумкин, бироқ уларнинг ташки кўриниши ўхшовсиз бўлади. Шаҳарларда кўп миқдордаги пиёдалар ўтиш йўллари баъзида одамларни ташувчи қурилмалар билан жиҳозланади. Булар эскалаторлар бўлиб, одамларни фақат кўтариб олиб чиқиш ва олиб тушиш учун ўрнатилади. Йўлнинг ўрта қисми бўйлаб пиёдалар ўзлари юриб борадилар. Эскалаторлар ўрнига эластик тасмали ҳаракатланувчи тротуарни қуриш ҳам мумкин. Бундай тасмалар кўприкка чиқиш пандуслари бўйича узлуксиз ҳаракатланади ва одамларни ўтиш йўлининг бошидан охиригача ташишга имкон беради. Ёпиқ пиёдалар эстакадасида жойлаштирилган кўча бўйлаб ҳаракатланувчи тротуарлар пиёдалар ҳаракати учун унинг ўтказиш қобилиятини орттиришига имкон беради (*4.7.-расм*). Ёпиқ эстакаданинг юқори қисми шаффоф қилинади.



**4.7.- расм. Ҳаракатланувчи тротуарлари бўлган ёниқ пиёдалар эстакадасининг қўндаланг кесими.**

Пиёда кўприкларида курилиш материалларининг барча асосий турлари- ёғоч, темирбетон, пўлат, алюминий ва пластмасса компонентлар кўлланилади. Бироқ ҳозирги вақтда темирбетон пиёда кўприклари энг кўп тарқалган. Декоратив парк кўприклари тошдан ёки бетондан массив равоқлар кўринишида ясалиши мумкин.

Пиёда кўприклари конструкцияларининг статик схемалари жуда хилма-хилдир. Кўпинча ингичка таянчлардаги кирқимли ва қирқимсиз тўсинли тизимлардан фойдаланилади. Битта ораликли кўприкларда ромли тизимлар қилиниб, улар асосларга маҳкамланади. Баъзан вертикал ва оғма

устунли ромлар, шунингдек аркали тизимлар ҳам қўлланилади. Катта оралиқли пиёдалар кўприкларини вантли ёки осма тизимли қилиш мумкин.

#### **4.1.2. Темир йўл излари устидан пиёда ўтиш йўллари**

Темир йўл излари устидан пиёда ўтиш йўллари темир йўл вокзалларида, станцияларида ва тўхташ пунктларида йўловчиларнинг платформаларга киришлари ва улардан шаҳарга чиқишлари, шунингдек шаҳар худудида ёткизилган темир йўл излари устидан пиёдаларнинг ўтишлари учун курилади. Бундай ўтиш йўллари, одатда, тушадиган зинапоялар билан курилади, бунда уларнинг баландлиги йўлларнинг кўприк ости габарити талабларига кўра куйидагича бўлиши керак:

- электрлаштирилган линиялар- икки станция оралиғида пиёдалар кўпригининг эни 5м гача бўлганда- 6300мм, эни 5м дан ортиқ бўлганда- 6500мм, станция доирасида мос равища 6500 ва 7000мм;
- электрлаштирилмаган линияларда- 5500мм.

Ўта юкори баландликдаги пиёдалар кўприги учларида тушиш зинапояларини ўрнатишни, платформалар мавжуд бўлганда эса- уларга қўшимча зинапоялар бўлишини талаб этади. Улар ўз схемалари ва режалаш шароитларига кўра кўчалар устидан ўтказиладиган пиёдалар кўприкларига ўхшашдир.

Агар темир йўл излари чукурликдан ўтса, у ҳолда уларнинг пиёдалар ўтадиган ўтиш йўллари билан кесишиши шаҳар режалаштирилиши билан бир сатҳда амалга оширилади ёки кўприк остидаги баландлик етарлича бўлмаганда остки габаритнинг зарур баландлигини таъминлашни хисобга олган ҳолда таянч конструкцияларни тегишлича кўтариш амалга оширилади.

Кейинги йилларда темир йўл излари остидан ўтказиладиган пиёда ўтиш йўллари кенг тарқалмоқда. Мавжуд темир йўл пиёда кўприкларининг баландлигини камроқ кўтариш ва пиёдаларнинг пастга тушишини ва энг асосийси темир йўлда поездлар ҳаракат тезлигини пасайтирмасдан кўринишни таъминловчи ери ости ўтиш йўллари билан алмаштириш

анъанаси кузатилмоқда. 4.8.- расмда Тошкент шаҳрида шаҳар атрофи темир йўли остида барпо этилган шундай тоннелга кириш жойи кўрстилган.



**4.8.- расм. Тошкент шаҳрида шаҳар атрофи темир йўли остидаги пиёдаларнинг ўтиш йўли.**

#### **4.1.3. Дарёлар устидан пиёда ўтадиган кўприклар**


Шаҳарларда ва ахоли пунктларида кўпинча дарёлар, сув хавзалари ва жарликлар орқали факат пиёдаларнинг харакатланиши учун мўлжалланган кўприклар қуриш зарур бўлади. Пиёда кўприкларини дарё ёки бошқа тўсик

устидан оддий күпприклар оралиқлари жуда катта ёки улар умуман мавжуд бўлмаган ҳолларда куришга тўғри келади. Бундай күпприклар нисбатан унча катта бўлмаган кенгликка ва кичик ҳисобий юкланишга эга бўлади, автомобиль ҳаракати учун куриладиган одатдаги күпприкларга қараганда анча кам маблағ талаб этади.

Дарёлар устидан ўтадиган пиёда күпприклари ўз тизимларига кўра кўпинча тўсинли, аркали ва осма бўлади.

Конструктив ечимларига кўра дарёлар устидан ўтказиладиган пиёда күпприклири анъанавий кўпприк конструкцияларига ўхшашдир.

Кемалар қатнамайдиган дарёлар устидаги пиёда күпприклари қиялиги нолга teng бўлади (4.9.- a расм). Кемалар қатнови бўлса, кўпприкни кўтариш талаб этилиши мумкин, яъни кўпприкка бунда қавариқ бўйлама профиль берилиб, қиялик 12-16% дан ортиқ бўлгани ҳолда улар тушиш зинапоялари билан таъминланади. (4.9.- б расм).




**4.9.- расм. Дарёлар устидан пиёда күпприклари.**

*а) кема қатнови бўлмаганд; б) кема қатнови бўлганда*

Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва техник имконият бўлганда, шунингдек зарур эксплуатацион талаблар таъминланган айrim ҳолларда дарёлар устидан пиёдалар күпприклари металл конструкциялардан барпо этилади.

Оралиқ катталиги 15м дан ортиқ бўлганда кўпинча дарёлар ва темир йўл излари устидан металл пиёда күпприклари курилади (4.10.- расм).



4.10.- расм. Дарёлар устидан пиёдаларнинг ўтиши учун металл кўприклар


#### 4.1.4. Парк кўприклари.

Парк кўприкларига катор ўзига хос меъморий талаблар қўйилади. Улар атрофдаги ландшафтга яхши уйгунлашиши, чиройли ташқи кўринишга эга бўлиши, фасади яхши меъморий безатилиши, массив элементлари юқори даражада пардозланиши, тутқичлари, хайкаллари чиройли бўлиб, иншоотга бадиий ифодалик ҳиссини бериши керак.

4.11.- расмда 1799 йилда Санкт-Петербургда Таврия боғидаги металлдан қурилган пиёдалар кўприги кўрсатилган. Шуни таъкидлаш лозимки, Петербургда ва унинг атрофида 1760-1830 йилларда қурилган кўпчилик кўприклар меъморчилликнинг ҳақиқий нодир асарлари каторига киради. Шу муносабат билан шуни таъкидлаш зарурки, Россияда шу даврдан бошлаб, ҳеч бир бошқа мамлакатда бўлмаган, кўприклар архитектураси ансамбли вужудга келди, бу ўша даврдаги рус шаҳарсозлик санъати гуллаб-яшнашининг бевосита натижаси бўлди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда айниқса Тошкент шаҳрида Ватанимиз кўприксозлигига катта ютуқларга эришилди.

Бу даврда қурилган кўприклар ўзининг конструктив мукаммаллиги ва меъморий ифодалилиги билан ажралиб туради.



**4.11.- расм. 1799 йилда, Санкт-Петербургнинг Таврия боғида қурилган парк кўприги.**

Янги барпо этилган ва қайта қурилган Мирзо Улуғбек, Абдулла Қодирий номидаги парк, Алишер Навоий номидаги миллий боғ, Гофур Ғулом номидаги парк муболағасиз пойтахтнинг кўрки, шаҳарликларнинг, пойтахт меҳмонларининг, айниқса болаларнинг энг севимли дам олиш маскани ҳисобланади. Бу боғларда барпо этилаётган ва мавжуд бўлган кўприклар одамларга қувонч ва ғурур баҳш этади. 4.12.- расмда Мирзо Улугбек номли боғдаги сув ҳавзаси устига қурилган икки оралиқли кўприк кўрсатилган. Кўприк – металдан қурилиб, конструктив схемага кўра таянчлари сикиб қўйилган фермалар ташкил топган равоқлидир.

Парк кўприклари материалига кўра кўпинча темирбетондан, бетондан, тошдан, баъзида ёғоч ва металдан ҳам тайёрланади.

Конструктив тизимга кўра кўпчилик ҳолларда аркали, баъзан эса тўсинли кўприклар ҳам бўлиши мумкин.



4.12.- расм. Тошкент шаҳридаги Мирзо Улугбек номли паркнинг сув ҳавзаси устидаги пиёдалар кўприги.

## 4.2. ПИЁДА КЎПРИКЛАРИНИНГ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

### 4.2.1. Ёғоч ва металл кўприклар


Пиёдалар кўпригига таъсир кўрсатадиган, одамлардан тушадиган вактинча юкланишлар автомобилларнинг юкланишидан анча камдир, шунинг учун пиёдалар кўприкларида ёғоч конструкциялардан кенгроқ фойдаланиш мумкин. Одатда замонавий кўприкларда елимланган ёғочдан қилинган конструкция кўлланилиб, уларнинг ташки кўриниши яхши ва енгил бўлади; анча тежамкор ва етарлича мустаҳкамдир, айниқса улар сифатли тайёрланганда ва чиришдан ҳимоя қилинганда умрбоқийлиги ҳам ошади. Бундай кўприкларнинг оралиқ иншоотлари конструкцияси елимланган тахталар, чорқирра ғўлалардан ёки ёғоч тасмали элементлардан ва фанер девордан тайёрланиши мумкин.

Ёғоч кўприк сув тўсиги бўлмаган кўчалар устида ёки автомобиль йўллари устидаги конструкцияларда бунёд этилган холларда уларнинг таянчлари ҳам елимланган элементлардан тайёрланиши мумкин. Ёғочдан қилинган оралиқ иншоотлар бетон ёки темирбетон таянчларга таяниши

мумкин. Бу оралиқ иншоотлар кейинчалик темирбетон ёки металл иншоотларга алмаштирилиши назарда тутилади.

Енимланган ёғочдан пиёда кўприклари тўсинли ёки ромли тизимда қилинади. Тўсинли кўприк бош тўсинларга ётқизилган ва қўндаланг тахталардан ва ёғоч тўшама ёки ёғоч плитадан тайёрланган тўшамага эга бўлиши мумкин. Ёғоч тўшаманинг сирти очиқ холда қолдирилади, ёғоч плита эса гидроизоляция ва асфальтбетон қатлами билан қопланади. Енимланган бош тўсинлар ҳам гидроизоляция билан ҳимояланади ёки ёғочлардан тайёрланган соябонлар билан ёпилади.

Пиёдалар учун тўшамаларни бош тўсинлар пастки сатхида куриш мумкин бўлади. Хусусан, пиёда кўприги бир вактда яхлит парапет бўлиб хизмат қилувчи иккита кўтарувчи енимланган ёғоч тўсинга эга. (4.13.-расм). Тўсинлар кўндаланг йўналишда болтлар ва ҳалқали шпонкалар, V-симон ромлар билан бирлаштирилган бўлиб, улар болтлар ва ҳалқали шпонкалар билан маҳкамланган. Ромлар қиррасига қўйилган тахталар билан енимланган. Асфальтбетон қопламали ёғоч плита кўринишидаги тўшама тахталари йўналиши кўприк ўки бўйича бўлади ва қўндаланг ромларга шамоллатишни таъминловчи ёғоч қистирмалар орқали таянади. Кўприк йиғма бўлиб, у оралиқ таянчлар ёnidаги чокларда мавжуд блоклардан монтаж қилинган. Чоклар блоклар учларидан ҳар бирнинг ярим қалинлигини кесиб устма-уст қилиб бажарилган; чоклар кучланишларни болтларнинг тортиши билан сикилган ҳалқали металл шпонкалар орқали узатади. Чокларнинг шундай конструкциясида кўприк тизими қирқимсиз тўсин сифатида ишлайди.



4.13.-расм. Ёғодан елимланган пиёдалар кўприги конструкциялари:


1- бош тўсин; 2- монтааж чоки; 3- оралиқ таянч; 4- пиёдалар ўтиши йўли остидағи плитада; 5- кўндаланг ром.

Оралиқ таянчлар икки параллель қисмидан ташкил топган ва болтлар ҳамда халқали шпонкалар билан боғланган ромлар кўринишида қилинган. Ромлар букилган тахталардан елимлаб тайёрланган. Ромнинг букилган қисми учун қалинлиги 6мм бўлган юпқа тахталар кўлланилган. Кўприкнинг чекка таянчлари темирбетондан, тескари қаноти тиргак деворлар кўринишида ясалган ва кўприкка чикиш кўтармаларининг босимини қабул қиласди.

Ромли конструкциядаги ёғоч кўприклар анча катта оралиқларни қоплаши мумкин. Жумладан, чуқурликдаги автомобиль йўли устидан ўтказилган пиёдалар кўприги оғма устунлари бўлган  $17,2+51+16,8$  м ўлчовли уч оралиқли ром кўринишидаги конструкцияга эга (4.14.-расм). Рама ригели 0,9 дан 1,8м гача ўзгарувчан баландликдаги ёғоч белбоғли тўртта қовурғага эга бўлган иккита фанер деворли қилиб тайёрланган. Кўндаланг йўналишда қовурғалар юқори ва куий кўндаланг чорқирра ғўлачалар ҳамда улар устига ётқизилган юқори ва куий фанера тахталари ётқизилиб бирлаштирилган. Натижада умумий эни 3м бўлган уч ячейкали кесимга эга қутисимон конструкция ҳосил қилинган. Тўсин қутиси устидан оралиқ иншоотини ва

айниқса фанер листларни хамда деворларни чиришдан ҳимояловчи гидроизоляция ётқизилған. Сув оқиши шароитларини яхшилаш учун юқори ва пастки листлар күндаланг қияликларга эга. Күпприк түшамаси күндаланг чоркирраға ғұлалардан ва бир қават бўйлама тахта қатламдан иборат.

Ромнинг оғма устунлари түсін кесимига ўхшаш күндаланг кесимга эга ва баландлиги түсіндан пойдеворга қараб камаяди. Оғма устунларнинг пойдеворлари ва оралиқ иншоотнинг учларидаги таянчлар бетон ёки темирбетондан массив қилиб ишланган.



**4.14.- расм. Енимланган ёғочдан иборат ромли пиёда күпргининг конструкциялари:**

**1- 5x10см ли тахталардан түшама; 2- қадами 90см, кесими 8x15см бўлган күндаланг чоркирра гўла; 3- уч қатлам гидроизоляция; 4- 2см қалинликдаги фанера; 5- кесими 14x22см бўлган енимланган ёғоч тасма; 6- кесими 28x13см бўлган күндаланг чоркирра гўла.**

Ёғоч плитадан ёки күндаланг түсінлардан ва тахталардан тайёрланган ёғоч түшама металлдан қилинган оралиқ иншоотининг бош түсінларида ҳам қўлланилиши мумкин.

Металлдан пиёда ўтиш кўпrikлари қўпинча дарё ёки темир йўллар излари кесиб ўтилганда, катта ораликларни ёпиш керак бўлганда қурилади.

Уларнинг тизимларини тўсинли, камрок ромли ва комбинациялашган ҳолда қилиниши мумкин. Айрим ҳолларда вантли ёки осма тизимлар қўлланилади.

Пиёдалар кўпригининг энг оддий конструкцияси ҳар 1÷1,5м оралиқда ўрнатиладиган ва ёғоч тўшаманинг (*4.15.- a расм*) ёки темирбетон плитани (*4.15.- б расм*) тутиб турадиган, яхлит деворли металл тўсинлардан иборат. Одатда прокат кесимли 8-10м оралиқли тўсинларни қўндаланг боғланишларни ва маҳсус таянч қисмларни ораликлар катта бўлганда ёки бош тўсинлар орасидаги масофа 3-5м бўлганда бош тўсинлар пайвандлаб тайёрланади, вертикал девор бикрлик қовурғалари билан кучайтирилади ва тўсинлар остига вертикал кўндаланг боғланишлар ўрнатилади (*4.15.- в расм*). Темирбетон плитани металл тўсинлар билан биргаликда ишлишини таъминлашга интиладилар.


15-20м гача бўлган ораликлар учун фаррон фермали кўприклар қўлланилади, уларни тутқичлар текислигида жойлаштириш мумкин (*4.15.- г расм*). Бундай фермаларда юқориги горизонтал боғланишлар бўлмайди, улар фақат кўндаланг тўсинлар билан бирлаштирилади, уларга тўшама плитаси тирабиб туради. 20-25м дан ортиқ ораликларни конструкцияси бўйича оддий кўприкларнинг оралиқ иншоотлари фермаларига яқин бўлган фаррон фермалар билан ёпиш мумкин. Уларни горизонтал юқориги ва пастки боғланишлар билан бириктириб, пиёда ўтиш йўлининг четлари бўйича жойлаштирилади (*4.15.- д расм*). Пиёдалар ўтиш йўлининг баландлиги 2,5м дан кам бўлмаслиги керак. Фермани кўприк ўқи бўйича марказий равища жойлаштириш мумкин. Бундай конструкцияда оралиқ тўсинлар кучланишни марказий фермага кўндаланг вертикал боғланишлар орқали узатади (*4.15.- е расм*).

Пиёдалар йўли тўшамаси остига асфальтбетон қопламаси ёки полимер тўшама ёткизилган металл листдан тайёрланиши мумкин.

Горизонтал лист түшама темирбетон плита ўрнига одатда бўйлама таврли (4.15.- e расм) ёки қутисимон metall тўсинларнинг (4.15.- жс расм) юқори белбоги (тасмаси) бўлиб хизмат қилади.

Баъзида оралиқлар 50-60м дан ортиқ бўлган пиёда кўприклари ҳам барпо қилинади, масалан, эгилувчан аркали бикр тўсин кўринишидаги кўндаланг кесимида юқори япроқли икки швеллердан иборат битта аркага эга бўлган кўприк (4.15.- e расм). Швеллердаги илгаклар пўлат листли тўшамали икки бикрлик тўсинидан иборат оралиқ иншоотни тутиб туради. Ўтиш йўлининг умумий кенглиги 3,2м. Тиргак аркадан оралиқ иншооти учлари бўйла бўшама листга узатилади.

Оралиқлар катта бўлганда пиёдалар ўтиш жойининг тўшамаси ушлаб турувчи фаррон бикрлик фермасига эга осма кўринишида қилиш мумкин. Кўприк кабеллари қирғокка ўрнатилган қозикли асосга эга темир бетон массив анкерлар қўйилган. Кўприк пилонлари ром кўринишида металдан қилинган бўлиб, кўприк ўқига кўндаланг йўналишда бикрлик барпо этилган.




4.15.-расм. Металл пиёдалар кўпригининг кўндаланг кесимлари:

1- асфальтбетон қоплами; 2- ёғоч плитали тўшама; 3- бўйлама тўсин; 4- темирбетон плита; 5- фаррон ферма; 6- кўндаланг тўсин; 7- асфальтбетонли ёки қопламали металл лист.

Пиёда кўприкларининг яхлит металл, пайванд конструкциялари ромларнинг вертикал (4.16.- а расм) ёки оғма (4.16.- б расм) устунли тизимларида қўлланиши мумкин.

Ораликли иншоот одатда думалоқ тешик қилиб кесилган диафрагмали бир контурли кесимга эга. Иккала томонида горизонтал листни ушлаб турувчи консоллар жойлашган. Консолларнинг кўндаланг қовурғалари кўндаланг диафрагмалар текисликларида жойлашган (4.16.- в расм). Вертикал устун ораликли иншоот билан бўйлама вертикал қовурға кутиси тиркишда пайвандлаб (4.16.- в расмда II бўгинга қаранг) ва кути четлари бўйлаб ташқи чок билан пайвандлаб бириктирилган (4.16.- в расмдаги I бўгинга қаранг). Бирикманинг узунлиги бўйича кўндаланг диафрагмалар ўрнатилган. Таянчнинг оғма устуни оралиқ иншоотига худди шундай қилиб бириктирилган (4.16.- г расм).

Тўсиннинг пастки белбоғига пастки листнинг тирқишига юқори пайванд чоклари билан кирувчи вертикал қовурғага (4.16.- в расмда III бўгин) ва устуннинг вертикал листини тўсин кутисининг пастки бурчагига пайвандланган устун маҳкамланган (4.16.- г расм). Уланиш жойида оғма устун ва тўсиннинг пастки листлари йўғонластирилган, балкада ҳам, устунда ҳам диафрагмалар ўрнатилган (4.16.- г расмга қаранг).




4.16.- расм. Ромли пайвандланган металл пиёда кўпригининг конструкцияси:

I- пайванд чоклар.

#### 4.2.2. Темирбетон пиёда кўприклари

Зўриқтирилмаган ва айникса зўриқтирилган арматурали темирбетон пиёда кўприклари энг кўп тарқалган. Пиёда кўприкларининг оралиқ иншоотлари  $b$  ўтиш кенглигига ва  $\ell$  оралиқ узунлигига боғлик бўладиган турли хил кўндаланг кесимларга эга бўлиши мумкин (4.17.- расм).



4.17.- расм. Темирбетон пиёда кўприклари кўндаланг кесимларининг турлари.

Ўзгармас баландликдаги плитали оралиқ иншоот конструкциялари жуда тез-тез учраб туради. Агар оралиқ иншооти кўндаланг йўналишда таянчнинг яхлит тўсинига ёки етарлича зич жойлашган алоҳида устунларга таянса, бундай плитанинг кенглиги 1,0-1,5м ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Устунлар сони ёки таянчнинг кўндаланг кесимидағи кенглиги чекланган бўлса, плитанинг ўрта қисми таянч кенглигидан анча йўғон ва четларидан ингичка консолларга эга бўлиши мумкин. Иншоотга янада ифодали меъморий кўриниш берувчи пастки сиртигининг эгри чизиқли шаклга эга плитали оралиқ иншоотини қуриш мумкин. Бундай кесимларни факат тўсинлар ва ромлар учунгина эмас, балки равоқли тизимлар учун ҳам қўллаш мумкин.


Қовурғали кўндаланг кесимлар оралиқ иншооти ўтиш кенглиги  $b$  га нисбатан катта оралиқларга эга бўлган ҳолларда қўлланилади.  $b=2\div2,5$ м бўлганда кўприкнинг ўқи бўйича жойлашган битта бош тўсинли таврли ёки кўштаврли кўндаланг кесимлар ўрнатиш мумкин (4.17.- расмга қаранг). Пиёдалар ўтиш йўли тўсин юқори таврининг консолли плитаси билан тутиб турилади. Пастки таврни тўсиннинг пастки арматурасини жойлаштириш

учун, шунингдек кўндаланг йўналишда таянч қисмларнинг янада кенгроқ жойлашиши учун қилинади, бу эса тўсиннинг мустаҳкамлигини оширади.

Кенглик  $b > 2,5$  м бўлганда бош тўсинлар орасидаги масофани  $b_1 = 1,5 \div 2,5$  м қилиб, оралиқли иншоотни икки тўсинли кўндаланг кесимли қилинади (4.17.- расмга қаранг). Бундай тўсин монтаж қилишда кўндаланг йўналишда мустаҳкам бўлади.

Эгри чизикли пиёда кўприкларининг оралиқ иншоотлари қўпинча бир қутили кўндаланг кесимли ва юқори плитанинг консолли осилмали қилинади (4.17.- расмга қаранг). Бундай тўсинлар буралишга яхши ишлайди.

Оралиқ иншооти конструкцияси қўпинча кўприкни барпо қилишининг мўлжалланаётган усулига боғлиқ ҳолда танланади. Тўсинли қирқимли конструкциялар яхлит оралиқли кранлар билан монтаж қилинади (4.18.- а расм). Ўзгармас баландликдаги ва режада тўғри чизикли қирқимсиз конструкцияларни ҳам, яхлит оралиқли қирқимли тўсинлардан оралиқ таянчлар устида қирқимсиз тўсинларни монолитлаб йиғиш мумкин.



4.18.- расм. Темирбетон пиёда кўприкларининг схемалари.



4.18. автомобил йўли устидан ўтувчи пиёдалар кўприги.

Пиёдалар учун ромли темирбетон кўприклар таянчларининг устунлари ҳам вертикал, ҳам оғма бўлиши мумкин. Кўп ораликли ромли кўприкларда эгувчи моментни ва тиргакни пойдеворларга узатувчи ҳамда оралик иншоотнинг қурилиш баландлигини камайтирувчи яқинлаштирилган ёки V-симон оралик таянчлар қилиш қулай (4.18.- б расм). Бу турдаги таянчлар кўп қаторли ҳаракат бўладиган автомагистраллар билан кесишишда барпо этилади.


Парклардаги пиёда кўприклари ва сув тўсиқлари устидаги кўприклар асосларга маҳкамланган ясси шарнирсиз аркалар кўринишида ҳам барпо этилади (4.18.- в расм).

Пиёда кўприларининг эгри чизикли кирқимсиз оралик иншоотлари кўпинча барқарор ёки кўчма ҳавозаларда монолит бетондан килинади (4.19.-расм). Тўсинлари ўзгарувчан баландликдаги кирқимсиз кўприклар ҳам режада тўғри чизикли ёки эгри чизикли бўлиши мумкин.


Агар кўприкнинг оралиқ таянчлари баланд ва ингичка бўлса, у ҳолда улар етарлича эгилувчан бўлади ва оралиқ иншооти билан таянч қисмларни курмасдан ҳам бикр туташтирилиши мумкин. Таянчларнинг бикрлиги орттирилганда бундай конструкция ромли конструкцияга айланади.

Марказий оралиғи ва оралиқлари кичик бўлган ромли кўприклар оғма устунли уч оралиқли ром кўринишида қилинади. Бундай тизимларни кўтарма конусида яширин тортқичлар билан ёки пойдеворга тортилган пандуслар билан қилиш мумкин (*4.19.-расм*). Катта оралиқли пиёда кўприклари конструкциясининг асосий юкланиши хусусий оғирликдан иборат. Уни хажмий зичлиги  $1,4\text{-}1,8 \text{ t/m}^3$  бўлган енгил бетонлар қўлланиб камайтиришга ҳаракат қилинади (*4.20.-расм*). Ромли кўприклар йигма яхлит оралиқли тўсинлардан, блоклардан ёки кўчма қолипда яхлит қўйма бетондан барпо қилинади.

Эгилувчан темирбетон тасма кўринишдаги пиёда кўприклари оралиқ иншоотининг жуда кичик қурилиш баландлигига эга. Жумладан, темир йўлнинг кесишув чукурлигига қалинлиги 16см, оралиғи 34м бўлган темирбетон тасма тортилади, бу оралиқнинг 1/212,5 ни ташкил этади (*4.21.-расм*). Пойдеворлар бетонлангандан сўнг конструкцияни барпо этишда арматура кабеллари осилади. Кабеллар бўйлаб сирпанувчи қолип ҳаракатланади, унда тасма бетонланади. Кейин доимий ва вактинча юкланишлардан чўзишишга ишловчи тасмани сиқилиш вужудга келтириб, олдиндан зўриқтирилган конструкция каби кабеллар тортилади тарангланади. Кўприк асослари оралиқ томонига йўналтирилган горизонтал тиргакнинг таъсирига берилади. Уни қабул қилиш учун грунтда анкерланган кабелларни ва ковланган жой қияликларида ва излар остида темирбетон тиргак қилинади (*4.21-расм*).



4.19.- расм. Кутисимон оралиқ иншоотли эгри чизикли темирбетон күпrik.




4.20.- расм. Енгил бетондан қилинган темирбетон пиёдалар күпrikи конструкцияси.

Шаҳарларда темирбетон пиёдалар күпrikларига мөйманий талаблар шаҳар транспорт иншоотларига күйиладиган умумий талабларга ўхшашидир. Уларда оралиқ иншоотининг енгиллигига ва унинг пандуслар ёки тушиш йўлларининг зинапоя маршлари билан мослигига, суюнчиқлар конструкциянинг оддийлигига ва оралиқ иншоотлари ва таянчлари бетонли сиртининг яхши пардозланганлигига алоҳида эътибор берилади.

### 4.3. ПИЁДА КҮПРИКЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Пиёда күпrikлари жадаллиги  $400 \text{ кгс}/\text{м}^2$  бўлган одамлар тўпламидан бир текис тақсимланган вақтинча юкланиш конструкция ўз оғирлигидан, бошка

омиллар ва таъсирлардан тушадиган юкланишга ҳисобланади. Вактинча юкланиш кўприкнинг узунлиги бўйича узилишлар билан ёки уларсиз исталган энг хавфли ҳолатда ўрнатилиши мумкин.



**4.21.- расм. Эгилувчан темирбетон тасма кўринишдаги пиёдалар кўприги конструкцияси:**

**1- темирбетон тасма; 2- диаметри 7мм бўлган саккизта симдан иборат зўриқтириладиган арматура дасталари; 3- асос; 4- грунтга анкерланган зўриқтириладиган арматура дасталари; 5- темирбетон тиргак; 6- тутқичлар.**

Пиёдалар кўприкларини ҳисоблаш умуман олганда оддий автомобиль йўллари ёки шаҳар кўприкларининг ҳисоб-китобидан фарқ қилмайди. Конструкцияни эгилувчан тасма сифатида ҳисоблаш катта қизиқиш уйғотади.

Эгилувчан тасмани юкланишлар таъсирида чўзилмайди деб, яъни унинг деформациялари статик схемага таъсир қилмайди деб ҳисблаймиз. Эгилувчан тасманинг кўндаланг кесимларида эгувчи моментларсиз факат бўйлама кучлар юзага келади. Умумий ҳолда эгилувчан тасма текис тақсимланган қ юкланиш билан юкланган, А ва В нуқталарда четки маҳкамланишларга эга (4.22.- a расм). Тасма ўқи шаклини  $y=f(x)$  номаълум функция кўринишида берамиз.

Вертикал йўналишдаги таянч реакциялар

$$V=0,5ql \quad (4.8)$$

181

ни ташкил этади.

Тасманинг ҳар қандай кесимида эгувчи моментнинг нолга тенг бўлиши шартидан Н тиргакни аниқлаймиз:

$$Vx - 0,5 qx^2 - Hy = 0 \quad \text{ёки} \quad 0,5qx(l-x) - Hy = 0 \quad (4.9)$$

(4.9) ни  $dx$  бўйича дифференциаллаб, чизикли дифференциал тенгламани ҳосил қиласиз:

$$\dot{y} = \frac{df(x)}{dx} = \frac{ql}{2H} - \frac{q}{H}x = \frac{q}{H}\left(\frac{l}{2} - x\right) \quad (4.10)$$

унинг ечими эгилувчан тасманинг парабола бўйича шаклини беради:

$$y = a + bx + cx^2, \quad (4.11)$$

бу ерда  $a, b, c$ - номаълум доимийлар.

(4.11) тенгламани дифференциаллаб ва (4.10) билан таққослаб, пировардида:

$$y = \frac{qlx}{2H} - \frac{qx^2}{2H} = \frac{qx}{2H}(l-x) \quad (4.12)$$

ни ҳосил қиласиз.

(4.12) тенглама Н тиргакда тасманинг шаклини белгилайди. Унинг ўзи тасманинг берилган шаклида тиргакни аниқлашга имкон беради:

$$\left. \begin{array}{l} H = \frac{q(l-x)}{2y} \\ \text{ёки} \\ x = 0,5l \text{ ва } y = f \\ \text{бўлганда} \\ H = \frac{ql^2}{8f} \end{array} \right\} \quad (4.13)$$

уни билган ҳолда, тасманинг исталган кесимида меъёрдаги чўзувчи кучларни қуидаги формулалар бўйича аниқлаш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} \operatorname{tg} \alpha &= \frac{df(x)}{dx} = \frac{ql}{2H} - \frac{qx}{H}; \sin \alpha = \frac{\operatorname{tg} \alpha}{\sqrt{1 + \operatorname{tg}^2 \alpha}}; \\ \cos \alpha &= \frac{1}{\sqrt{1 + \operatorname{tg}^2 \alpha}}; N = \frac{H}{\cos \alpha} + \frac{V}{\sin \alpha} \end{aligned} \right\} \quad (4.14)$$

бу ерда  $\alpha$ - тасма уринма ўқининг х ўқига оғиш бурчаги.


(4.14) формулалар доимий ва вактинча вертикал юкланишлардан тасмадаги кучланишларни аниқлашга ва кесимлардаги  $N_g$  олдиндан зўриқтириш кучни

$$N_{np} \geq N \quad (4.15)$$

бўладиган қилиб тайинлашга имкон беради.

Темирбетон тасмани кесимларда эгувчи моментларни ҳисобга олмасдан қачон эгилувчан тасма деб қараш мумкинлигини аниқлаш керак.

F юзали ва I инерция моментли шарнирли- қўзгалмас қилиб тирадиган эгри тўсинни ҳисоблаймиз (4.22.- б расм).



#### 4.22.-расм. Эгилувчан тасмани ҳисоблаш схемалари.

Унинг  $y=f(x)$  шакли худди эгилувчан тасманини каби (4.12 тенглама). Тизимда ортиқча номаълум деб  $H_c$  тиргакни ҳисоблаймиз.  $H_c=1$  дан ўз йўналиши бўйича  $\delta$  силжиш ва тиргакнинг  $q_c$  юкланишдан йўналиши бўйича  $\Delta$  силжиши қўйидагини ташкил этади:

$$\left. \begin{aligned} \Delta &= \int_0^e \frac{\bar{M}_1 M_q}{EJ} ds + \int_0^e \frac{\bar{N}_1 N_q}{EF} ds; \\ \delta &= \int_0^e \frac{\bar{M}_1^2}{EJ} ds + \int_0^l \frac{\bar{N}_1^2}{EF} ds; \end{aligned} \right\} \quad (4.16)$$

$$\left. \begin{aligned} M_q &= 0,5q_c x(l-x); \\ \text{ёки } N_q &= q_c(0,5l-x)\sin\alpha; \text{ бўйлганда} \\ \bar{M}_1 &= -1 \cdot y; \bar{N}_1 = 1 \cdot \cos\alpha \end{aligned} \right\}, \quad (4.17)$$

бу ерда  $S$ - А нуктадан тўсиннинг эгри чизикли ўқи бўйлаб ҳисобланадиган координата.

(4.17) ифодани (4.16) ифодага қўйиб ва ичи бўш тасмалар учун тахминан  $dx = ds$ ,  $\sin \approx 0$  и  $\cos \approx 1$  деб қабул қилиб, ҳосил қиласиз:

$$\left. \begin{aligned} \Delta &= -\frac{qc}{2EJ} \int_0^e yx(e-x) dx; \\ \delta &= \frac{1}{EJ} \int_0^e y^2 dx + \frac{1}{EF} \int_0^e dx. \end{aligned} \right\} \quad (4.18)$$

сўнгра (4.12) ни (4.18) га қўйгандан ва интеграллагандан сўнг ҳосил қиласиз:

$$H_c = -\frac{\Delta}{\delta} = \frac{q_c}{q} H \cdot \frac{1}{1 + \frac{120IH^2}{q^2 l^4 F}} = \frac{q_c}{q} H K, \quad (4.19)$$

бу ерда  $q$ ,  $q_c$ - эгилувчан тасмага ва шундай эгри чизикли тўсинга тушадиган текис тақсимланган юкланишлар;  $H$ - (4.13) формулалар бўйича

аниқланадиган ёки олдиндан берилган эгилувчан тасма тиргаги; К-тасманинг бикрлиги таъсирини хисобга олувчи тузатиш коэффициенти

$$q_c = q \text{ бўлганда} \quad \frac{H_c}{H} = K = \frac{1}{1 + \frac{120IH^2}{Fl^4q^2}} \quad (4.20)$$

нисбат тасма бикрлик конструкциясида  $H_q$  ва  $I/(Fl^4)$  нисбатларга боғлиқ ҳолдаги кучланиш таъсирини аниқлади. Агар К катталик бирга яқин бўлса, конструкцияни эгилувчан тасма сифатида хисоблаш мумкин. Акс ҳолда кесимдаги кучланишларни  $H_c$  тиргакни хисобга олиб қуидаги формуулалар бўйича хисобланадиган янада аниқ хисоб-китоблар зарур (4.23.- б расмга қаранг):

$$\left. \begin{array}{l} N_c = 0,5q_c l \sin \alpha + H_c \cos \alpha - q_c x \sin \alpha; \\ Q_c = 0,5q_c l \cos \alpha - H_c \sin \alpha - q_c x \cos \alpha; \\ M_c = \frac{ql}{2}x - H_c y - q_c \frac{x^2}{2} \end{array} \right\}, \quad (4.21)$$

бу ерда  $\sin \alpha$ ,  $\cos \alpha$  ларни берилган  $y=f(x)$  ва  $\tan \alpha = \frac{df(x)}{dx}$  да (4.14) формуулалар бўйича топилади. Агар тасманинг шакли (4.11) ва (4.12) турдаги квадрат паробала билан мос тушмаса, тасмадаги кучланишларни доим (4.21) формуулалар бўйича текшириш мақсаддага мувофиқ.

Эгилувчан тасма учун вактинча ва доимий вертикал юкланишлардан ташқари шамол босимининг таъсири хам хавфли бўлиши мумкин. Тасманинг кўндаланг кесимини айланиб ўтувчи хаво массалари харакатланишида юкоридан ва пастдан даврий уюрмалар вужудга келади, улар иншоотни тебрантиради (4.22.- в расм). Бу гирдобранишлар, кесимнинг  $d_2$  тор киррасига шамолнинг одатдаги статик босимидан ташқари шамол йўналишига перпендикуляр ва  $d_1$  киррага нормал йўналган  $F$  даврий кучланишларни вужудга келтиради.  $F$  даврий кучланишларни ёки унинг номақбул вертикал тебранишларини хам вужудга келтириши мумкин.

Тасманинг хусусий тебранишлари частотаси гирдобрлар ( $F$  кучланишлар) пайдо бўлиши частотаси билан мос тушганда энг катта кучланишлар ва силжишлар вужудга келади.

Тасманинг хусусий тебранишларини тортилган торнинг хусусий тебранишлари сифатида қуидаги формуулалар бўйича такрибан аниклаш мумкин.

$$\lambda_i = \frac{1}{2\pi} \cdot \frac{d_i}{l} \sqrt{\frac{N}{M}} : m = \gamma : g, \quad (4.22)$$

бу ерда  $\lambda_i$ - тебранишларнинг  $i$ = шаклига мос келувчи герц (1/c) ҳисобидаги хусусий тебранишлар частотаси;  $l$ - тасма оралиғи;  $m$ - тасманинг погон массаси;  $\gamma$ - тасма темирбетоннинг хажмий зичлиги;  $g$ - 9,81 м/с<sup>2</sup> га тенг бўлган оғирлик кучи тезланиши;  $\alpha_i$ - тебранишлар шаклига боғлиқ ҳолда қабул қилинадиган коэффициент; (тасма узунлигидаги ярим тўлқинлар сони);  $N$ - тасмани чўзиш кучи.

Бу ерда  $d_i$ - катталикни  $i$  ярим тўлқинлар сонига боғлиқ ҳолда берамиз:

$i$	1	2	3	4
$d_i$	4,35	9,05	13,07	18,5

Бироқ олдиндан зўриқтирилган тасмадаги чўзиш уни доимий ва вақтинча юкланишлар билан максимал юклантириш пайтидагина юзага келиши мумкин, бу унинг тебраниши учун хавфи камроқ. Вақтинча юкланиш бўлмаганда  $N \approx 0$  хусусий тебранишлар частотасини учлари сикиб қўйилган ва вертикал йўналишда  $EI$ , бикрликка эга бўлган  $l$  оралиқли тўсин учун тахминан аниклаш мумкин:

$$\text{у ҳолда } \lambda_i = \frac{1}{2\pi} \left( \frac{d_i}{l} \right)^2 \sqrt{\frac{EI}{m}} \quad (4.23)$$

бу ерда  $d_i$  ни  $i$  ярим тўлқинлар сонига боғлиқ ҳолда қабул қилинади:

i.....1	2	3	4
d <sub>i</sub> .....4,73	7,85	11,0	14,1

Агар  $N > 0$  бўлса, у холда  $\lambda_i$  ни (4.22) ёки (4.23) конструкция учун хавфлироқ бўлган формуладан қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Гирдобларнинг пайдо бўлиши н частотаси  $d$  диаметри думалоқ кўндаланг кесимда тадқиқ қилинган эди. У қуидагини ташкил этади:

$$n \approx 0,2v:d, \quad (4.24)$$

бу ерда  $v$ - шамол тезлиги м/с;  $d$ - кесимининг диаметри, м.

Тебранишлар резонанси вужудга келадиган шамолнинг критик тезлиги  $v_{kp}$   $n = \lambda_i$ , бўлган холда бўлади. У холда (4.24) ифодалардан ҳосил қиласиз:

$$v_{kp} = 5\lambda_i d \quad (4.25)$$

Вертикал кучланишларнинг шамолдан тебранишлари амплитудаси  $F$  кгс/пог.м ҳисобига

$$2F = v_{kp}^2 d : 64, \quad (4.26)$$

формула бўйича, тасманинг тебранишларнинг резонансли амплитудаси  $y_d$  эса

$$y_d = 20 y_{cr}, \quad (4.27)$$

формула бўйича аниқланади, бу ерда  $y_{cr}$ - тебранишларнинг биринчи шаклига пропорционал равишда оралиқ бўйлаб тақсимланишини ҳисобга олган холда  $l$  оралиқка қўйилган  $2F$  кучланишлардан статик эгилиш.

Шамол резонансига таъсирни ҳисоблашда кетма-кет турли хил  $d_i$  қабул қилинади,  $\lambda_i$  ва  $v_{kp}$ , аниқланади, кейин эса  $F$ ,  $y_{cr}$  ва  $y_d$  аниқланади. Бунда  $v_{kp}$ , иншоот қуриладиган жойда шамолнинг хақиқатан мумкин бўладиган тезлигидан ортиқ бўлиши керак. Одатда  $i > 3 \div 4$  бўлганда  $v_{kp}$  катталиклар

хаддан ортиқ катта ва ҳақиқатан яқин эмас. Энг катта F кучланишлар бўйича (тасмага погон юкланишлар) ундаги шамолдан тушадиган кучланишлар аниқланади.

(4.24)-(4.27) формулалар думалоқ кесим учун олингани сабабли тасманинг ҳақиқий тўғри тўртбурчакли кесимларини  $d=d_1$  кесимнинг катта ўлчамини қабул қилиб, маълум захира билан ҳисоблаш мумкин.

Одатда кесимда шамол кучларидан қўшимча кучланишлар унча катта эмас ва эгилиш катталиклари (4.27) муҳим ахамиятга эга бўлади.

Бу тебранишлар катталигини чекловчи меъёрлар ҳозирча мавжуд эмас, аммо пиёдаларнинг шамол бўлиб турганда ўтишлари учун қулайлик шароитларидан улар 1-2см дан ортиқ бўлмаслиги керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Пиёда ўтиш йўлларини қандай асосий турларга ажратиш мумкин?
2. Пиёда ўтиш йўллари тротуар трассасига нисбатан светофор химоясида қандай жойлаштирилади?
3. Ер ости пиёда ўтиш йўллари кўприкли пиёда ўтиш йўлларига қараганда қандай афзаликкларга эга?
4. Темир йўл ва автомобиль йўллари устидан ўтказиладиган пиёда ўтиш йўлларининг баландлиги қандай аниқланади?
5. Пандусларни қандай қиялиқда қуриш зарур?
6. Темир йўл излари остидан ўтказиладиган пиёдалар ўтиш йўллари қандай афзаликкларга эга?
7. Қандай холларда дарё устидан ёки бошқа тўсик устидан пиёда ўтиш йўлларини қуриш талаб этилади?
8. Парк кўприкларига қандай талаблар қўйилади?
9. Қандай шароитларда пиёда ўтиш йўллари осма қилиб ўтказилади?

10. Арматураси зўриқтириладиган ва зўриқтирилмайдиган темирбетон пиёда кўприкларининг кўлланилиши.
11. Қайишқоқ темирбетон тасма кўринишидаги пиёда кўприклири қачон кўлланилади?
12. Темирбетон пиёда кўприкларига қандай талаблар қўйилади?

## **5. ЕР ОСТИ ИНШООТЛАРИ**

### **5.1. ШАҲАРЛАРДА ЕР ОСТИ ФАЗОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

#### **5.1.1. Ер ости қурилишининг мақсадга мувофиқлиги**

Туар-жой ва коммунал қурилиш ҳажмларининг ўсиб бориши, йўл-транспорт тармоқларининг янада ривожланиши, янги инженерлик обьектлари ва иншоотларининг, саноат корхоналарининг ва х.к.ларнинг барпо этилиши каттагина шаҳар худуди ажратилишини талаб этади, ваҳоланки унинг танқислиги, (айниқса шаҳарларнинг марказий туманларида) йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу билан бирга катта шаҳарларда янги хиёбонлар ва боғлар барпо қилиш, пиёдалар учун зоналар яратиш, спорт майдонларини қуриш ва бошқа ишлар учун ер участкалари тақчиллиги борган сари қўпроқ сезилмоқда. Шунинг учун қурилиш зичлигини ошириш, янги сунъий сатҳларни ҳосил қилиш, ҳажмдор шаҳар қурилиши ечимларидан фойдаланиш зарур. Замонавий

шаҳарлар факат горизонталь бўйича эмас, балки вертикал бўйича ҳам кенгайиб бормоқда. Вертикал зоналаш транспорт ва пиёдалар оқимларининг, транзит ва маҳаллий, тезкор ва оддий транспортнинг бўлинишига имкон беради. Бунда транспорт магистраллари ва пиёда йўллари жойлашишининг турли хил варианtlари бўлиши мумкин:

- ер сатҳида;
- ер устида ёки остида.

Шахар транспорт муаммоларини муваффақиятли ҳал қилишга ер ости фазосини комплекс ўзлаштириш ва фойдаланиш, яъни ер остида транспорт ўтказиш ва инженерлик коммуникацияларини ёткизиш, автомобилларни вактинча ва доимий сақлаш, инженерлик жихозлари объектларини, савдо, коммунал хизмат корхоналари ва шу кабиларни жойлаштириш турли хил обьект ва иншоотларни барпо этишга имкон беради.

Шахарларда ер ости обьектларини қуришда уларнинг ер ва ер устидаги иншоотлар билан ягона фазовий тизимда бўлиши учун ишларни комплекс тарзда ва режали амалга оширилиши керак.

Ер ости фазоси биринчи навбатда бўш худудлар тақчиллиги энг кўп бўлган ва максимал даражада транспорт юклangan шахарларнинг марказий худудларида жойнинг табиий рельефини ҳисобга олиб (баландликлар, ялангликлар, қияликлар, тоғ ён бағирлари ва х.к) фойдаланилиши керак, бу даражада худудларни ўзлаштириш йўллар қурилишини енгиллаштиради.

Ер ости фазосидан фаол фойдаланиш куйидагиларга имкон беради:

- шахарларнинг месъморий-режавий тузилишини анча яхшилаш;
- ер юзасини ёрдамчи хусусиятга эга бўлган кўп сонли иншоотлардан бўшатиш;
- шахар худудларидан турар-жой қурилиши, парклар, хиёбонлар, стадионлар, кўкарамзорлар, “автомобилсиз худудлар” барпо этиш учун оқилона фойдаланиш;
- аҳолига транспорт хизматини яхшилаш;

- автомобиллар турар жойлари муаммосини маълум даражада ҳал этиш;
- инженерлик жихозлари объектларини самарали жойлаштириш;
- шаҳарнинг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш;
- меъморий ёдгорликларни сақлаб қолиш;
- ер ости иншоотларидан, зарур бўлганда фуқаролар мудофаси мақсадларида фойдаланиш.

Ер остида биринчи навбатда одамларнинг бўлиш вақти чекланган обьектлар, жумладан, транспорт иншоотлари, музейлар, кинотеатрлар, магазинлар ва шу каби обьектлар курилиши керак.

Ер остида турганлик ҳисси хоналарнинг маҳсус меъморий-эстетик безатилиши, уларга енгиллик ва ишончлилик тасаввурининг берилиши билан бартараф этилиши мумкин. Бунинг учун ер ости хоналарнинг ер устидаги хоналар билан алмашиниб туриши кўзда тутилади; қалбаки деразалар, ёруғлики ховлилар, ораёпмаларда бўшликлар ўрнатилади. Шунингдек сунъий ёритиш шамоллатиш, ҳавони тозалаш ва совутиш ишлари бажарилади.

Ер ости иншоотларида хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини камайтириш учун, улардан фойдаланиш билан боғлиқ барча ишларни имкони борича автоматлаштириш зарур.

Шаҳарларда ер ости иншоотларинг катта миқдорини барпо этиш қидиув-лойиҳалаш, иншоотларни куриш ва фойдаланиш ишларини амалга ошириш босқичида юзага келадиган маълум қийинчиликлар билан боғлиқ. Ер ости иншоотининг оқилона ҳажмий-режавий ечимини танлаш унга яқин ер усти иншоотларининг меъморий ансамбли билан боғлаш ҳам маълум қийинчиликлар туғдиради. Алоҳида ер ости ярусларини ўзаро ва ер усти билан боғлаш, шунингдек ер ости ва ер усти иншоотлари билан боғлаш учун горизонтал, вертикал ёки кия транспорт (лифтлар, эскалаторлар, ҳаракатланувчи тротуарлар ва бошқалар) куришни талаб этади. Бундан ташқари, ер ости иншоотларини барпо этиш кўпчилик ҳолларда инженерлик коммуникацияларини қайта қуриш ва бинолар яқинида жойлашган

пойдеворларни кучайтириш зарурлиги билан боғлик. Ер ости иншоотини қуриш жараёнида катта ҳажмда ер қазиш ишларини бажариш ва кучли ҳамда сув ўтказмайдиган юк кўтарувчи конструкцияларни яратиш талаб этилади. Бироқ, бу қийинчиликларни қурувчилар муваффақиятли енгиб ўтмоқда, бу ҳақда Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарларида ва чет элларда турли хил ер ости иншоотларини қуриш тажрибаси далолат бермоқда.

### **5.1.2. Ер ости қурилишининг иқтисодий самарадорлиги**

Ер ости иншоотларини қуриш анча катта капитал маблағлар билан боғлик. Ер ости объектининг турига, шунингдек шаҳар қурилиши ва инженерлик-геологик шароитларга боғлик ҳолда ер ости иншоотларини қуриш қиймати, шунга ўхшаш ер усти иншоотларини қуриш қийматидан 1,5-2 марта ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Тифиз шаҳар қурилиши ва транспорт ҳамда пиёдаларнинг ер усти иншоотларининг қиймати анча ортганда (биноларни бузиш, транспорт ва пиёда йўлларини қайта жиҳозлаш зарурлиги ҳисобига) ва ер ости иншоотлар қийматидаги фарқ анча кам бўлиши мумкин. Ер ости иншоотларини қуриш қиймати илфор индустрисал конструкцияларни қўллашга имкон берувчи қулай инженерлик-геологик шароитларда, шунингдек ер ости коммуникацияларнинг ўрнини ўзгартириш бўйича ишлар ҳажми кам бўлганда ҳам жиддий камаяди. Бундан ташқари, ер усти ва ер ости иншоотларини қуриш қийматидаги фарқ кўп жиҳатдан объектларнинг ер остида жойлаштиришнинг ижтимоий ва шаҳарсозлиқдаги афзалликлари билан ҳам қопланади.

Юқорида кўриб чиқилган шароитларга мувофиқ ер ости қурилишининг иқтисодий самарадорлиги, ер ости ва худди шундай ер усти иншоотини барпо этиш ва фойдаланишнинг барча ҳаражатларини таққослашда аниқланиши мумкин. Бунда ҳар бир алоҳида ҳолда мазкур иншоотнинг хусусиятларини, у жойлашган жойни, шаҳар туманини режалаш ва қуриш хусусиятини, ер усти транспорти ва пиёдаларнинг ҳаракатланиш шароитларини, худуднинг ободонлашганлик даражаси ва инженерлик қурилмаларини ва ҳ.кларни ҳар

бир алоҳида холда ҳисобга олиш зарур. Шаҳарларда ер ости қурилишининг иқтисодий самарадорлигини факат алоҳида олинган обьект учунгина эмас, балки кўп вазифа бажаришга мўлжалланган ер ости иншоотларининг бутун мажмуи учун ҳам баҳолаш лозим. Ер ости қурилишининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун ҳалқ ҳўжалиги, иқтисодиёт соҳасида капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг умумий методикасидан фойдаланиш мумкин [35]. Иқтисодий самарадорликнинг умумий катталиги капитал маблағларнинг мутлақ самарадорлигини ҳисоблаш натижасида аниқланиб, у ер ости қурилиши дастурини амалга оширишдан олинган иқтисодий самарадорликнинг ва бу самарадорликни олишга асос бўлган капитал маблағлар микдорига нисбатидан иборат.

Ер ости қурилишида йигинди иқтисодий самарадорлик ер усти обьектини қурилишдаги  $\mathcal{A}_n$  ва  $\mathcal{A}_0$  ер ости иншоотини қуришдаги умумий иқтисодий самарадорлик  $\mathcal{A}_n$  орасидаги фарқ тарзида олинади. Шундай қилиб, ер ости қурилишининг мутлақ самарадорлиги.

$$\mathcal{E}_{n.c.} = \frac{\sum_i^n (A_n - A_0)}{\sum_i^n (B_n - B_0)} = \sum_i^n \frac{\Delta A}{\Delta B} \quad (5.1)$$

ифодадан ҳосил қилиниши мумкин, бу ерда  $\sum_i^n (A_n - A_0)$  –и дан п гача обьектларнинг ер ости қурилишидан олинадиган умумий иқтисодий самарадорлик, млрд.сўм ҳисобида;

$\sum_i^n (B_n - B_0)$ - қўшимча ҳалқ ҳўжалиги самарадорлигини вужудга келтирган ва ер ости қурилиши ҳисобига қимматлашишини ифодалайдиган йигинди капитал маблағлар, млрд.сўм.

Ер ости қурилишига қўшимча капитал маблағларнинг ўзини қоплаши муддати

$$T_{ok} = \frac{1}{\mathcal{E}_{n.c.}} = \sum_i^n \frac{\Delta B}{\Delta A} \quad (5.2)$$

ни ташкил этади.

Ер ости қурилишининг иқтисодий самарадорлиги даражасини аниқлашда худудларни бўшатиш, инженерлик-иктисодий ва ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларнинг яхшиланиши билан боғлиқ ер ости иншоотларини қуришдан узоқ муддатли самарадорликни эътиборга олиш керак.

Шу билан бирга “Шаҳар худудида шаҳар қурилишини комплекс баҳолаш” деган тушунча мавжуд бўлиб, у факат ер ости иншоотларини қуриш ва фойдаланишга бевосита харажатларни, худудларни ободонлаштириш ва инженерлик жиҳозланишига капитал маблағларнигина белгилаб бермай, балки бир қатор бошқа кўрсаткичларни (масалан, турар жой ва коммунал биноларни бузиш, хиёбон ва паркларни тугатиш, ахолига транспорт хизматини ва атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш харажатлари ва бошқалар) аниқлаб беради.

Ер ости қурилиши муносабати билан шаҳар худудларини бўшатишдан олинадиган самара анча муҳимдир. Масалан, 1км узунликдаги ер усти 6 полосали автомагистрални барпо этишда 4,5-7 га худуд керак бўлади, худди шундай, лекин ер ости автомагистрални қуриш учун эса 0,1 га худуд керак бўлади холос.

## **5.2. ШАҲАР ТОННЕЛЛАРИ**

### **5.2.1. Юза жойлашган автотранспорт тоннеллари**

Шаҳар ер ости транспорт иншоотларини лойиҳалашда режада, қирқимда ва кўндаланг кесимда иншоотларнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек аниқ топографик, инженерлик-геологик, шаҳарсозлик ва транспорт шароитларини амалдаги меъёрий хужжатларга, шунингдек ер ости қурилиши соҳасида замонавий илғор тажриба ютукларига амал қилган ҳолда хисобга олиш зарур.

Ер ости транспорт иншоотларига техник талаблардан ташқари эстетик талаблар ҳам қўйилади. Ер ости иншоотлари шаҳар қурилиши ва режалаштирилиши билан боғланган бўлиши, атроф ландшафт билан уйғун қўшилиши, шаҳар худудини минимал даражада тўсиши, шаклларнинг

оддийлиги ва аниқлиги билан тавсифланувчи ифодали фазовий қиёфага эга бўлиши керак. Уйғунлик талаби аввало автотранспорт тоннелларининг рампа участкаларига ва порталларига пиёдалар тоннелларининг кириш, чиқиш ва ер остидаги павильонларига, автомобиллар турадиган жойлар ва гаражларга шамоллатиш иншоотлари, яъни ер остидаги иншоотларнинг шаҳар меморчилиги билан бевосита алокадор элементларига қўйилади.

Қўйида юзада жойлашган автотранспорт тоннелларнинг, ер остидаги автомагистралларнинг, тоғ туридаги ва сув ости тоннелларининг, ер остидаги автомобиллар турадиган жойларнинг гаражларнинг, мажмуалар ва пиёда тоннелларининг турли хил ҳажмий-режавий ечимлари кўриб чиқилган.

Юза жойлашган автотранспорт тоннеллари енгил ва юк автомобилларини, автобусларни, троллейбусларни ва бошқа транспорт воситаларини ўтказиш учун мўлжалланган. Шаҳарларда автотранспорт тоннеллари қўйидаги максадларда барпо этилади:


- магистраллар кесишувида, қўшилишида ёки тармоқланишида турли сатхлардаги ҳаракат чорраҳаларида;
- кўча-йўл тармоғининг режавий тузилишини яхшилаш;
- товарлар ва юкларни савдо мажмуалари, почтамтлар, авто ва темир йўл вокзаллари, аэропортларга олиб келиш ва х.к.

Шаҳар тоннелларини автомобиллар ҳаракати учун қуришнинг зарурлиги кўпинча мавжудларини қайта қуриш ва узлуксиз ҳаракатланиш учун янги тезкор йўллар ва магистраллар барпо қилиш муносабати билан вужудга келади. Одатда автомобиль транспортининг тезлиги ва магистралларнинг ўтказиш қобилияти жадал оқимлари бир сатҳда кесишидиган чорраҳалар билан чегаралайди. Транспорт чорраҳаларини (йўлларини) яратиш; оқимларнинг турли сатхларда кесишишини таъминлайди, светафор олдида тўхтаб қолишлиарни бартараф этади, тезликнинг оширилишига ва ҳаракатланиш хавфсизлиги шароитларининг яхшиланишига имкон беради. Бундан ташқари, транспортнинг ортиқча юриши бартараф этилади, чорраҳанинг ўтказувчанлик қобилияти, пиёдаларга

қулайликлар ортади, ҳавонинг ифлосланиш ва транспорт шовқини даражаси пасаяди.

Турли сатҳдаги йўллар тезкор йўллар, узлуксиз ҳаракат магистралларининг кесишиши, қўшилиш ёки тармоқланиш жойларида, шунингдек тезкор йўлларнинг магистрал йўллар билан кесишган жойларида қурилади. Баъзида бундай йўллар туман магистралларининг алоҳида ажралишлар билан қурилади. Йўлларни турли сатҳларда барпо этиш барча йўналишларида 1 соатда 6-8 мингдан ортиқ енгил автомобилга келтирилган автомобилларнинг жадал ҳаракати бўладиган чорраҳаларда ва майдонларда мақсадга мувофиқидир.

Транспорт оқимларининг ажралиш йўллари чуқурликлар, эстакадалар ёки тоннеллардан фойдаланган ҳолда уч ва ундан ортиқ сатҳда амалга оширилиши мумкин. Айрим ҳолларда битта ажралишда турли хил сунъий иншоотларни қуриш билан комбинациялаштирилган чорраҳалар барпо этилади. Мисол тариқасида Москва шаҳридаги Савелов вокзали майдонидаги уч сатҳли тоннелли эстакадали йўлни (чорраҳани) келтириш мумкин (*5.1.-расм*).



**5.1.-расм. Москвадаги Савелов вокзали олдидаги уч ярусли транспорт кесишуви**

Икки сатҳли йўлларни куришда энг оддий техник ечим кесишуви магистралларнинг биринчи табиий қияликлар бўлган чукур жойдан ўтказиш хисобланади. Бунда иккинчи (кесишуви) магистрал ва бу участкадаги пиёдаларнинг ўтиш йўллари ер сирти сатҳидаги йўл кўприк кўринишида қилинади. Қияликлар жойида автомобилларнинг чукур жойга кириши ва чиқиши учун пандуслар курилади. Бироқ, шаҳар шароитида бундай ечим жуда кам қўлланилади, чунки қияликларни қуриш анча катта худудларни ажратишни талаб этади, маҳкамланган тиргак деворли вертикал қияликли, очиқ чуқурликларни яратиш янада маъқулдир. Бу холда чуқурлик қазиш учун ажратиладиган худуд камаяди, бироқ транспорт учун кириш ва чиқиш шароитлари бироз мураккаблашади.

Жойнинг рельефи қавариқ бўлганда эстакадали чорраҳаларни куриш мақсадга мувофиқ. Эстакадаларни куриш катта ҳажмдаги ер қазиш ишларини амалга оширишни талаб этмайди; ер ости коммуникациялари ўрнини ўзгартириш факат таянчлар ўрнатиладиган жойда бажарилади. Эстакада рампалари остидаги бўш фазо автомобиллар турар жойи ёки бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Шу билан бирга, уларни нисбатан тор магистралларда, тўлиқ курилишлар яқинида қуриш амалий жихатдан мумкин эмас. Транспорт эстакада бўйича ҳаракатланганда кучли шовқин ва титраш вужудга келади. Бундан ташқари эстакадалар чорраҳаларда кўриш шароитларини ёмонлаштиради ва қарор топган меъморий ансамблларни бузади.

Ернинг қавариқ рельефидаги куриш айниқса мақбул бўлган тоннеллардан фойдаланишда бундай камчиликлар бўлмайди. Уларнинг конструкциялари ер сиртидан деярли чиқиб турмайди. Тоннелдаги ажралишлар нисбатан кичик худудни эгаллайди; тоннеллар атмосфера таъсиридан: қор, шамол, ёмғир, ер музлаши ва ҳ.к.лардан ҳимояланган бўлиб, транспорт ҳаракатининг шароитларини яхшилади.

Магистралнинг ўтказиш қобилиятини ошириш учун хизмат қилувчи транспорт тоннеллари шаҳар худудининг энг тифиз участкаларида барпо

қилиниб, уларни кенгайтириш бузилмайдиган ёки суралмайдиган асосли қурилиш туфайли, шунингдек дарё, каналлар, сохиллари, магистраллар бўйлаб кўча қурилиши туфайли кенгайтириш мумкин эмас. Бунда ер ости сатхининг орттирилиши хисобига транспорт қатнайдиган қисм ортади ва унинг ўтказиш қобилияти текисланади, аммо транспортнинг ҳаракатланиши амалда ўзгармайди.

Автотранспорт тоннеллари қуришнинг иқтисодий самарадорлиги икки босқичда аниқланади. Аввал шаҳар худудининг мазкур участкасида сунъий иншоот (тоннель, эстакада, очик ўйилган жой)ни барпо қилишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

$$(\Delta R + \Delta P)T_{ok}'' \geq S \quad (5.3)$$

Шарт бажарилганда сунъий транспорт иншоотини қуриш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб хисобланади, бу формулада  $\Delta R$  - транспорт воситаларини тирбандлигини бартараф этиш, сунъий иншоот атрофида юкларни ва йўловчиларни ташиш қийматини пасайтириш хисобига йиллик тежам, млрд.сўм;

$\Delta P$  - кўча ҳаракатини тартибга солиш ҳаражатларини қисқартириш хисобига йиллик тежам, млрд.сўм;

$T_{ok}''$  - сунъий иншоотнинг ўз-ўзини қопланишининг 10 йилга teng деб олинадиган меъёрий муддати;

$S$  - сунъий иншоотни қурилишига сарфланган капитал маблағ; млрд.сўм.

Йиллик эксплуатациявий ҳаражатлар; транспорт воситаларидан сунъий иншоот доирасида фойдаланишга йиллик сарфлар, транспорт қатнайдиган қисм, тротуарларни саклаш ва таъмирлаш сарфлари, кўкаламзорлаштириш ҳаражатлари, шунингдек шу сунъий иншоотдан фойдаланиш ҳаражатлари йигиндисидан иборат. Таққослаш натижасида ҳаражатларни қоплашнинг энг кам муддатли вариантига афзаллик берилади.

## **Режалаштириш схемалари**

Турли сатхлардаги харакатни ажратиш учун автотранспорт тоннеллари тўғри ва “қия” кесишувларда, V ва Т-симон бириншиларда, шунингдек икки ёки бир неча магистраллар тармоқланадиган жойда барпо этилади. Бунда тоннеллар йўналиши, унинг режадаги чизмаси, транспорт оқимларининг ажралиши ва бошқалар билан фарқланувчи турли хил режавий ечимлар бўлиши мумкин. Режавий схемани танлаш ажралиш жойида бўш худудларнинг мавжудлигига ва конфигурациясига (шаклига), кесишувчи ёки туташувчи кўчаларнинг топографиясига, қурилиш хусусиятига, муҳандислик-геологик шароитларга, ер ости коммуникацияларининг мавжудлигига ва бошқаларга боғлиқ.

Ажралиш доирасида трамвай йўллари, темир йўл излари, мавжудлиги муносабати билан, шунингдек туташувчи кўчалар ва уларнинг магистраллар сони ортганда, айниқса улар турли тоифада, кенгликда бўлганда ва ўтказиш қобилияти ҳар хил бўлганда транспорт тоннелларининг режавий схемалари жиддий равишда мураккаблашади. Тоннелни барпо этишда транспорт ҳаракати шароитлари тубдан ўзгаради, бунда мазкур туманда ҳаракатни ташкиллаштириш ҳар хил схемалар бўйича амалга оширилади. Транспорт тоннелларининг режавий ечимини ишлашда кесиб ўтиладиган магистраллар орқали кулай ўтиш йўллари, жамоат транспорт тўхташ жойларига ва биноларга бориш йўлларини таъминлашга интилиб, пиёдалар ҳаракати шароитларининг ўзгариши ҳам хисобга олинади.

Шахардаги зич қурилиш шароитларида кўпинча транспортнинг бош йўналиш бўйича узлуксиз ҳаракатланишини таъминлаган ҳолда икки сатҳли ажралишлар курилади. Бунда иккинчи даражали ва чапга буриладиган йўналишлар бўйича ҳаракатланиш ҳам мажбурий тартибга солиниб ёки ўзини ўзи тартибга солувчи бўлиши мумкин.

Автотранспорт тоннелини икки магистралнинг бевосита кесишиш жойида барпо этишда кўпчилик ҳолатларда кенг магистралнинг йўналиши бўйича қуришга интиладилар. Бу тоннел ёнида ён томондан ўтиш йўллари

учун жой қолдиришга имкон беради ва кесиб ўтилаётган магистрал билан бурилишлар бўлиши имкониятларини соддалаштиради. Баъзида тоннеллар кенглиги кичикроқ бўлган магистрал йўналиши бўйича жойлаштириб, анча жадал магистрални тезкор ҳаракатланиш учун қолдирилади. Агар тоннел бир хил кенгликдаги иккита автомагистралнинг бевосита кесишишида жойлашган бўлса, бўйлама кесимни ва асосий магистрал бўйича ҳаракатланиш шароитларини бузмаслик учун уни яхиси камроқ ҳаракатли магистрал йўналиши бўйича куриш яхшироқдир.

Тоннел кенг (тажминан 50-80м) магистралда жойлашганда чапга ҳаракатланиш бўлган чорраҳани рампали участкалар бўйлаб қуриш мумкин (5.2.- a расм). Бунда чапга бурилиб тушиб бориш чўзилган бўлади, ўнг томонга бурилиб тушиб боришини 20-50м ли бурилиш радиуслари билан курилади. Тўсиклар атрофида бурилишлар худуди ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш ва транспортнинг қарама-карши ҳаракатланишини таъминлаш мумкин бўлиши учун анча кенг бўлиши керак. Кесишувчи магистраллар орқали пиёдаларни ўтказиш ҳам ер усти, ҳам ер ости ўтиш йўлларидан фойдаланиб ташкил этилиши мумкин.

“Яssi беда барги” номи билан аталувчи ажralишнинг кўриб чиқилган режавий схемаси Тошкент шаҳридаги бир қатор транспорт тоннелларида қўлланилган. Бундай ажralишда транспортнинг барча йўналишлари бўйича узлуксиз ҳаракат амалга оширилади, чапга ва ўнгга бурилевчи оқимлар аралашиб кетмайди. Бу турдаги ажralишнинг камчилигига бурилиб қайтишини таъминлаш учун тоннелнинг берк қисмини бироз узайтиришни ва чапга бурилиб ҳаракатланишда транспортнинг ортиқча юришининг мавжудлигини киритиш мумкин. Бурилишлар ва бурилиб қайтишлар хисобига автомобилларнинг олдиндан жойлашувини ўзгартиришда асосий магистралнинг ўтказиш қобилияти пасяди. Бундан ташқари, тоннелнинг рампли участкалари бўйлаб, траснпортнинг қарши ҳаракатланиши юзага келади, кичик радиусли эгри чизикларда бурилишда эса автомобиллар асосий ҳаракатга халал беради. “Яssi беда барги” кўринишидаги ажralиш ер

худудини ажратишни талаб этади (6-8 гектаргача) ва шунинг учун етарлича катта майдонларда қўлланилади.

Агар маҳаллий шароит бундай ажралишни тўлиқ қуришга имкон бермаса, у ҳолда масалан Москва шахридаги Калуга майдонидаги транспорт тоннели қурилишида қилингандек, иккита икки йўлли тушиб келадиган тўлиқ бўлмаган “Ясси беда япроғи” тури бўйича ажралиш қўлланилади. Айрим ҳолларда, тоннел тор магистралда жойлашганда ажралиш ҳаракатланишни чапга бурилишни қўшни даҳаларнинг иккинчи даражали кўчалари ва йўлларини айланиб ўтиш йўли билан ташкил этиб, “тўлиқ беда япроғи” схемаси бўйича амалга оширилади (*5.2.- б расм*).

Бу ён томонлардан ўтиб кетиш учун қўшимча худудни талаб этмайдиган жуда оддий схемадир. Ўнгга бурилишлар одатдагидек, чапга бурилишлар эса қўшни кўчалар орқали амалга оширилади. Бундай схема, агар қўшни даҳаларнинг ўлчамлари унча катта бўлмаганда (периметри 400-500м дан ортиқ бўлмаганда) ва транспортнинг ортиқча йўл босиши жуда оз бўлган ҳолларда мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қўшни кўчалар бўйича ҳаракатланиш жадаллигининг маълум даражада ортишини ва улар орқали пиёдаларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигининг пасайишини ҳисобга олиш керак.

“Беда япроғи” туридаги ажралишларни қуришда кесишувда жамоат транспорти ҳаракати қийинлашади, чунки тўхташ жойлари ва пиёдалар ўтиш йўллари ажралиш чегарасидан ташқарига чиқарилади.

Бир қатор ҳолларда транспорт тоннелини жадал ҳаракатли икки магистралнинг бевосита кесишишида қурилганда автомобиль оқимлари ажралишини марказий оролча атрофидаги ҳалқали схема бўйича лойиҳаланади (*5.3.- а расм*). Бунда ўнгга буриладиган ҳаракатланиш одатдагича тарзда, чапга буриладиган ҳаракатланиш эса – мажбурий тартибга солищсиз ҳалқали схема бўйича (тоннел устида) амалга оширилади. Транспортнинг ҳалқа бўйлаб ҳаракатланишини таъминлаш учун


тробуарларнинг четлари радиуси таҳминан 12-15 м бўлган букилишларга эга бўлиши керак.

Майдони бўйича етарлича катта ажралишларда тоннел устида транспорт харакатланиши ажралишини ромбсимон схема бўйича куриш мумкин бўлиб, у етарли даражада оддийлиги ва тежамкорлиги билан ажралиб туради (5.3.- б расм).

Чапга бурилишлар оролчалар атрофида бурилиб қайтиб кесиш билан тугайди, бу эса бурилиб қайтиш учун ўзгартирисларни талаб этади. Бундай схемада иккинчи даражали магистралда тўғри келаётган оқимлар билан кесишадиган чапга буриувчи оқимларнинг харакатини тартибга солиш керак. Бу харакат тезлигининг бироз пасайишига ва ажралишнинг ўтказиш қобилиятини камайишига олиб келади.

Харакатни “ромб” тури бўйича ажратишда магистраллар орқали пиёдалар тоннелларини барпо этиш максадга мувофикдир.


Тўғри ажралишнинг юзи автомобилларнинг бевосита тоннел устида бурилиб қайтишига имкон бермагандан кўчирилган чапга бурилишлар ва бурилиб қайтишларнинг сиртмоқли кесишиши амалга оширилади (5.3.- в расм).



**5.2.-расм. Ҳаракатланиш чорраҳаси “Ясси беда япроғи” (а) ва тұлық беда япроғи туридаги дахаларни айланиб ўтиладиган (б) тұғри ажралишдаги транспорт тоннелининг схемаси:**

**1-тоннелнинг берк қисми; 2-рампали участкалари; 3-транспортынг ҳаракатланиши ўналиши;** 4-курилишлар; 5- пиёдаларнинг ер усти ўтиши йүллари; 6-даражатзор.

Чапга бурилишлар ва бурилиб қайтишлар факат бош магистрал бўйича эмас, балки бош ва иккинчи даражали, ёки факат иккинчи даражали магистрал бўйича қайтишлар жойи бурилиш радиуси енгил автомобиль учун камида 8м ва юк автомобиллари учун 12м бўлиши керак бўлган маҳсус оролчалар билан қайд этилади. Оролчалар кўчирилган масофа транспорт қатнайдиган қисмнинг кенглигига боғлиқ ва чапга бурилаётган автомобилларнинг ўрнини ўзгартириш имкониятлари билан белгиланади. Сиртмоқли



**5.3.-расм. Тұғри чоррахада ҳаракатланишини ҳалқали (а), ромбсимон (б) ва сиртмоқли (в) ажратувчи транспорт тоннели схемаси:**

**1-тоннелнинг берк қисми; 2-ромбли қисмлари; 4-оролчалар; 4-транспорт ҳаракати ўналиши;** 5-курилган уйлар.

ажралишнинг жиддий камчилиги жамоат транспорти бекатларини ва пиёдаларнинг ўтиш йўлларини бўғин ташқарисига чиқариш зарурлигидир.

Икки магистралнинг Т-симон кўшилишида транспорт тоннеллари кўпинча асосий магистрал ўналиши бўйича жойлаштирилади. Бунда тоннелнинг рампали қисмлари бўйлаб маҳаллий ўтиш йўллари қолдирилиши керак (5.4.- a расм). Бу ҳолда барча ўналишлар бўйича ўзини ўзи тартибга

солувчи ҳаракат таъминланади: чапга бурилувчи оқимлар ажратувчи оролча атрофида ҳалқа схемаси бўйича ўтказилиши мумкин, бурилиб қайтувчи оқимлар эса тоннел устидан ўтказилиши мумкин.

Т-симон қўшилишларда етарлича худуд бўлса, тоннел устидаги “кувур”, “тешик” ёки “баргсимон” тури бўйича комбинациялашган чорраҳалар ташкил этилиши мумкин, бунда тоннел иккинчи даражали (қўшилувчи) магистрал йўналиши бўйича жойлашади. Бу ўз ичига беда япроги, сиртмоқли, ромбсимон ва бошка турдаги кесишувларни камраб олувчи чорраҳалардир.


Икки магистралнинг U-симон ва Т-симон қўшилишларда қўлланиладиганларга ўхшаш чорраҳаларни ташкил этишдан ташқари тоннелнинг режада эгри чизиқли трассада икки магистрал бўйича жойлаштирилиши мумкин (*5.4.- б расм*). Бу ҳолда қўшилаётган тоннелларни ҳам икки, ҳам бир томонлама ҳаракатни ўтказиш учун ташкил этилади. Бундай тоннелларнинг берк қисмининг узунилиги транспортни тоннел устидан ўтказиш учун етарли бўлиши керак.

Магистраллар ажralадиган жойлардаги тоннеллар магистралларнинг кенглиги ва ҳаракатнинг жадаллигига боғлиқ ҳолда бир ва икки томонлама ва тоннел устидаги ҳаракатга мўлжаллаб ва ҳаракат ажralишининг турли хил схемаларига боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Масалан, тоннелнинг берк қисми устидаги ҳаракатланишнинг ҳалқали ажralишини бурилиш оролчалари узайтирилган ҳолда ташкил этиш мумкин (*5.4.- в расм*).

Юзароқ жойлашган автотранспорт тоннеллари бир сатҳда икки, уч, тўрт ва олти полосали ҳаракатланишни ўтказиш учун қурилади. Йирик ажralишларда одатда икки томонлама кўча ҳаракати учун эса бир томонлама тоннеллар лойиҳаланади ва қурилади. Шунингдек ҳаракатни икки ёки бир неча сатҳларда ўтказиш учун кўп қаватли автомобиль йўллари тоннеллари қуриш мумкин. Автотранспорт тоннелларининг кўндаланг кесимлари ўлчами истиқболга хисобланган ҳолда талаб этиладиган ўтказиш қобилияти ва транспорт воситаларининг габаритлари билан белгиланади.

Тоннелдаги транспорт қатнови қисми ундан сув оқиб кетиши учун 1,5-2,5% атрофидаги *i* күндаланг қияликка эга бўлиши керак. Агар тоннель режада тўғри чизикда жойлаштирилган бўлса, у ҳолда қатнов қисмининг қияликларини тоннел ўқидан турли томонга қилиб курилади.

Эгри чизикларда бурилишлар қилиб, йўлнинг қатнов қисмida харакатланаётган автомобилга таъсир этувчи марказдан қочма кучларни камайтириш учун ҳар бир бўлакда эгрилик радиуси  $R=300-700\text{m}$  бўлганда 3-4% ва  $R=700-1000\text{m}$  бўлганда 2% қиялик бериш керак. Тоннеллар эгри чизикларда жойлашганда йўлнинг қатнов қисмини унинг ички томонидан эгри чизиқнинг радиусига боғлиқ бўлган катталиги 0,2м ни,  $R=400-550\text{m}$  бўлганда – 0,25м ни,  $R=300-400\text{ m}$  бўлганда битта харакатланиш йўналишига 0,3м ни ташкил этади. Агар тоннелнинг бир қисми бўйича икки қатордан ортиқ ўтказиш назарда тутилаётган бўлса, қатнов қисми кенгайтирилмайди.



5.4.- расм. Магистралларнинг Т-симон (а), У-симон (б) қўшилишларида ва ажратишиларида (в) транспорт тоннели схемаси:

**1-тоннелнинг берк қисми; 2-рампали участкалар (қисмлар); 3-транспортнинг ҳаракатланиши йўналиши; 4-иморатлар; 5-оролчалар.**

Шаҳардаги тоннелларнинг қатнов қисм сатҳидан ораёпманинг паст қисмигача баландлиги камида 5м бўлиши керак. Автотранспорт тоннелларининг кўндаланг кесими шакли ташқи юкланишларнинг қўйилиши чукурлиги, уларни тақсимлашнинг катталиги ва хусусияти билан, шунингдек инженерлик геологик шароитлар билан белгиланади. Юза жойланадиган транспорт тоннеллари асосан тўғри тўртбурчакли кўндаланг кесимга эга бўлади.

Бундай шакл кўпроқ даражада конструкциянинг белгиланган яқинлашиш габаритларига мос келади ва тоннелнинг минимал баландлиги ҳамда узунлигини таъминлайди. Айрим ҳолларда юза жойлаштирилган транспорт тоннеллари қуббали ва доиравий шаклда лойиҳаланади.

### **5.2.2. Ер ости магистраллари**

Алоҳида нисбатан қисқа юза жойлаштирилган транспорт тоннеллари магистралнинг ўтказиш қобилиятини оширади ва шаҳарнинг яқин туманларидаги ер усти транспорти харакатини тартибга солиш имконини беради. Шу билан бирга, магистрал трассаси бўйича қисқа берк қисмга ва узун рампаларга эга бўлган, тез-тез жойлаштирилган тоннел кесишувларининг мавжудлиги магистралнинг бўйлама профилининг ёмонлашишига ва транспорт харакатланиш шароитларининг бузилишига олиб келади.

Шаҳар транспорт тармоқларининг ўтказиш қобилиятини янада ошириш учун кўчадан ташқари автомагистралларни ташкил этиш талаб этилади, шу билан бирга замонавий шаҳарсозлик ва транспорт талабларига ер ости магистраллари кўпроқ жавоб беради.

Етарлича узун тоннелларнинг ривожланган тармоғи автомобилларнинг катта миқдори түппланадиган ва пиёдалар оқими жуда кўп бўлган шаҳарнинг марказий туманлари орқали катта транспорт оқимларини транзит ўтказишни таъминлашга қодирдир. Ер ости автомагистраллари порталлари яқинида, шунингдек узунлик бўйича маълум ораликлар орасида ер устига чиқиш ва кириш йўллари назарда тутилиши керак. Магистрал тоннеллар трассалари бўйича ва уларнинг ўзаро туташиб ва кесишиб жойларида автомобиллар турадиган жойларни ва гаражларни ўз ичига камраб олувчи йирик ер ости мажмуналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ер усти ва ер ости автомагистраллари варианларини таққослаш ер ости ёнимларининг бир қатор афзалликлари тўғрисида далолат беради. Ер ости автомагистраллари факат ер устига чиқиш ва кириш жойларида ҳудуд ажратилишини, шунингдек вентиляция шахталари, эскалатор тоннеллари ва бошқа ёрдамчи иншоотлар устида ер ажратилишини талаб этади, бу эса ер усти магистралларини ўтказишга караганда 4-5 марта камдир. Ер ости магистралларини трассалашни, ер усти магистраллариникидан фарқли равишда айрим шаҳар туманларини бирлаштирувчи линияларнинг минимал узунликда бўлишини таъминлаб, шаҳардаги иморатларнинг шароитига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириш мумкин. Ер ости автомагистралларининг афзалликларига шунингдек турлича сатхларда ҳаракатланишнинг нисбатан оддий ажралишлар яратиш имконини киритиш лозим. Ер ости автомагистраллари кесишган ёки туташган ерлардаги ажралишлар ер усти магистраллар трассасидаги ажралишларга нисбатан икки марта кам майдонни эгаллайди.

Чукур ётқизиладиган автотранспорт магистраллари тармоғи шаҳар аҳолисига қулайликларни таъминлайди ва ҳаракат хавфсизлиги шароитларини оширади. Бунда автомобил ва пиёдалар оқимлари тўла ажратилади, кўкаламзорлаштирилиши мумкин бўладиган шаҳар ҳудудлари бўшайди, карор топган меъморий ансамбллар сакланиб қолади. Автомобиллардан ажраладиган зарарли газлар сунъий вентиляция ҳисобига

чиқарыб ташланади ва тоннел худудидаги атроф мухитни ифлослантирумайды. Ер ости магистралларини барпо этиш ҳисобига ер усти автомагистраллар тармоғи анча қулай, эркин ва фойдаланиш осон бўлади, бу ҳам автомобиль ва пиёдалар ҳаракатининг тартибга солинишига имкон беради. Шахар худудида ерлар қийматининг янада ортиши ва тоннелсозлик соҳасининг такомиллашиб бориши муносабати билан ер ости автомагистраларининг ер усти автомагистраллардан афзаликлари ортади.

Қулай мұхандислик-геологик ва шаҳарсозлик шароитларида, шаҳарнинг марказий қисмларида ер ости автомагистраларининг барпо этилиши шаҳар ер ости хўжалиги ривожланишининг маълум босқичида, ер ости иншоотларининг ривожланган тизими мавжуд бўлганда: кўп қаватли гаражлар ва мажмуалар, пиёдалар сатҳлари, метрополитен тармоғи, транспорт ва пиёдалар тоннеллари ва ҳ.к.лар мавжуд бўлганда мақсадга мувофик бўлади. Бу холда шу иншоотларни боғловчи ер ости автомагистраллари шаҳарнинг ер ости транспорт тизимининг мухим ва табиий элементи бўлиб ҳисобланади.

Бироқ шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, шаҳар ер ости автомагистралларини қуриш мураккаб муаммо бўлиб, катта маблағларни талаб этади.

Ер ости тармоқларининг катта узунликда бўлиши билан боғлиқ психологик жиҳатни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, бунда транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилар узоқ вақт мобайнида тоннеллар ичida юришга мажбур бўладилар.

### **5.2.3. Сув ости тоннеллари**

Шаҳар транспорт иншоотларининг умумий мажмууда сув тўсиқларининг сув усти ва сув ости кесишувлари, мухим ўринни эгаллайди. Одатда йирик шаҳарлар айрим шаҳар туманлари ўртасидаги алоқани қийинлаштирувчи турли хил сув йўллари: дарёлар, каналлар, кўллар, сув омборлари кесиб ўтувчи худудда жойлашади. Бирорта сув тўсиғи орқали

доимий амал құлувчи транспорт алоқасини ташкил этишда даставвал жуда мураккаб бўлган масалани: мазкур шароитда нима қуриш керак – кўприк ёки тоннел? деган саволга жавоб зарур бўлади. Бунга аниқ жавоб факат кўприкли ва тоннелли ўтишнинг турли хил вариантиларини муфассал техник иқтисодий таққослашдан кейингина олинниши мумкин.

Иншоот вариантини танлашда кесишиш худудидаги меъморий-режавий хусусиятлар, транспорт оқимларининг хусусияти ва жадаллиги, топографик ва мухандислик-геологик шароитлар, сув оқимининг гидрологик режими ва кема юриши шароитлари, шунингдек иқтисодий мулоҳазалар ҳисобга олинади. Бироқ маҳаллий шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолда тоннелли ўтишларнинг кўприкли ўтишларга нисбатан айrim афзаликлари ва камчиликларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Сув ости тоннелларининг асосий афзаликлари шундаки, улар:

- сув оқишининг табиий режимини бузмайди;
- кема қатновига тўсқинлик қилмайди;
- транспорт воситаларини ноқулай атмосфера таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлайди;
- шаҳарнинг меъморий қиёфасига минимал даражада таъсир этади;

Сув оқими қирғоклари қия бўлганда ва кема қатнови жадал бўлганда тоннелларнинг афзалиги анча ортади. Агар факат дарё кемаларини ўтказиша кўприк ости габарити одатда 5-10м дан ортиқ бўлмаса, у ҳолда сув йўлидан денгиз кемалари ўтадиган бўлса, кўприк ости габаритининг баландлиги 40-50м ва ундан ортиқка етиши мумкин. Бу оралиқ иншоотларини кўтариш баланд ва бақувват таянч устунларини ўрнатиш билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида кўприкдан ўтиш йўлиниң анча узайтирилишига олиб келади.

Агар сув тўсифини кўп сонли ва бир-биридан яқин масофада жойлашган, ўтказиш қобилияти қониктирмайдиган кўприклар бўлганда сув ости

тоннелларини қуриш мақсадға мувоғық бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда кўприклар ёнида сув ости тоннеллари – дублёрлар қурилади. Сув ости тоннеллари эски, замонавий талабларга жавоб бермайдиган кўприклар ўрнига барпо этилиши мумкин. Сув ости тоннеллари кемаларнинг маневрлари, юк ортиш-тушириш операциялари юз берадиган, причаллар жойлашган порт ҳудудида сув тўсиги кесиб ўтганда кўприкларга караганда афзалроқ бўлади. Сув ости тоннелларини шаҳарларда ва чукур жойлашган ер ости автомагистраллари трассаси бўйича қуриш талаб этилади. Бунда сув ости ва қирғоқ ҳудудларини туташтириш анча осон бўлиб, кўприкли ўтишда ер ости автомагистрассаларини трассалаш шароитлари анча мураккаблашади.

Сув тўсигини кўприкли ва тоннелли кесиб ўтиш вариантларини таққослашда иқтисодий кўрсаткичлар ҳам ҳисобга олинади. Бунда қурилиш ва эксплуатация харажатларини ҳисобга олган ҳолда иншоотнинг қопланиши ҳисобий муддати аниқланади:


$$T_{ok} = \frac{S_I - S_{II}}{\mathcal{E}_{II} - \mathcal{E}_I} \quad (5.4)$$

бу ерда  $S_I$  ва  $S_{II}$  – биринчи ва иккинчи вариантлар бўйича капитал харажатлар, млрд.сўм;

$\mathcal{E}_I$  ва  $\mathcal{E}_{II}$  – вариантлар бўйича эксплуатацион харажатлар, млрд.сўм.

Агар  $T_{kon}$  катталиги қоплашнинг белгиланган меъёрий муддатидан кам бўлиб қолса, у ҳолда камроқ эксплуатация харажатларини таъминловчи катта капитал маблағли вариант ( $T''_{ok} = 10$  йил) анча самарали ҳисобланади.

Сув оқимлари тубига нисбатан жойлашишига қараб грунт массивига тўлик ботирилган сув ости тоннеллари, тўғон ёки алоҳида таянчлардаги тоннелларга ва ўзан тубига тросли тортқичлар билан анкерланган “сузувчи” тоннеллар фарқланади. (5.5.- *расм*).




5.5.- расм. Сув ости тоннелларининг турлари:

*a- тубига чўқтирилган; б- тўғонда; в- таянчларда (тоннел-кўпrik); г- “сузувчи”, 1- тоннелнинг берк қисми; 2- рампалар; 3- тўғон; 4- таянчлар; 5- тросли тортқичлар.*

Шахарда сув ости тоннелини жойлаштириш жойини танлаш асосан қирғоқ ҳудудларининг режалаш ва иморатлари хусусияти, топографик шароитлар, шунингдек тоннелни барпо этиш усули билан белгиланади. Кўпчилик ҳолатларда тоннелли кесишиш сув оқимига перпендикуляр ҳолда трассаланади, бу тоннел узунлигини камайтиради, ўтишни, қуришни ва ундан фойдаланишни осонлаштиради (5.6.- a расм).

Сув ости тоннели режада тўғри ёки эгри чизиқли трассада қисман ёки тўла жойлашиши мумкин. (5.6.- б, г расм). Тоннелнинг эгри чизиқли трассада жойлашиши бирор тўсиқларни: кучли ювилиб кетган ҳудудларни, оролларни, сунъий сув ости иншоотларини ва ҳ.к.ларни четлаб ўтиш зарурлиги билан юзага келиши мумкин бўлган айрим ҳолларда трассанинг қийшайиши, унда вентиляция шахталарини қуриш, қўшимча забойларни очиш ва ҳ.к.лар учун оролга ёндошишга интилиш билан боғлиқ. Баъзида режада эгри чизиқли трассада тоннелнинг факат сув ости қисми, баъзида сув ости қисмининг қирғоқ қисми билан қўшилган қисмлари жойлаштирилади.



**5.6.- расм. Тўғри чизиқли (а) ва эгри чизиқли (б-г) трассаларда сув ости тоннелларининг режавий схемалари:**

**1-тоннелнинг ёпиқ қисми; 2-рампа; 3-иморат қурилиши.**

Сув ости автотранспорт тоннеллари бир сатҳда икки, тўрт, олти ва саккиз полосали харакатни ўтказиш учун барпо этилади; икки қаватли сув ости тоннеллари хам қурилиши мумкин. Сув ости автотраснорт тоннелларининг кўндаланг кесими юк кўтарувчи конструкция ўлчамлари билан белгиланади, бунда тоннелнинг узунлиги 300-400м бўлганда вентиляция каналларини жойлаштириш ёки оқимли вентиляторларни ўтказиш учун транспорт харакатланадиган йўлнинг ён томонида эни камида 1м бўлган тўсиқли тротуарлар қурилади. Пиёдалар харакати жадаллиги катта бўлганда тоннелнинг транспорт юрадиган қисмидан яхлит деворлар билан ажратилган пиёдалар учун маҳсус бўлинмалар қуриш мақсадга мувофиқ. Бўлинмалар тоннелнинг ён қисмларида ёки ўртасида, катнов қисми орасида жойлаштирилиши мумкин.

Сув ости тоннелининг сув ости қисмидаги кўндаланг кесими шакли асосан иншоотни барпо килиш усули билан белгиланади. Тоннелларнинг сув ости қисмига кўпчилик ҳолларда шчит усули билан ва туширилган секциялар усули билан ёки тўғри тўртбурчакли шакл берилади.

#### **5.2.4. Төг тоннеллари**

Кўпгина йирик шаҳарлар төғ ёки баландлик жойларда жойлашган бўлиб, шу билан бирга баландлик ва бошқа тепаликлар шаҳар худудини бир ёки бир неча томондан ўраб олган бўлиши, ёки шаҳар чегарасида жойлашган бўлиши мумкин. Баландликлар, тепаликлар ва төғ тармоқлари автомобиль йўллари ва магистралларни трассалашни қийинлаштиради, шаҳарларда пиёдалар ҳаракати шароитларини мураккаблаштиради.

Йўл трассасининг баланд тўсиқларни енгиб ўтиш учун тўсиқнинг баландлиги, шакли ва унинг режадаги ўлчовлари, жойлашган ўрни, ён бағирларнинг қиялиги, шаҳар режасининг ва иморатларнинг хусусияти, инженерлик-технологик шароитлар, иқтисодий омилларга боғлиқ ҳолда бир неча мумкин бўлган ечимлар мавжуд.

Режада тўсиқни айланиб ўтиш мумкин, бу эса йўл трассасининг узайишини ва маълум дараҷада мураккаблашишини талаб қилиб, унинг анча катта қисми режадаги эгри чизикда жойлашиши керак. Бошқа ечим тўсиқни юқорисидан кесиб ўтиб, очик ковлашни амалга оширишдан иборат. Төғ массивини кесиб ўтишнинг учинчи варианти тоннел барпо этишни назарда тутади, у энг қисқа йўл билан баланд тўсиқ билан ажратилган икки туманни бирлаштиради. Бу вариантнинг афзалликларига, шунингдек йўл трассасининг режада тўғри чизиқ бўйлаб жойлашиши мумкинлигини, транспортнинг шамолдан, ёмғирдан, қордан, яхмалақдан ҳ.к.лардан ҳимоя қилувчи қулай ҳаракатланиш шароитларини киритиш мумкин. Шу муносабат билан тоннелли вариантнинг қурилиши қиймати юкори бўлишига қарамай унга кўпинча устуворлик берилади. Бунга далил сифатида Тбилиси, Будапешт, Прага, Макка, Гавр, Женева ва бошқа шаҳарлардаги төғ туридаги тоннелларни келтириш мумкин.

Агар төғ массиви шаҳар четида жойлашган бўлса, у ҳолда транспорт тоннеллари шаҳар ичи ва шаҳарлараро магистралларни боғлаш учун хизмат

қилади. Бундай тоннеллар одатдаги тоғ тоннелларидан кам фарқ қилади. Айрим баландликларни, тепаликларни ёки тоғ тармоқларини кесиб ўтиб, бевосита шаҳар худудига кириб борувчи тоннелларни лойиҳалашда, куришда ва фойдаланишда уларни ҳисобга олишни талаб қилувчи бир қатор хусусиятлар билан тавсифланади.

Режада тоғ туридаги тоннеллар трассаси бутунича ёки қисман тўғри чизикли ёки эгри чизикли участкаларда жойлашиши мумкин. Тоннелларни тўғри чизиқ бўйлаб барпо этишнинг муҳим афзаликларига қарамай, уларни куриш бир қатор ҳолатларга кўра ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Тоннел трассасининг қийшайиши тоннелнинг шаҳар магистраллари билан текис қўшилиши бузилган худудларни айланиб ўтиш, шунингдек мавжуд иморатларни сақлаб қолиш шароитлари бўйича талаб қилиниши мумкин.

Тоғ туридаги тоннеллар кўпинча чукур жойлашадиган қилинади, уларнинг узунлиги 300м дан кам бўлганда – бир томонга қия бўйлама профиллар билан қурилади. Узунлиги катта бўлганда тоннеллар ҳам бир томонга қия, ҳам қўп қияликли бўйлама профили қавариқ шаклда равоқлардан тоннелнинг ўртасига томон кўтарилиб бориладиган бўлиши мумкин. Тоғ туридаги шаҳар тоннелларининг бўйлама профили шаклига ва қияликларнинг катталигига олиб борувчи йўлларнинг баландлик белгилари ҳал қилувчи таъсир кўрстади.

Тоғ туридаги тоннелларнинг транспорт қатнайдиган қисмининг максимал бўйлама қиялиги вентиляция шартлари бўйича чекланади ва 4% ни ташкил этади. Мураккаб топографик шароитларда тоннелнинг узунлиги 500м гача бўлганда ундаги бўйлама қияликни 6% гача орттиришига рухсат этилади. Сувни оқизиб юбориш шартларига кўра максимал қияликни 4% га teng қилиб қабул қилинади. Тоннелнинг ўрта қисмида ўртадан бошлаб икки томонга қиялиги 2% гача бўлган 250-300м узунликдаги ажратувчи майдончалар куришга рухсат этилади.


Тоғ туридаги тоннелларнинг бўйлама профилини лойиҳаланаётганда тоннелга киришда яхши кўриш шароитларини таъминлаб, пештоқлар

жойлашадиган жойларни белгилаш зарур. Төг туридаги шаҳар тоннеллари учун бир қатор ҳолларда пештоқни жойлаштириш ўрнини танлаш техник-иктисодий муроҳазалар асосида эмас, балки меъморий-режавий муроҳазаларга кўра амалга оширилиши мумкин. Төг туридаги тоннел трассасини лойихалаш жараёнида шахта устунларини жойлаштириш ўринлари чукур жойлаштириладиган ер ости автомагистраллари трассасида қилинганига ўхшаш белгиланади.

Төг туридаги тоннеллар шаҳарларда кўпинча икки йўлли транспорт ҳаракатини ўтказиш учун барпо қилинади. Тўрт қаторли ҳаракатни ўтказиш учун иккита ёнма-ён жойлаштирилган икки йўлли тоннел қуриш тавсия этилади. (*5.7.- a расм*). Факат алоҳида ҳолатларда жойнинг топографияси мураккаб бўлганда ва оғир төг-геологик шароитларда тўрт йўлли тоннел иншоотини маҳсус асослашга кўра қуришга рухсат этилади

Айрим ҳолларда тўрт ёки олти йўлли ҳаракатни ўтказиш учун төг туридаги икки қаватли тоннеллар қурилиши мумкин (*5.7.- b расм*). Бундай тоннелларнинг оралиги икки ёки уч йўлли тоннелларнинг оралифига тахминан teng, шу муносабат билан икки қаватли тоннелдаги төг босими катталиги икки ёки уч йўлли тоннелнинг төг босими катталигига қараганда унчалик ортиқ бўлмайди. Икки қаватли тоннелларни қуришда асосий қийинчиликлар тоннелнинг равоқлари олдида қарма-қарши оқимларнинг ажратишларини қуриш билан боғлиқ бўлади.


Кўпинча ёпиқ усулда барпо этиладиган төг туридаги тоннеллар қуббали ёки доиравий шаклга эга. Кўндаланг кесимининг ўлчамлари тоннелнинг жойлашган ўрни ва транспорт ҳаракати жадаллиги билан белгиланади ва конструкцияларнинг яқинлашиши габаритларига мувофиқ ўрнатилади. Шаҳар атрофи магистралларидаги тоннеллар учун төг тоннеллари габаритларига амал қилиш мумкин: Г 7 ёки Г 8 транспорт қатнайдиган қисмининг кенглиги мос равишда 7 ва 8м, баландлиги 5м.



5.7.- расм. Төг түридаги бир қаватлы (а) ва икки қаватлы (б) тоннелларнинг күндаланг кесими.

Агар тоннелдан пиёдаларни ўтказиш назарда тутилаётган бўлса транспорт қатнайдиган қисм сув оқиб кетиши учун йўл ўқидан четга қараб камида 2% күндаланг қияликлар  $i_0$  га эга бўлиши керак. Транспорт қатнови қисмидан четда жойлашган 1м кенглиқдаги тротуар соатига 1000 кишигача ўтказишга мўлжалланган. Пиёдалар ҳаракати жадаллиги бундан ортиқ бўлганда эни 1м дан бўлган иккита тротуар курилади.


Төг түридаги тоннелларни шаҳар ичи магистраллари трассаси бўйича транспорт қатнайдиган қисмининг эни 8 ёки 12м ва баландлиги 5м бўлган автотранспорт тоннеллари габаритларини ҳисобга олиб лойиҳалаш лозим (5.8.- расм). Тоннеллар кичик радиусли ( $<700\text{m}$ ) эгри чизикларда жойлашганда транспорт қатнайдиган қисм эгрилик радиусига боғлиқ ҳолда 0,4-0,6м га кенгайтирилади.



**5.8.- расм. Шаҳар автотранспорти тоннели конструкциясининг яқинлашиш габаритлари.**

### 5.2.5. Метрополитен тоннеллари

Йирик шаҳарларда метрополитеннинг тоннел линиялари кенг ривожланди. Метрополитен тоннеллари чуқур ёки юза қазиб ўтказилади. Юза ўтказиладиган тоннеллар (ёруғлик сиртдан 6-12м) метрополитен трассаси шаҳар кўчалари остидан ўтганда ва тоннелни очик усулда қуриш алоҳида қийинчиликлар туғдирмагандан, шунингдек иморатлар кам бўлган шаҳар атрофидаги туманларда кўлланилади (5.9.- расм). Юза ўтказиладиган тоннеларни унинг устидан ер ости муҳандислик, коммуникация тармоқларини ётқизишга халақит бермайдиган чуқурликда жойлаштирилади. Шаҳар худуди рельефи паст-баланд бўлса, метрополитен линиялари айrim қисмларда юза жойлашган, бошқа қисмларда чуқур жойлашадиган қилиб қурилиши мумкин.




**5.9.- расм. Юза ўтказиладиган метрополитен тоннели**

Жаҳондаги шаҳарларда курилган метрополитен тоннеллари умумий узунлигининг тахминан 20% чукур жойлаштирилган тоннеллар ташкил этади, улар юза жойлаштирилган тоннелларга нисбатан каттагина афзалликларга эга бўлса ҳам, ишларнинг анча мураккаблиги билан фарқ қиласи ва катта маблағларни талаб этади.


Тоннелни сувга тўйинган грунтларда чукурда ётқизишда айлана кесим энг оқилона хисобланади. Кесимнинг бу тури барпо этиш шароитлари бўйича ҳам қулайдир, чунки тоннелни заводда тайёрланган стандарт элементлардан ташкил этиш имконини беради (5.10.-расм).

Чукур жойлаштириладиган тоннелларни пардозлаш материалларига юкори талаблар қўйилади. У ҳам грунт босимидан тушадиган, ҳам тоннелни қазиш билан боғлиқ таъсирлардан тушадиган кучланишларни қабул қилиш учун етарлича мустаҳкамликка эга бўлиши керак. Пардозлаш материали сув ўтказмайдиган ва узоқ муддатга чидамли бўлиши керак. Қоплама учун элементлар металл (чўян, пўлат), бетон ва темирбетондан бўлиши мумкин.



**5.10.-расм. Чукур жойлаштириладиган метрополитен тоннели.**

Металлдан тайёрланган тоннел қопламаси тюбинг деб аталувчи алохидада сегмент элементларидан ташкил топади. Ҳар бир тюбинг чети бўйлаб бортли қўшимча қовурғалар билан бирга алохидада тюбингларга ва умуман бутун қопламага зарур бикрликни беради. Қўшимча қовурғалар тоннелдан шчитли ўтишда қўйиладиган домкратларнинг босимларини қабул қилиш учун ҳам хизмат киласди.



**5.11.- расм. Металл чўян қоплама.**

Тюбинглар бортларининг бир-бирига тегиб турадиган сиртлари бирикиш зич бўлиши учун қирқиб ёки фрезерлаб ишлов берилади ва новларнинг иккى қўшни блокларини ўрнатгандан сўнг хосил бўладиган фальцлар билан таъминланади. У цементли суртма билан маҳкамланади, айрим ҳолларда эса қопламанинг сув ўтказмаслигини таъминлаш учун кўргошинланган шнур билан зарб қилинади.

Тюбингларни йигилишни енгиллаштириш мақсадида болтлар учун тешикларнинг диаметрларини болтларнинг диаметридан бироз каттароқ қилинади. Болтлар ва тешиклар орасидаги ёриклар болтларнинг гайкаларини бураб киритишда металл шайбалар босиб киритадиган маҳсус қистирмалар билан тўлдирилади.

Тюбинглар чўян ёки пўлат қуймадан тайёрланади. Коррозияга камроқ учрайдиган чўян тюбинглар кўпроқ тарқалган. Пўлат тюбинглар пўлатнинг пишиклиги ортикроқ бўлгани туфайли чокларини тўлдириб пайвандлаш йўли

билин катталаштирилиши мумкин. Пўлат тюбинглар факат қуйма бўлмай, балки штампланган бўлиши мумкин. Пўлат тюбингларнинг асосий камчилиги – уларнинг коррозияга учрашидир.

Темир-бетон ва бетон блоклар қовурғали ёки яхлит (плитали) конструкцияда ишланади. Темир-бетон блоклар юкори маркадаги яхши зичлаштирилган бетондан қовурғали қилиб ишланади. Монтаж қилиш болтлари учун (агар улар қўлланилса) блоклар ва тешиклар орасидаги чоклар сув ўтказмайдиган кистирмалар ёки маҳсус мастика билан тўлдирилади. Қоплама йифилгандан сўнг блоклардаги тешиклар орқали қоришма пуркалади.


Чуқур жойлаштириладиган тоннелларни куришда уларни барпо этишнинг шчитли усули кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти қуидагидан иборат:

- курилаётган тоннелнинг бош қисмида жинсларга ишлов беришни шчит деб аталувчи маҳсус агрегат ёрдамида амалга оширилади. Шчит (тўсик) металл конструкциядан иборат бўлиб, у жинсларга ишлов бериш, мустаҳкамлаш ва йиғиш учун механизмлар тизими билан таъминланган бўлади, шунингдек қоплама қуриш ва жинсларни ковлаб ўтишга қараб бутун агрегатни илгарилаштириб қўлланилади;
- жинсга ишлов берилгандан сўнг тоннел қопламаси халқаси кенглиги бўйича қопламанинг тайёр қисмига тирадиган шчитли домкратлар ёрдамида шчит сурилади;
- тоннел кучли сувли жинслардан ўтаётган ҳолларда сувнинг гидростатик босимини мувозанатлаб туриш учун сиқилган ҳаводан фойдаланишга тўғри келади. Бунинг учун ишлаётган шчитдан маълум масофада, тоннелнинг тайёр қисмида ҳавонинг юкори босимини қабул қилишга қодир бўлган тўсик ўрнатилади. Тўсик пўлатдан, темирбетондан ёки бетондан тайёрланади ва тоннелнинг қолган қисми билан алоқада бўлиш учун шлюзли қурилма билан таъминланади. Одамларни ва материалларни ўтказиш учун алоҳида шлюзлар қилинади.

### **5.2.6. Юза қилиб ўтказиладиган тоннелларнинг конструкциялари**

Улар конструкцияларнинг юклар остида ишлаш шароитларига ва барпо этишнинг очиқ усулига кўпроқ жавоб берувчи тўғри тўртбурчак кесимли қилиб қурилади. Тоннелнинг тўғри тўртбурчак кесими вертикал режалаштириш нуқтаи назаридан яхшироқдир. Тўғри тўртбурчак тоннел конструкциялари ён деворлардан, устки ёпмадан ва пастки плита (пойдевор, очиқ нов) дан иборат. Барпо қилиш, шароитларига кўра юза жойлаштириладиган тоннеллар плитали ёки қовурғали ораёпмаларга ва деворларга эга бўлишлари мумкин. Плитали элементлардан ташкил топган тоннеллар конструкцияси тайёрлаш шароитларига кўра соддадир.

Яхлит куйма конструкцияда плитали тоннел кўндаланг кесимда чўзилган худудларда ишчи ва конструктив арматура билан арматураланган берк темир-бетон ромни ифода этади (5.12.-расм).




**5.12.-расм. Монолит темир бетон конструкциядан плитали тоннел.**

Грунтнинг вертикал босмини кўтарувчи тоннелнинг юқори ва пастки плиталари энг кўп иш бажаради. Бу плиталарни горизонтал босимларни қабул қилувчи ён плиталардан қалинроқ қилинади.

Тоннел конструкциясини қовурғали ораёпмалар (5.13.-расм) ва деворларини қовурғали конструкциялардан тайёрлаб енгиллаштириш мумкин. Пастки плита унга тайёрланган асос устига ётқизилади, кейин вертикал плита деворлари вақтинча бўшатилиб, ўрнатилади, шундан сўнг

юқори ораёпма плиталари ўрнатилади. Ҳосил бўлган конструкциянинг яхлит қўймалигини таъмирлаш учун блоклар орасидаги чоклар қоришма билан тўлдирилади.



5.13.-расм. Қовурғали ёпмалари бўлган тоннел конструкциялари.

#### 5.2.7. Тоннелларни ҳисоблаш тамойиллари

Тоннел уни ўраб турувчи жинслар (грунтлар) таъсирида бўлиб, улар майда қилиб ётқизилганда юқорида ҳаракатланувчи вақтинча юкланишдан тушадиган босимни ҳам узатади. Бундан ташкари тоннелга унинг атрофидаги сувнинг босими ҳам таъсир қилиши мумкин.

Чуқур жойлаштирилдиган тоннелларда уларга грунтлардан тушадиган босим тоғ босими дейилади. Кенг тарқалган гипотезалардан бири тоннелнинг қопламаси уни босиб турган жинслар массасини кўтариб туролмай қолганда тоннелга жинслар массаси босади, деган фараз ҳисобланади.

Тоғ босимининг катталигини аниқлаш учун проф. М.М. Протодьяконовнинг назариясидан фойдаланиш қабул қилинган. У қуббадан пастда жойлашган грунтдан тоннелнинг бирлик узунлигига бўлган босимни аниқлаш формуласини чиқарди (5.14.-расм):

$$P = \frac{4}{3} \rho \frac{a_1^2}{f} \quad (5.5)$$

бу ерда  $a_1=a+b$  бузилиш қуббани энининг ярми;

а- тоннелда ишлаб чиқарилган маҳсулот кенглигининг ярми;

б- сирпаниш текислигининг горизонтал проекцияси;

$$b = \frac{h}{\operatorname{tg}(45 + \frac{\varphi}{2})} \quad (5.6)$$

$\varphi$  – жинснинг ички ишқаланиш бурчаги;

$h$  – тоннелда ишлаб чиқилган маҳсулотнинг баландлиги;

$\rho$  – жинснинг зичлиги;

$f$  – тоғ жиснларининг қаттиқлик коэффициенти: қоя жиснлари учун 8-20; анча бўшроқ жиснлар учун 3-6; юмшоқ жиснлар учун 0,8-2; сочиувчан ва сузувлчан мухитлар учун 0,3-0,6. Тоғ босимини тавсифланган усулда аниқлашга бузилиш қуббаси учи устидан ёруғлик сирт бўйича ёки кучсиз жиснлар тегилганда  $\frac{a+b}{f}$  бузилиш қуббаси баландлигидан кам бўлмаган масофа бўлган холларда рухсат этилади.

Юза жойлаштириладиган тоннеллар учун устки ораёпмадаги босим юкорида ётган барча грунтлардан ва вактинча юкланишнинг таъсири йигиндисидан иборат бўлади (*5.15- расм*). Тоннел устидаги тўшама баландлиги 0,7м дан кам бўлганда вактинча юкланиш ғилдиракларидан босим грунтда  $45^0$  бурчак остида тақсимланади деб ҳисобланади. Тўшама қатламишининг баландлиги 0,7м дан ортиқ бўлганда вактинча юкланиш ғилдиракларининг босимини алмаштириш мумкин: тўшама қатлами баландлиги 0,7м бўлганда –  $3\text{t/m}^2$ , 1,2м ва ундан ортиқ бўлганда –  $2\text{ t/m}^2$ .

Ҳисоблашларда бир текис тақсимланадиган вактинча юкланишнинг таъсирини куйидаги формула бўйича аниқланадиган,  $h_0$  баландлиги грунтнинг маълум эквивалент қатлами билан алмаштириш куладай:

$$h_0 = \frac{q(1+\mu)}{\rho}, \quad (5.7)$$

бу ерда

$q$  – бир текис тақсимланган вақтинган юкланиш;

$1 + \mu$  – динамик коэффициент;

$\rho$  – грунтнинг зичлиги;

Тоннелнинг ораёпмаси сирти бирлигига тўла ҳисобий босим:

$$P = \rho(h_0 + h) = \rho \cdot h_i \quad (5.8)$$

ни ташкил этади.

Тоннелнинг вертикал деворлари сирти бирлигига ён томдан босим:

деворларнинг юқори қисми сатҳида:


$$P_1 = \rho h_1 \operatorname{tg}^2(45^\circ - \frac{\varphi}{2}) \quad (5.9)$$

деворларнинг пастки қисми сатҳида:

$$P_2 = \rho h_2 \operatorname{tg}^2(45^\circ - \frac{\varphi}{2}) \quad (5.10)$$

Тоннелнинг юқори ораёпмаси  $l$  оралиқли оддий түсин сифатида ишлаганда энг катта эгувчи момент:

$$M_1 = \frac{Pl^2}{8} \quad (5.11)$$



5.14.- расм. Чуқур жойлаштирилган тог босимининг таъсир схемаси.

Юқори ораёпмага ён деворларнинг горизонтал таянувчи реакциялари узатилиб, ён деворлар учун юқори ораёпма таянч вазифасини бажаради. Грунт босимининг трапециясимон эпюрасида пастдан сикиб қўйилган ва юқоридан шарнирли таянтирилган сифатида қаралаётган тўсин юқори ораёпма қўйидаги формула билан аниқланадиган  $N$  босимни узатади:

$$N = \frac{H}{40} (11P_1 + 4P_2) \quad (5.12)$$

Ён деворлардаги пастки таянч моменти


$$M_3 = \frac{H}{120} (7P_1 + 8P_2) \quad (5.13)$$

формула билан аниқланади.

Ён деворларнинг юқори кисмидан чўзувчи момент қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$M_2 = \frac{H^2}{120} (6,5P_1 - P_2) \quad (5.14)$$

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий усулларнинг қўпчилиги бўйича (шу жумладан, М.М. Протодъякопов усули бўйича ҳам) ҳисобланган тоғ босими катталиги табиатда кузатиладиганлардан катта фарқ қиласди. Бунинг асосий сабаби шундаки, гипотезалар (фаразлар) тоғ босимига жинслар хоссаларининг бир жинсли эмаслиги, вақтингчалик мустаҳкамлашда ишланган маҳсулотнинг ётиш шароитлари, ёриувчанлиги, ўтиш усуллари, маҳкамлашнинг мустаҳкамлиги ва шу каби омилларни ҳисобга олмайди.



5.15.-расм. Юза жойлштириладиган тоннелларни ҳисоблаш схемаси.

Ишланган маҳсулот томонидан мавжуд тараанг ҳолатнинг бузилиши натижасида хусусан, ишлаб чиқиши маҳсулотлари атрофифда сиқувчи ва чўзувчи кучланишлар тўпланган худудларнинг вужудга келишида ифодаланувчи кучланишларни қайта тақсимлаш юз беради. Н.И.

Мусхелишвили, Л.Н. Дипник, Т.Н. Савин ва бошқа олимларнинг асарларидан ишланган маҳсулот кесимларининг турли шакллари учун кучланишларнинг тақсимланиши масаласининг ёчими олинган.

Бироқ амалий масалаларни ёчишда ишланган маҳсулот контури бўйича (чегараси бўйича) кучланишларнинг тўпланиши жинсда факат эластик деформацияларни эмас, балки пластик деформацияларни ҳам ҳисобга олиш керак бўладиган чегараларда пластик худудларнинг пайдо бўлишига олиб келишидан эътиборга олиш керак.

Бундан ташқари, кучланишларни тақсимлаш масаласини таҳлилий ёчишда хоссаларнинг мавжуд анизотропиясини ҳисобга олиш қийин, бу анизотропия бу хоссаларнинг турли йўналишлар бўйича фарқланиши билан юзага келмай, балки ёрилувчанликнинг, ёпишиш шароитларининг ва шу кабиларнинг таъсири билан вужудга келади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ер остида асосан қандай обьектлар барпо этилади?
2. Ер остида иншоотларни қуриш қандай қийинчиликлар билан боғлик?
3. Ер ости транспорт иншоотларига қандай талаблар қўйилади?
4. Қандай жойларда турли сатҳлардаги йўл ўтказгичлар қурилади?
5. Эстакада ажралишларини қачон қуриш мақсадга мувофиқ?
6. Транспорт тоннелининг тўғри ажралиш қандай ҳаракатланиш кесишувлари қурилади?
7. Т-симон туташишларда транспорт тоннеллари кўпинча қандай жойлаштирилади?
8. Ер ости автомагистраллари қандай афзалликларга эга?
9. Тоғ массивини кесиб ўтишнинг қандай йўллари мавжуд?
10. Шахар ичи магистраллари трассаси бўйича тоғ туридаги тоннелларни қандай лойиҳалаш керак?
11. Юза жойлашадиган метрополитен тоннеллари қачон қўлланилади?
12. Юза жойлашадиган тоннелларнинг кўндаланг кесишиши кўпинча қандай қурилади?
13. Темир бетон пиёдалар кўприкларига қандай талаблар қўйилади?

## **6. ШАҲАР СОҲИЛЛАРИ**

### **6.1. Умумий маълумотлар**

Дарё, канал, кўл ёки дengiz соҳиларида жойлашган шаҳарларда, қирғоқларни мустаҳкамлаш, айрим ҳолларда эса қирғоқ чизигини меъморий жихатдан безатиш зарур. Қирғоқлар дарё дengiz тўлқинлари, ёмғирлар ва еости сувларининг ювишидац, муздан шикастланишидан химоялаш учун, шунингдек қирғоқ бўйидаги йўлларда ҳаракатланаётган оғир транспортнинг таъсирида сурилишдан сақлаш учун мустаҳкамланади.

Соҳил атрофини режалаш ва иморатлар куриш қирғоқ чизигига режада, профилда маълум шакл бериш ва соҳилнинг меъморий безагини талаб этади. Қирғоқлар бўйлаб кўпинча магистрал кўчалар қурилади, ҳиёбонлар ва боғлар барпо этилади. Соҳиллардан кемалар сузуб келиши, йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун, баъзида эса ортиш-тушириш ишлари учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда уларга режада ва профилда зарур шакл берилади, шунингдек бандаргоҳлар, тушиш ва чиқиш жойлари қурилади.

Дарёдаги ёки сув ҳавzasидаги сувнинг чегаравий (межен) сатҳига мос келувчи қирғоқ чизигининг режадаги лойиҳавий шакли соҳилни тартибга солиши чизиги дейилади. Тартибга солиши чизиклари дарёлар ёки каналларнинг лойиҳавий кенглигини, кўл, дengiz ва бошқа дengиз фазолари


қирғоқларининг контуруни белгилайли. Улар иморатларнинг қизил чизиги билан қирғоқларда жойлашган ўтиш йўллари, майдонлар, дараҳтзорлар билан боғланган бўлиши керак.

Унча катта бўлмаган дарё ва каналларнинг кенглиги тахминан бир хил бўлиши учун тартибга солиш чизикларини параллель қилиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун табиий қирғоқ худудларини қайта режалаш, қирғоқларни кесиб олиб ташлаш ва тупроқ билан тўлдириш, баъзида эса ўзанни тўғрилашга ҳам тўғри келади. Соҳилларни лойихалашда мавжуд ва истиқболдаги ерости инженерлик тармоқлар, кўприклар, тўғонлар ва шлюзларни ҳисобга олиш керак.


Соҳилларни тўсиб турувчи деворларнинг турлари ва конструкциялари қирғоқнинг рельефи, иморатларнинг ва қирғоқлардаги ўтиш йўлларининг қабул қилинган режаланишлари билан белгиланади. Қирғоқнинг рельефига боғлиқ ҳолда соҳил бир қаватли (бунда сувнинг меъеридағи сатҳи устидаги девор баландлиги 5-6м гача) ва кўп қаватли (бунда 5-6м дан ортиқ) бўлиши мумкин (*6.1.-расм*).

Катта баландликдаги деворлар нокулай кўринишга эга бўлади ва уларни яхиси деворларнинг икки қавати билан ёки кияликли тиргак деворлар кўшилмаси билан алмаштирган маъқул. Бундай соҳилларнинг пастки қавати кўпинча пиёдалар сайд қилувчи тротуар тарзida, юқори қавати эса транспорт катнови учун фойдаланилади. Кўп қаватли атрофи ўраб олинган қирғоқлар одатда парк соҳилларини куришда қўлланилади.

Сув ювиб турадиган қирғоқлар сиртларининг шаклига кўра соҳил деворларининг қуидаги турлари фарқланади (*6.2.-расм*): вертикал (*a*), тўғри чизикли ва эгри чизикли шаклдаги ясси (*б, в*) ва ярим қия турдаги деворлар (*г*). Тиргак деворлар сиртининг шакли дарё қирғоқларининг меъморий-режавий шароитларига ва геологик тузилишига боғлиқ равища танланади.



6.1.- расм. Бир қаватли (а) ва кўн қаватли (б) соҳил.



6.2.- расм. Сув ювиг турадиган дарёлар сиртининг шаклига кўра турлари:

*a- вертикаль деворлар; б, в- тўғри чизиқли ёки эгри чизиқли шаклдаги ясси деворлар; г- ярим қия турдаги деворлар.*



**6.3.- расм. Тошкентдаги Анхор сохили**

Тиргак деворлар сиртининг оғма шакли анча кенг дарё тасаввурини беради ва ҳакиқатан ҳам сув тошқинлари даврида сув сатхининг кўтарилиши дарёни қирғоқлардан ва бинолардан кўринишини яхшилади. Бироқ бундай деворлар режада кенгрок юзага эга бўлиб дарёning жонли кесимидан, ёки қирғоқлар бўйидаги ўтиш йўлларидан катта майдонни эгаллайди (*6.3.-расм*).

Вертикал деворларнинг ташки қўриниши кўнгилдагидек эмас, лекин камроқ майдонни эгаллайди. Бундай деворга вертикалга нисбатан камида  $1/15 \div 1/20$  қиялик берилади, баъзида эса қиялик  $1/5 \div 1/10$  гача етказилади. Ясси деворлар янада катта қияликка эга.

Деворларнинг ташки қисми кўпинча табиий тош билан пардозланади, бу эса конструкцияга яхши ташки қўриниш берибина қолмай, уни атмосфера таъсирларидан, муз ёки бошқа сузуб юрувчи буюмлар билан шикастланишдан муҳофаза қиласди. Деворлар юқоридан карниз билан ўраб чиқилади ва металл суячилар ёки тош парапет билан тўсилади.

Хозирги вақтда массив бетонли (камдан-кам ҳолларда тошли) тирговуч деворлар ёки турлича хилдаги темирбетон конструкциялар кўринишида

қурилган соҳиллар кенг тарқалган. Айрим ҳолларда соҳиллар бўйича ўтиш йўлларини кенгайтириш учун соҳил бўйида сувда жойлаштирилган маҳсус эстакадалар барпо этилади ва мавжуд тиргак деворлар билан бириктирилади. Кенглиги унча катта бўлмаган дарёлар ва каналларда бундай ўтиш йўлларини қуриш уларни тўла ёпиш орқали эришилади.

## 6.2. ТИРГАК ДЕВОРЛАРНИНГ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ

### 6.2.1. Монолит бетондан ва темирбетондан тиргак деворлар

Қурилиши жойида бетонланадиган тиргак деворлар бетондан (минимал миқдордаги конструктив арматурали) ёки темирбетондан барпо этилади.

Бетон деворлар массив кўндаланг кесимларга эга бўлиб, деворнинг баландлиги 2-3м гача бўлганда қўлланилади. Бундай конструкцияларга бетоннинг бироз кўпроқ сарфланиши уларни барпо этишнинг оддийлиги билан қопланади. Юқори кирраси бўйлаб деворнинг қалинлиги 40см дан кам бўлмаслиги (тош конструкциялар учун ёки харсангтошибетон деворлар учун камида 75см) лозим. Тўқма грунтдан горизонтал босимни қабул қилиш учун эса у пойдеворга яқин катталашиб боради. Қалинликнинг орттирилиши деворнинг орқа ёки олд киррасини ё бўлмаса уларнинг иккаласини оғдириш билан эришилади (*6.4.- a расм*).

Деворнинг кенглиги пойдевор кирқилган жой яқинида камида  $B \geq (0,35 \div 0,40)$  Н белгилаш тавсия этилади, бунда Н деворнинг баландлиги. Пойдевор усти чегара сувлари сатҳида камида 0,5м чуқурликдаги сув билан ёпилиб туриши керак, пойдеворнинг товони эса асос грунтига камида 1м ботиши керак. Тиргак деворлар пойдеворининг асоси қаттиқ грунтларда табиий бўлиши, ёғочдан ёки темирбетон қозиклардан тўкилма томонига камида 4м чуқурликда вертикал ёки қия қилиб қоқилган бўлиши мумкин.

Деворларнинг юза сирти пардоз тошларни жойлаштириш учун кесикка эга. Тўқма грунтининг горизонтал босими катта бўлганда, горизонтал чиқиқлари бўлган бетон деворлар қуриш мумкин (*6.4.- расм*). Грунтнинг бу

чиқиқларга верикал босими умумий ағдарувчи моментни камайтиради ва деворларнинг турғунлик шароитларини яхшилади.


Агар қирғоқ грунтлари зич ва турғун бўлса, у ҳолда уларнинг режалаштирилган сиртини бетон ёки темирбетон билан безатиб қўйишнинг ўзи етарли бўлади. Бундай турдаги деворлар кийилувчи деб аталади (6.4.-*в расм*). Деворнинг сув устидаги қисми турли ашёлар билан қопланади, шу билан бирга қоплама деворнинг ишчи кесими таркибига киритилиши мумкин. Кийилувчи деворнинг тўла қалинлигини камида 30см қилиб қабул қилинади, бунда деворга пастки қисмida  $45^{\circ}$  га яқин қиялик билан эгри чизикли ёки синиқ чизикли шакл берилади.

Деворнинг асоси бўлиб табиий ёки қозикли асосдаги унча катта бўлмаган ўлчамдаги бетон ёки темирбетон пойdevор хизмат қиласи. Кийилувчи деворлар тиргак деворлар конструкциясининг оқилона ва оддий кўринишини ифодалайди. Кийилувчи деворларнинг афзаллиги яна шундаки, уларни қуриш хандаклар қазиши талаб этмайди ва қирғоқнинг унинг ер ости тармоқлари, коллекторлари ва бошқалари билан ер массивини сарфлаймайди. Бироқ бундай деворларда мустақил турғунлигининг йўқлиги уларнинг қўлланилишини чеклайди ва кучсиз ҳамда нотурғун грунтларда барпо этилишига йўл қўймайди, шунингдек янги ер ости тармоқларини ўтказиш билан боғлиқ кийилувчи деворлар яқинида бундан кейинги ер қазиш ишларини истисно қиласи. Айрим ҳолларда монолит массив деворни йиғма темирбетон элементлар билан бирга қўшилувчи тиргак деворларнинг комбинациялашган конструкциялари барпо этилади. Жумладан, девор массивига темирбетон плиталар, аркали ёки тиркалган оғма тиргакли, шунингдек тармоқланган ёки қутисимон анкерли элементларни киритиш мумкин (6.4.-*г расм*). Бу қисмларнинг ҳаммаси бир максадга, деворда ишораси бўйича тўкманинг босимидан моментлар ишорасига тескари моментларнинг яратилишига, уларнинг мустаҳкамлиги ва турғунлигини ортишига хизмат қиласи. Бироқ бунда ишларни амалга ошириш жараёни мураккаблашади. Массив деворларни цемент қоришмаси қатламига

ўрнатиладиган алохида бетон блоклардан, баъзида эса улар орасига темирбетон юксизлантирувчи майдончани ётқизиб йиғиш мумкин (*6.4.- г расмдаги ўнг кесим*).

Темирбетон тиргак деворлар тўқма баландлиги 4-6м гача бўлганда барпо этилади. Бундай деворларнинг қалинлигини камида 10см қилиб тайинланади ва ҳисоблашга кўра пўлат стерженлар билан арматураланади. Кўпинча темирбетон деворларнинг кўндаланг кесимини узун горизонтал пойdevор плитали бурчакли турда килинади (*6.4.- д расм*). Бу плита грунтнинг вертикал босимини қабул қиласи ва деворни ағдарилишига йўл қўймайди. Деворнинг силжишга турғунлиги етарлича бўлмаганда пойdevор плитасини грунта темирбетон анкерни ўрнатиб, гўё синик (дарз) билан қилинади. Сувнинг чуқурлиги катта бўлганда ёки асос чуқурда жойлашган грунтларда ётганда бурчакли темирбетон деворни 6-8м оралиқ билан девор бўйлаб массив бетон элементларга, туширувчи кудукларга ёки баланд қозикли ростверкка ўрнатилади (*6.4.- е расм*). Пойdevор плитаси остидаги тўқма қиялигини тошли ташламалар билан мустаҳкамланади.

Темирбетон деворлар арматурасини уларнинг кирралари бўйлаб жойлаштирилади, бунда вертикал стерженлар ишчи бўлиб хизмат қиласи, горизонтал стерженлар эса конструктив равишда қўйилади (*6.5.- а расм*). Тўқма томонига кўпроқ оғган деворлар унинг босимига яхшироқ каршилик кўрсатади, лекин тўқма бўлмаса девор турғун бўлмайди, ва уларни тўқма баландлиги ортиб боргани сари аста-секин ва бир вақтда бетонлаш керак. Бу эса қурилишда нокулайдир.



**6.4.-расм. Соҳилларнинг монолит бетон ва темирбетон тиргак деворларининг кўндаланг кесимлари:**


**1- парапет; 2- карниз; 3- қоплама; 4- девор танаси; 5- девор ортида тўйма; 6- дренаж ва тўймадан сувни қочириши; 7- қозикли асос; 8- юксизлантирувчи майдонча (консол); 9- юксизлантирувчи майдонча тирговучи; 10- анкерли темирбетон элементлар; 11- йигма конструкциянинг массив блоклари; 12- пойдеворнинг анкерли қисми; 13- тошли ташлами; 14- массив темирбетон элемент ёки тушиурилувчи қудук.**

Соҳилларнинг деворларида чўкиш эҳтимоли ва температура ўзгаришидан дарзлар ҳосил бўлишини бартараф этиш учун деформацион чоклар қилинади. Бетонли ва кийилувчи деворларда уларни девор бўйи

бўйлаб ҳар 10-15м да, темирбетон деворларда эса ҳар 30-40м да қилинади. Чокларни янада тез-тез жойлаштириш катта чўкиш берадиган грунтларда деворларни куришда зарурдир. Чоклар шунингдек, асосда грунтларнинг тавсифлари ва кўлланилаётган тўкманинг сифати кескин ўзгарадиган жойларда ҳам зарурдир.

Деворнинг чоки бўлган жойдаги қопламада ҳам чок қилиш керак (6.5.-*a расм*). Қопламадаги чокни вертикал ёки қоплама тошлар орасида қилинади (штраб бўйича). Вертикал чок яхшироқдир, чунки штраба бўйича чокларда чиқиб турувчи қисмларнинг синиши вужудга келади. Чок битум шимдирилган бир неча қатлам дағал матодан, оддий битум мастикасидан ёки тол рувероид ёки мумланувчи дағал мато билан ўралган ёғоч шитдан иборат битум мат билан тўлдирилади (6.5.-*a расмда A-A кесимга қаранг*). Штраба бўйича курилган чокларда бетон девор ва қопламадаги тошларнинг чиқиб турган учлари ўртасига чокда деворнинг туташувчи қисмларининг эркин ўзаро силжишини таъминловчи рувероид ёки бошқа материал ётқизилади. Қопламадаги чок мумланган пакля билан тўлдирилади (6.5.-*расм, В- бўгин*), (6.4.-*расмга қаранг*). Дренажларнинг ўрта қисми йирик шағал билан тўлдирилади, четларига майдароқ шағал ётқизилади ва ҳаммасининг устига майда қум сепилади.

Дренажларни бундай тўлдириш туфайли тупрок ости сувларидаги мувозанатда бўлган лойқа ва бошқа зарралар майда қум ва шағалнинг ташқи қатлами билан тутиб қолинади, бу эса грунтни тиргак девор орқасидан дарёга чиқарилишига тўсқинлик қиласи. Темирбетон элементларда, туширувчи қудукларда ёки баланд қозиқли ростверкда тирговуч деворларни куришда дренаж горизонтал плитанинг орка чети яқинида ёки унинг ўрта қисмida плита орқали чиқарувчи трубкаларни ўрнатиб жойлаштирилади.



**6.5.- расм. Яхлит қуйма темирбетонли тиргак деворнинг конструкцияси:**

**1- қоллама; 2- деформацион чок; 3- қоллама тошларини маҳкамлаш учун арматура түрли цемент қоришинасы қатлами; 4- темирбетон деворлар; 5- толь ўралган шит ёки битумли мат; 6- мумланган каноп ломдан жсгут; 7- мумланган каноп лом; 8- цементли қоришина билан чокни ажератиш; 9- горизонтал дреналар; 10- вертикаль дреналар.**

### **6.2.2. Йиғма темирбетондан тиргак деворлар.**

Йиғма темирбетон тиргак деворлар монолит темирбетон деворлардагидек соҳил баландлигига қўлланилади ва шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги бурчак турида бўлади. Деворларнинг турли кўринишлари уларнинг йиғма элементларга (блокларга) ажратилиш усули билан фарқланади. Деворнинг йиғма қисмларининг у ёки бу қисмларини танлаш маҳаллий геологик ва гидрогеологик шароитларга, қурилиш усулига ва мавжуд кран қурилмасига боғлик. Тиргак деворлар хажми катта бўлмаган ҳолда бутунича йиғма монолит бетондан ёки чоклардан қоришига билан барпо этилиши ёки бир қанча йиғма темирбетонларни бириктирувчи монолит темирбетондан алоҳида қисмларга эга бўлиши мумкин. Бундай конструкцияларни йиғма-монолит деб аташ мумкин.

Энг оддий бурчакли йиғма тиргак девор иккита элементлар турига эга: вертикал девор ва пойдевор плитаси (*6.6.- a расм*)- улар арматура чиқиқлари ва монолитлаш бетони билан бириктирилади.

Агар кран қурилмаси етарлича юк кўтариш қобилиятига эга бўлса, йиғма девор диафрагмали бурчакли блоклар кўринишидаги (*6.6.- a расмдаги иккинчи кесим*) бир хил элементлар (блоклар) дан иборат бўлади. Блоклар бошқа шаклда ҳам, масалан, учларида иккита диафрагмаси ва цилиндрик шаклдаги девор (*6.6.- г расм*) бўлиши мумкин, у тўкма грунт босимини яхшироқ қабул қиласи. Тиргак деворлар бевосита асос грунтига, қумли ва шағалли ёстиқка ёки қозиклардан иборат сунъий асосга ўрнатилади. Охирги ҳолатда йиғма пойдевор плита қозикларнинг каллаклари билан монолитланиши учун аввало назарда тутилган тешикларга эга бўлиши керак.

Йиғма конструкциянинг катта миқдордаги майдага элементларга бўлиниши уларнинг массаси ва монтаж қилишни енгиллаштиради. Жумладан, деворлар монолит пойдевор плитасидан тавсимон кесимнинг вертикал қовурғаларини ўрнатиш учун уялари билан бажарилиши мумкин (*6.6.- б расм*). Бу қовурғалар орқасига йиғма плиталар ўтказилиб, улар бир-бирининг устига ўрнатилади.

Вертикал қовурғалар яхлит деворли ёки тешиклари бўлган диафрагма кўринишида ҳам тайёрланиб (6.6.- б расмга қаранг), пойдевор плитасида уялар қилинмайди. Вертикал деворни тўкма грунт таъсирида ағдарилишдан маҳкамлаш бальзида деворнинг тепасини пойдевор плитасининг орқа уни билан бириктирувчи металл ёки темирбетон оғма тасмалар кўринишида бажарилади (6.6.- *v расм*).


Йиғма девор элементлари тасмаларини ҳар бир элементга келтирган ҳолда таврли, П-симон ёки бошқа кесимли бутун баландлиги бўйича қилинади.

Қурилиш бўлаётган жойда дарёдаги сув чукурлиги 2-3м дан ортиқ бўлгандага деворни монолит пойдеворли ва йиғма вертикал плитали баланд қозикли ростверкда қуриш мақсадга мувофиқ (6.6.- *d расм*). Бундай деворлар шуниси билан қулайки, бунда конструкцияни монтаж қилишдаги асосий операциялар сув сатҳи устида тўсик қурмасдан ва катлованини куритмасдан олиб борилади.

Соҳиллар олд сиртининг яssi шаклли йиғма деворлари устун-тиргакларга ўрнатилган ва пойдевор блокларига тиравувчи синик кўндаланг қовурғалардан барпо этилади. Устунлар ва пойдеворнинг асослари одатда қозиклидир. Қовурғалар бўйича деворнинг сиртини ташкил этувчи йиғма плита монтаж қилинади (6.6.- *e расм*).

Айрим ҳолларда ряжли (тасмали) тиргакли деворлар барпо қилинади. Бу деворлар ё алохида майда элементлар- платалар ва қовурғалардан, ёки турли хил ўлчамдаги кутисимон блоклардан йиғилади. Ряжли деворларнинг ички қисми тўкма билан тўлдирилади, бу уларнинг оғирлигини орттиради ва мустаҳкамлигини яхшилайди. Ряжли деворларнинг пойдевори монолит ёки йиғма блоклардан қилинади (6.6.- *ж расм*).

Йиғма темирбетон тиргак деворлар думалоқ ёки даврий профилли зўриқтирилмайдиган стерженлар билан арматураланди.



**6.6.- расм. Сохиллардаги йигма темирбетон тиргак деворларнинг турлари:**


1- вертикальный арматурный элемент; 2- пойдевор плитасининг йигма элементи; 3- йигма девор блоки диафрагмаси; 4- йигма плита; 5- таврли вертикаль қовурға; 6- вертикаль қовурға- диафрагма; 7- таврли кесимдаги вертикаль элемент; 8- тасма; 9- ряжсли деворнинг йигма элементлари; 10- қутисимон блоклар; 11- йигма күндаланғ қовурға.

Зўриқтириладиган арматура жуда камдан-кам холларда қўлланилади. Чўзилувчи арматуранинг жойлашиши деворнинг қабул килинган конструкциясига боғлик бўлади.

Икки элементдан иборат бурчакли йиғма деворнинг арматураси (*6.7.- a расм*) вертикал блокнинг орқа сирти ёнида (4-стерженлар), пойдевор плитасининг юқори қиррасида (*5-стерженилар*) ва монолитлаш участкасининг девор узунлиги бўйлаб хисоблашда аниқланган қадам билан жойлаширилади. Йиғма тиргак деворни диафрагмали блоклардан монтаж қилинганда диафрагмали блоклар вертикал деворда ва пойдевор плитасидан тушаётган чўзувчи кучланишларни қабул қиласди ва ўзининг оғма қирраси бўйича арматураланади (*6.7.- б расм. 1-стерженилар*). Вертикал девор ва пойдевор плитаси диафрагмага қисилган консоллар каби ишлайди, чунки блоклар орасидаги чокларда улар бирлашмайди. Бунда плиталарнинг ички қирралари чўзилган бўлиши мумкин ва консоллар каби уларни девор бўйича ўтадиган стерженлар билан арматураланади (*6.7.- б расмга қаранг, 2 ва 3-стерженилар*). Пойдевор плитаси қурилиш даврида бошқа ишорали моментларга ҳам ишлаши мумкин, шунинг учун стерженларнинг бир қисми унинг пастки қирраси ёнига қўйилади.

Йиғма вертикал қовурғалар ва плиталардан деворни ички қирралар бўйлаб бурчакли деворга ўхшаш арматураланади (*6.7.- в расм, 7 ва 8-стременлар*). Вертикал қовурғалар чиқиқларига таянувчи плиталар грунтнинг горизонтал босими таъсирида горизонтал текисликда оддий-шарнирли-таянган тўсинлар каби ишлайди ва шунинг учун ташқи чўзилган қирра ёнида арматураланади (*6.7.- в расмдаги 6-стерженилар*).


Пойдевор билан тасмалар орқали бириқтирилган йиғма деворнинг вертикал элементлари грунтнинг горизонтал босими таъсирида вертикал текисликда икки таянчдаги тўсинлар сифатида ишлайди ва шунинг учун ташқи қирра яқинида уларнинг қовурғаларида вертикал йўналишда арматураланади. Бу элементларнинг плитаси кўндаланг кесимига мувофиқ равиша арматураланади.



**6.7.- расм. Темирбетон тиргак дөвөрларни арматура схемалари.**

**1-12-арматура стерженилари.**

Таврли кесимда плита осилмалари горизонтал текисликдаги консоллар сифатида ишлайди ва улар ички қирраларида горизонтал стреженлар билан арматураланади (*6.7.- г расмдаги 10-стерженга қаранг*). Конструкциянинг тасмаси доим тортилган ва шунинг учун металл ёки темирбетондан бўйлама арматуралаш билан бажарилади (*6.7.- г расмдаги 11-стерженилар*). Яхлит қўйма пойдевор плитаси грунтнинг вертикал босимини ва тасмалардан тушадиган чўзувчи кучланишларни кабул килади. Дөвонинг ишлаш боскичига боғлиқ ҳолда у пастки ёки юқори қирралар яқинидаги чўзишишга эга бўлиши мумкин ва мос ҳолда арматураланади(*6.7.-г расмдаги 12-стерженларга қаранг*).



6.8.- расм. Баланд қозикли ростверкда тиргак деворнинг конструкцияси:

1- йигма вертикал девор; 2- қоплама; 3- қопламани маҳкамлаши учун тўрлар; 4- ростверк қозиклари; 7- монолит пойдевор плитаси; 8- девор ва плитанинг тарам-тарам сиртлари; 9- чокни монолитлаши бетони; 10- цемент қоришимиаси билан монолитланадиган чок; 11- қопламани маҳкамлаши учун чиқиқлар.

Арматуралашнинг келтирилган усуллари стерженларнинг факат муҳим жойлашишини беради. Амалда деворларда ташки юкланишларнинг турли хил қўшилишларида кучланишларни қабул қилувчи катта миқдордаги маъқул арматура, шунингдек ишчи арматуралар мавжуд. Жумладан, баланд қозикли ростверкдаги бурчакли девор (6.8.- расм) қозикларининг бошлари кириб турадиган монолит пойдевор плитасига эга. Қозикларнинг юқори учидаги арматура бетондан бўшатилган ва букилган. Кучайтириш учун қўшимча равишда арматура тўрлар кўйилган. Пойдевор плитаси бетонига қопламани тутиб турувчи пастки йигма “фартук” арматураларининг чиқарилган жойлари монолитланган. Плиталарга деворларни бирлаштириш учун арматуранинг илгакли чиқиқлари ўрнатилган. Йигма девор блокининг 1,5м кенглиқдаги элементларида ҳам илгакли чиқиқлар мавжуд бўлиб, улар

плитанинг чиқиқлари билан кесишган. Чокда қўшимча бўйлама стерженлар ўрнатилган.


### **6.2.3. Анкерли ва шпунтли тиргак деворларнинг конструкциялари**

Шпунт кўринишида ишланган тиргак деворлар ва юпқа деворларнинг бошка турлари уларни ўраб турган грунт билан биргаликда ишлайди. Энг оддий шпунтли тиргак девор грунтга камида 4м чуқурликка қоқилган ва уст томонидан монолит каллак билан бирлаштирилган шпунтларнинг бир қаторидан иборат (*6.9.- а расм*). Бундай деворлар тўқманинг баландлиги 5м дан ортиқ бўлмаганда қўлланилади. ундан ортиқ баландликдаги деворлар монолит каллакни тутиб турувчи чорпоя таянчлар ва унга киритилган тирноқ кўринишида тайёрланади (*6.9.- б расм*). Кўпинча шпунтли деворлар грунтга ёки бошка конструкцияга маҳкамланган ва грунтнинг горизонтал босими таъсири остида шпунтнинг ишлашини енгиллаштирадиган турли хилдаги анкерлар билан кучайтирилади.

Бундай деворларни анкерли деворлар деб аташ мумкин. Анкерли тортқичлар тўқмада шпунтли девор орқасига қуриладиган чорпоя таянчларга маҳкамланиши мумкин (*6.9.- в расм*). Бу ерда босим тўқма грунтга узатилади ва шунинг учун тортқичнинг учи тўқма грунт бузилиши доирасидан ташқарисида жойлашадиган бўлиб, у етарлича узун бўлиши керак (*6.9.- г расм*).

Девордан фойдаланиш даврида тўқма грунти ўзининг оғирлиги ва вактинча юкланиш таъсирида чўкиши мумкин, бу анкерли тортқичларнинг осилиб қолишига ва силжишига олиб келади ва деворда нохуш кучланишларни вужудга келтиради. Шунинг учун тортқичларни маҳсус қоқилган қозиқлар билан тутиб турилади ёки бошка конструктив чоралар кўрилади.

Катта баландликдаги (10-15м) шпунтли деворлар икки қаватли анкерларга эга бўлади (*6.9.- д расм*).



6.9.-расм. Шпунт ва анкерли тиргак деворларнинг схемалари:

1- шпунт; 2- қозиклар; 3- анкер тасмаси; 4- анкер плитаси; 5- қозик-қобиқлар;  
6- парус девор; 7- горизонтал анкерли плита; 8- юксизлантирувчи майдонча; 9- тўкма  
грунтини арматуралаш; 10- ийгма девор.

Деворнинг пастки қисми грунтга кокилган шпунтдан иборат, юқори қисми эса пастки қисм билан бикр ёки шарнирли бириктирилган йиғма панеллардан барпо қилиниши мумкин. Тиргак деворларнинг “парус тури” даги лойихалари назарда тутилмоқда, бунда грунт рулонли материал- ярусли эгилувчан матолар билан тутиб турилади. Уни қалинлиги 4-6мм бўлган синтетик арматураланган материаллардан тайёрланади ва вертикал қозикларнинг бошида ҳамда тўкма грунтининг вертикал босими билан

сиқилған горизонтал анкерли плитага маҳкамланади (6.9.- e расм). Бундай деворларнинг конструкцияси тежамли, лекин уларнинг қўлланиш истиқболи, айниқса кучли муз кўчкилари бўладиган дарёлар учун ҳозирча етарлича аниқланмаган.

Грунтнинг деворга, (анкерлардан ташқари) горизонтал босимини камайтириш учун, бошка техник усуллар ҳам қўлланилади. Тўқмада шпунтга горизонтал юксизлантирувчи майдончани тираб қўйиш мумкин бўлиб, у шпунтга қўшимча бўйлама кучланиш узатсада грунтнинг горизонтал босимини камайтиради (6.9.- ж расм).

Юксизлантирувчи майдончани тўқмада ва маҳсус қозикларда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бундай конструкция деворга бўладиган босимни ва грунтнинг чўкишини камайтириб анкерларнинг тортқичларини осилиб қолишдан саклайди (6.9- г расм).

Грунтнинг деворга бўлган босимини грунтнинг тузилмасини зичлаштириш ёки уни арматуралаш билан камайтириш мумкин (6.9.- и расм). Грунтни эгилувчан (масалан, шиша мато тасмалари ва ҳ.к.лар билан) ёки бикр элементлар (темирбетон плиталар, ромлар, қутилар ва бошқ.) билан арматуралаш мумкин.

Анкерли деворлар фақат шпунт кўринишида эмас, балки вертикал ва пойдевор плиталардан қилинган конструкциялар тарзида ҳам барпо этилади. Бу иншоотлар вертикал ва пойдевор плитаси орасида бикр чокка эга бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки улардан биринчиси грунтда анкер билан маҳкамланади (6.9.- к расм).

Анкерли ва бошқа қурилмалар деворларининг санаб ўтилган турлари ҳам мустақил, ҳам бир-бири билан комбинацияда қўлланиш мумкин бўлган бошқа варианtlар ҳам бор.


Деворларнинг темирбетон шпунти одатда зўриқтирилмайдиган арматурали сиқилишга мустахкамлик синфи В30-В43 бўлган бетондан тайёрланади. Шпунт кўндаланг кесимлари грунтнинг босимини қабул

қилишни таъминлаши, унинг девор орқасидан ювилиб кетишига тўсқинлик қилиши ва ботиришда бир-бири билан қулай бирикиши керак.

Ўзгармас қалинликдаги тиргак деворлар яssi шпунтлардан барпо этилади (*6.10.- а расм*). Уларни тушириш даврида йўналтириш учун бири иккинчисига кирувчи симметрик ёки носимметрик чиқиқлар ва ўйиклар қилинади. Темирбетон чиқиқлар осон синиши мумкинлиги сабабли, улар баъзида металл йўналтирувчилар (*6.10.- а расм*), қулфлар ёки оддий яssi листлар билан алмаштирилади, уларни кейин пайвандлаш мумкин. 5-6м дан ортиқ баландликдаги деворларни қовурғали шпунтлардан барпо қилиш мақсадга мувофиқдир. Улар плиталарнинг учларида кесикли ёки уларсиз таврли кесимларга эга бўлиши (*6.10.- б расм*) ёки бир неча қовурғали кенг панелларни ифодалаши керак (*6.10.- г расм*).

Шпунтларнинг қовурғалари одатда тўкма томонига жойлаштирилади ва анкерли торткичларни маҳкамлаш учун фойдаланилади. Айрим конструкцияларда тавр кесимли шпунтлар оралиқлар билан қоқилиб, улар орасидаги оралиқ яssi йиғма плиталар билан тўлдирилади (*6.10.- в расм*).

Тўкма грунтининг ювилиб кетишидан саклаш учун шпунтлар орасидаги чокларга ёки йиғма элементларга ички томонидан махсус ёриқ беркитгичлар ўрнатилади. Булар шпунтлар орқасида ёки чоклар яқинида 50-100см масофада жойлашган ёғоч иситгичлар ёки кутилар бўлиши мумкин. Оралиқ майда шагал ёки майдаланган тош билан тўлдирилади, чокларга шишамато елимлаш ёки битумли тўшама осиб қўйиш мақсадга мувофиқ.



**6.10.- расм. Темирбетон шпунтнинг кўндаланг кесимлари:**

**1- металл йўналтирувчи.**

Анкерли тортқичлар одатда пўлатдан ва камдан-кам ҳолларда темирбетондан тайёрланади. Пўлат тортқичлар думалоқ (диаметри 60-80мм) ёки прокат металлдан (листлар, бурчакликлар, швелларлар) дан қилинади. Тортқичларнинг учларида девор ва анкерли плита, шарнирли бириктириш учун пружиналар билан ўрнатилади. Думалоқ тортқичнинг узунлигини анкер плитасидаги кертиқда битта ёки бир нечта тортувчи муфталар ёки гайкалар билан тартибга солинади. Анкерли плиталар темирбетондан ясси ёки қовурғали қилинади. Улар тортқичлар маҳкамланадиган жойларда катта тасма ёки алохida қисмлар тарзида ётқизилади. Анкер плиталари тогорасимон ёки Z- зетсимон профилли металл шпунт бўлакларидан тайёрланади.

### 6.3. ДЕФОРМАЦИОН ЧОКЛАР

Плита ва девор орасидаги горизонтал чок цемент қоришимаси билан тўлдирилган, чиқиқлар эса бетон қоришимаси билан монолитланади (6.8.- расмдаги II бўгинган қаранг). Чокда плитанинг ва деворнинг сирти монолит бетони билан илашиши яхшироқ бўлиши учун тарам-тарам қилинади. Йиғма девор тўсинларининг тепаси монолит бетон белбоғи билан бириктирилади, унга блокларнинг арматура чиқиқлари киради (6.8.- расмдаги I бўгинга қаранг). Вертикал чоклар блоклар орасидаги поналар кўринишида цемент қоришимаси билан тўлдирилиб, улардан қопламани маҳкамлаш учун арматура чиқиқлари қилинади. Қопламани маҳкамлаш учун арматура чиқиқлари фақат чоклардагина бўлмай, балки деворда, пойdevор плитасида ва пастки гилофда ҳам бўлади. Уларга тўр, бу тўрга эса қоплама тошлари маҳкамланади. Тошлар йиғма девор орасидаги тирқиш цемент қоришима билан тўлдирилади.

Йиғма конструкцияларда гидроизолияция ва сув чиқаришни монолит конструкциялардагига ўхаш қилинади. Ҳар бир блокда чиқарувчи тешиклар ёки диафрагмалар орқасида горизонтал дренеж ўрнатиб, блокларнинг диафрагмалари орасидаги тўқма бўшлиқларидан сувнинг чиқариб ташланишини алохida кузатилади.

Деформацион чоклар тиргак деворларда дарзлар пайдо бўлишидан саклаш учун қилинади. Улар қуидаги турларга бўлинади: температурали-атроф мухит температурасининг ўзгаришларидан; киришишдан-киришиш дарзлари пайдо бўлишини бартараф этувчи; чўкувчи- нотекис чўкишлар оқибатида дарзлар пайдо бўлишини бартараф қилувчи.


Одатда температура, киришиш ва чўкиш чоклари бирга қўшилади. Деформация чоклари тиргак деворларни узунлиги бўйича секцияларга бўлади. Чоклар орасидаги масофа: тош ва бетон деворлар учун 10-15м, темирбетон деворлар учун- 30-40м.

#### **6.4. СОҲИЛДАН ТУШИШ ЙЎЛЛАРИ**

Соҳилдан тушиш жойларини кемалар келиб тўхташи учун ёки сайр қилиш майдончалари сифатида курилади. Тушиш жойлари шунингдек кўп қаватли соҳилларнинг қаватларини бирлаштириш учун ҳам зарурдир. Тушиш жойларининг конструкцияси ва меъморий безатилиши соҳил яқин қисмларнинг умумий меъморий ансамблига бўйсунади. Тушиш жойларининг асосий элементи сифатида сув сатҳи яқинида жойлашган пастки майдончага тушиш учун зинапоялар хизмат қиласи. Зинапоялар соҳил йўналиши бўйлаб, унга перпендикуляр қилиб ёки иккали йўналишда қурилади.

Зинапояли тушишлар, аник шароитларга боғлиқ ҳолда дарё ўқига нисбатан перпендикуляр, параллель, ҳам перпендикуляр ҳам параллел, шунингдек эгри чизиқли қилиб қурилади. Соҳилга перпендикуляр бўлган зинапояли тушиш йўлларини қуриш, унинг баландлиги унча катта бўлмаганда мақсадга мувофиқдир (6.11.- а расм). Соҳил анча баланд бўлганда бундай тушиш майдончани ёхуд дарё устига чиқишни, ёки кенг тротуарлар қуриб, зинапояларни кирғоқча чуқур киритишни талаб қиласи. Шунинг учун баланд соҳиллардан перпендикуляр тушиш йўллари кўпинча паркларда қўлланилади. баланд соҳиллар учун бўйлама зинапояли тушиш йўллари анча қулайдир (6.11.- б расм). Шунингдек, эгри чизиқли тушиш йўллари ҳам қўлланилиб, бунда уларни соҳилнинг тепаси сатҳидаги томоша

қилиш майдончаси билан қўшилади (6.11.-*в* расм). Соҳилдан тушиш йўлларини уларнинг бурчакларида, дарёга ирмоқ келиб қўшиладиган жойларда қурилади (6.11.-*г* расм).



**6.11.- расм. Соҳилдан тушиш йўлларининг режалари:**

**1- соҳил бўйлаб тrottuар; 2- зинапояли тушиши йўллари; 3- сув бўйидаги майдонча (ёки бандаргоҳ); 4- тrottuarlar satxidagi tomosha майдончasi.**

Тушиш йўллари ва майдончалар тиргак деворлар, зинапоялар ва бандаргоҳлар конструкцияси элементлари билан бирга қўшилади. Тушиш йўлларининг тўсувчи деворлари соҳилларнинг тиргак деворларига ўхшаш қилинади.

Зинапоялар одатда бетон ёстиқ кўринишидаги асосга эга. Баъзida улар маҳсус тутиб турувчи конструкцияга жойлаштирилади.

Кемалар турадиган жойдаги деворни яхлит плита кўринишида ёки қозикларга тирадиган қовурғали темирбетон ёпма кўринишида қурилади. Тушиш йўлларини меъморий безатилиши сифатида курсилар, барельефлар, хайкаллар, айвончалар, шунингдек турли хил ёриткичлар қўлланилади.

Айрим ҳолларда соҳил бўйлаб ўтиш йўллари қирғокка параллель темирбетон эстакадалар қуриб кенгайтирилади. Бундай эстакада оддий кўприк сифатида, масалан, қозиқли таянчлар ва йиғма оралиқ иншоотлар билан ишланиши мумкин. Агар кенгайтириш қирғокларни режалаштириш ва


ўтиш йўлларини ташкил этиш билан амалга оширилса, у ҳолда соҳилларда тиргак деворлар қилмаса ҳам бўлади. Бундай ҳолларда кирғоқнинг табиий қияликтаги нишаблиги оралиқ иншоотлари остида жойлашади, тўкма эса конструкциянинг маҳсус ички тўсинига қўшилади.

Оралиқ иншоотларининг ташқарисидан остидаги фазони беркитувчи ва таянчларни ҳамда кўтартмани сузуб келаётган буюмлар ёки музлар зарбидан муҳофаза қилувчи декоратив девор осиб қўйилиши мумкин (*6.12.-а расм*).

Тиргак девор қуриб бўлингандан кейин кенгайтирилса оралиқ иншоотлар девор билан бирқаторда барпо этилади. Уларнинг орасида ажратувчи тасмали чок қолдирилади (*6.12.-б расм*). Бу эстакадалар дарё атрофида бўлаётган курилишига ҳалақит қилмай ва деярли бинолар ҳамда иншоотларнинг бузилишини талаб этмай тезкор ҳаракатланишини таъминлайди. Деворнинг конструкциясига оралиқли иншоотлардан қўшимча юкланишларни узатиш мумкин бўлмаганда шундай карор қабул қилинади. Агар қоплама қўшимча юкланишларни қабул қилишга қодир бўлса, у ҳолда унга таянч тўсинининг бир учини тираб қўйиш мумкин (*6.12.-в расм*). Бу ерда деворга нуқтавий юк тўсинлар оралигига teng катталиқда узатилади.

Кўтарувчи тўсинлар соҳилга перпендикуляр қилиб жойлаштирилганда деворга уларнинг таянч реакциялари узлуксиз узатилади, лекин бу реакцияларнинг қиймати кичик бўлиши мумкин. Тўсинларнинг бошқа учлари таянчлардаги бўйлама тўсинни тутиб туради (*6.12.-г расм*). Унча катта бўлмаган дарёлар баъзида тўлиқ ёпилади, бунда иккала учлари билан соҳилнинг деворларига тиralган плитали ва қовургали оралиқ иншооти курилади.

Шахар учун меъморий ёки экологик аҳамиятга эга бўлмаган, унча катта бўлмаган дарёлар билан банд бўлган худудлар бир қаватли (*6.12.-е расм*) ёки кўп қаватли эстакадаларни (*6.12.-ж расм*) куриш учун фойдаланилади. Бу эстакадалар дарё атрофидаги мавжуд қурилишларга ҳалақит бермасдан ва бино ва иншоотларни деярли бузмасдан тезкор ҳаракатни таъминлайди.



6.12.- расм. Шахар соҳиллари бўйлаб жойлашган эстакадаларнинг турлари.

## 6.5. СОҲИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ АСОСЛАРИ

### 6.5.1. Тиргак деворларни ҳисоблаш

Соҳилларнинг тиргак деворлари чегаравий холатлар методикаси бўйича мустаҳкамликка, устуворликка ва дарз бардошликка ҳисобланади. Конструкцияга таъсир қилувчи ташқи юкланишлар грунт босимидан, вактинча кўзғалувчан юкланишдан ва гидростатик босимдан иборат. Улар турли хил нокулай қўшилишларда намоён бўлиши мумкин.

Тўкманинг сиртида вактинча юкланиш турганда, тўкма грунти намланганда ва ер ости сувлари дарёдаги сув билан бир хил сатҳда бўлганда тўкма томонидан кучланишларнинг энг катта таъсирлари вужудга келади (6.13.- а расм). Бундай ҳолат тиргак деворнинг меъёрдаги иш шароитлари учун хосдир. Айрим ҳолларда тиргак деворларни тўкмадаги сув сатҳи дарёдагидан юқори бўлганда алоҳида иш шароитларига ҳисоблашга тўғри

келади. Сув тошқинидан сўнг ёки тўкмага водопровод магистралларидағи авария туфайли сув кўп оқиб келишидан сўнг сув бирдан камайган холлар бўлиши мумкин (*6.13.- в расм*).

Деворларнинг бундай иш шароитлари фақат авария холатларидағина бўлиши мумкин ва ҳисоблашда ортиқча юкланишларнинг кичрайтирилган коэффициенти киритилади. Авария шароитларида девор орқасидаги ҳақиқатда бўлиши мумкин бўладиган сув сатхини билиш қийин бўлгани учун деворларни ҳисоблашда уни шартли равишда девор усти ва дарёдаги сувнинг меъёрий сатхи баландликлари фарқининг учдан бир ёки ярим баландлигига қабул қилинади.

Дарёдаги сув энг юқори сатҳигача тез кўтарилиб лекин тўкмага ҳали киришга улгурмаган, ундаги намлик одатдаги даражада бўлган ёки фақат бироз кўтарилиган ҳолда, дарё томонидан кучланишларнинг энг катта таъсири вужудга келади. Тўкмада вактинча юкланиш йўқ (*6.13.- в расм*). Фойдаланишнинг меъёридаги шароитларида бундай ҳисоб схемаси тўла бўлиши мумкин ва деворни ҳисоблашда кўриб чиқилиши керак.

Кўрсатиб ўтилган ҳолатлардан ташқари, юкланишларнинг бошқа бўлиши эҳтимоли бўлган комбинациялари ҳам кўриб чиқилиши керак. Жумладан, қирғоқ томонга қиялиги катта бўлган деворларда тўкма бўлмаганда ўз оғирлигидан таъсирланишга ишлаб чиқариш шароитлари учун деворни ҳисобий текшириш талаб қилиниши мумкин.

Грунтнинг деворга босимини сочиувчи жисмлар назарияси методларидан фойдаланиб аниқланади; бунда грунт заррачалари ўртасидаги илашиш ҳисобга олинмайди, бу эса, одатда, мустаҳкамлик захирасига киради.

Вертикал деворнинг бирлик юзи ва горизонтал сиртига бўлган грунтнинг ҳисобий горизонтал босими катталиги (*6.13.- а, в расм*).

$$P = n_r \gamma H t g^2 (45^\circ - \varphi / 2), \quad (6.1)$$

формула бўйича аниқланади, бунда  $n_r$ - грунт оғирлигига тушадиган доимий юкланиш учун ортиқча юклаш коэффициенти;

$\gamma$ - грунтнинг зичлиги,  $\text{t/m}^3$ ;

$H$ - тўлдирма сиртидан қаралаётган нуктага вертикал бўйича масофа, м;  
 $\varphi$ - грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги, град.

Агар тўлдирма сиртида жадаллиги  $q$  бўлган текис тақсимланган вақтинча юкланиш турган бўлса, у ҳолда қўшимча горизонтал  $P_b$  босим деворнинг баландлиги бўйича исталган нуктада (*6.13.- a, б расм*)


$$P_b = n_b q \operatorname{tg}^2(45^\circ - \varphi/2), \quad (6.2)$$

ни ташкил этади, бу ерда  $n_b$ - вақтинча юкланиш учун ортиқча юклаш коэффициенти.

Соҳилларнинг тиргак деворлари учун вақтинча юкланиш унинг узунлиги бўйлаб жойлашишига хосdir. У ҳолда тўкманинг сиртида тақсимланган  $q$  юкланиш эни  $b$  га тенг йўлларни эгаллайди, аммо девор бўйлаб текис тақсимланган ҳисобланади (*6.13.- г расмга қаранг*). Ҳакиқатан автомобиллар ғилдирагидан девор бўйлаб босим тўпланган кучлар кўринишига эга бўлгани учун уларнинг ўрнини босувчи тақсимланган юкланиш  $Z$  нинг катталигига боғлиқ ҳолда ёки НК-30 юкланиш учун қуйидаги формулаларга кўра 6.1.- жадвал бўйича шартли аниқланади:

$$q = \frac{50}{4,8 + Z}; \quad Z = x \operatorname{tg}(45^\circ + \varphi/2), \quad (6.3)$$

бу ерда  $x$ - деворнинг орқа қиррасидан юкланиш полосаси ўқигача бўлган масофа, м.



6.13.- расм. Тиргак деворларга юкланишлар таъсири схемалари

### 6.1.- жадвал

#### *Z нинг катталигига бөглиқ юкланиши*

<b><i>z, м</i></b>	<b><i>q, тс/м</i></b>	<b><i>z, м</i></b>	<b><i>q, тс/т</i></b>	<b><i>z, м</i></b>	<b><i>q, тс/м</i></b>
0	8,3	4,5	2,7	9,5	1,8
		5,0	2,6		
0,5	6,1	5,5	2,5	10,0	1,8
		6,0	2,4		
1,0	5,3	6,5	2,3	10,5	1,7
		7,0	2,2		
1,5	4,7	7,5	2,1	11,5	1,7
		8,0	2,0		
2,0	4,2	8,5	1,9	12,0	1,6
		9,0	1,9		
2,5	3,8			12,5	1,6
3,0	3,5			13,0	1,5
3,5	3,2			14,0	1,5
4,0	2,9			14,5	1,4

қ полосали юкланиш қўшимча горизонтал босимни вужудга келтиради, бу босим полоса четларидан бузилиш текислигига  $Q$  бурчак билан параллел ҳолда ўтказилган чизиклар билан чекланган девор баландлиги бўйича участкада текис тақсимланган деб ҳисобланади (*6.13.- $\varepsilon$  расм*).

Бу босимнинг ва унинг ҳолатининг teng таъсир этувчиси  $Z_q$  куйидаги кўринишда аниқланди:

$$E_q = n_b q a \frac{\sin(\theta_i - \varphi)}{\cos(\varphi - \theta_i)}; \quad Z_q = H - x \operatorname{tg} \theta_i \quad (6.4)$$

$E_q$  нинг энг катта қийматини грунт бузилишининг турли бурчаклари  $Q_1, Q_2, \dots, Q_i$  ни белгилаб ва  $Q_i$  нинг  $E_q$ нинг катта қийматга эга бўладиган қийматини қабул қилиб топилади.

Агар бирор  $h_1$  сатҳда ер ости суви мавжуд бўлса, у ҳолда у қўшимча гидростатик босимни вужудга келтиради ва бир вақтда грунтнинг босимини, яъни Архимед қонунига кўра грунт заррачаларининг оғирлигини камайтиради. Бу омиллардан йиғинди босим  $\gamma_0 = 1$  сувнинг зичлиги эканини ҳисобга олиб, куйидагини ташкил этади:

$$P_1 = \gamma_0 h_1 - n_r h_1 \gamma_0 (1-n) \operatorname{tg}_2 (45^\circ - \varphi/2), \quad (6.5)$$

бу ерда  $n$ - грунтнинг нисбий ғоваклиги.

Тажриба маълумотлари бўлмаганда, нисбий ғоваклик тахминан  $n=0,4 \div 0,5$  деб қабул қилиш мумкин.

Дарё томонидан деворга бўлга горизонтал босимни ҳисоблашда, сув сатҳи грунт сатҳидан юкорида жойлашганда сувнинг босими (*6.13.- $a, b$  расм*) куйидагини ташкил этади:

$$\left. \begin{array}{l} P_2 = \gamma_0 h_2 \\ \text{енгиллашган} \\ \text{грунт} \\ \text{босими} \\ \text{эса} \\ P_3 = n_r [\gamma - \gamma_0(1-n)h_3 \tan^2(45^\circ - \varphi/2)] \end{array} \right\} \quad (6.6)$$

Агар ер ости суви грунтнинг ички ишқаланиш бурчаги катталигига таъсир кўрсатса, у холда хўллаш худуди чегарасида ички ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  нинг кичиклашиши ҳисобга олиниши керак. Тўкма томонидан ва дарё томонидан грунт ва сувларнинг горизонтал босими эпюраларининг девор узунлиги бирлигига тенг таъсир этувчилари ва уларнинг кўриб чиқилаётган нуқтагача масофалари (6.13.- д расм) қуйидагини ташкил этади:

$$\left. \begin{array}{l} E_p = 0,5 pH; \quad E_1 = 0,5 p_1 h_1; \quad E_3 = 0,5 p_3 h_3; \\ Z_p = H / 3; \quad Z_1 = h_1 / 3; \quad Z_3 = h_3 / 3; \\ E_b = qH; \quad E_2 = 0,5 P_2 h_2 \\ Z_b = 0,5 H; \quad Z_2 = h_2 / 3 \end{array} \right\} \quad (6.7)$$

$E_q$  ва  $Z_q$  ни (6.4) формула бўйича аниқланади.

Массив бетон ва темирбетон деворларнинг турғунлигини уларнинг ағдарилиши (6.14.- а расм) ёки силжиши (6.14.- в расм) холлари учун текширилади.

Фиштли, баъзида эса массив деворлар ҳам атрофидаги грунт билан бирга, анкерли деворлар тортқични маҳкамлаш нуқтаси атрофида буралиб турғунлигини йўқотишга текширилади.

Ағдарилишга ва силжишга текшириш шартлари қуйидаги кўринишга эга (6.13.- д расм):

$$\left. \begin{aligned} \frac{M_{onp}}{M_{np}} &\leq m; \quad \frac{T_{cde}}{T_{np}} \leq m; \\ M_{onp} &= \sum E_p z - n_n G e - n_r G_1 e_1 - n_b G_2 e_2 = \\ &= E_z p + E_b z_b + E_1 z_1 - E_2 z_2 - E_3 z_3 - n_n G e - n_r G_1 e_1 - n_b G_2 e_2; \\ M_{np} &= (n_n G + n_r G_1 + n_b G_2) y = N_{\phi} y; \\ T_{cde} &= \sum E = E_p + E_b + E_1 - E_2 - E_3; \\ T_{np} &= (nG + n_r G_1 + n_b G_2) f \end{aligned} \right\}, \quad (6.8)$$

Бу ерда  $M_{\text{ағд-}}$ - деворни ағдарувчи момент ва барча горизонтал ва вертикал кучларнинг пойdevор тиравиши юзининг оғирлик марказига нисбатан моментлари йигиндисига тенг момент;

$M_{\text{пр-}}$ - девор қабул қиладиган чегаравий момент ва атрофида девор ағдариладиган таяниш нүктаси майдони оғирлик марказидан у масофага кўпайтирилган барча вертикал кучлар йигиндисига тенг;  $T_{\text{силж-}}$ - барча горизонтал кучларнинг йигиндисига тенг бўлган силжитувчи куч;  $T_{\text{пр-}}$ - силжишга қаршилик кўрсатувчи чегаравий куч бўлиб, у барча вертикал кучлар йигиндисининг пойdevор товониниг  $f$  грунт бўйлаб ишқаланиш коэффициентига кўпайтирилганига тенг;  $n_o$ - деворнинг ўз оғирлиги учун оптиқча юкланиш коэффициенти;  $G$ - девор узунлик бирлигининг оғирлиги;  $G_1$ - деворга узатиладиган грунтнинг оғирлиги;  $G_2$   $G_2$ - вертикал вақтинча юкланиш  $q$  нинг тенг таъсир этувчиси ва унинг товон оғирлик марказига нисбатан эксцентриситети;  $m$ - иш шароити коэффициенти бўлиб, у 0,7-0,8 чегараларда ағдарилишга текшириш учун, 0,8-0,9 чегараларда эса силжишга текшириш учун қабул қилинади. Ишқаланиш коэффициенти  $f$  ни лойли грунтлар учун 0,25 га тенг деб, соз тупроқлар учун 0,3 га тенг деб ва кумлоқ грунтлар учун 0,4 га тенг деб қабул қилиш мумкин.

Хисоблаш ҳолатига боғлиқ ҳолда (тўқма ёки дарё томонидан энг катта босим) (6.8) формуладаги кучланишларнинг бир қисми бўлмаслиги мумкин. Агар кўрилаётган хисоблаш ҳолатида грунт деворнинг бирор томонидан унинг иш шароитини яхшиласа, у ҳолда унинг зичлигини бирдан кичик оптиқча юкланиш коэффициенти билан киритиш керак. Хисоблашнинг авария

ҳолати учун (6.8) формулаларда  $m=1,0$  деб қабул қиласиз. Массив бетон ва темирбетон деворлар конструкцияларининг горизонтал кесимларида ва пойдевор плитасининг вертикал кесимларида текширилади. Вертикал девор кесимларидаги ҳисобий кучланишлар қуидаги формулалар бўйича аниқланади (6.14.- г расм):

$$\left. \begin{aligned} N &= n_n G + n_r G_1; \quad Q = \Sigma E = E_p + E_b + E_l - E_2 - E_3; \\ M &= \Sigma Ez - n_n Ge - n_r G_1 e_1 = E_p z_p + E_b z_b + E_l z_1 - E_2 z_2 - E_3 z_3 - n_n Ge - n_r G_1 e_1 \end{aligned} \right\}, \quad (6.9)$$

бу ерда барча вертикал ва горизонтал кучланишлар девор қисми ва юкорида келтирилган кесимнинг тўлдирмаси (бу ерда одатда  $G_1=0$ ) учун олдинги (6.1)-(6.7) формулалар бўйича аниқланади.


Ҳисоблашдаги юкланишлардан пойдевор плитасининг четларидан девор асосга узатилувчи кучланишлар қуидаги формулалар бўйича аниқланади (6.13.- д ва 6.14.- д расмларга қаранг):

$$\left. \begin{aligned} \sigma_1 &= \frac{N_\phi}{B} + \frac{6M_{onp}}{B^2} \leq 1,2R_r; \quad \sigma_2 = \frac{N_\phi}{B} - \frac{6M_{onp}}{B^2} \geq 0; \\ N_{\phi/B} &\leq R_r \end{aligned} \right\}, \quad (6.10)$$

бу ерда  $N_\phi$ ,  $M_{onp}$ - (6.8) формулалардан қабул қилинадиган, пойдевор товонидаги кучланишлар;  $B$ - товоннинг кенглиги;  $R_r$ - асос грунтининг ҳисобий қаршилиги.

Агар (6.10) шартлар қаноатлантирилмаса, деворнинг ўлчамларини ўзгариши ёки сунъий асосни (қозиклар, темирбетон элементлари, тушириш қудукларини) қўлланиш керак.

Пойдевор плитаси вертикал кесимларидаг кучланишларни деворнинг кесилган қисмнинг унинг устида жойлашган тўкма билан мувозанатини қараб чиқиб аниқланади (6.14.- д расмга қаранг):



6.14.-расм. Тиргак деворлар турғулигини ва уларнинг кесимларидағи күчланишларни анықлашга оид схемалар

$$\left. \begin{aligned} M &= n_r G_1 e_1 + n_b G_2 e_2 + G_\phi e_\phi - T_{c\phi} \frac{y_1}{B} e_3; \\ N &= T_{c\phi} \frac{y_1}{B}; \quad Q = n_r G_1 + n_b G_2 - G_\phi; \quad G_2 = qy_1 \end{aligned} \right\}, \quad (6.11)$$

бу ерда  $G_\phi$ - пойдевор плитасининг кесиш қисмининг товони бўйича қўйилган  $\sigma$  күчланишларнинг тенг таъсир этувчиси;

$G_1$ - плитанинг кесиш қисмига узатилувчи грунтнинг оғирлиги;  $y_1$ - кесилиш қисмининг узунлиги;  $e_\phi$ ,  $e_1$ ,  $e_2$ ,  $e_3$ - плита кесимининг оғирлик марказига нисбатан кучлар эксцентриситети.

(6.9) ва (6.11) формулалардан топилган күчланишлар бўйича деворнинг турли қисмларида бетон ёки темирбетон кесимлар танлаб олинади.

### **6.5.2. Шпунтли ва анкерли тиргак деворларни хисоблашнинг хусусиятлари**

Шпунтли девор статик схемага кўра тўкма томонидаги грунтинг фаол босими билан юкландган ва грунтга сиқиш кучлари билан тутиб турладиган тўсинни ифодалайди. Деворнинг букилишларида у грунтга босади ва унда тўкма грунтининг фаол босимидан одатда бир неча марта ортиқ бўлган пассив қаршилик кучлари юзага келади.

Деворга пассив босимнинг реал эпюраси эгри чизиқли бўлади, тўкманинг (6.1) формула билан аниқланадиган фаол босими эса чукурликнинг ортиши билан чизиқли тарзда ортади (6.15.- a расм).


Хисоблашлар учун бу эгри чизиқли эпюра етарлича аниқлик даражасида деворнинг ташки томонидан учбурчак эпюра билан ва ички томондан тўпландиган куч билан алмаштирилади (6.15.- a расмга қаранг). грунтнинг пассив қаршилиги шартли эпюраси чукурликка қараб чизиқли ўзгаради ва ихтиёрий  $x_r$  чукурлиқда

$$P_n = \gamma x_r k t g^2 (45^\circ + \varphi / 2), \quad (6.12)$$

ни ташкил этади, бу ерда К- грунтнинг шпунтли деворга унинг силжишларидағи ишқаланиши таъсирини хисобга олувчи ва грунтнинг ички ишқаланиш бурчагига боғлиқ ҳолда қабул қилинадиган коэффициент:

$\varphi^\circ$ .....	10	15	20	25	30	35	40
K.....	1,2	1,5	1,8	2,1	2,3	2,6	3,0

Тўкма тепасидан дарёдаги сув сатҳигача ва тўлдирмагача масофани  $x_{vr}$  ва  $x_{v3}$  орқали белгилаймиз. У ҳолда шпунтнинг номаълум тўлик узунлиги  $x$  ни деворда унинг пастки учидаги букувчи моментларнинг нолга тенглиги шартидан аниқлаш мумкин.



6.15.- расм. Шпунтли ва анкерли деворни ҳисоблашга оид схемалар

Грунтнинг фаол горизонтал босимини ва вақтинча юкланишни, гидростатик босимни ва сувда тортишнинг таъсирини (6.1)-(6.6) формулалар бўйича қабул қилиб, пассив қаршиликни (6.12) формула бўйича сувда грунтни енгиллашишини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиб, букувчи момент учун деворнинг бирлик узунлигига  $x \geq H$  бўлганда куйидаги ифодани ҳосил қиласиз (6.15.- б расм):

$$\begin{aligned}
 M = & n_r \gamma \frac{x^3}{3} \lambda a + n_b q \frac{x^2}{2} \lambda a + \frac{\gamma_0}{6} (x - x_{b3})^3 - \\
 & - n_r \gamma_0 \frac{1-n}{6} (x - x_{b3})^3 \lambda a - \frac{\gamma_0}{6} (x - x_{ap})^3 - \\
 & n_r \frac{\gamma}{6} (x - H)^3 \lambda_p + n_r \frac{\gamma_0}{6} (1-n)(x - H)^3 \lambda_p; \\
 \lambda_a = & \operatorname{tg}^2(45^\circ - \varphi/2); \quad \lambda_p = k \operatorname{tg}^2(45^\circ - \varphi/2),
 \end{aligned} \tag{6.13}$$

бу ерда  $n_r$ - бирдан кичик қилиб қабул қилинадиган, грунтнинг пассив босими учун ортиқча юклаш коэффициенти.

$M=0$  деб қабул қилиб ва  $x$  номаълумни аниqlab, куб тенгламани ҳосил қиласиз:

$$\begin{aligned}
& Ax^3 + Bx^2 + Cx + D = 0 \\
A &= \frac{n_r \lambda - n_r \dot{\lambda}_p}{6} [\gamma - \gamma_0(1-n)]; \text{ бўлганида} \\
B &= 0,5[n_b q \lambda_a + n_r \dot{\gamma} H \lambda_p] + \gamma_0(x_{ep} - x_{e3}) + \\
&+ \gamma_0(1-n)(n_r x_{e3} \lambda_a - n_r \dot{H} \lambda_p); \\
C &= 0,5[\gamma_0(x_{e3}^2 - x_{ep}^2) - n_r H^2 \dot{\gamma} \lambda_p - \\
&- \gamma_0(1-n)(n_r x_{e3}^2 \lambda_a - n_r \dot{H}^2 \lambda_p)]; \\
D &= \frac{1}{6}[n_r \dot{\gamma} H^3 \lambda_p - \gamma_0(x_{e3}^3 - x_{ep}^3)] + \\
&+ \gamma_0(1-n)(x_{e3}^3 \lambda_a - H^3 \lambda_p)
\end{aligned} \tag{6.14}$$

Бу тенгламани ечимини  $x>H$  кетма-кет қийматларни ўрнига қўйиб ва  $M=0$  бўлганда аниқлаб, сонли ечимини излаган маъкул. Девордаги энг катта букувчи моментга мос келувчи  $x$  катталикни қуидаги хосила сифатида аниқлаймиз:

$$\begin{aligned}
\frac{dM}{dx} &= 3Ax^2 + 2Bx + C = 0 \\
\text{буердан} \\
x &= (-2B + \sqrt{4B^2 - 12AC}) : 6A
\end{aligned} \tag{6.15}$$

а нинг бу қийматини (6.13) формулага қўйиб, шпунтдаги энг катта букувчи моментни топамиз.

Шпунтнинг ҳақиқий  $I_m$  узунлигини тўпланган кучнинг таъсир қилиш участкасига захира билан

$$lw \geq H+1, I(x-H)=I, Ix-0, IH \tag{6.16}$$

ни қабул қилиш мумкин.

Шпунтли деворлар катта деформацияланишга эга ва уларнинг эксплуатацион тавсифларини текшириш учун девор тепасининг норматив юкланишлар таъсирида ( $n_b = n_r = n_e = 1$ ), унинг пастки учини  $x$  чуқурлиқда кўзгалмас деб тахминан ҳисоблаб, силжишини аниқлаш керак.

Битта анкерли тортқич анкерли деворни тахминий жихатдан ҳисоблаш қийин, чунки формулалар хаддан ортиқ катта бўлади. Уни қуидаги

фаразларни қабул қилиб, графо-аналитик усулда ҳисоблаш осонроқ: грунтнинг пассив босими эпюраси деворнинг ташки томонидан (6.12) учбурчак бўйича ва ички томонидан тўпланган Е куч кўринишида қабул қилинади (6.15.- а расм), анкерли девор шпунтнинг пастки учи бурилиш бурчакларига, силжишларга ва букувчи моментларга эга бўлмаган деб ҳисобланади.

Ҳисоблаш учун девор баландлиги бўйича бир қатор участкаларга бўлинади ва уларнинг ҳар бирида (6.1)-(6.6) ва (6.12) формулалар бўйича  $P_i$  босимнинг йигинди горизонтал кучи аниқланади (6.15.- г расм). Арқонсимон кучлар кўп бурчаги қурилади (6.15.- в расм) ва унинг томонларига параллел чизиклар ўтказиб, букувчи моментлар эгри чизиги ўчириб ташланади (6.15.- а расм). Охирги АВ чизик эпюранинг юқори қисмидаги энг катта у ордината эпюранинг пастки қисмидаги энг катта  $y_2$  ординатадан 5-10% катта бўлиш шарти билан ўтказилиши керак. Бу холда амалда қабул қилинган фаразлар қаноатлантирилади.

Моментлар эпюрасининг охирги АВ тўғри чизик билан кесишиш нуқтаси  $x_2$  шпунтни қоқишининг зарур чукурлигини белгилайди.

Шпунтнинг умумий узунлиги қуидагича белгиланади:

$$L_{\text{ш}} \geq H + (1,15 \div 1,2)x_r \quad (6.17)$$

Анкерли деворнинг бирлик узунлигича букувчи моментларни моментлар эпюраси олдидаги ординаталарни арқонли кўпбурчакнинг кутб масофа  $\eta$  га кўпайтириб аниқланади. Ҳосил қилинадиган букувчи моментлар одатда реал иншоотларда кузатиладиган ёки экспериментлар асосида ва янада аниқ ҳисоблашлар асосида олингандардан бироз каттароқ бўлиши мумкин. Шу сабабли девор кесимларини танлаш учун

$$M = my\eta, \quad (6.18)$$


деб қабул қилиш керак, бу ерда  $v=0,75$  иш шароитларини пасайтирувчи коэффициент.

Анкерли торткічдаги девор узунлиги бирлигига күчланиш  $R$  арқонсимон күпбурчакдан аниқланади, бу ерда у биринчи нур ва АВ га параллел нур билан кесилади, унинг катталигини эса:

$$Ra = mR, \quad (6.19)$$

деб қабул қилинади, бунда  $m \approx 0,7$ .  $R_a$  күч бүйича торткічининг кесими уларнинг девор бүйлаб қадамини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Тұқылма грунти бузилиш призмасидан ташқарыда жойлашған анкерли плита қуидаги тарзда ҳисобланади. Букувчи момент Оға тенг бўлған шпунтдаги В нуқтадан ( $45^\circ - \varphi/2$ ) бурчак остида ВС бузилиш текислигини тўлдирма сирти билан кесишгунча ўтказилади (6.16.- расм). Анкерли плита Ra күч таъсирида ДКФ соҳасидаги юкни DF текисликка ( $45^\circ + \varphi/2$ ), бурчак остида силжитади.



6.16.- расм. Анкерли плитанинг турғунлигини ҳисоблашга оид схема

Сурилаётган грунт анкерли плитага пассив босим кўрсатади. Анкерли плита сурилганда унинг орқасидаги грунт FL текислик бүйича бузилиб, плитага сиртдаги вақтингча юкланишни ҳисобга олган ҳолда фаол босим беради. Агар пассив қаршиликнинг тенг таъсир этувчиси  $E_n$   $R_a$  йиғиндига ва фаол босимнинг Е тенг таъсир этувчисига тенг ёки ундан катта бўлса, у ҳолда плита қўзгалмай туради. Узлуксиз анкерли плита учун унинг узунлиги бирлигига бу шарт қуидаги кўринишни олади:

$$\begin{aligned} \frac{Ra + E}{\psi E_n} &\leq m; \\ E = (nbxa + n_r \gamma \frac{x_a^2}{2}) \operatorname{tg}^2(45^\circ - \varphi/2); \\ E_n = n_r \gamma \frac{x_a^2}{2} \operatorname{tg}^2(45^\circ + \varphi/2); \quad m = 0,5 \quad , \end{aligned} \tag{6.20}$$

бу ерда  $R_a$ - юкланишлардан ортиқча юклаш коэффициенти биноан аниқланған тортқичдаги ҳисобий құч;  $\psi$ - анкерли плитанинг жойлашиш чукурлигини ва унинг баландлыгини ҳисобға олувчи ва 0,7 дан 1,0 гача ўзгарувлы коэффициент.


Агар анкерли плиталар яхлит бўлмаса, у ҳолда ҳисоблашда грунтнинг плиталар орасидаги иши ҳисобға олинади. Анкерли плита девордан ВС ва ФД ҷизиклар кесишадиган бўлиб,  $S$  масофада жойлашган бўлса, у ҳолда унинг кўтариш қобилияти камаяди.

Деворнинг умумий турғунлиги атрофидаги грунт билан бирга суримиши шарти бўйича (6.14.- в расм) текширилади, бунда грунт  $R$  радиуси цилиндрик сирт бўйича сурилади. Айланиш маркази  $\alpha$  кетма-кет уринишлар билан аниқланади, бунда ҳисоблаш учун мустахкамлик шароитлари энг ёмон бўлган ҳолат қабул қилинади (6.17.- расм).

Сурувчи массив эни в бўлган қисмларга бўлинади. Ҳар бир участкадаги ҳисобий грунтни ҳисобий вақтинча вертикал юкланишни ҳисобға олган ҳолда (агар у мавжуд бўлса)  $G$  билан белгилаймиз:

$$N=G\cos\alpha; \quad T=G\sin\alpha; \quad \alpha=\arcsin(r/R), \tag{6.21}$$

бу ерда:  $r$ - айланиш марказидан ажратилган элементтегача горизонтал бўйича масофа бўлиб, у айланиш марказидан ўнгдаги қисмлар учун плюс белгиси билан ва чапдаги қисмлар учун минус белгиси билан қабул қилинади.



6.17. – расм. Цилиндрик сирт бўйича сирпанишда грунтнинг мустаҳкамлигини ҳисоблашга оид схема.

Сурилувчи грунтнинг қўзғалмас сирт бўйлаб Т ишқаланиш кучи:

$$T = Nf = G \cos \alpha \operatorname{tg} \varphi + cl, \quad (6.22)$$

бунда  $f = tg\varphi$  – ишқаланиш коэффициенти;

$c$ - грунтнинг солиштирма илишиши;

$l$ - сирпаниш участкаси ёйи узунлиги.

Агар айланиш марказига нисбатан барча силжитувчи кучлар моменти  $T$  барча ишқаланиш кучларининг шундай моментидан ва илишиши  $t$  дан кичик бўлади, яъни:

$$\frac{\sum M T}{\sum M t} = \frac{\sum R G \sin \alpha}{\sum R (G \cos \alpha \operatorname{tg} \varphi + cl)} = \frac{\sum r G}{R \sum (G \cos \alpha \operatorname{tg} \varphi + cl)} \leq 1 \quad (6.23)$$

Мустаҳкамликнинг кўриб чиқилган шарти маълум бир захирани беради ва шунинг учун иншоотни, агар ҳатто (6.23) муносабат бирга тенг бўлса ҳам, мустаҳкам деб ҳисоблаш мумкин.

Худди шунга ўхшаш массив деворнинг мустаҳкамлиги ҳам текширилиши мумкин, бунда унинг оғирлиги  $G$  участкаларнинг оғирлигига киритилади.

## **6.6. СОҲИЛ ДЕВОРЛАРИНИ ҚУРИШ**

Соҳил деворларини қуриш хандаклар қазиш, тайёр деворларни тупроқ билан тўлдириш ёки ортиқча грунтни кесиш, қозиқ қоқиш ва тиргак деворларни бунёд этиш ишларидан иборат.

Соҳилларни қуриш билан боғлиқ ер қазиш ишларини ташкил этиш лойихасини тузишда ер қазиш ишларини дарёning узунлиги (*a*) бўйича тақсимлаш графигидан участкалар аро, қуидагилардан ташкил топадиган ишларнинг тўлиқ ҳажмлари киритилади:

- хандаклардан тупроқни қазиб олиш;
- қирғоқни кесиб чиқиш, ўзанни тозалаш ва чуқурлаштириш;
- тиргак деворларни тўлдириш.

Агар соҳилни қуриш билан бир вактда кўприклар ҳам барпо этилса, у ҳолда графикка кўприкни қуриш билан боғлиқ ер қазиш ишлари ҳажмларини ҳам киритиш лозим. Тиргак деворлар учун хандакни дарё томонидан шпунтли девор билан тўсиш орқали қурилади.

Деворларнинг монолит конструкциясида қолипларга арматура каркаслари ўрнатилиб кейин бетонланади. Бетон девор қуриладиган жойга автомашиналарда етказилади ва уни қолипларга тасмали транспортерлар, бадъелар ёки анча замонавий ва самарали бўлган механизмлар ёрдамида узатилиади.

Йиғма деворлар стрелали (ёйли) кран ёрдамида амалга оширилади. Йиғма деворларни монтаж қилиш кетма-кетлиги уларнинг конструкциясига боғлиқ бўлади. Ётқизилган бетоннинг қолиплари олиб ташлангандан сўнг ёки монтаж тугаллагандан ва йиғма конструкция монолитлаштирилгандан сўнг қопламани ётқизиш мумкин. Девор барпо этилгандан сўнг грунт тўлдирилади. Тўлдириладиган грунт яхши зичланган бўлиши керак.

**Назорат саволлари:**

1. Қирғоқ чети шаклиға боғлиқ ҳолда сохил деворларининг қандай турлари мавжуд бўлади?
2. Тиргак деворларни барпо қилиш технологияси бўйича уларнинг қандай турлари бор?
3. Пойдевор кесиги олдида бетон деворнинг эни қандай бўлиши керак?
4. Кийилувчи девор нимадан иборат?
5. Соҳиллардаги деворларда деформацион чоклар қандай мақсадда қурилади?
6. Тиргак деворлар тўйма томонидан намлик сизиб киришидан қай тарзда муҳофаза килинади?
7. Ер ости, атмосфера ва авария сувлари чиқариш учун дреналар қандай қиялиқда қурилади?
8. Қандай омилларга боғлиқ ҳолда йиғма темирбетондан тиргак деворлар қўлланилади?
9. “Парус туридаги ” тиргак деворлар нимадан иборат?
10. Соҳилдан тушиш йўлларининг қандай турларини биласиз?
11. Участкалар бўйича ер қазиш ишларининг тўла ҳажмлари нималардан иборат?

## **7. ГАРАЖЛАР ВА ТҮХТАШ ЖОЙЛАРИ**

### **7.1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Кейинги вақтларда шаҳарсозликда ва шаҳар хўжалигига йўловчи транспортини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалалар борган сари кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шаҳарларнинг ривожланиши ва аҳолининг маданий-оқартурв ва жамоат марказларига, коммунал-маишӣ вазифани бажарувчи корхоналарга, дам олиш зоналарига ва жисмоний-спорт иншоотларига ташриф буюришларининг кенгайиши билан аҳолининг ҳаракатчанлиги ортади. Шу муносабат билан транспорт алоқаларини, ҳар томонлама яхшилаш, ҳаракатланишга сарфланадиган вақтни қисқартириш, юришларнинг қулайлигини ошириш ва қийматини камайтириш, шу билан бирга қўчалар тармогини, магистралларни ва транспорт воситаларини сақлаш пунктларини риқожлантириш масаласи юзага келади.

Ер усти шаҳар транспортида бу масалаларни ҳал этишда биринчи ўринга рельсли ва троллейбус электр транспортига нисбатан камроқ капитал маблағларга умумий ташиш қобилиятини оширишга имкон берувчи автомобиль жамоат транспорти чиқади. Шу билан бирга хусусий сектордаги енгил автомобиль транспорти янада сезиларли аҳамият касб этмоқда.

Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни аҳолига сотиш учун чиқариш ҳажми ортиб бормоқда ва яқин ўн йилликда бу йўналиш янада жадаллашиши кутилади. Шу муносабат билан шаҳарларнинг бош режаларини ва турар-жойлар ҳамда саноат районларини куриш лойихаларини ишлаб чиқишида ва тасдиқлашда шахсий автомобилларнинг очик тўхтаб туриш жойларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ва бозор муносабатларига ўтилиши билан Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар автотранспорт хўжалиги соҳасида тубдан ўзгаришларга олиб келди. Шу билан бирга шахсий фойдаланиладиган автомобиллар улуси 80% дан ортди ва гаражлар, автомобиллар тураг жойларини қуриш учун ер участкаларига бўлган асосий эҳтиёжни белгилаб беради. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, уларнинг шаҳар кўчаларидағи умумий транспорт оқимига таъсири жуда катта улушни ташкил этиб, 65% дан ортади. Шундай қилиб, йирик шаҳарларни автомобиллаштириш муаммоси кўпроқ даражада шахсий фойдаланишдаги енгил автомобилларнинг доимий гаражлари ва қисқа муддатли тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш муаммоси тарзида намоён бўлади.

Гаражларни тежамкорлик билан ва шаҳарнинг меъёрида ривожланиши ва яшаш фаолияти учун зарар келтирмайдиган қилиб қуриш лозим. Агар мамлакатимизнинг айрим шаҳарларини истиқболда шахсий автомобиллар билан 1000 яшовчига 200 гача ва ундан ортиқ бирлик қондиришдан келиб чиқадиган бўлсак ва шу муддатга аҳолининг бир кишига  $20\text{m}^2$  ортиқ таъминланганигини ҳисобга олсақ, у холда бундай шаҳарлардаги гаражларнинг умумий қиймати шаҳарнинг барча мавжуд ва янги тураг-жой жамғармаси қийматининг 6% гачасини, қисқа муддатли тўхтаб туриш жойлари ва техник хизмат кўрсатиш станцияларини ҳисобга олганда 10% гачасини ташкил этиши мумкин, бу эса аҳолига бирламчи коммунал-маиший хизмат кўрсатишнинг барча бошқа асосий муассасалари тармогини яратишга кетадиган харажатлардан ортиқдир.

Шаҳардаги автомобиллар тўхтаб туриш жойларини қуришнинг истиқболдаги жуда катта миқёслари муносабати билан автомобиллаштириш муаммосини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни ҳал этиш, аҳолининг ҳаракатланишдаги эҳтиёжларини қаноатлантириши ва ижтимоий-иктисодий шароитлар мажмuinи ҳамда шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олишга қодир бўлган тизимни ўз вақтида яратиш масаласини кун тартибига қўяди.

## **7.2. АВТОМОБИЛЛАР САҚЛАНАДИГАН ЖОЙЛАРНИНГ ҲИСОБДАГИ СИҒИМИ**

Доимий гаражлар ва қисқа муддатли маҳсус ташкил этилган тўхтаб туриш жойларининг зарур сиғимини аниқлаш масаласи шаҳар худудини режалаштириш лойихаларини ишлаб чиқишида, йирик шаҳарларни, жамоат биноларини, турар-жой мажмуаларини ва бошқаларни лойихалашда ҳам лойиха режавий амалиётида жуда тез-тез учрайди.

Турар-жой ва ундан узоқдаги (пиёда бориш чегарасидан ташқарисидаги) меҳнат қилиш, маданий-маишӣ хизмат кўрсатиш ва дам олиш жойлари орасида юришга эҳтиёжи бўлган бутун шаҳар ахолиси орасида ўз ихтиёрида автомобилга эга бўлган одамларнинг фақат бир қисми ундан фойдаланиши мумкин. Аҳолининг бу қисмини улуши шахсий автотранспортдаги ҳаракатлари ҳажми билан мос равишда қабул килинган ҳисобдаги автомобиллаштириш ва автомобиллаштиришнинг чегаравий-эҳтимолий даражасига мос келадиган барча ҳаракатларнинг объектив зарур ҳажми ўртасидаги нисбат билан аниқланади.

Шахсий автомобили бўлган ҳамма одамлар ҳам навбатдаги бир жойга бориша уни жамоат транспортидан афзал кўраверишмайди. Мазкур муайян юриш учун транспорт турини танлашда вақтни тежаш ҳал қилувчи ролни эгаллади. Маълум бир даврда бориладиган йўлнинг бошлангич ва охирги пунктлари орасида ҳаракатланиш учун фойдаланиладиган автомобилларнинг миқдори эса автомобилда юришга муҳтоҷ бўлган ва бунда иштирок этаётган шахслар сонидан кам бўлади.

Шундай қилиб, ҳар қандай автомобиль тўхташ жойининг ҳисобий сиғими Р, яъни автомобилларни доимий ёки қисқа муддатли сақлаш учун машина-ўринларнинг ҳисобдаги сони қўйидагиларга боғлик:

- шаҳар ёки туманни автомобиллаштириш даражаси  $A_{расч}$  нинг максимал-эҳтимолий даражаси  $A_{max}$  га нисбатига;

- $F$  сафарларда бир вақтда иштирок этувчи шахслар сони сафар мақсадларига мувофиқ кузовнинг ўртача тўлиш даражаси  $m$  га;
- вақтни тежашни ҳисобга олиш коэффициенти  $K_v$  билан ифодаланадиган умумий харажатлар бўйича жамоат транспортида ҳаракатланиш билан таққослагандага ахоли ихтиёрида бўлган индивидуал транспортнинг рақобатбардошлилигига.

Бундан ташқари, қисқа муддатли тўхтаб туриш жойларининг ҳисобий сигими унинг қўшни ҳудудларда ва участкаларда қисман ташкил этилмаган тартибда машиналарни қўйиш ҳисобига камайиши имкониятини ҳисобга олиш, бу таъминланганлик пасайтирувчи коэффициент  $K_0$  билан ифодаланади, айрим ҳолларда эса, аксинча, қўшимча равишида давлат автохўжаликлари автомобилларини жойлаштириш учун  $P_z$  захирага эга бўлиши керак.

Гаражлар ва тўхтаб туриш жойларининг зарур сигимини аниқлаш учун ҳисоблаш формуласи умумий холда

$$P = \frac{A_{pacq}}{A_{\max}} \cdot \frac{F}{m} K_e K_o + P_{ax} \quad (7.1)$$

тенглик бўлади.

Турли хил вазифаларни бажарувчи автомобиллар тўхташ жойларининг, шу жумладан айрим йирик объектлар ва умумشاҳар умумфойдаланувдаги авто тўхташ жойлари хузуридаги автомобилларнинг қисқа муддатли тўхташ жойлари, туар-жойлар микротуманлар ва дахалардаги доимий гаражларнинг сигимини ҳисоблашда дастлабки маълумотларни аниқлаш у ёки бу хусусиятларга эга, аммо ҳисоблаш тартибининг ўзи бундай ҳолатларнинг барчасида ўзгаришсиз қолади.

Автомобиллаштиришнинг ҳисобий ва чегаравий-эҳтимолий даражалари ( $A_{расч}$   $A_{max}$ ) бўлган шаҳарсозлик, йўл-транспорт, ижтимоий-иқтисодий ва табиий-иклим шароитларига қараб қабул қилинади, шу билан бирга  $A_{расч}/A_{max}$  ифода автомобилнинг транспорт жозибадорлиги қўрсаткичи  $K_T$  дан бошқа нарса эмас (7.2):

$$K_T = 1 + \sqrt{0,2 \frac{S_a}{S_o} - 0,01 \left( \frac{S_a}{S_o} \right)^2} \quad (7.2)$$

Сафарларда иштирок этувчи шахслар сони  $F$  қўйидаги мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши мумкин:

- турар-жой иморатлари орасида бевосита жойлашган ва ҳар куни

фойдаланиладиган автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган доимий гаражларнинг сигими аҳолининг ҳар куни меҳнат қилинадиган жойларига ва марказий маданий-маиший хизмат қўрсатиш муассасаларига боришга бўлган эҳтиёжига боғлиқ. Шунинг учун  $F$  қўрсаткич бундай гаражларнинг сигимини ҳисоблашда автомобиллардан ҳар куни маданий-маиший сафарлар учун фойдаланаладиган меҳнаткаш аҳолининг умумий миқдори йиғиндисидан иборат бўлади. Ишламайдиган аҳоли улушининг пировард натижага таъсирини ҳисобга олиб, мазкур ҳолда яхлитлаган ҳолда  $F=1,2T$  деб қабул қилиш мумкин;

-йирик обьектлар олдидағи қисқа муддатли тўхтаб туриш жойларининг зарурый сигимини ҳисоблашда  $F$  қўрсаткични аниқлаш одатда қийинчилик тутғидирмайди. Истаган обьектни лойихалашда доимо корхонадаги биринчи ва у билан кўшни сменадаги ходимлар, стадион минбарларидаги ўринлар, ёки театрнинг томошибинлар залидаги ўринлар, магазин ёки рестораннынг савдо залида “қизғин” даврда бир вақтда хозир бўлган ташриф буюрувчилар сони каби маълумотлар ҳисобга олинади;

- кисқа муддатли тұхтаб туриш жойларини ҳисоблашда бу

күрсаткичға жамоат маданий-оқартув ва шаҳарнинг савдо марказларига четдан келаётган бошқа шаҳар аҳолисининг қўшимча микдорига тузатиш киритишга тўғри келади. Корхонадаги ходимлар ёки муассасага ташриф буюрувчилар таркиби, касби, жинси ва ёшига кўра кисқа муддатли автомобиль тўхташ жойларини ҳисоблаш натижаларига нисбатан жуда камдан-кам холларда таъсир қилиши мумкин. Масалан, жуда йирик ихтиослашган магазинлар, халқаро аҳамиятга эга очиқ мусобакаларни ўтказиш учун мўлжалланган спорт иншоотлари каби обьектларга келсақ, бу ерда, аксинча кўтарувчи коэффициент ўринлидир. Бу коэффициентнинг ўлчамлари кўрсатиб ўтилган обьектларни бошқа шаҳар аҳолиси томонидан келиб қўшилишининг кутилаётган фаоллик даражасига боғлиқ ва ўртача шароитларда 1,2-1,3 деб қабул қилиниши мумкин.

Сафарнинг турлича максадларида автомобиль кузовининг ўртача тўлиш кўрсаткичи т ни аввал айтиб ўтилганидек, тахминан қуйидагича қабул қилиш тавсия этилади:

- меҳнат ва иш бўйича сафарлар учун 1,5;
- маданий-маиший сафарлар учун 2,0;
- шаҳар ташкарисига сафарлар учун 2,5.

Автомобиллар тўхтаб туриш жойларининг зарур сифимини ҳисоблашда энг муҳим масала шахсий автотранспортнинг жамоат автотранспорти билан К<sub>в</sub> кўрсаткич орқали тавсифланувчи рақобатбардошликтини ҳисобга олиш масаласи ҳисобланади.

Одамлар навбатдаги саёҳатга бориш учун маълум турдаги транспортни, шу жумладан ўз ихтиёрида бўлган автомобилни танлашда пул маблағларини тежаш, сафар шароитларининг қулийлигини яхшилаш масаласи ҳал қилувчи масала ҳисобланади. У одамларнинг автомобильни хусусий қилиб олиш учун сотиб олиш тўғрисидаги масаласини ҳал қилишда, вактни тежаш тўғрисидаги мулоҳазаларнинг муҳимлиги иккинчи даражали бўлиб қолади.

Сафарнинг умумий вақтини тежаш кўрсаткичи  $K_b$  ни аниқлаш та вактнинг ва  $L$  сафар масофасининг ортиши билан аҳолини тез юрадиган транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини кўпайишининг объектив қонуниятига асосланган.

Яшаш жойидан меҳнат қилиш, маданий-маиший, хизмат кўрсатиш ва шаҳардан ташқарида дам олиш жойларигача жамоат транспортида ҳаракатланиб бориш учун зарур вақтнинг ортиб боргани сари одамларнинг шахсий автомобилдан фойдаланишга интилиши қонуний равища, яъни шахсий автотранспортдан фойдаланиш даражаси ортиши учун объектив асос юратилади. Масалан бу қонуниятнинг асосий параметрлари ва хусусиятини аниқлашдан иборат.

Шаҳарда жуда кичик масофаларга, тахминан 1км га (шаҳарсозликда қабул қилинган терминология бўйича пиёда бориш шароитларига мос келувчи) ҳаракатланишда пиёда юриш ўрнига истаган транспорт воситасида ҳаракатланган ҳолдаги вақт тежами арзимас катталик бўлиб, автомобилдан фойдаланиш зарурияти ўз-ўзидан керак бўлмай қолади (7.1.- жадвал).

### **7.1.-жадвал**

**Шаҳар аҳолисининг жамоат ва шахсий транспортда ҳаракатланишига вақт сарфлашларининг тахминий тузилмаси минутларда**

Ҳаракатланиш элементлари	Ҳаракатланишнинг охирги манзилигача масофа, км			
	1	7,5	25	75
<i>Жамоат транспортда ва пиёда ҳаракатланганда</i>				
Уйдан кўча транспортигача пиёда ҳаракатланиши	5	5	5	5
Кўча транспортининг навбатдаги маршрутини кутиш	4	7	7	7
Кўча транспортида 18км/соат тезликда ҳаракатланиш	3	25	17	17

Кўчадан ташқари тезкор транспортнинг навбатдаги маршрутини кутиш	-	-	5	-
Ўшанинг ўзи, шаҳар атрофи транспортини	-	-	-	10
Бошқа транспортга кўчиб ўтишда пиёда харакатланиши	-	-	5	5
Кўчадан ташқари транспортда 35 км/соатда харакатланиш	-	-	34	-
Ўшанинг ўзи, 45км/соат	-	-	-	92
Транспорт тўхташ жойидан охирги манзилгача пиёда харакатланиш	5	5	5	5
<b>Жами</b>	<b>17</b>	<b>42</b>	<b>78</b>	<b>141</b>
<i>Шахсий автотранспортда харакатланиши</i>				
Уйдан гаражгача пиёда юриш ва автомобилни йўлга тайёрлаш	5	5	5	5
Автомобилнинг шаҳарда 35км/соат тезлиқда харакатланиши	2	13	8	8
Автомобилнинг кўчадан ташқари магистралларда 70км/соат тезлиқда харакатланиши	-	-	20	-
Автомобилнинг кўчадан ташқари магистралларда 70км/соат тезлиқда ҳаркатланиши	-	-	-	60
Автомобилни тўхтаб турадиган жойга қўйиш ва охирги манзилга пиёда бориш	5	5	5	5
<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>23</b>	<b>38</b>	<b>78</b>
<b>Тежалган вакт</b>	<b>5</b>	<b>19</b>	<b>40</b>	<b>63</b>

Амалий жихатдан шаҳар атрофига қатнайдиган транспорт билан тегишли худудда 50-100км атрофидаги масофага узоқ муддатли юришларда автомобилдан фойдаланиладиган ҳолда вакт тежами бир томонга 60 минутгачани ва иккала томонга тахминан 2 соатни ташкил этади. Бундай шароитларда мунтазам қатновларда шахсий автомобилдан фойдаланиш эҳтиёжи максимумга яқин бўлади, чунки кўрсатилган каттагина вакт тежалишда фақат аҳолининг унча катта бўлмаган қисми қандайдир субъектив сабабларга кўра мавжуд автомобилдан фойдаланмайди.

Агар  $K_e = f(t)$ , боғланишнинг чегаравий параметрларини белгиловчи бу сабабга кўра ва бундан ташқари, одамларнинг автомобилдан барча оралиқ мсофаларга боришда фойдаланишга интилишлари жамоат транспортида ( $t_0$ ) ва шахсий автотранспортда ( $t_a$ ) харакатланиш ўртасидаги фарқка пропорционал деб қабул қилинса, у ҳолда вактни тежаш кўрсаткичи қуидагига teng бўлади:

$$K_e = \frac{t_o - t_a}{60} \quad (7.3)$$

Бу формулага кўра  $K_e$  ни аниқлаш учун ҳисобдаги харакатланиш йўналишлари ва унинг тезликлари бўйича кўшимча маълумотларга эга бўлиш зарур. Бу кўшимча маълумотлар олиш баъзида жуда мураккаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга шахсий автотранспортида харакатланишнинг жамоат транспортида харакатланишга нисбатан умумий вакт тузилмасини таҳлил қилиш, харакатланишдаги вакт тежалишининг бориладиган манзилнинг умумий узоқлигига юкорида кўрсатилган чегараларда ҳам, оралиқ масофаларда ҳам маълум даражада боғлиқ бўлишини кўрсатади. 7.1.-жадвалда бу вакт сарфининг умумий вакт тузилмаси келтирилган. Бу ерда транспортнинг йирик шаҳарда ва унинг шаҳар атрофидаги худудида харакатланишининг шартли йўналишлари қабул қилинган, улар кўчадан ташқари умумий фойдаланишдаги тез юрадиган жамоат транспорти

тармоғининг тезкор автомагистраллар тизими мавжудлиги қатори нисбатан унча катта бўлмаган зичлигини тавсифлайди.

7.1.- жадвалдаги маълумотлар ҳаракатланиш масофалари 1, 7, 5, 25 ва 75км бўлганда, яъни пиёда, кўчадаги, кўчадан ташқари ва шахар атрофи транспортида манзилга етиб боришга тахминан мос келадиган худудларда вактнинг тежалишини таҳлил қилишга имкон беради.

Тахминан 1км ва 75км масофаларга ҳаракатланишда вактнинг тежалиши мос равишда нолга ва максимумга (63 мин.) тенг. 25км атрофидаги масофага ҳаракатланишда вактнинг тежалиши 40мин. га яқин бўлади ва шахсий автомобилга эҳтиёж мос ҳолда максималнинг 62% ини, тахминан 7,5км масофага ҳаракатланишда- 19мин.ни ва шахсий автомобилга эҳтиёж-фақат 27% ни ташкил этади.

7.1.- жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, ҳаракатланишининг ўртача тезлиги (“эшиқдан эшиккача”) шахсий автомобилда тахминан 7,5км ва ундан ортиқ масофага бориша жамоат транспортига қараганда тахминан икки марта юқори.

Олинган тадқиқот натижаларига статистик ишлов бериш  $K_e=f(L)$ , боғланишининг параметрларини аниқлашга имкон берди, бу эса шу параметрларга кўра борадиган манзилнинг узоқлигига боғлик ҳолда шахсий автотранспордан фойдаланиш кўрсаткичининг ўзгариши эгри чизигини ясаш учун асос бўлиб ҳисобланади.


Айrim иирик шаҳарлар транспорт тармоғининг ривожланиш даражасига кўра, хусусан метрополитен ва тезкор автомобиль йўллари каби кўчадан ташқари тезкор транспорт турларига кўра фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун 7.1.- расмдаги график билан ифодаланган 7.2.- жадвалдаги  $K_e=f(L)$  боғланишга айrim ҳолларда тузатиш киритилиши керак. Ҳаракатланишлар тузилмасида мумкин бўладиган ўзгаришларни таҳлил қилиш бу тузатишни, яъни 0,8 дан 1,2 гача бўлган чегараларда қўшимча С коэффициентни беради.

## 7.2.-жадвал

L в км	1	2	3	4	5	7,5	10	15	20	25	50	75
K <sub>e</sub>	0	0,047	0,087	0,125	0,163	0,250	0,326	0,448	0,555	0,645	0,915	1

7.1.- расмда тасвирланган эгри чизиқнинг математик ифодаси бўлиб, айтиб ўтилган тузатишни хисобга олган ҳолда қуидаги формула хизмат қилади

$$K_e = C \left( \sqrt{2,6 - \frac{(75-L)^2}{2460}} - 0,615 \right) \quad (7.3, a)$$



7.1.- расм. Шахсий автотранспорт борадиган манзилнинг узоқлигига боғлиқ ҳолда фойдаланиш кўрсаткичининг ўзгариши

Йирик шаҳарлар шароитида бу формулани қўлланишининг амалий жихатдан зарур чегаралари  $1\text{км} \leq L \leq 50\text{км}$  хисобланади. Эркин ўзгарувчи сифатида (7.3, a) формулада қабул қилинган L масофа ҳаракатланиш t вактдан фарқли равишда хисоблашларни анча соддалаштиради (7.3, a). Бу формула, албатта, барча турдаги транспортнинг ҳаракатланиш тезликлари ўзгаришини хисобга олиш имкониятини бермайди. Бирок бу ҳолат транспорт тармоғининг ривожланиш даражасига ва зичлигига юқорида кўрсатиб

ўтилган С тузатмани киритиш билан хисобга олиниши мумкин. Бундан ташқари, шуни назарда тутиш лозимки, шаҳар йўловчилар транспортининг асосий турлари тезликларининг ўзгариши барча турдаги транспорт воситалари учун тахминан битта йўналишда юз беради. Жумладан, Тошкентда 1995-2012 йиллар даврида ўртacha ҳаракатланиш тезликларининг ўзгариши қўйидагини ташкил этди (км/соат ҳисобида):

	<b>1995</b>	<b>1998</b>	<b>2012</b>
Метро	39,3	40,0	40,3
Трамвай	15,5	15,3	15,4
Троллейбус	16,3	16,1	-
Автобус	19,0	18,8	18,2
Шахсий автотранспорт	46,0	44,0	40,0

7.1.- расмда келтирилган  $K_a=f(L)$  эгри чизикнинг умумий тавсифини баҳолашда бир томондан, сафарда бориладиган манзилгача масофанинг шахсий автомобиллардан фойдаланишининг ўсишига таъсири ва иккинчи томондан, бу масаланинг ортиши билан умумий ҳаракатланиш ҳажмининг мажбурий тушиб кетиши (доимий тезликларда) маълум қонуниятлари ўртасидаги ўзаро алоқага эътиборни қаратиш лозим.


Транспорт ишининг шахсий жамоат транспорт ўртасидаги таксимлаш тамоили 7.2.- расмда схематик тарзда берилгани каби шахсий ва жамоат транспортининг таъсир кўрсатиш худудлари кўринишида график ҳолда ифодалаш мумкин. Бу схема ахолининг объектив-зарур ҳаракатланишининг бошланғич ва охирги пунктлари худудий жихатдан қанча кўп изоляцияланган бўлса, шахсий авторанспорт зиммасига шунча кўп иш тушишини кўрсатади. Схема шунингдек юриш масофаси 75-100км ва ундан ортиқ бўлган чегарасидан ташқарида шахсий автотранспортнинг аҳамияти

аста-секин пасайиб боришини назарда тутади, зеро у ерда тезкор рельсли транспортнинг ахамияти орта боради.

(7.1) формулага кирувчи таъминланганлик коэффициенти  $K_o$ , агар махаллий шароитлар бўйича машиналарнинг бир қисмини транспорт ва йўловчилар ҳаракатланиши учун мураккаблик туғдирмасдан яқин кўчаларда, ёки туарар-жойларнинг бўш худудларида ахолининг яшashi ва турмушига зарар келтирмасдан эркин жойлаштириш мумкинлиги равшан бўлса, ҳисоблашга киритилади.

Алохида холлардан ташқари (масалан, кам ташриф буюриладиган шаҳардан ташқари дам олиш масканларида қиска муддатли вақтинча очик автомобиллар туриш жойларини ташкил этиш) бу пасайтирувчи коэффициентнинг катталиги амалда 0,7гача чегараларда мумкин бўлади.

Хизматчи енгил автомобиллар тўхташ учун захирани тавсифловчи  $P_{ax}$  кўрсаткични ҳисобга олиш ҳам хусусий хол ҳисобланади. Шаҳарнинг айrim маъмурий-ишлаб чиқариш, маданий-маиший ва жамоат марказлари, шунингдек республика миқёсидаги йирик корхоналар ва муассасалар индивидуал автопаркдан ташқари катта миқдорда енгил хизматчи автомобилларни ҳам жалб қилинади. Бу автомобилларни маъсус участкаларда қўшимча кириш ва чиқиш йўлларини ташкил этиб тўхтаб туришини амалга ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Хизмат автомобиллари учун қўшимча ўринларнинг зарур миқдори мазкур худуд, корхона ёки муассасанинг функционал хусусиятларига мос холда қабул қилиниши керак. Бунда шахсий хизматчи автопаркнинг сони ва ишлаш режими, шунингдек ташриф буюрувчиларнинг миқдори ва таркиби бўйича маълумотлардан фойдаланиш мумкин.



**7.2.-расм. Шахсий автотранспорт ва жамоат транспорти барча турлари ўртасидаги транспорт ишини тақсимлашнинг принципиал схемаси:**

**1- пиёда юриши худуди; 2- жамоат транспортининг барча турлари-метрополитен, троллейбус, трамвай, автобусларнинг устувор ҳаракатланиши худуди;**  
**3- шахсий автотранспортнинг ҳаракатланиши худуди.**

(7.1) формула шаҳар ёки туман бўйича ўртача шароитлардан келиб чиқиб, ҳам алоҳида доимий ва кисқа муддатли авто-тўхташ жойлари учун, ҳам бир ҳил турдаги уларнинг мажмуалари учун зарур сифимни ҳисоблашда қўлланилиши мумкин.

Одатда, одамлар яшамайдиган худудларда жойлаштириладиган ва ҳар куни фойдаланилмайдиган, балки даврий ёки системали фойдаланиладиган автомобилларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган доимий йирик гараж-тўхташ жойларининг йиғинди сифимини ҳисоблаш алоҳида хусусиятга эга. Агар шахсий автомобилларнинг доимий сақлаш жойлари билан тўла таъминланганидан келиб чиқадиган бўлсақ, у холда барча шундай жойларнинг умумий миқдори автомобиллаштиришнинг ҳисобдаги даражаси бўйича аниқланадиган, шаҳарда рўйхатга олинган индивидуал автопарк сонига мос келиши керак. Нотуар жой худудларидағи доимий гараж-тўхташ жойларининг умумий зарур бўлган сифими автомобиллаштиришнинг ҳисобдаги  $A_{расч}$  даражаси билан (7.1) формула бўйича ҳисобланган, бевосита тураг-жой бинолари орасида жойлашган гараж-тўхташ жойларининг сифими ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

У ёки бу аниқ обьектни лойихалашда уларни кўйишгача баён қилинган тартибда олинган машина-жойларнинг зарур миқдорини ҳисоблаш

натижаларига мазкур шароитларда мавжуд бўлган режавий-иктисодий, шунингдек шаҳарсозлик, йўл-транспорт ва санитария-гигиеник чекланишларни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритилиши мумкин.

Режавий-иктисодий чеклашлар индивидуал автопарк сонининг мавжуд ҳолатдан тортиб то ҳисобдаги даража А<sub>расч</sub> гача аста-секин ортиб боргани сари автомобилларни сақлаш жойларини ташкил этишининг мақсадга мувофиқлиги аён бўлиб боради. Оралиқ муддатларга нисбатан қўлланилганда улар автомобиллаштиришнинг умумий ҳисобий даражасини аҳолига сотиш учун автомобилларнинг жорий ишлаб чиқариш режалари билан, шунингдек мазкур босқичда автотўхташ жойларини капитал куриш учун моддий-техник ва бошқа ресурсларнинг ажратилиши имкониятлари билан таққослашга асосланади.

Автомобиллар тўхташ жойларини куриш учун ер худудларини захирага киритиш учун ҳисоблаб ҳосил қилинган машина-жойлар (ўринлар) сони, табиийки, тўлиқ қабул қилинади.

Худудларнинг тифизлиги, кўчаларнинг транспорт билан юкланиш жадаллиги ва санитария узилишларини таъминлаш зарурлиги бўйича алоҳида шароитларга боғлиқ шаҳарсозлик, йўл-транспорт ва санитария-гигиеник чеклашлар лойихаланаётган автотўхташ жойларининг сифимини камайтириш зарурлигини келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолда мазкур авто-тўхташ жойида етишмайдиган машина-жойлар сонини қўшни авто-тўхташ жойларини ривожлантириш йўли билан қоплаш имкониятларини излаш керак.

Агар шаҳардаги барча доимий гараж-тўхташ жойларининг йиғинди сифими, рўйхатга олинган автопарк сонига тахминан teng бўлса, у ҳолда барча қиска муддатли маҳсус ташкил этилган авто-тўхташ жойларининг умумий сифими, одатда, кичик бўлади.

Кўпчилик автомобиль эгалари кун бўйи автомобилдан умуман фойдаланишмайди ва уни гараждан олиб чиқилмайди. Сафарларнинг маълум қисмида маҳсус ташкил этилган тўхташ жойлардан фойдаланишмайди, ёки

ундаги машина жойидан бир кун мобайнида бир неча марта фойдаланишади. Икки ва ундан ортиқ тўхташ жойларида тутилиб қолиб сафарга чиқишлар камдан-кам учрайди.

Доимий гаражларнинг ва турлича вазифани бажарувчи қисқа муддатли гаражларнинг йирик шаҳарнинг ўртача шароитларига кўлланилгандаги зарурий сифими орасидаги нисбат ҳисоблаш намунасидан кўриниб турибди. Унинг асосий кўрсаткичлари 7.3.- жадвалда келтирилган. Бу ерда шаҳар учун умумий бўлган қуидаги дастлабки маълумотлар ҳисобга олинган:

автомобиллаштиришнинг	1000 кишига
чегаравий-эҳтимолий даражаси	$A_{max}=200$ автоомобиль

автомобиллаштиришнинг	1000 кишига
ҳисобий даражаси	$A_{расч}= 115$ автомобиль

1000 кишига меҳнат қилаётганлар сони	$T=400$
--------------------------------------	---------

Шаҳардан ташқари аҳолининг	
сонини ҳисобга олувчи жамоат марказларига	1,25

борувчилар сонига тузатма

хизмат машиналарини жойлаштириш	
учун тўхтаб туриш жойлари	$0,015 A_{расч}$
сифими захирасига тузатма	

Бир жойдан бошқа жойга боришга муҳтож ёки ҳисобга олинувчи шахслар миқдори  $F$ , аҳоли айрим гуруҳларининг белгиланган манзилга келиши аввал кўрсатилган тақсимлашга ва ҳаракатланиш мақсадларига мувофиқ тўхтаб туриш жойларининг йиғинди сифимини ҳисоблаш учун қабул қилинган, хусусан:

- 1) Туар-жой микротуманлари ва даҳалардаги гаражлар-тұхтаб туриш жойлари учун  $1,02T+0,09(1000-T) = 1,02 \cdot 400 + 0,09(1000-400) = 462$  киши.
- 2) Мекнат қиласынан жойлардаги автомобиллар тұхтаб туриш жойлари учун-  $0,7T = 280$  киши.
- 3) Марказий маданий-маиший хизмат күрсатыш корхоналари яқинидеги автомобиллар тұхтаб туриш жойлари учун шаҳардан ташқаридеги ахолига тузатиш билан-  $- 0,14T+0,18(1000-T)1,25 = 281$  киши.
- 4) Ташкил этилган оммавий шаҳардан ташқари дам оладын жойлардаги автомобиль тұхтаб туриш жойлари учун-  $0,48T+0,43(1000-T)0,25=256$  киши.

Сафарларнинг қабул қилинган ўртаса узаклигі ( $L_T=4,5$  км,  $L_0=15$  км,  $L_{00}=45$  км) жамоат транспортидан фойдаланғанда бир томонға боришига қуйидеги вақт сарфларига мөс келади:

-мекнат ва иш бүйіч сафарлар-	25-30мин
-маданий-маиший	1 соатгача
-шаҳар ташқарисига сафарлар-	2 соатгача
- $K_v$ күрсаткыч 7.1.- расмдеги график бүйіч аниқланған.	

Шахсий автомобиллардан ҳаракатланиш мақсадларига боғлиқ ҳолда фойдаланиш даражасы ўртасидеги нисбат, мекнат қилиш ва омилкор сафарларда 14,5% маданий-маиший сафарларда 46% ва шаҳар ташқарисига сафарларда 86%. Бу эса йирик шаҳарларда ҳозирғи пайтлардаги күзатишлиар амалиётіга яқин.

Шахсий автомобилларни сақлаш жойлари билан таъминланғанлық коэффициентлари автомобилларнинг бир кисмениң йўлнинг четида ва жадал ҳаракат бўлмаган ўтиш йўлларида жойлаштиришни ҳисобга олган ҳолда

яшаш жойларида доимий гаражлар бўлмаган худудлар учун уларни очик ҳолда саклашнинг кисман кўлланилиши хисобга олган ҳолда-0,7 жамоатчилик марказларидаги қисқа муддатли тўхташ жойлари учун -0,95 ва шаҳардан ташқаридаги дам олиш масканларида -0,75.

7.3.- жадвалда келтирилган оралиқ маълумотлар ва индивидуал автопарк учун гараж-тўхташ жойлари йифинди сигимини хисоблашнинг пировард натижалари КМҚ нинг ўртacha меъёrlарига яқин.

### **7.3.-жадвал**

#### **Шахсий автопарк учун гараж-тўхтаб туриш жойларининг йифинди сигими тўғрисида хисоб маълумотлари**

<b>Худудий туманлар ва шаҳар зоналари</b>	<b>F, 1000 аҳолига киши</b>	<b>m, киши</b>	<b>L, км</b>	<b>K<sub>b</sub></b>	<b>K<sub>0</sub></b>	<b>P,1000 аҳолига машина-жой</b>
Турар-жой микрорайонлар	4,62	1,4	5,5	0,175	1,0	22
Коммунал ва бошка яшамайдиган худудлар	-	-	-	-	0,7	11
Жами	-	-	-	-	-	33
<b>Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари</b>						
Мехнат қилинадиган жой	280	1,3	4,5	0,145	1,0	15
Марказий маданий-маиший корхоналар ва хизмат кўрсатиш муассасалари	281	2,0	15	0,46	0,95	23
<b>Шу жумладан, мўлжалдаги</b>						
Маданий-окартув	104	-	-	-	-	10
Савдо ва майший хизмат	84	-	-	-	-	4
Жисмоний тарбия-спорт	62	-	-	-	-	4
Ташки транспорт	14	-	-	-	-	1
Маъмурий хўжалик жамоат ташкилотлари	17	-	-	-	-	1
Махсус ташкил этилган шаҳардан ташқари дам олиш жойлари, шу жумладан парклар ва пляжлар (барча шаҳардан ташқаридаги барча зоналарнинг умумий сигимининг 25%)	256	2,7	45	0,86	0,75	23
Жами	-	-	-	-	-	71

Ўртача меъёрлардан бўлиши мумкин оғишлар ҳаракатланишнинг бошланғич ва охирги пунктлари ўртасидаги сафарларнинг ўртача узоклиги L нинг ортиши ёки камайиши билан боғлиқ. Шунинг учун гараж-тўхтаб туриш жойларига эҳтиёжнинг камайиши мумкин бўлган жойда ишлаб чиқариш-селитаб худудларни ташкил этиш ва аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва дам олиши учун тўлақонли маҳаллий корхоналар ва муассасаларни ривожлантириш имконини беради.

Маҳаллий шароитларга мос холда шаҳар автомобиль тўхтаб туриш жойларининг ҳисобдаги меъёрларини дифференциаллаш уларни қуришдаги истрофгарчиликлардан ва транспорт ҳаракатини ташкил этишдаги қийинчиликлардан кутулишга имкон беради.

### **7.3. ГАРАЖ ВА ТЎХТАБ ТУРИШ ЖОЙЛАРИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ**

Йирик шаҳар шароитларига караб гараж ёки тўхтаб туриш жойининг маъқул турини аниқлаш турли хил ва бальзида қарама-карши, яъни шаҳарсозлик, транспорт, санитария-гигиеник, эксплуатацион ва иқтисодий талабларни ҳисобга олиш зарурияти билан боғлиқ.

Шаҳар биноларининг функционал вазифаси ва жойлаштирилишига кўра автомобиллар учун гараж ва тўхтаб туриш жойларининг қўйидаги асосий турларини айтиш мумкин:

- якка ва гуруҳ гараж-бокслар;
- автомобилларни доимий сақлаш, турар-жой микрорайонларда ва даҳаларда ҳар куни фойдаланиш учун манеж ва манеж-бокс туридаги гараж-тўхтаб туриш жойлари;
- коммунал ва бошқа одамлар яшамайдиган худудларда тизимли ва даврий фойдаланиладиган автомобилларни доимий сақлайдиган гаражлар;
- иирик корхоналар ёки жамоат марказлари яқинида жойлашган жойларда автомобилларни бир неча соат ёки сутка давомида

саклаш учун умумий фойдаланишдаги киска муддатли маҳсус ташкил этилган автомобиль тўхташ жойлари.

Туар-жой бинолари бўлган худудларда гараж-тўхташ жойларини лойихалаш ва қуриш жуда қийин. Ҳозирги вақтда туар-жойлар яқинида ҳам вақтинча ҳам капитал турдаги жуда кўп сонли гараж-бокслар мавжуд. Шахарсозлик ва санитария-гигиеник нуқтаи назардан улар атроф мухитни ва иморатларни ифлослантиради ва бошқа салбий таъсиrlар кўрсатади. Шахарнинг ахоли яшайдиган худудларида гараж-боксларни катта гурухлар билан қуриш қимматли ҳовли худудларининг йўл қўйиб бўлмайдиган сарфланишига олиб келиши мумкин.

Шунинг учун шахарларда гараж-боксларни қуриш маън этилган ва ҳозирги вақтда туман ҳокимиyатининг тегишли хизматлари томонидан уларни туар-жой иморатлари бўлган худудда тартибга солиш, зарур бўлиб қолган вазиятларда эса йўқотиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Гараж-бокслардан фойдаланишдаги истисно ҳолатлар айrim алоҳида вазиятларда йўл қўйилиши мумкин, масалан: бирор саноат-ишлаб чиқариш корхонаси чегараси, темир йўл излари ёки метрополитенning очиқ трассаси бўйлаб ва бошқалар.

Битта енгил автомобильга унинг эгасининг туар-жойи бўйича доимий саклаш учун  $20-25\text{m}^2$  майдон ва сафар белгиланган жойда вақтинча тўхтаб туриш учун яна шунчак майдон ажратиш талаб этилади.

Очиқ ер усти тўхташ жойлари кўп жойни эгаллагани учун катта сигимли кўп қаватли тўхташ жойлари ва гаражлар қуриш мақсадга мувофиқдир. Бунга яхши бир мисол сифатида Чорсу бозори худуди яқинида қурилган ва фойдаланишга топширилган кўп қаватли ер усти гаражини келтириш мумкин (7.3.- расм). Бироқ бундай тўхташ жойлари ва гаражларини шахарларнинг марказий худудларида қуриш бўш худудларнинг йўқлиги ва ерларнинг қиймати юкори бўлиши билан боғлиқ бўлган маълум қийинчиликларни юзага келтиради.

Шу муносабат билан кам майдонни эгаллайдиган ва шаҳар худудини бошқа бинолар ва иншоотларни қуриш, дараҳтлар экиш, спорт майдонлари ва ҳ.к.лар учун бўшатадиган кўчадан ташқаридаги еости ва ярим еости авто-тўхташ жойлари ва гаражлар барпо қилиш самарали бўлади.

Вазифаси, жойлашиш ўрни, сифими, режавий схемалари, қаватлари сони, конструктив хусусиятлари ва ҳ.к.лар билан фарқ қилувчи еости авто-тўхташ жойлари ва гаражларининг хилма-хил турлари мавжуд. Еости авто-тўхташ жойи ва гаражларининг турини аниқлаш асосан аниқ шаҳарсозлик ва транспорт шароитлари ҳамда иқтисодий мулоҳазалар билан белгиланади.

а)



б)



b)



r)



7.3.- расм. Чорсудаги кўп қаватли гараж:


*a) фасад; б) ён фасади; в) ички кўринини; г) бозор тарафдан кўринини*

### 7.3.1. Ерости тўхташ жойлари, гаражлар ва мажмуалар

Ерости авто-тўхташ жойлари ва гаражлар енгил (шахсий ёки жамоат), юк ва бошқа автотранспорт воситаларин саклаш учун мўлжалланган бўлиши мумкин, шу билан бирга тўхташ жойлари автомобилларни факат саклаш учун, гаражлар эса уларга техник хизмат қўрсатиш ва таъмирлаш учун хизмат қиласи. Тўхтаб туриш жойлари ҳам, гаражлар ҳам автомобилларни вактинча (12 соатдан бир неча суткагача) мавсумий ёки доимий сақланишини таъминлаши мумкин. Тўхташ жойлари ва гаражларни қисман қисқа вақтга ва қисман доимий сақлашда фойдаланиши мумкин. Автомобилларни вактинча саклаш учун тўхташ жойлари ва гаражларни шаҳарларнинг марказий худудларида, одамлар энг кўп тўпланадиган жойларда: маъмурий, савдо, маданий марказлар ва ҳ.к.лар яқинида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳолларда бундай тўхташ жойлари ва гаражлар шаҳарга кираверишда жойлаштирилди, бу машиналарнинг эгалари эса бу ерга ўз автомобилларини кўйиб, шаҳар марказига жамоат транспортида боришлиари мумкин бўлади.

Четдаги бундай тўхташ жойлари тизими шаҳарнинг марказий қисмини автомобиль ҳаракатидан қисман енгиллаштириши мумкин.

Автомобилларни доимий сақлаш учун мўлжалланган еости авто тўхташ жойлари ва гаражлар одатда туарар-жой иморатлари бўлган жойларда, кўчалар, ўтиш йўллари, ҳиёбонлар ёки парклар остида алоҳида жойлашган иншоот кўринишида жойлаштирилади (7.4.- *a* расм). Бунда улар туарар-жой иморатларидан автомобильлардан ажраладиган газлар биноларга кирмаслиги учун санитария-гигиена меъёрларида назарда тутилган маълум масофада бўлиши керак. Тўхташ жойлари ва гаражларни жойлаштиришда уларгача бориши радиуси 300-400м дан ошмаслиги керак. Еости тўхташ жойлари ва гаражларни туарар-жой, маъмурий ёки хўжалик биноларининг ер тўла ва цокол қаватларида жойлаштириш янада мақсадга мувофиқ бўлади (7.4.- *b* расм). Бу автомобиль эгаларига максимал қулайликлар яратиб, бунда улар бевосита ўз хонадонларидан ёки хизмат қилаётган хоналаридан лифтга гаражга тўғри тушишлари мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, еости тўхташ жойлари ва гаражларини қуриш қиймати, биноларнинг ертўла хоналарига қуриладиган тўхташ жойлари ва гаражларнинг қийматидан анча паstdир.



**7.4.- расм. Гаражларнинг турлари:**  
*a, b*-*еости;* *c*-*ярим еости;* *d*-*сувости* *d-**тог туридаги.*

Ер устидаги күп қаватли тұхташ жойлари ва гаражларни куришда автомобилларни жойлаштириш учун еости қаватларини қуиши мақсадға мувофик. Бу автомобилларнинг қүйиш операцияларини тезлаштиришга, шунингдек автомобилларнинг вертикал бүйлаб күчиши баландлигини қисқартишишга имкон беради. Айрим ҳолларда, еости тұхташ жойлари ва гаражлар билан бирга устки қисми ер сиртидан 0,5-0,6м юкори жойлашадиган ярим еости авто-тұхташ жойлари ва гаражлар курилади (7.4.-*v расм*). Бундай гаражларнинг ораёпмасида енгил автомобиллар учун тұхтаб туриш жойлари, спорт майдончалари ва х.к.лар курилади.

Еости ва ярим еости авто-тұхташ жойлари ва гаражлардан ташқари, айрим ҳолларда, дарё, канал, күл, сув омборининг акваторияси остида қирғоққа яқын жойда жойлаштириладиган сувости гаражларини куиши мақсадға мувофик бўлиши мумкин (7.4.-*г расм*). Бунда амалда қимматбаҳо ер худудларини ажратиш талаб этилмайди, шахар транспортининг ҳаракатланиш шароитлари бузилмайди, еости коммуникацияларини қайта куриш зарурияти бўлмайди.

Айрим ҳолларда жойнинг табиии рельефидан: баландликлар, тепаликлар ва бошқалардан фойдаланиб тоғ туридаги еости гаражларини куиши мақсадға мувофик (7.4.-*ð расм*). Бу ҳолат ер қазиш ишларини анча камайтишишга ва курилиш қийматини пасайтишишга имкон беради.

Маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда еости тұхташ жойлари ва гаражлари турли сифимли қилиб курилади, бу сифим жойлашув худудини, шунингдек мазкур тумандаги автомобиллар миқдори ва жамоат транспортининг ривожланганлик даражасини хисобга олган ҳолда белгиланади. Юзи 6000м<sup>2</sup> гача бўлган 60-75 тагача автомобилларни сифдира оладиган ва 300 дан ортиқ автомобиллар тураладиган еости авто-тұхташ жойлари ва гаржлар бўлади. Айрим ҳолларда 1000, 2000, 3000 автомобилга мўлжалланган еости авто-тұхташ жойлари ва гаражлар барпо этилади. Автомобилларни жойлаштириш усулига кўра очик тұхташ жойларига эга манеж туридаги гаражлар ва тұхтаб туриш жойлари алоҳида изоляция

қилинган боксли гаражлар фарқ қилинади. Шунингдек, комбинацияланган турдаги гаражлар ҳам қурилади, уларда тұхтаб туриш жойларининг бир қисми очық, бир қисми эса ажратылған бўлади.

Еости қурилиши амалиётида рампали ва механизациялаштирилган тұхташ жойлари ва гаражлар кенг тарқалған. Рампали гаражларда автомобилларнинг кириши ва чиқиб кетиши, шунингдек уларнинг бир қаватдан бошқасига ўтиши тұғри ёки спиралсимон рампалар бўйича амалга оширилади.

Механизациялаштирилган гаражлар ва тұхтаб туриш жойларидан рампалар бўлмайди, ва барча операциялар хайдовчи иштирокисиз амалга оширилади: автомобиллар керакли қаватга ва бўш майдонгача лифтли кўтаргичларда узатилади рампали гаражларга қараганда камроқ жой эгаллайди, шуниг учун уларни худуд жуда тақчил бўлганда қуриш ва автомобилларни узоқ вақт сақлашда фойдаланиш мақсадга мувофик. Механизациялашган тұхташ жойлари ва гаражларнинг қиймати рампаларнидан юқори бўлса ҳам, улар бир қатор эксплуатацион афзалликларга эга. Хусусан гараж ичидә автомобилларнинг маневр қилиши бўлмайди, шу муносабат билан газ ажралышлар ҳажми кескин камаяди ва вентиляцияга ҳаражатлар қисқаради. Тұғри ва спирал рампалар бўлмаганлиги ҳисобига гараж эгаллайдиган майдон анча кичиклашади. Бундан ташқари, механизациялаштирилган гаражлар автомобиль эгаларини бўш тұхташ жойларини кидириб топиш зарурлигидан холос этиб, уларга қулайликлар тутғидиради.

Айрим ҳолларда ярим мезанизациялаштирилган гаражлар ҳам қурилади, уларда автомобиллар еости қаватига лифтли кўтаргичда туширилади, тұхтаб туриш жойларига жойлаштириш эса хайдовчилар ёки гараж ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кейинги йилларда кўпгина йирик шаҳарларда еости тұхташ жойлари ва гаражлар кўп мақсадли вазифаларга мўлжалланган кўп қаватли еости мажмуналари таркибида қурилмоқда. У одатда йирик транспорт бўғинлари,

яқинида, вокзал олди майдонларида, аэропортлар, савдо марказлари ва ҳ.к.лар яқинида жойлаштирилади. Бу жойларда биринчи навбатда турли хил транспорт иншоотларини: метрополитен станцияларини ва темир йўл вокзалларини, транспорт ва пиёдалар тоннелларини, тўхташ жойлари ва гаражларни куриш зарурияти вужудга келгани учун уларни битта иншоотда бирлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ерости мажмуалари таркибиға шунингдек савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, кино театрлар, майший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ҳ.к.лар киритилади, бу эса келувчиларга максимал қулайликлар яратади. Аниқ шароитларга боғлиқ ҳолда ерости мажмуалари 2 дан 6 қаватгача бўлиши мумкин.

Биринчи ерости қавати кўпинча пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланади ва ёндош кўчалар билан зинапояли ёки эскалаторли йўллар билан туташтирилади. Шу қаватнинг ўзида унча катта бўлмаган магазинлар, кафе, киоскалар ва ҳ.к.лар жойлаштирилади. Иккинчи ва учинчи қаватларда автомобилларнинг тўхташ жойлари ва техник хизмат кўрсатиш станциялари бўлиши мумкин. Пастки қаватлар одатда метрополитен ва темир йўл вокзалини станцияларини жойлаштириш учун фойдаланилади. Алоҳида яруслар орасида боғланиш учун эскалаторлар, лифтли кўтаргичлар ва зинапоялар хизмат қиласи. Ерости комплексларига авто транспорт, метрополитен ва коммунал тоннеллар ёндош бўлиши мумкин.

### **Ҳажмий-режавий схемалар.**

Ерости авто тўхташ жойлари ва гаражларини лойихалаштиришда автомобилларни тўхтаб туриш жойларига тез жойлаштиришни ва уларни ер устига тез олиб чиқиши таъминлайдиган режавий схемани танлашга интиладилар. Бунда етарли ўлчамдаги тўхтаб туриш жойлари, ўтиш йўллари, бўлиши керак. Шунингдек тўхташ жойи ёки гараж ичida ҳайдовчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун қулай пиёда йўлларини яратиш ҳам зарур.

Зич қилиб курилган иморатлар шароитида кўчалар ва ўтиш йўллари остида чизикли тўрда ерости тўхташ жойлари ва гаражлар курилади, уларнинг *L* узунлиги 300м ва ундан ортиқ бўлиши, кенглиги В эса тўхташ

жойларининг устидаги кўчалар ва ўтиш йўлларининг кенглиги билан белгиланади (*7.5.- a расм*). Агар маҳаллий шароитлар имкон берса еости авто тўхташ жойларига режада квадрат ёки полигонал шакл берилади (*7.5.- б расм*). Бу автомобиллар тўхташ жойини янада оқилона жойлаштириб, иншоотнинг чизиқли ўлчамларини чеклаш имконини беради. Айрим ҳолларда еости тўхташ жойлари ва гаражлар режада доиравий шаклда қурилади (*7.5.- в расм*). Бунда тўхташ жойи учун ажратилган худуд кичраяди. Еости тўхташ жойлари маҳаллий шароитларга кўра режада янада мураккаб шаклга эга бўлиши ҳам мумкин (*7.5.- г расм*).


Еости қаватларининг режавий схемаси ва ўлчовларига боғлиқ ҳолда автомобиллар турлича жойлаштирилади, бунда ҳайдовчилар ва автомобиль эгаларининг яхши мўлжал олишлари учун ҳар бир қаватдаги жойлаштириш схемалари бир хил бўлиши мақсадга мувофиқ. Еости қаватларда автомобилларни жойлаштиришнинг бир ва икки томонлама схемаси қўлланилади.

Автомобилларни ўтиш йўлининг бир томонига жойлаштириш тежамли эмас ва асосан кенглиги чекланган “линияли” турдаги гаражларда қўлланилади. Хусусан, кўчанинг кенглиги 16-20м бўлганда еости тўхташ жойи (гаражи) нинг кенглигини 15-20м қилиб белгилаб, 4,5-5м дан икки қатор турадиган тарзда жойлаштириб, уларнинг орасида 5-7,5м кенглигидаги ўтиш йўли қолдирилади. Кўчанинг кенглиги кичикроқ бўлганда автомобиллар жойлашув бир қаторли ва ўтиш йўли битта бўлган тўхташ жойи ва гаражни қуриш мумкин. Автомобилларни бир ёки икки қатор қилиб ўтиш йўлига параллель перпендикуляр ёки 30, 45, 60° бурчак остида жойлаштириш мумкин.

Автомобилларни доимий сақлаш учун уларни ўтиш йўли ўқига перпендикуляр жойлаштирган ҳолда икки томонлама бир қаторли схемаси анча афзалdir. Бунда тўхташ жойига минимал майдон керак бўлади ва истаган автомобилни эркин чиқиб кетиши таъминланади.

Вақтингча сақлаш учун қия бурчакли жойлашув (“арчасимон”, паркетли) мақсадга мувофиқ, бунда тўхтаб туриш жойига автомобилларнинг кириши ва чиқиши осонлашади ва ўтиш йўлининг кенглиги бироз кичрайтириллади. Бироқ бунда тўхтаб туриш жойларининг умумий юзи 20-25% кўпаяди, ўтиш йўлининг узунлиги ҳам ортади ва тўхташ жойининг майдони тўла фойдаланилмайди.

Автомобилларнинг тури ва уларни жойлаштириш схемасига боғлиқ ҳолда битта тўхташ жойининг юзи ўзгаради. Жумладан, тўғри жойлаштиришда енгил автомобиллар учун тўхтаб турадиган жойнинг эни 2,2м дан 2,5м гачани, бўйи эса 4,6м дан 5,3м гачани ташкил этади, қия бурчакли жойлаштиришда эса мос ҳолда 2,1-2,3м ва 4,5-4,8м ни ташкил этади. Бир қаторли жойлаштиришда тахминан 5-7м бўлиши керак. Ўтиш йўлларининг жойлаштирилиши гаражда оқимнинг ўнг томонлама ҳаракатланишини таъминланиши керак. Сигими 100 дан ортиқ автомобиллар бўлган гаражларда оқимлар кесишмаслиги керак.



7.5.- расм. “Чизиқли” турдаги (а), “зал” туридаги (б), доира шаклидаги (в) мұраккаб конфигурациядаги (г) гаражларнинг ерости қаватлари (яруслари) режаси:

1- кириши рампаси; 2- чиқиши рампаси; 3- автомобиллар түриши жойы; 4- ўтиши йўллари

Шундай килиб, автомобиллар икки қатор килиб тўғри жойлаштирилиб, ўтиши йўли ўртада бўлганда камида 15м лик бўш оралиқ талаб этилади, 60 ва  $45^0$  ли қилиб жойлаштирилганда эса мос равишда 14 ва 13,5м ли бўш оралиқ талаб этилади. Битта тўхташ жойининг умумий юзи ўтиш йўлларини ҳам ҳисобга олганда енгил автомобиллар учун 20 дан  $28m^2$  гача, юк автомобиллари учун  $60m^2$  гачани ташкил этади.

“Зал” туридаги авто-тўхташ жойлари ва гаражларда автомобиллар ўтиши йўли ўқига перпендикуляр ҳолда икки ёки бир неча қатор қилиб жойлаштирилади. Бунда автомобилларнинг маневр қилиш шароитлари яхшиланади. Режада доиравий шаклда бўлган авто-тўхташ жойлари ва

гаражларда автомобиллар радиал йўналишида ва баъзида ватар йўналишида жойлаштирилади.

Рампа туридаги еости тўхташ жойлари ва гаражлари бир ва кўп қаватли бўлиши мумкин. Еости қаватлар сонининг ортиши билан битта автомобилга ҳисобланадиган майдон меъёри камаяди. Жумладан бир қаватли гаражларда битта автомобилга ўртacha  $25\text{m}^2$  майдон, икки қаватли гаражларда  $15\text{m}^2$ , уч қаватлисида  $10\text{m}^2$ , тўрт қаватлисида  $8\text{m}^2$  майдон тўғри келади. Майдоннинг камайишига мос равишда битта машина-жойнинг қиймати ҳам камаяди, бироқ қаватлари сони тўрт-бештадан ортикроқ бўлганда машина-жойнинг қиймати ҳам орта бора бошлайди ва тўхташ жойлари ичидаги ҳаракатланишни ташкил этишда, ер сиртига чиқишида ва киришда қийинчиликлар пайдо бўлади. Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, йирик шаҳарларнинг марказий туманларида еости қаватлари сони иккитадан бештагача бўлган еости рампалари гаражлари энг самарали ҳисобланади. Бундай гаражлар худуддан фойдаланиш самарадорлигининг энг юқори кўрсаткич коэффициенти билан тавсифланади:

$$K_{e.u.m.} = \frac{E}{T} = \frac{1}{t}, \quad (7.4)$$

Бунда Е- гаражнинг сифими, машина-жой; Т- гараж барпо қилиш учун ўтиш йўллари, кириш йўллари ва кўкаламзорлаштириладиган худудларни ҳисобга олгандаги ер участкаси майдони,  $\text{m}^2$ ; t- битта автомобилга ер участкаси майдони.

Еости авто-тўхташ жойлари ва гаражларнинг юқори ораёпмасини ётқизилиш чуқурлиги минималь бўлиши ва йўл қопламасининг қалинлигига, музлаш чуқурлигига, еости коммуникацияларининг жойлашишига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Агар гараж устига дараҳт ёки буталар ўтқазиш назарда тутилган бўлса, у ҳолда ораёпма устидаги тупроқнинг қалинлиги камида 1,5-2м бўлиши керак.


Ҳар бир еrostидаги қаватнинг баландлиги автомобилларнинг турларига боғлиқ ва энг баланд автомобилнинг баландлигидан жуда бўлмаганада 0,2м кўпроқ бўлиши (лекин 2-2,2м дан кам бўлмаслиги) керак. Одатда, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари жойлашадиган еrostидаги биринчи қаватнинг баландлиги 2,2-2,5м, қолган қаватларини 2-2,1м бўлади.

Рампали авто-тўхташ жойлари ва гаражларидан чиқиш ва кириш йўллари автомобилларни тўхташ жойига қулай қўйишини ва ундан олиб чиқиб кетишини таъминлаши керак. Кириш ва чиқиш рампалари сони автомобилларнинг 15км/соат ҳаракатланиш тезлиги, улар орасидаги 20м га тенг оралиқ ва барча автомобилларни 1 соат мобайнида эвакуация қилинишидан келиб чиқиб белгиланади. Бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда сифими 200 та автомобилгача бўлган еости гаражларида битта икки йўлли рампани назарда тутиш керак, 200 тадан ортиқ автомобиль сифимига эга гаражларда эса иккита бир йўлли рампаларни назарда тутиш керак.

Гаражга кириш ва ундан чиқиш жойлари бевосита унга ёндош кўчаларда жойлаштирилади, бунда бош магистраллардаги ҳаракатни бузмасдан уларни иккинчи даражали кўча йўналиши бўйича куриш мақсадга мувофиқ. Бинолар зич жойлашган шароитларда, шунингдек сув ости гаражларида кириш ва чиқиш йўллари алоҳида тоннел қўринишида курилади. Еости гаражига бевосита кириш олдида гаражда сақлаш учун мўлжалланган умумий автомобиллар сонининг 5-10% ини вактинча жойлаштириш учун тўпловчи майдон курилади.

Шуни назарда тутиш лозимки, еости гаражларига кириш ва ундан чиқиш жойлари гаражнинг сифимига боғлиқ ҳолда турар-жой биноларидан 10-20м дан яқин бўлмаслиги керак. Автомобилларнинг қаватдан қаватга ўтиши учун гараж ичida тўғри ва спиралсимон рампалар кўлланилади. Тўғри

рампалар қиялиги 10% гача (ташқилари) ва 16% гача (ичкилари); бир қаторли учун кенглиги 3м ва икки қаторли ҳаракатланиш учун эса 5,5-6м бўлиши мумкин (7.6.- a расм). Спираль рампнинг бошида автомобилларнинг кириши учун камида 3м узунликдаги тўғри йўл бўлиши керак. Спираль рампларнинг эгрилик радиуси бўйлама қияликка боғлиқ ва 5% қияликда 20м дан 15% қияликда 6м гача ўзгаради, спираль рампларнинг максимал кўндаланг қиялиги 6%.




**7.6.- расм. Тўғри (а) ва спираль (б) рампларнинг турли хил варианatlари.**

Тўғри рамплар ҳам, спираль рамплар ҳам фақат кирувчи ёки фақат чиқувчи автомобилларни, алохидা ҳамда рўпара оқимларни ўтказиш учун кўшилган бўлиши мумкин. Агар рамплар бўйлаб хайдовчиларни ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ўтказиш назарда тутиладиган бўлса, у ҳолда эни камида 0,75м бўлган тротуар куриш зарур бўлади. Ерости гаражларида рампларни куриш хоналарнинг фойдали майдонининг камайишига олиб келади ва автомобилларнинг кўпроқ газ ажратишини (айниқса тепага чиқаётганда) вужудга келтиради.

Айрим ҳолларда автомобилларнинг қаватдан қаватга ўтказилишида еости гаражлари кўшни хоналари ёпмаларини қават баландлигининг ярмисига кўчириб (суриб) ярим рамплар қурилади (7.7.- а расм).

Ярим рамплар одатда 15-16% қияликка ва нисбатан унча катта бўлмаган узунликка эга бўлади. Қиялиги 4% гача бўлган қаватлараро оғма ёпмалари бўлган еости гаражлари ва тўхташ жойлари ҳам қуриш мумкин, бу ёпмалар устига автомобиллар ўрнатилади ва қаватдан қаватга кўчишлар ташкил этилади (7.7.- б расм).




7.7.- расм. Ярим рампли (а) ва оғма (қия) ёпмали (б) еости гаражларининг схемаси:

*1- ярим рамплар; 2- қия ёпмалар.*

Режада доиравий шаклдаги еости гаражларида баъзида автомобилларни ўрнатиш ва кўчириш учун хизмат қилувчи, узлуксиз спираль кўринишидаги нишабли-вантсимон ёпмалар қўлланилади. нишаб ёпма рамплар ёки ярим рампларни яратиш зарурлигини истисно қиласди, бироқ бунда еости гаражининг қурилиши конструкциялари анча мураккаблашади.

Механизациялештирилган еости гаражлари режада тўғри тўртбурчакли ёки доиравий шаклда қурилади. Биринчи ҳолда улар маҳсус харакатланувчи аравачали бокслар билан жихозланади, улар кўтаргич лифтнинг шахтасига автомобилларни қабул қилиш ёки чиқазиш учун узатилади (7.8.- а, в расм).

Режада доиравий шаклдаги гаражларга ҳар бир қаватда бурилувчи платформалар ўрнатилади (7.8.- б расм). Автомобиль күттаргич маълум бир қаватга күтарилиганда платформа шундай тарзда буриладики, бунда күттаргичнинг эшиги қарисида бўш бокс ўрнатилиб, унга автомобиль гараж ходими томонидан ёки автоматик ишловчи мослама ёрдамида суриласди. Лифтли күттаргичлар барқарор ёки кўчма шахталарда кўчиши мумкин. Биринчи ҳолда автомобиллар қаватдан қаватга кўчирилади, иккинчи ҳолда-ҳар бир қават чегарасида кўчирилади. Лифт күттаргичи катагининг ўлчамлари автомобильнинг габаритлари билан эни бўйича 0,6м минимал захира билан, бўйига кўра 0,8м ва баландлиги бўйича 0,2м захира билан белгиланади. Механизациялаштирилган гаражларда лифт күттаргичлари сони ҳар 100 автомобилга 1 та лифт ҳисобидан ўрнатилади.



7.8.- расм. Механизациялаштирилган еости гаражлари:

*a, b – ҳаракатланувчи аравачали; б - бурилувчи платформали; 1- лифт күттаргичлари;*  
*2- аравачалар; 3- платформалар.*

Агар гаражга бир вактда бир нечта автомобиль келса, улар гаражнинг юқори қисмидаги маҳсус тўплагичларда вақтинча жойлаштирилади ва навбати билан тўхташ жойига қабул қилинади. Механизациялаштирилган

гаражлар ва тўхташ жойларини ҳар бир қаватининг баландлиги камида 1,8м бўлган кўп қаватли қилиб қуриш мақсадга мувофиқдир.

Кўп вазифани бажарувчи еости мажмуаларининг ҳажмий-режавий ечимлари мажмуа таркибига кирувчи обьектларнинг хусусиятига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Кўпчилик ҳолларда еости мажмуалари “зал” турида лойихаланади. Бунда уларга режада турли хил: тўғри тўртбурчакли, полигонал, доиравий, эллиптик ёки мунтазам бўлмаган шакл берилади. Айрим қаватларнинг юзи ва баландлиги еости обьектларининг вазифасига боғлик ҳолда белгиланади.


Еости магистраллари бўйича жойлашган еости мажмуалари, автотўхташ жойлари ва гаражлар қатор ҳолларда эскалаторлар билан жиҳозланади. Эскалаторлар горизонтга нисбатан  $30^0$  остида жойлашган ва еости иншоотини ётқизиш чуқурлигига боғлик ҳолда узунлиги 13 дан 80м гача ва ундан ортиқ бўлган қия тоннелларга жойлаштирилади. Эскалаторли тоннеллар юқори қисмида машина хонасига, пастки қисмида эса тортувчи камерага туташади. Кўпчилик ҳолларда эскалатор тоннеллари доиравий кўндаланг кесимга эга бўлиб, унинг диаметри эскалаторларнинг сонига ва габаритларига боғлик бўлади.

### **7.3.2. Туар-жой бинолари остидаги гараж-тўхташ жойлари**

Туар-жой бинолари остига қурилган гараж-тўхташ жойлари ўз автомобилларидан ҳар куни фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини тўла қондиради. Бирок оммавий сериядаги намунавий уйлар остидаги ер тўла қисмини бу мақсадлар учун мослаш анча қийинчилик тұғдиради, чунки бундай уйларнинг конструктив схемалари автомобилларни саклаш учун зарур бўладиган хоналарнинг макбул параметрларига мос келмайди. Бундан ташқари уйнинг пастки қаватларида хонадонлар бўлганида бу уйнинг дераза ва ойналаридан етарли даражада изоляция қилинган кириш ва чиқиш дарвозаларини қуришдаги мураккабликлар билан боғлик.

Кейинги вақтларда турар-жой уйларининг истиқболли лойихалари бўйича берилган таклифлар орасида экспериментал уйлар ечимлари пайдо бўлди, бунда хонадонлар учинчи қаватдан бошлаб юқорига жойлаштирилади, иккинчи қават эса – техник қават ҳисобланади. Биринчи қават ўрнида фақат кўтарувчи таянчлар ва зинапоя- лифт катаклари билан чекланган бўш фазо хосил бўлади. Шаҳардаги жуда зич иморатлар шароитида уй остидаги бу фазо курилмай қолдирилиши мумкин ва шунда у иккала томондаги ёндош худудни кўз билан кўриб бирлаштиради. Агар пастки қаватларида хонадонлар бўлмаган бундай уйда ер тўлани бошқа мақсадлар учун жихозлаш зарурлиги бўлмаса, у доимий гараж-тўхташ жойини жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин, чунки бу ерда ер тўланинг режавий ва конструктив ечими хонадонларни режалашнинг қатъий

схемаси билан чекланмайди (7.9.- расм).



**7.9.- расм. Пастки қаватларида хонадонлари бўлмаган турар-жой уйи остидаги авто-тўхташ жойи:**

**1- иситиладиган берк авто-тўхташи жойи; 2- очиқ (қисқа муддатли) авто-тўхташи жойи; 3- авто-тўхташи жойининг эҳтимолий ривожланиши;**  
**4- техник қават; 5- техник даҳлиз.**

Бироқ хонадонли турар-жойларининг эни бўйича 12м ва битта турар-жой секциясининг узунлиги 22м бўлган кенг тарқалган габаритларда хар бир секциянинг остидаги ер тўлага кўпи билан саккизта автомобиль жойлашади

кўрсатиб ўтилган бинонинг кенглиги унинг остида факат бир томонлама тўхташ жойини ва ички ўтиш йўлини жойлаштиришга имкон беради. Ер тўланинг режасида конструктив чекланишлар бўлмаганда уни оралиқ ички таянчларсиз ёпиш конструкциясини қўлланиш мумкин. Гаражга кириш ва ундан чиқиш бинонинг габаритига киритилган алоҳида рамплар бўйича ташкил этилиши мумкин. Гаражни хонадонлар билан боғлаш учун зинапоя лифт катагидан фойдаланиш мумкин, бунда гаражнинг зинапоя лифт катагига ёндашиши режаси каррали фойдаланишни назарда тутиши керак, вентиляция тизими эса- зинапоя катагига газланган ҳавонинг ва ортиқча шовқиннинг киришини истисно этиши керак, шу билан бирга гаражга кириш вактида ер сатҳи билан энг яқиндаги қават ойналари сатҳи ўртасидаги белгилардаги фарқни хисобга олиш керак, бу фарқ мазкур ҳолда тахминан 8м. Бундай баландликда автомобилдан чиккан газлар атомосферага етарлича тўлиқ аралашиб кетади. Шундай килиб, туарар-жой бинолари остида доимий гараж-тўхташ жойини жойлаштириш автомобиллар эгаларига факат қулай шароитни таъминлабгина қолмай, балки санитария-гигиена нуқтаи назаридан ҳам маъкулдир.

Туарар-жой уйлари тагидаги ер тўлаларда доимий гараж-тўхташ жойларини куришнинг ягона камчилиги бундай қурилиш қийматининг жуда юқори бўлишидадир. Бундай мисол уйнинг габаритлари кенглиги бўйича икки томонлама тўхташ жойининг минимал кенглигига мос бўлганда, яъни, масалан, эни камида 15м бўлган меҳмонхона туридаги уйлар тагида оммавий қурилиш шароитларида яроқли бўлиши мумкин.

### **7.3.3. Хўжалик блоки ер тўлаларидаги гараж тўхтаб туриш жойлари**

Микрорайонларда коммунал вазифани бажарувчи алоҳида биноларнинг остида гаражлар жойлаштириш, туарар жой биноларидагига қараганда анча

енгилдир. Кичик туманлар таркибида ширкатларнинг хоналари, махаллий турар-жой фондини жорий таъмирлаш моддий омборлар билан бирга, жамоат ташкилотлари ва тўгарак иши хоналари ёки уй клуби билан бирга хўжалик блоклари назарда тутилади.


Шу ернинг ўзида бирламчи коммунал-маишӣ хизмат кўрсатиш бўйича айрим корхоналар, масалан, уйда ҳар куни фойдаланиладиган буюмларни таъмирлаш учун қабул қилиш ва ижарага бериш, кийимни тозалашга ва ювишга қабул қилиш пуктлари, ўзига хизмат кўрсатувчи уй устахоналари ва ҳ.к.лар жойлаштирилиши мумкин. Хўжалик блоки таркибида тротуарларни тозаловчи машиналар учун туриш жойларини ҳам назарда тутиш лозим. Ўртacha шароитларда микрорайонга умумий (фойдали) майдони 700-800м<sup>2</sup> бўлган шундай турдаги битта бино етарли бўлади.

Унча катта бўлмаган бир қаватли хўжалик блоклари лойихалари баъзида техник ер тўланинг қурилишини ҳам назарда тутади, унинг майдони тўла фойдаланилмаслиги мумкин. Техник ер тўлани одатдаги ер тўла билан алмаштиришда унда доимий гараж-тўхташ жой жойлаштирилиши мумкин.

7.10.- расмда ер тўласида 50 ўринли гаражни жойлаштириш варианти бўлган хўжалик блоки биносини режалаштириш схемаси келтирилган. Бундай қўшма бинонинг асосий хоналари режаси уй клуби бўлган ХУЖМШ (Хусусий уй-жой мулқдорлар ширкати) идорасига ва тротуарларни тозалаш машинаси учун хонаси бўлган устахоналарга киришни бинонинг қарама-қарши томонларидан ташкил этишдан келиб чиқиши керак. Бу унинг яқин турар-жой уйларига ва ички ўтиш йўлларига нисабатан мўлжал олишни енгиллаштиради. Кириладиган ўрнатилган очик рампани устахоналарга кириш эшиги ёнига жойлаштирган яхши, бунда очик бўлган хўжалик майдончасининг бир қисми банд қилинади.

Хўжалик блокларининг алоҳида турган биноларини ероғи гараж-тўхташ жойлари билан қўшиш жуда яхши самара беради. Аммо бу усул автомобилларнинг доимий тўхташ жойида арзимаган миқдордаги жойни-кичик туманнинг 1000 нафар ахолисига уч-бешдан ортиқ бўлмаган жойни

таъминлаши мумкин, бинобарин бу усул, оммавий қурилиш шароитлари нуқтаи назаридан кенг қўлланилмайди.



**7.10.-расм. Кичик туман ТЧСЖнинг хўжалик блоки хонаси ер тўладаги гараж-тўхташ жойи билан:** а- ертўланинг режаси; б- биринчи қават режаси; в- қиркими; 1- ер тўлагача кириши ва чиқиши рампаси; 2- ёрдамчи хона; 3- вестибюль; 4- ХУЖМШ; 5- ХУЖМШ қошидаги устаҳоналар турадиган хона; 6- асбоб-ускуналар турадиган хона

Коммунал ва бошқа нотурар жой худудларида шахсий фойдаланишдаги автомобиллар учун гараж-тўхташ жойларини лойихалашда ва қуришда шаҳарсозлик нуқтаи назаридан намунавий ечимни танлаш биринчи навбатда сифими ва қаватлиликини ошириш талабига бўйсундирилган. Шу билан бирга фақат ер худудларини тежашнигина назарда тутмай, балки бир сутка давомида автомобилларнинг кириши ва чиқишининг етарлича эркин шартларини таъминлаш, бинодан фойдаланишга ва хизмат кўрсатувчи ходимларни сақлашга минимал харажатлар, шунингдек шаҳарни автомобиллаштириш даражасининг ўсиб боргани сари қурилаётган йирик гаражларда тўхтаб туриш жойларининг умумий сони аста-секин тўплана бориши бўйича талабларни ҳам назарда тутиш керак.

Мавжуд тажриба асосида нотурар жойларда шахсан фойдаланиладиган автомобиллар учун гаражларнинг мақбул сифими 500-1000 жойни ташкил этади. Қаватлиликка келсак, у ҳолда механизациялаштирилмаган гараж тўхташ жойларининг қаватини олтидан (беш қаватгача қўтарилиши) ортиқ ошириш баъзида кўп вақт йўқотилишига ва автомобилнинг ўзи барча оралиқ қаватлар орқали қўтарилишида ҳайдовчиларнинг чарчашига (толиқишига), йўловчилар лифти ўрнатилиши зарурлигига, шунингдек бинонинг пастки қаватларида устунларни кучайтиришга қўшимча ҳаражатлар қилишга олиб келиши мумкин.

Йирик гаражларни нотурар жой худудларида жойлаштириш санитария узилишларини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳатто унча катта бўлмаган туманда учрайдиган кийинчиликларни вужудга келтирмайди. Амалдаги меъёрларга кўра сифими 100 ўриндан ортиқ бўлган шахсий автомобилларнинг ҳар кандай гаражидан нотурар жой худудида жойлашган жамоат биноларигача минимал санитария узилиши 20м ни ташкил этиши керак.

Нотурар жой худудларида жойлаштирилладиган гаражларнинг сифимини ва қаватлигини оширишдаги асосий талаблардан ташқари қуйидагиларни ҳам ҳисобга олиш керак:

- шахсий автомобиллар учун иирик гаражларда, давлат автохўжаликлиридан фарқли равишда, ҳаракатланиш ва маневр килиш учун, шунингдек нопрофессионал ҳайдовчилар яхши мўлжал олиши учун янада қулай шароитлар яратишнинг мақсадга мувофиқлиги;
- шахсий автопаркдан фойдаланиш ҳисобига транзит ҳаракатлар ва бинобари, гаражнинг ўзида ички ўтиш йўллари бўйича ҳаракатланишининг нисбатан кам жадаллиги сабабли автомобилларнинг ички қаватлароро ўтиш йўлларини куриш имконияти;

- бинонинг ерусти ва еости қисмларидаги қаватларнинг жойлашиши ва сонининг махаллий шароитлар бўйича ўзгаришнинг мақсадга мувофиқлиги, бунда уйнинг конструктив схемаси ва режавий тузилмасидаги мухим ўзгаришларга олиб келмаслиги керак;
- режада гаражларнинг габаритларини фақат чеклаб қолиш зарурлиги эмас, балки асосий кириш ва чикиш дарвозаларини шаҳар ўтиш йўлига қараган асосан бир томондан жойлаштириш лозимлиги;
- у ёки бу турдаги гаражлар биносининг шаҳар ландшафтининг турлича ҳолатида, шу жумладан фронтал ёки орол шаклидаги бинолар қурилишда жойлаштиришга яроқли эканлиги.

Кўп қаватли (кўп ярусли) гаражларнинг жуда кўп турлари мълум.

Улар орасида асосийлари қуидагилар ҳисобланади: рампалари туташган ёки алохида; рампалари ўрнатилган, ярим рампали (хьюмирампали) нишаб ёпмармапали ва рампасиз механизациялаштирилган.


#### **7.3.4. Рампалари туташтирилган гаражлар**

Бундай гаражлар давлат автохўжаликларида кўп тарқалган. Улар тўхташ жойи хоналарининг тез тўлдирилишини ва бўшатилишини таъминлайди ва қаватлар бўйлаб транзит ҳаракатланишга эга эмас. Ҳар бир қават бошқалардан алохида ҳолда тўлдирилади. Шу билан бирга алохида рампаларнинг қурилиши ер участкасининг анча орттирилиши билан боғлиқ.

Бундан ташқари, тўғри туташган рампаларда қаватлиликнинг ўзгарилиши тўхташ жойини режалаштиришни ўзгартирисига олиб келади. Қаватлиликнинг ўзи тўғри туташтирилган рампаларнинг узунлиги билан чегараланади ва кўп қаватли гаражга ёндаштирилган ҳар қандай рампа атрофдаги иморатлар олдида бинонинг ҳажмий-фазовий ечимини объектив равища мураккаблаштиради (7.11.- расм).

215 ўринга мўлжалланган уч қаватли гараж тўғри туташтирилган рампалар билан шундай лойихалаштирилганки, бунда чет томондан иккинчи қаватга ва биринчи ҳамда учинчи қаватларга ён томонлардан харакат қилиш учун кириш йўллари ва рампалар учун бинонинг уч томонида худуднинг катта қисми банд бўлган:. Участканинг умумий ўлчамлари 0,6 га ( $80 \times 75\text{m}$ ), яъни 1 та машина ўринга худуднинг  $28\text{m}^2$  майдонга тўғри келади.

Ҳар бир қаватнинг атрофдаги худуд билан гаражнинг умумий нисбатан унча катта бўлмаган сифимида туташган рампаларни куриш йўли билан тўғри алоқа қилишга интилиш исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас. Бу худуд анча каттароқ сифимга эга гаражни жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин эди.



**7.11.- расм. 215 ўринли тўғри фазовий рампали уч қаватли гараж:  
а- участканинг режаси; б-биринчи қаватнинг режаси; в- қирқим.**

### 7.3.5. Рампалари ичига ўрнатилган гаражлар


Рампалари ичига ўрнатилган гаражлар юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлардан нисбатан анча озоддир, лекин шундай бўлса ҳам йирик шахар шароитида оммавий курилиш нуқтаи назаридан тежамкор эмас.

Ўрнатилган тўғри рампалар 104, 218 ва 474 машина ўринли икки қаватли ва уч қаватли гаражларнинг намунавий лойихаларида қўлланилган.

7.12.- расмда хар бири 218 ўринга мўлжалланган иккита тўсилган намунали гаражларнинг жойлаштирилиш схемаси келтирилган. Унча кўп қаватли бўлмагани муносабати билан бу ердаги ер участкасининг зарурий ўлчовлари 0,9 га ( $160\times55$ м). Бу бир ўринга  $20\text{m}^2$  худуд тўғри келишини англатади, бу эса йирик шаҳар шароитида оммавий қурилиш нуқтаи назаридан тежамли эмас.

7.12.- расмда тақдим этилган, рампалар ўрнатилган гаражнинг умумий лойихаси худуддан фойдаланиш даражаси бўйича камчиликларидан ташқари иқтисодий, технологик, конструктив ва меъморий режавий тартибдаги бошқа камчиликларга эга, шу жумладан:

- юқори қаватининг баландлиги керагидан ортиқ;
- учинчи қаватда жойлаштирилган автомобилларнинг чиқиб кетишининг вазиятга боғлиқлиги;
- оммавий фойдаланилаётган замонавий автомобилларнинг габаритлари ва маневрчанлиги нуқтаи назаридан пассажининг ҳар бир тўхташ жойи ортиқча кенглиги (18м);
- ўрнатилган устунлар тўри муносабати билан машиналарнинг маневр қилиш шароитларининг ички ўтиш йллари кўринишининг чекланганлиги;
- бинонинг ташқи қиёфасига шаҳар иморатларининг меъморий талабларига мос эмаслиги;
- умумий ҳажмий-режавий ечимнинг тежамкорлиги етарли эмаслиги (бир ўринга тахминан  $105\text{m}^2$  қурилиш ҳажми).




**7.12.- расм. Хар бири 218 ўринли уч қаватли түсилган умумий гаражлар:**  
***а- участканинг режаси; б- биринчи қаватдаги бир блокнинг режаси; в- қирқим;***  
***1- шахарнинг ўтиши ўйли; 2- 218 ўринли авто-тұхташы жойи блоки; 3- ўрнатылған***  
***рампалар.***

#### **7.3.6. Яримрампали гаражлар**

Бу турдаги гаражлар (икки марта қисқартирилган рампали) түхташ жойи қўшни пассажларининг баландлиги бўйича ярим қават суришни назарда тутади. Бу усул түхташ жойи хоналарининг ва ички ўтиш йўлларининг тежамли режаланишига имкон беради. Ярим рампаларнинг 0,16 қиялиги, устёпма билан химояланган рампалар учун талаб этилгани каби, қаватнинг баландлиги 3м бўлганда ҳар бир ярим рампа узунлиги 9,4м дан ортиқ бўлганда таъминланади.

7.13.- расмда йирик қўп қаватли ярим рампали гаражнинг лойихаси келтирилган. Бу лойиха қаватларнинг силжишини ҳар қандай ярим рампали гаражнинг жойлаштирилиши қоидаси сифатида намойиш қиласди. Бироқ умумий фойдаланишдаги кичик габаритли машиналарни жойлаштириш учун бу ерда танланган устунлар тўри самарали ечим бўла олмайди.

Машиналарнинг айнан битта ўтиш йўлидан кўтарилишга энг яхши ечим хисобланмайди. Мазкур мисолда шу билан бирга ярим рампали гаражларнинг барчаси учун муқаррар бўлган камчилик- тўхташ хонасида ички ўтиш йўллари бўйича харакатланишнинг шу ҳаракат йўналиши ва қиялигининг бир вақтда тез-тез ва кескин ўзгаришлари билан мураккаблаштирилиши кузатилади.




**7.13.- расм. Йирик ярим рампали гараж лойихаси:**

*а- умумий қават режаси; б- қирқим*

### **7.3.7. Нишаб ёпмали гаражлар**

Нишаб ёпмали гаражлар (ёпмаси нишаб гаражлар) нишаб ёпмага эга бўлиб, уларда машиналар хам сакланади, хам уларнинг кўтарилишига ва пастга тушиши амалга оширилади. Автомобилни навбатдаги қаватнинг ярмига тенг баландликка кўтарилиши ва туширилиши тўхташ жойи полининг кия кисмлари билан таъминланган.

7.14.- расмда нишабли кўп қаватли гаражнинг лойихаси келтирилган, унинг хусусиятларига ички ўтиш йўлларида машиналарнинг рўпара оқимларининг мавжудлигини, шунингдек қабул қилинган ўнта ярус кўтарилишдаги ортиқча катта қаватлиликни айтиш мумкин.



**7.14.- расм. Нишаб ёпмали-рампали ва машиналарнинг киришда ва чиқишдаги ҳаракатлар қўшилган (рўпара) қўп қаватли гараж:**

*a- бирничи қават режеаси; б- қирқим*

Нишабли гаражларни шахсий автомобилларни доимий сақлаш учун қўп қаватли гараж турини танлашда объектив энг мақсадга мувофиқ ечим деб ҳисоблаш мумкин. Турган автомобилнинг ўқига перпендикуляр йўналишдаги полларнинг қиялиги камида 0,04 бўлиши керақ, бу қаватнинг баландлиги

1,5м бўлганда ёпманинг ҳар бир қия учаскасининг 37,5м узунлигини беради. Машиналарнинг йўналишларини ўзgartириш учун зарур бўлган ёпмаларнинг горизонтал участкаларини ҳисобга олиб, бинонинг одатдаги узунлиги камида 50м бўлади.

Нишаб ёпмали гаражлар автомобилларнинг юқорига кўтарилиш ва пастга тушиши ҳаракатида ва бурилиб қайтишлар масаласида яримрампали гаражларга хос бўлган қийинчиликлардан холидир. Бу ерда полларнинг кескин қияликлари йўқ, 0,04 га teng қиялик эса ҳайдовчи томонидан ҳаракатланиш вақтида ҳам, автомобилни қўйиш учун маневр қилишда ҳам ва чиқиб кетишида ҳам деярли сезилмайди. 0,04 қиялик автомобилни бундай кўндаланг қияликда узоқ вақт саклагандан замонавий автомобилларнинг айрим агрегатлари ҳолатига амалий жихатдан хеч қандай таъсир кўрстмайди. Шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, мазкур қияликда полни ювишда қиши пайтлари шиналар шаҳар кўчаларидан олиб кирадиган тузни йўқотиш осонлашади, бинобарин, горизонтал поллари бўлган шаҳар гаражларида кенг тарқалган темирбетон конструкцияларнинг тузли коррозиясига қарши кураш осонлашади.


Нишаб ёпмаси барча гаражларнинг муҳим камчилиги бўйлама каркасдан фойдаланилганда тўсин ва устунларнинг чоклари маълум мураккабликка эга бўлишидадир, бунинг сабаби бу элементларнинг тўғри бурчак остида туташтирилмаганлиги ҳисобланади.

### **7.3.8. Нишаб – винтли ёпма рампали гаражлар**

Улар режада доиравий шаклда бўлиши туфайли шаҳар бинолари қиёфасига осон киришиб кетади ва уларга ҳар хиллик ва ифодалилик бахш этиши, айниқса шаҳарсозлик teng қийматли атроф вазиятида бўлган орол туридаги участкалардан фойдаланишда ифодаланади.

7.15.- расмда 220 ва 1050 ўринли нишабли винтли шаҳар гаражлари лойихалари таркибида ишлаб чиқилган, деворлари гиштли вариантдаги 220 ўринли нишаб-винтли гаражнинг лойихаси келтирилган.

Режада думалоқ бино диаметрлари 33 ва 10м бўлган иккита концентрик халқани ҳосил қиласи, уларнинг орасига тўхташ жойи ва ўтиш йўли, марказда эса светоаэрацион шахта енгил қоплама ва вентиляция қурилмаси билан жойлаширилади. Узлуксиз спираль бўйлаб жойлашган нишаб-винтли ёпма бир вақтда автомобилларнинг тўхтаб туриши учун ва кўтарилишига ҳамда пастга тушишда ҳаракатланиши учун хизмат қиласи. Режада ягона трапециясимон шаклдаги ва Т- симон кўндаланг кесимдаги ёпма плиталар ташки ҳалқасимон деворга йиғма темирбетон ёстиқчаларни кўлланган ҳолда, ички деворга эса (шамоллатиши учун бўшлиқлари бўлган ва қўшимча ҳайдовчиларнинг кўриб мўлжал олишлари учун) – монолит темирбетон камари (белбоги) орқали ётқизилади. Гаражнинг ерусти ва еrosti яруслари сони зинапоя шароитларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Бу турдаги нишаб-винтли гаражларнинг лойихалари экспериментал қурилиш учун тасдиқланган.




**7.15.- расм. Нишаб – винтли ёпма рампалари бўлган 220 ўринли юмалоқ гараж**  
**a- режа; б- қирқим; в- ёпма плита**

### 7.3.9. Ярим механизациялаштирилган гаражлар

Мазкур ҳолда автомобилларни ўз юриши билан кўтариш ва тушириш имконияти билан бирга рампали ва механизациялашган тизимлар орасидаги асосан оралиқ ечим бўлиб хисобланган юк лифтлари назарда тутилган гаражлар тушунилади.

7.15.- расмда ярим рампалари ва кўттарувчи- лифтлари бўлган кўп қаватли гаражнинг лойиҳаси тақдим этилган. Автомобилларни кўтариш ва туширишнинг бу икки турли хил усусларни кўшишдан ташқари бу лойиҳанинг хусусияти бу ерда автомобилларни уч қаторли тупикли жойлаштириш хисобланади. Бу лойихалаш амалдаги меъёрларда кўзда тутилмаган ва фақат истисно тариқасида, масалан ломбард-гаражлар учун рухсат этилиши мумкин.



7.15.- расм. Ярим механизациялаштирилган кўп қаватли гараж-тўхташ жойи:


*a- режса; б- қирқим; 1- юк лифти; 2- яримрампа.*

### **7.3.10. Механизациялаштирилган гаражлар**

Механизациялаштирилган гаражларни лойихалаш, куриш ва фойдаланишда чет элда тўпланган кўп йиллик тажрибага қарамай етарлича мукаммал ва самарали тизимни излаш тўхтатилгани йўқ.

Автомобилларни тўхташ жойига қўйиш ва ундан чиқариб бериш жараёнини механизациялаш қоидаси бошидан охиригача амал қилингани, яъни бу жараён инсоннинг бевосита иштирокини талаб қилмайдиган қоида энг муваффақиятли ҳисобланади. Автомобил эгаларининг тез-тез фойдаланишларига мўлжалланган механизациялаштирилган гаражлар ва гараж-автоматларнинг мураккаб ва қимматбаҳо жихозлари механизациялашдан олинадиган самарани оммавий кириш ва чиқиш шароитида ишловчи ҳамда лифтлардан ташкил топган гараж-тўхташ жойларидан фойдаланиш амалиётидан автомобилларни танлаш ва жойига қўйишида битта лифт кўп қаватли гаражда кўпи билан 100 та машина ўринга хизмат кўрсатиши мумкинлиги аниқланган ва бунда лифтга киришдан олдин нотекис кириб келаётган машиналарни вақтинча тўхтатиб турадиган етарлича катта ўлчамдаги маҳсус тўпловчи майдончани ёки берк хонани куриш талаб этилади. 7.17.- расмда автомобилларни вертикал ва горизонтал кўчириш учун кўтаргичлар билан жихозланган механизациялаштирилган гаражнинг лойихаси келтирилган. Лойихада кўринишича, автомобилларни қабул қилиб олиш ва чиқариб бериш учун зарур хоналарнинг ўлчовлари тўхташ жойининг ўлчовларига teng бўлиб қолиши мумкин.

Рампасиз механизациялаштирилган гараж-тўхташ жойлари автомобилларни тез-тез қабул қилиш ва чиқариб бериш билан боғланмаган, масалан, мавсумий фойдаланиладиган машиналарни узоқ муддат сакланадиган гараж- ломбардларда, катта сигимга эга узоқ муддатли тўхташ жойлари сифатида энг яроқли ҳисобланади.



7.17.- расм. Күчма юк лифтли бўлган механизациялаштирилган кўп қаватли гараж-тўхташ жойи лойихаси:

*а- биринчи қавати режаси; б- I-I бўйича қирқим; 1- қабулхона; 2- ювши жойи; 3- диспетчернинг ўрни; 4- машиналар учун йўналтирувчилар; 5- иккита машинага мўлжалланган бокс; 6- тўртта кўчма кўтаргичлар учун шахта; 7- кўчма кўтаргичлар; 8- профилакторий; 9- тушиши жойи; 10- чиқиши.*

#### 7.4. АВТОТЎХТАШ ЖОЙЛАРИ

Шаҳарда автомобилларни доимий сақлаш учун (турар-жой кичик туманларида ва йирик нотурар-жой худудларида) гараж-тўхташ жойларидан ташқари оммавий ташриф буюриладиган жойлар яқинида умумий фойдаланишдаги киска муддатли тўхташ жойлари зарур.

Доимий гаражлардан фарқли равишда киска муддатли тўхташ жойларига асосий талаблар- хайдовчи учун автомобилнинг енгиллаштирилган шароитларини ва айниқса автомобилни тўхташ жойидан йўлга тез ва тўсиқсиз олиб чиқиши шароитларини таъминлашнинг

зарурлигидадир. Бу маънода чиқиб кетишнинг узун транзит йўлларини истисно қилиш ёки чеклаш билан боғлиқ, шунингдек автомобилларни қия бурчакли жойлаштиришнинг мумкинлигини таъминловчи қарорлар дикқатга сазовардир. Бундан ташқари, индивидуал автопарк учун қисқа муддатли умумشاҳар тўхташ жойлари, одатда, давлат авто-хўжликлари енгил автомобилларининг умум-шаҳар тўхташ жойларидан алоҳида қурила олмагани учун бундай тўхташ жойлари доимий гаражларга нисбатан турли марқадаги ва турли габаритдаги машиналарни жойлаштириш талабини қаноатлантириши керак. Очиқ тўхташ жойларида автомобиллар орасидаги масофа ёпиқ хоналарда сақланадиган машиналар орасидаги масофадан 10% катта бўлиши керак.

Қисқа муддатли тўхташ жойлари учун ўзига хос бўлган бу талаблардан ташқари бу ерда барча шаҳар гаражлари ва тўхташ жойлари учун умумий бўлган ер участкаларини тежаш ва транспорт ҳаракатини пиёдалар ҳаракатидан ажратиш бўйича талаблар кучда қолади.

Умумий фойдаланишдаги шаҳар қисқа муддатли авто-тўхташ жойларини қуришнинг қуийдаги энг кенг тарқалган ҳоллари ажратилиши мумкин:

- ер сатҳидаги очиқ майдонча кўринишидаги текислик;
- турли вазифадаги жамоат биноларининг ер тўлаларидаги ерости;
- шаҳар кўприкларига ва бошқа йўл-транспорт иншоотлари яқинида қурилган.

#### **7.4.1. Очиқ текис тўхташ жойлари**

Очиқ текис тўхташ жойлари энг оддий ечим ҳисобланиб, аммо шу билан бирга ер худудларидан фойдаланишда энг кам тежамлидир. Бундай қарор қабул қилинганда автомобиллар тўхтаб туриши учун участканинг умумий юзи шаҳарни автомобиллаштиришнинг юқори даражасида корхона ёки муассаса эгаллайдиган участка юзига тенг бўлиб қолиши мумкин. Текис

очиқ тўхташ жойлари уларнинг сигими унча катта бўлмаганда ва уларни қуриш мазкур худуднинг режавий ташкил этилишини бузмаганда ўзини оқлади. Амалий жихатдан, йирик очиқ тўхташ жойлари мавжуд бўлган ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилмайдиган қаттиқ қопламали майдонларни маълум бир муддатга мослаштириш йўли билан ташкил этилиши мумкин, лекин бундай иншоотларни шаҳарда маҳсус қуришдан қочиш керак.

#### **7.4.2. Жамоат биноларининг ер тўлаларидағи қисқа муддатли тўхташ жойлари**

Шаҳар кўприкларига чиқаверишдаги авто-тўхташ жойлари- бу жойга машиналарнинг кириши ва чиқиши асосий транспорт оқимини тўхтатмасдан мумкин бўлганда қўлланилиши мумкин. Амалда шаҳар кўприкларига чиқавериш остида тупроқ кўттармаси ўрнига кўприкнинг ҳар бир томонидан тахминан 100 ўринли сигимда, уларни икки сатҳда жойлаштириб ташкил этиш мумкин, чунки кўприкка чиқаверишдаги одатдаги баландлик (транспортнинг ўтиши учун минимал кўприк ости габарити билан аниқоанадиган 4,5м), шунингдек кўччанинг қатнов қисмидаги унча катта бўлмаган қияликлар (одатда 0,5%) ва анча катта кенглик (14м ва ундан ортиқ) пастки қаватда узунлиги 90м гача ва юқори қаватда узунлиги 30м гача бўлган жой олишга имкон беради.

Авто-тўхташ жойларини жамоат биноларига туташтириб қуриш ва йирик шаҳарда муқаррар бўладиган сунъий иншоотлар уларнинг хилмажиллиги равshan бўлгани учун умумий бўла олмайди. Умумий ечимларни ишлаб тайёрлаш учун ерусти ва еrosti қисқа муддатли авто-тўхташ жойларини шаҳар кўчалари бўйича ташкил этиш анча маъкулдир.

Лойихалаш амалиётида қўлланиладиган шаҳсий авторпарт учун гаражлар ва тўхташ жойлари бўйича қарорларни қараб чиқиши натижасида бу иншоотларнинг аксарият кўпчилигининг сигимини ошириш хозирги вақтда мақсадга мувофиқлигини кўриш мумкин.

Шаҳсий автопарт учун гаражлар ва тўхташ жойларини лойихалаш тажрибаси ва қуриш амалиёти умумий ечимларни танлаш учун фойдали

материал беради. Шу билан бирга оммавий қурилиш нүқтаи назаридан асосий қурилиш параметрларининг ҳар хиллиги, яъни тўхташ жойлари ва ички ўтиш йўлларининг эни, устун тўрларининг ўлчамлари, ҳар хиллигига йўл қўйиб бўлмаслиги, шунингдек автомобилнинг хисобий габаритлари ва маневрчанлигига, уни сақлаш ва хизмат кўрсатиш шароитларига турлича ёндошиш ўзига диккатни жалб этади.

**Назорат саволлари:**

- 1.** Ҳар қандай авто-тўхташ жойининг хисобдаги сифими қандай омилларга боғлиқ бўлади?
- 2.** Гаражлар ва тўхташ жойларининг зарурий сифими қандай аниқланади?
- 3.** Ер худудларини авто-тўхташ жойлари қурилишига захиралаш нимага боғлиқ?
- 4.** Шахсий автомобилларнинг сақлаш жойлари билан таъминланганлик коэффициенти қандай аниқланади?
- 5.** Йирик шаҳар шароитларига нисбатан гараж ёки тўхташ жойининг мақбул турини аниқлаш нимага боғлиқ?
- 6.** Механизациялашган еости гаражлари қандай қулайликларни таъминлайди?
- 7.** Кириш ва чиқиш рампалари сони нимадан келиб чиқиб белгиланади?
- 8.** Туар-жой уйлари остидаги гаражлар-тўхташ жойлари қандай афзалликларга эга?
- 9.** Қисқа муддатли тўхташ жойларига қандай асосий талаблар қўйилади?
- 10.** Очик текис тўхташ жойларининг асосий афзалликлари ва камчиликлари нимада?

## **8. СПОРТ ИНШООТЛАРИ**

### **8.1. СПОРТ ИНШООТЛАРИ ТАСНИФИ**

Спорт иншоотлари асосан ўргатиш ва машқ қилиш учун мўлжалланган бўлиб, **унга ўқув-машқ, томошабинлар иштирокида мусобақалар ўтказиш, намойиш қилиш, ва умумий жисмоний тайёргарлик ўтказиш, фаол дам олиш учун мўлжалланган иншоотлар ҳам киради.** Шу билан бирга иншоотнинг асосий вазифаси ўзгариши ҳам мумкин, чунки мусобақалардан бўш вақтда намойиш қилинувчи иншоотлар одатда ўқув-машқ қилиш машғулотлари учун ёки фаол дам олиш учун фойдаланилади.

**Добавлено примечание ([F1]): га**

Болалар учун спорт иншоотларига биз ўлчамлари ва жихозлари болаларнинг ўқув-машқ машғулотлари, мусобақалар ўтказишга ёки фаол дам олишларига мўлжалланган қурилмаларни киритамиз (масалан, болалар бассейни, болаларнинг спорт шаҳарчаси).

Спорт иншоотлари таркибига асосий, ёрдамчи иншоотлар ва хоналар, намойиш қилинадиган спорт иншоотларига ундан ташқари томошабинлар учун хоналар ва иншоотлар мажмуи киради.

Асосий иншоотлар жисмоний тарбия бўйича амалий машғулотлар, ўқув-машқ қилиш машғулотлари ва соғломлаштириш ишлари ёки мусобақалар учун мўлжалланган.

Ёрдамчи хоналар, иншоотлар ва худудлар спорт билан шуғулланувчиларга хизмат қўрсатиш учун (ечиниш, ювиниш, массаж қилиш хоналари ва бошқалар), намойиш қилиш иншоотларидаги томошабинларга хизмат қўрсатиш учун, шунингдек спорт иншоотларидан фойдаланиш учун мўлжалланади.

Спорт иншоотлари очик ва усти берк бўлади. Усти берк деб шундай иншоотларга айтиладики, уларда асосий машғулотлар ёпиқ хоналарда (спорт заллари, ёпиқ бассейнлар ва бошқаларда) ўтказилади. Очик иншоот деб эса, асосий машғулотлар очик ҳавода ўтказиладиган иншоотларга айтилади. Очик спорт иншоотлари, одатда, асосий очик иншоотлардан ва павильонлар ёки

минбарлар остида жойлашган ёрдамчи хоналардан (масалан, очиқ ваннали ва ёрдамчи хоналар учун павильони бўлган бассейн, очиқ спорт ядроси ва фазода ёрдамчи хоналари бўлган стадион) иборат бўлади.

Спорт иншоотлари спорт турларига боғлиқ ҳолда уларнинг функционал вазифасига кўра (сузиш бассейни, сувга сакраш учун бассейн, футбол майдони ва бошқалар), шунингдек мансублигига кўра (умуман шахарда ёки тураг-жой туманида яшовчилар учун иншоотлар, мактаб иншоотлари ва бошқалар) таснифланади.

Алоҳида спорт иншоотлари битта спорт тури учун (боксчилар зали, волейбол майдони ва бошқалар) ёки курилмани алмаштириш мумкин бўлганда бир неча спорт турлари учун (спорт ўйинлари турлари ва гимнастика учун кўп мақсадли зал, хоккей ва фигурали учиш учун муз майдони) мўлжалланган.

Комплекс спорт иншоотлари худудининг умумийлиги билан бирлаштирилган ёки битта бинода жойлаштирилган бир неча алоҳида худудлардан иборат (доиравий югуриш йўлаги бўлган футбол майдони, спорт ядроси ва х.к.).

Спорт иншоотларининг ўлчамларига, шаҳарсозлик талабларига, моддий бойликларнинг тўпланганлигига, жихозларига ва амортизация омилларига боғлиқ ҳолда спорт бинолари ва иншоотлари тўртта синфга бўлинади. I синфга юқори талаблар қўйиладиган иншоотлар киради; IV синфга эса минимал талабларни қаноатлантирувчи иншоотлари 1- разрядли спортчиларнинг ўкув-машқ жараёнини тўла таъминлаши, шунингдек минтақавий республика, халқаро мусобақаларнинг ўтказилишини таъминлаши керак. II синф иншоотлари 2- разрядли спортчиларнинг ўкув-машқ жараёнини, шунингдек минтақавий (вилоят миқёсидаги) мусобақаларнинг ўтказилишини таъминлаши керак. III синф иншоотлари 3- разрядли спортчиларнинг ўкув-машқ ўтказиш жараёнини, шунингдек вилоят, шаҳар миқёсидаги мусобақаларни ўтказишни таъминлаши керак. 8.1.-

жадвалда спорт иншоотининг синфини аниқлашга имкон берувчи белгилар кўрсатилган.

#### **8.1.- жадвал.**

#### **Турли синфдаги спорт иншоотларининг тавсифи**

<b>Номи</b>	<b>Асосий кўрсаткичлар</b>	<b>Иншоот синфи</b>		
		<b>I</b>	<b>II</b>	<b>III</b>
Стадионлар	Минбарлардаги ўринлар сони, минг	40 дан кўпроқ	30-40	20-30
Спорт саройлари	Томошибинлар учун ўринлар сони, минг	14	12	10
Универсал спорт заллари	Сунъий музли аренаминбарлар, минг ўрин	36x70 и 30x61 3,0	30x61 м 1,5-3,0	30x61 м -
Енгил атлетика манежи	Доиравий йўлак, м Тўгри йўлаклар, м Минбарнинг сигими, минг ўрин	200 4x125 1,0	150-200 3x100 -	150 2x80 -
Сузиш учун бассейнлар	Ёпиқ ванналар зал билан, м Ёпиқ ва очик ванналар Минбарлар, ўрин	25x14,5 50x21 500	- 50x21 -	- 25x11 -

## **8.2. СПОРТ ИНШООТЛАРИ МИНБАРЛАРИНИНГ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ**

Минбарларни лойихалашда уларнинг турлари, ўлчамлари, шакллари, конструкцияларини танлаш, сифимини аниқлаш, меъёрида кўринишни таъминлаш ва бошқалар талаб этилади. Томошибинлар учун минбарлар очик ва усти берк спорт иншоотларида жихозланиши мумкин.

Минбарларнинг шакли ва уларнинг конструкциялари аҳолининг миқдорига, спорт турининг оммавийлигига, шунингдек мусобақаларнинг миқёсига боғлиқ холда танлаб олинади (8.2.- жадвал).

Ҳар бир алоҳида холда лойихалашга берилган топшириқда минбарларнинг сифими кўрсатилган бўлиши керак.

### **8.2.- жадвал.**

**Аҳолининг сонига боғлиқ холда (шаҳарлар ва шаҳар тусидаги  
қўргонлар учун) минбарларнинг тавсия этиладиган сифими**

Аҳоли сони, минг киши	1000 аҳолига ўринлар сони	
	Футбол ва енгил атлетика учун ареналарда	Қўл ўйинлари ва хоккей ареналарида
25	150	15
50	100	8
100	75	7
250	55	6
500	40	5

Минбарларнинг турлари уларнинг курилиши ва конструкцияси (стационар ва ўзгарувчан, ер тупроқли, темирбетон), минбарларнинг

жойлашиши, шунингдек уларнинг шаклига ва ҳ.к.ларга боғлиқ холда фарқ қилинади. Минбарларнинг шакли, режаси ва спорт аренасига нисбатан жойлашишига кўра бир, икки, уч ва берк бўлиши мумкин.

Дунё томонлари бўйича мўлжални ҳисобга олиб, минбарлар шимолий (амфитеатри шимолга қараган), жанубий ва ҳ.к. деб аталади. Шимол ва шарқка қараган амфитеатрли минбарларга афзаллик бериш керак, чунки кечки соатларда уларга қўёш қўзни қамаштирувчи нурлари тушмайди.

Мақбул шаклдаги минбарлар деб мусобақаларнинг мазкур тури учун энг яхши кўринишни таъминловчи участкалардаги қаторларнинг энг катта миқдорига эга бўлган минбарларга айтилади. Масалан, спринтерлик масофаларга югуриш мусобақаларида финиш қарисидаги қаторлар сони орттирилади ва бошқалар.

Томошабинларнинг жойларини югуриш йўллари чегараларидан ва спорт иншооти хавфсизлик худудларидан ташқарида жойлаштириш керак. Минбарларда бир кишига ўринларнинг ўлчовларини қўйидагича қилиб қабул қилинади:


чукурлиги- 30-35 см;

эни- 42-45 см;

қаторининг чукурлиги (ўтиш йўли ва ўтириш ўрни) – 75-85 см.

Ҳакамлар ложаси ва матбуот учун ўринлар 500 ва ундан ортиқ ўринли усти ёпиқ минбарларли спорт иншоотларида, кўл ўйинлари ва шайбали хоккей ўйинлари учун 2500 ва ундан ортиқ ўринли минбарларда, шунингдек очик футбол майдонларида ва 5000 ҳамда ундан ортиқ ўринли минбарлари бўлган спорт ядроси қошида ташкил этилади.

Қаторларнинг кўтарилиш киялигини ҳисоблаш орқали аниқланади. Бунда қиялик 1:1.45 дан ортиқ бўлмаслиги керак. Чунки қиялик орттирилганда томошабинларни минбарларга ўтқазиш ва чиқариш учун зинапояларни лойихалашда кийинчиликлар пайдо бўлади.




**8.1.- расм. Токиодаги Олимпия стадионининг спорт аренаси:**

**1- баландликка сакраш; 2- лангар чүп билан сакраш; 3- диск улоқтириши; 4- молот отиши; 5- узунликка ва уч карра узунликка сакраш; 6- ядро иргитиши; 7- найза улоқтириши; 8- 110м га старт; 9- 100м га старт; 10- 80м га старт; 11- 20км га старт; 12- 3000м га старт; 13- марафонга старт; 14- барча масофаларга югуриши финиши; 15- 1500м га старт; 16- 200 ва 5000м га старт; 17- футбол майдони (а ҳарфли рақамлар тегишли спорт тури бўйича томошабинлар учун ўринларнинг жойлашувини белгилайди, масалан, 1а- баландликка сакраш бўйича мусобақаларда томошабинлар учун ўрин); 18- футбол бўйича мусобақаларда томошабинларнинг чегаравий узоқлашиши шароитларидан минбарларнинг чегараси.**


Спорт ареналарининг минбарлари шаклини берилган сифим ва оптималь кўриниш шароитларига боғлиқ ҳолда белгиланади. 8.1.- расмда стадионнинг спорт аренасида турли хил спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказишида томошабинлар учун ўринларнинг энг мақбул жойлашиши схемаси кўрсатилган.

Шу схемадан фойдаланиб 8.2- расмда стадионларнинг спорт ареналари минбарлари шаклларининг кенг тарқалган ечимлари варианtlари кўрсатилган.



**8.2.- расм. Стадионлар старт ареналарининг минбарлари шаклиниң  
вариантлари:**

*a- кўринишнинг оптималь шароитларини таъминлашга мўлжалланган эгри  
чизиқли шакллар; б- соддалаширилган шакллар; 1- бир томонлама; 2- икки  
томонлама; 3- уч томонлама; 4- тўрт томонлама (симметрик); 5- тўрт томонлама  
(носимметрик); 6- икки томонлама (носимметрик).*



**8.3.- расм. Минбарларнинг конструктив ечимлари намуналари:**

*a- Цюрихдаги осилма соябонли темирбетон минбарларнинг конкурс  
лоийхалари; б- Фарбий Берлиндаги фазовий панжарасимон плита кўринишидаги  
пўлат соябонли темирбетон минбарлар (реконструкция); в- пўлат фермалардан  
осилма соябонли темирбетон минбарлар; 1- тузилиши; 2,3- устунлар; 4- тиргаклар.*


Бир томонлама минбарлар ўринлар миқдори 5 мингтагача бўлганда барпо этилади (масалан, барча масофаларга югуриш учун финиши жойлашган югуриш йўлаги қисми бўйлаб). Ўринлар сони 50-100минг бўлган

минбарларни аренанинг бутун периметри бўйича жойлаштиришга тўғри келади.

Ассиметрик ва бир томонлама минбарлар томошибинлар учун энг яхши шароитларни таъминлаш, рельефнинг хусусиятларини хисобга олиш ва бошқалар учун фойдаланилади. Маъқул мўлжалга эга бўлган минбарларда (шимолга, ёки шарққа), шунингдек жойнинг табиий шароитлари уларни қуришга қулийлик туғдирганда (табиий амфитеатрлар, қулий грунтлар ва бошқалар) энг кўп ўрин таъминланади.

Конструкцияларнинг таяниш усулларига боғлиқ ҳолда бевосита грунтда жойлашган тупрокли минбарлар ва мустакил таянч конструкциялардаги минбарлар фарқланади.

Очиқ спорт иншоотлари минбарлари минбар ости хоналарига ёки очиқ галереяларга ва зинапояларга, ҳимоя соябонларига эга бўлиши мумкин (8.3., 8.4.- *расмлар*).



**8.4.- расм. Темирбетон минбарларнинг варианлари:**

а- ёпмаси тўлқинсимон алюминийдан бўлган пўлат фермалар бўйича соябонли ва темирбетон элементли таянчлари бўлган Мехикодаги стадион минбарлари; б- Монреалдаги Олимпия стадионининг монолит темирбетон минбарлари.

### **8.2.1. Тупроқ қияликлардаги минбарлар**


Табиий ёки сунъий тупроқ қияликларида жойлашган минбарлар зинапояли бетон асосга, бетон, тош ёки ёғоч устунларга ўтказилади (8.5.-расм). Минбарлар асосининг горизонтал участкаларига сув оқиб кетиши учун

қиялик бериш зарур. Бевосита грунтда жойлашган минбарлар кўпинча кўкаламзорлаштирилган ер қияликларида чиройли тарзда жойлашган юклаш ва эвакуация қилиш йўллари билан жихозланади.

Тупроқли минбарлар одатда шамол ўтказувчи кўп қаватли иншоотлар билан тўлдирилади, уларга зарур ёрдамчи хоналар ва қурилмалар жойлаштирилади.


Тупроқли минбарлар кўпинча соябонсиз барпо этилади, лекин уларни қуриш имконияти истисно этилмайди. Мюнхендаги Олимпия стадиони тупроқ минбар устидаги вантли конструкциялар соябонларнинг ўзига хос ечими бўлиб, унда соябонларни кўтарувчи трослар баландлиги 70м бўлган кўприкларга маҳкамланган (8.6.-расм).

Агар минбарнинг пастки қисми грунтда жойлашган бўлса, юқори қисми эса темирбетон ёки бошқа конструкциялардан қурилади. Айниқса спорт аренаси ер сатҳидан чуқурлиқда жойлашганда соябонларни минбарларнинг аралаш конструкцияларида ҳам қуриш мумкин.



8.5. – расм. Грунтли асосдаги минбарларнинг конструкциялари:

*a- капитал турдаги; б- ўшанинг ўзи, соддалаштирилган турдаги; 1- монолит темирбетон; 2- дренажланувчи асос; 3- иигма темирбетон элементлар; 4- темирбетон (тош, бетон, металл) уступлар; 5- маҳсус қоришмалар (асфальт бетон, тош ёки бетон плиталар); 6- дренажловчи қатлам; 7- зичлаштирилган грунт; 8- тиргак девор; 9- скамейкалар учун уступлар (ёғоч, бетон ва бошқалар)*



**8.6.- расм. Мюнхендаги Олимпия стадиони марказий спорт аренаси соябонининг вантли конструкцияси (архитекторлар Г. Бейтель ва Г.Тейгерий):**

**1- Металл маҷтадарлар; 2- қўтарувчи трослар; 3- барқарорлаштирувчи трос.**

### **8.2.2. Ёғоч минбарлар**

Ёғоч минбарлар сифими 5000 кишигача бўлган жуда қиска муддатга асосан улар вақтинча амал қиласиган ҳолларда курилади. Уларнинг конструкцияси ёғоч материалларини минбарлар бузилганидан сўнг фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

### **8.2.3. Темирбетон минбарлар**


Конструкцияларга ҳар қандай ҳохишдаги шаклни бериш имконияти, мустаҳкамлиги ва ёнмаслиги минбарлар учун муҳим бўлиб, уларнинг кўпчилиги темирбетондан қилинади. Шунингдек йигма темирбетон, айrim ҳолларда зўриқтирилган – арматурали конструкциялар қўлланилади.

Барча зарур хизматчи ва ёрдамчи хоналарни жойлаштириш учун минбарлар остидаги бўш жойлардан фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади. Томошибинларни қуёш нурларидан ва ёмғирдан ҳимоя қилиш учун минбарлар томлар билан таъминланади. Томлар одатда минбарлардан кўришга халақит бермаслиги учун консолли қилинади.

Темирбетон минбарларда кўп ярусли ечимлар қабул қилинади. Темирбетон минбарларнинг энг оддий конструкциялари бўлиб устига томошибинларнинг ўриндиқлари жойлаштирилган, устунли тизим, қўтарувчи тўсинлар, тутиб турувчи плиталар ҳисобланади.

Барпо этилган минбарларнинг кўпчилигига монолит конструкция кўлланилган бўлиб, унда устунлар ва тутиб турувчи тўсинлар ўзаро бикр бириқтирилган ва ромли тизимни ташкил этади (8.7.- расм). Қолипларни тежаш учун минбарлардаги ўриндиклар тайёр темирбетон элементлардан ишланиши мумкин.


Минбарнинг томи кўндаланг ромлар текислигига жойлашган консолларга эга. Бу консолларга том ёпмаси қуббалари таянади.




**8.7.- расм. Монолит темирбетон минбарларнинг конструкциялари**

Кўп ярусли ромли минбарларнинг конструкцияси бир ярусли минбарларнидан анча мураккаб. Оддий кўринишда кўп ярусли минбарлар оғма тўсин косоурлардан ташқари минбар остидаги фазонинг қаватлараро ёпмаларининг кўтарувчи элементлари сифатида хизмат қилиб жойлашган горизонтал тўсинлар қаторига эга ромли конструкция билан тутиб турилади (8.8.- расм).

Баландлиги жуда катта бўлгани учун бундай минбарларнинг конструкциялари кўндаланг йўналишида кучли ривожланади ва режада жуда кўп жойни эгаллайди. Шунинг учун режада минбарлар эгаллайдиган майдон юзини қисқартириш учун горизонтал ва қия тўсинли, шунингдек, томошибинлар учун ўриндиклар жойлаштириладиган консолли тўсинли кўп қаватли ромларнинг янада мураккаб схемалари кўлланилади.



8.8.- расм. Йигма темирбетондан минбарлар конструкцияси.




8.9.- расм. Консолли түсінли күп қаватлы күренишидеги минбарлар конструкциялари.

Минбарлар остидаги фазо (бүшлик) тұла равища хизматчи хоналарни жойлаштириш учун мүлжалланади.

Ромли минбарлар конструкцияларининг ўзига хос деталлари (түсінлар косоурлар) одатдаги темирбетон конструкциялар каби арматураланади. Минбарларнинг устунлари түсінлар билан битта бикр бутун қилиб бириктирилади.

Минбарлар конструкцияси 15-20м дан 30-40м гача масофада жойлашған температура чоклари билан ажратилади.

Олдиндан зўриқтирилган темирбетоннинг кенг қўлланилиши муносабати билан ундан минбарлар конструкциясида ҳам фойдаланилади (8.10.- *расм*).




**8.10.- расм. Олдиндан зўриқтирилган темирбетон қўлланилган минбарлар конструкциялари**

Консолли қисмли ромларнинг ўрта ва юқори тўсиллари олдиндан зўриқтирилган арматурага эга. Йиғма конструкцияларнинг афзаликлари бир турли элементлар кўп миқдорда мавжуд бўлганда айниқса муҳимдир, улар катта стадионларнинг минбарларида тўла фойдаланилиши мумкин.

Темирбетон минбарларнинг конструкциялари тўла йиғма бўлиши ёки монолит темирбетон қисман ишланган бўлиши мумкин.

Қисман йиғма конструкцияларда аввало томошибинлар ўринларини йиғма қилинади. Кўпинча каркас тўсиллари ва устунлари йиғма қилиб ишланади. Пойдеворлар, одатда монолит қилинади.

Зиналар плитасини кўпинча косоуарларнинг тишли сиртига ётқизиладиган учбурчакли блоклардан тайёрланади (8.11.- *расм*). Косоуар блоклари ўзаро ва устунлар билан жойида монолитланадиган чоклар билан боғланади.



**8.11.- расм. Зиналар плитаси ва арматуралаш**

Минбарости фазоси (бўшлиқлари) кўпинча очик галереялар ва ёпиқ хоналар шаклида курилади. Бундай ечимлар айниқса жанубий туманлар учун мақсадга мувофиқдир. Жанубий худудларда очик галереяларнинг курилиши спорт иншоотининг индивидуал қиёфасининг яратилишига имкон беради (8.12.-расм).




**8.12.- расм. Стадион марказий спорт аренасининг минбарости фазосидаги галереялар (Токио)**


Кўп қаватли ва минбарости фазолари зинапоялар, пассажир ва юк лифтлари, эскалаторлар ва бошқалар билан жихозланади.

Минбарларнинг таянч конструкциялари сифатида заводда тайёрланган темирбетон йигма элементлардан кенг фойдаланилади (8.13.-расм). Таянч

конструкцияларни шунингдек металл түсінлар бүйічә ҳам ўрнатылади (8.14.-расм).



**8.13.- расм. Йигма темирбетон элементлардан қурилған минбарлар:**  
**1- косаур; 2- таянч; 3- минбар плитаси; 4- зинапояни ташкил этүвчи зиналар;**  
**5- кресло; 6- таянч элементтері.**



**8.14.-расм. Темирбетон ва металл косаурлар бўйича йигма темирбетон элементлардан қурилган минбарларнинг конструкциялари:**

**а- тўғри тўртбўрчак минбар ( $px$  6,0 ва  $Nx6,0$ ); б- эгри чизиқди минбар; в- минбарости хоналари устидаги ёпмаси алоҳида конструкцияли минбар; г- минбар конструкцияси минбарости фазосининг ёпмаси бўлиб хизмат қиласи; 1- минбарларнинг темирбетондан қилинган йигма “плиталари” 2,3- темирбетон ва металл косаурлар; 4- металл столча; 5- цемент қоплами; 6- шимдирилган шишамато, елимланадиган гидроизоляция; 7- темирбетон плита; 8- ҳимоя қоплами, плиткалар, арматураланган девор; 9- полимер гидроизоляция материаллари, асфальтбетон; 10- ўрнатиладиган деталлар; 11- металл бурчакликлар  $60x60x60$ ; 14- рейкалар (ёғоч, пластик); 15- шивеллер; 16- ёпмани осии учун арматура; 14- иситгич; 18- цемент қоплами ( $n$ , N- оралиқлар сони).**

Остида хоналар жойлашган очик минбарларнинг гидроизоляцияси мухим муаммо ҳисобланади. Минбар остидаги хоналарнинг эксплуатацион сифати ва ҳар йиллик таъмирлашга кетадиган харажатларнинг катталиги, бу муаммони ҳал қилишга кўп жихатдан боғлиқдир.


Гидроизоляцияни минбарларнинг бевосита конструкциялари устига ётқизиш тавсия этилмайди, чунки у томошибинларнинг оёқлари остида тез бузилиб кетади. Бундан ташқари, бундай ечимда юк қўтарувчи конструкцияларга маҳкамланган йиғма элементлар ва креслоларнинг таянчлари чоклар ўтган жойларда ишончли гидроизоляцияни таъминлаши қийин.

Минбарларнинг дўнглиги устидан гидроизоляция куришда факат мустаҳкам гидрофоб материалларни (пластмасса, шимдирилган шиша матолар ва бошқалар) кўллаш лозим.

Минбарларни гидрофоб қўшимчалари бўлган ва чоклари монолитланган сув ўтказмайдиган бетонлардан, хусусан, ўз-ўзини зўриқтирадиган темирбетондан куриш анча ишончлидир.

#### **8.2.4. Металл конструкцияли минбарлар**

Стадионларнинг минбарларида металл конструкциялар асосан уларнинг юк қўтариб турувчи тўсини учун, шунингдек минбарлар устидаги том ва соябонларни тутиб туриш учун қўлланилади. Минбарларнинг металлдан қилинган юк қўтарувчи тўсини устунлардан ва уларга тирагиб турувчи оғма тўсинлар – косаурлардан ташкил топади. Устунлар ўзаро бўйлама ва қўндаланг йўналишда боғланишлар тизими билан боғланади. Минбарларни тутиб турувчи қўтарувчи конструкция панжарасимон шаклда ишланиши мумкин. Зинасимон сирт темирбетон плитали конструкция кўринишида қилинади. Айрим ҳолларда минбарларнинг сирти пўлат листдан қилинади (8.15.-расм).



**8.15.- расм. Металл конструкциялардан тайёрланган минбарлар**

### **8.2.5. Минбарлар конструкциясини ҳисоблаш учун маълумотлар**

Минбарларнинг кўттарувчи конструкциялари ҳар қандай масъулиятли конструкциялар каби мумкин бўладиган барча юкланишларнинг энг қулай бўлмаган қўшилишларига ҳисобланган бўлиши керак.

Минбарларни ҳисоблашда асосий юкланишлар қўйидагилар:

- 1- Минбар элементлариниг хусусий оғирлиги;
- 2- Оломондан тушадиган юкланиш;
- 3- Қор юкланиши

Бундан ташқари қўшимча:

- 1- Шамол босими;
- 2- Температура ўзгаришларининг таъсири;
- 3- Таянчларнинг ўта чўкиши таъсири;

Лойиҳалаш меъёrlарига кўра оломондан минбарларга тушадиган юкланиш  $400 \text{ кг}/\text{м}^2$  га teng деб олинади.

Оломоннинг минбарларга динамик таъсирини ҳисобга олиб юкланишни  $600 \text{ кг}/\text{м}^2$  атрофида қабул қилиш тўғрироқ бўлади. Қор ва шамол юкланишини умумқурилиш меъёrlари бўйича қабул қилиш лозим. Сейсмик худудларда минбарларнинг конструкцияси сейсмик таъсиrlарга ҳам ҳисобланади.

### **8.2.6. Стадионларнинг минбарларини қуриш**

Стадионларнинг минбарларини қуриш ер қазиш ишларини, монолит темирбетон конструкцияларни тайёрлашни, йиғма темирбетон ёки металл конструкцияларни монтаж қилишни талаб этади. Грунт бўш бўлганда минбар пойдеворлари остига қозик оёқ асослар қурилади.

Грунтли минбарлар қуришда грунтни яхшилаб зичлаштириш керак бўлади.

Монолит темирбетон минбарларни қуришда катта ҳажмдаги ишлар: ҳавозалар ва қолипларни барпо этиш, арматурани монтаж қилиш бетонлаш ва бошқалар бажарилади.

Йиғма конструкциялар минорали кранлар ёрдамида монтаж қилинади. Минбарларнинг периметри бўйлаб ётқизилган йўллар бўйича ҳаракатланувчи минорали кранларнинг кўлланиши мақсадга мувофиқдир.

## **8.3. БАССЕЙНЛАР**

### **8.3.1. Умумий маълумотлар**

Битта ёки бир неча ваннадан, шунингдек ёрдамчи хоналардан ташкил топган бино ёки иншоотлар мажмуи бассейн дейилади. Спорт бассейнлари режада қатъий белгиланган шакл ва ўлчамларга эга бўлиши керак. Спорт бассейнлари усти ёпиқ ёки очик бўлади ва ҳар доим томошибинлар учун минбарлари бўлади.

Иситиладиган, деворлари ва ёпмалари барқарор конструкцияли бўлган хонада жойлашган ванналари бўлган бассейн ёпиқ бассейн дейилади. Ванналар жойлашган хоналар бассейннинг асосий зали дейилади.

Очиқ бассейнларда ванналар очик худудда жойлаштирилади. Улар ёзги суви иситиладиган, сузуб чиқиши йўллари бўлган, шунингдек қишга қайта ёпиб қўйиладиган бассейнларга бўлинади. Сузуб чиқиладиган жой- бу очик ваннани иссиқ ечиниш хоналари билан бирлаштирувчи канал бўлиб, у орқали

шүгүлланувчилар ечиниш хонасидан ваннага ва аксинча сузib чиқишилари мумкин.

Ёзги бассейнлар йилнинг фақат иссиқ пайтларида фойдаланилади.

Суви иситиладиган, иссиқ ечиниш хоналари ва ечиниш хонасидан ваннага сузib чиқирадиган ариклари бўлган бассейнлар йил бўйи фойдаланилади, бунда ванна қишида ҳам, ёзда ҳам очик ҳолда қолади. Қишида усти ёпиладиган ваннали бассейнлар йилнинг иссиқ пайтида очик бассейн тарзида, қишида эса ёпиқ бассейн тарзида фойдаланилади.

Асосий заллари конструкциялари ўзгартираладиган, бир неча минут мобайнида бассейн ваннасининг устини очиш ёки ёпиш имконини таъминловчи бассейнлар барча об-ҳаво шароитига мос бассейнлар дейилади.

Бир худуддан бошқа худудга кўчириш мумкин бўлган (йигма-ажралувчи конструкциялар мажмуи, йигилувчи-ажратилувчи ва кўчма ванналар ва бошқалар) ванналар мобиль ванналар дейилади.

Ўқув-машқ қилиш машғулотлари ва мусобақалар учун мўлжалланган бассейнлар спорт бассейнлари турига киради. Ўқув бассейнлари фақат ўқув машғулотлари учун мўлжалланган.

Ахоли чўмилиши учун мўлжалланган бассейнлар чўмилиш бассейнлари дейилади.

Тор, мақсадга йўналтирилган вазифани бажарувчи бассейнлар ихтисослаштирилган бассейнлар дейилади. Бу гурухга болалар сакраши учун (фақат сувга сакраши учун), чўмиладиган (фақат чўмилиш учун) ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган бассейнлар киради.

### **8.3.2. Бассейн ванналарининг шакли, ўлчамлари, конструкциялари ва жиҳозлари**

Барча турдаги бассейнларнинг асосий иншоотлари чўмилиш, ўқув-машқ қилиш машғулотлари, сузиш, сувга сакраш ва сув полоси бўйича мусобақалар ўтказиш учун мўлжалланган ванналар ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган ванналар сувга сакраш ёки сузиш ва сув полоси, катталар ва болалар учун мусобақалар, чўмилиш ёки ўқув-машқ қилиш

машғулотлари учун курилади. Санаб ўтилган сув спорти турларининг барчаси ёки бир нечтаси учун мўлжалланган ванналар универсал ванналар дейилади.

Ўқув-машқ ўтказиш ва намойиш қилинадиган бассейнларнинг ванналари шакли одатда режада тўғри тўртбурчакли бўлади. Бундай режадан чекиниш сакраш учун ихтисослаштирилган бўлинмаларни куришда, болаларни ўргатишда бўлиши мумкин.

Спорт сузиши учун оралиқ масофа жойлашган ванна деворлари қатъий равишида вертикал ва бир-бирига параллель бўлиши керак.


Сакрашлар учун мўлжалланган ванналар шакли сакрашларнинг хавфсизлигини тъминлаши керак. Одатда ванналар режада тўғри тўртбурчак шаклида курилади, бу улардан бошқа мақсадларда (сузиш ва сув полоси бўйича ўқув машғулотлари, мусобақалар олдидан сузувчиларнинг чигал ёзди машқлари ва х.к) фойдаланиш имкониятини тъминлайди.

### **8.3.- жадвал**

Режадаги ўлчамлар, м	Вазифаси	Бир йўла сигим, одам	
		Ванна бўйлаб сузиш	Максимал
50x25	Сузиш, сув полоси ва сувга сакраш бўйича ўқув-машқ машғулотлари	150	150
50x21		120	120
25x16		60	60
50x16	Сузиш, сув полоси ва сувга сакраш бўйича ўқув-машқ машғулотлари	90	100
50x11		60	100
25x11		40	50
16x8	Асосан болалар билан сузиш бўйича ва сув полоси элементларини ўрганиш бўйича ўқув-машқ	25	32
12,5x6		12	25


10x6	машғулотлари	9	20
------	--------------	---	----

Үкүв-машқ үтказиш ва намойиш қилинадиган бассейнларда ванналарнинг бўйлама профили шакли талаб қилинадиган чуқурлик ва тубининг қиялигини ҳисобга олган холда аниқланади. Улар ташриф буюрувчилар учун чиқариб юбориш имкониятига эга бўлиши керак (8.16, 8.17.- расмлар).



**8.16.- расм. Машқ қилиш ва мусобақалар үтказиш учун ванналарнинг бўйлама профили**

*h<sub>e</sub>- сувнинг чуқурлиги (1,80м- республика миқёсидаги мусобақалар учун ва ундан юкори; 1,20м- маҳаллий мусобақалар учун)*



**8.17.- расм. Машқ қилиш ва мусобақалар учун сакраш учун миноралари бўлган ванналарнинг профиллари:**

*h<sub>e</sub>- винанинг чуқурлиги (1,80м- республика миқёсидаги мусобақалар учун ва ундан ортиқ; 1,20м- маҳаллий мусобақалар учун); h<sub>4</sub>, l<sub>3</sub> ва l<sub>4</sub>- 8.4- жадвалдан аниқланади; l<sub>1</sub> ва l<sub>2</sub>- ушибу l<sub>1</sub>, h<sub>i</sub>, h<sub>j</sub> нинг катталикларига боғлиқ ҳолда*

Ванна тубининг сувни чиқариб ташлаш учун максимал қиялиги 0,01-0,02 (яхиси 0,02). Агар сувнинг чуқурлиги 1,8м дан кам қилиб қабул қилинган бўлса, у холда қиялик ташриф буюрувчилар учун ванна тубида


туриш ва юриш учун кулай бўлиши керак (лекин 0,05дан ортиқ бўлмаслиги керак). 1,8м чукурликда саёзроқ томонга қисқа ўтиш участкалари  $i=0,05 \div 0,1$  гача қияликка эга бўлиши мумкин.

Сувга сакраш мосламаларисиз ихтисослаштирилган ванналарнинг профиллари 8.16.- расмда кўрсатилган.  $l_1$  ва  $l_2$  катталиклар  $l_3$  катталикка боғлиқ холда аниқланади.

Расмда стрелка билан сувни оқизиб чиқариш йўналиши кўрсатилган (агар сув бошқа томонга оқиб тушса, у холда шу йўналишда сув чукурлиги  $h_i$  ортиб боради). Агар турли хил вазифани бажарувчи бир неча ихтисослаштирилган ванналарни куриш имконияти бўлмаса, у холда сузиш, сув полоси ва сувга сакраш бўйича ўкув-машқ ўtkазиш машғулотлари ва мусобақалар учун яроқли универсал ванналарни куриш тавсия этилади (8.17.-расм).

Кўп мақсадли вазифаларга мўлжалланган бассейнларда туби пастга тушувчи ванналар курилади. Улар сувга сакраш, сузишни ўрганишга бошлиётганлар ва болалар билан машғулотлар ўtkазиш учун яроқлидир.

Ваннанинг ҳаракатланувчи туби темирбетон ёки металлдан барпо этилади (8.18.-расм). Тубни кўтариш ва тушириш сурилиб чиқувчи металл таянчлар ёрдамида гидравлик домкратлар билан амалга оширилади.



**8.18.- расм. Ваннанинг ҳаракатланувчи туби:**

**1- кўтариувчи платформа; 2- гидравлик кўтаргичнинг вертикал штоки; 3- сув сатҳи; 4- галтакли ва ошиқ-мошиқли ўтиш платформаси; 5- ваннанинг туби; 6- галтак; 7- ошиқ-мошиқ; 8- эластик устқуйма; 9- сальник.**

Мусобақалар ўтказиладиган ваннанинг кенглиги йўлакчалар энига каррали бўлиши керак. Амалдаги қурилиш меъёларига кўра у 250см га тенг, четки йўлакларининг эни 300см га тенг бўлиши керак. Ўқув-машқ ўтказиш машғулотлари учун ванналарнинг кенглигини йўлакчалари учун 200см га тенг кенглигига каррали қилиб қабул қилиш мумкин.

Ўлчами 25м ва ундан ортиқ бўлган ўқув-машқ ўтказиш ванналарининг чуқурлигини 0,9м деб қабул қилинади, сакраш қурилмалари бўлганда эса 8.4.- жадвалга кўра қабул қилинади. Кичик мактаб ёшидаги болалар учун ванналарнинг чуқурлигини 0,6м қилиб қабул қилинади. Старт тумбалари яқинида чуқурлик 1,8м бўлиши керак.

Ўлчамлари 50x21x25м, чуқурлиги 1,8м бўлган ванналар разрядли сузувлilar, сузиш ва сув полоси бўйича мусобақалар учун энг яхши шароит яратади, лекин улар сузишни билмайдиган болалар ва катталар билан машғулотлар ўтказишга ярамайди. Бундай ўлчамдаги ванналар намойиш бассейнлари учун мажбурийдир.

Ванналарнинг конструкциялари уларнинг ишончлилигини ва эксплуатацион сифатларини таъминлаши керак.

Ванналар конструкциясининг мустаҳкамлиги ванна деворлари ва тубининг сув сингдирмаслигини сақлаган ҳолда сув ва грунтнинг босимини тутиб туриш учун етарли бўлиши керак. Агар ванналар грунтга тўлиқ кирган бўлса, улар сув ва грунтнинг босимида алоҳида-алоҳида хисобланади.

Конструкцияларнинг сув сингдирмаслиги сув оқиб чикиб кетмаслиги, еrosti сувларининг ваннага сизиб кирмаслиги эҳтимолини истисно этиши, ванна конструкцияларининг ва унга ёндош хоналарнинг меъёрида фойдаланиш режимини таъминлаши, шунингдек асос грунтларининг ҳимоясини таъминлаши керак. Асос грунтларини ҳимоя қилиш агар ваннанинг туби гирдобли грунтда ётган бўлса, айниқса муҳимдир.


Қувурлар сув ости ёриткичлари ва старт деразалари ўрнатилган жойларда сув сизиб ўтмасликни таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Шунингдек, ванна туби остида, айниқса тубининг қиялиги ўзгарган жойларда турли хил чўкишларни ҳисобга олган ҳолда конструкцияларнинг ишончлилиги ва сув сингдириб ўтказмаслигини таъминлаш муҳимdir.

Ваннанинг конструкциялари механик таъсиrlарга (контокнинг вертикал зарбалари, олинувчи спорт жихозларини монтаж қилиш ва х.к.) қарши чидамли бўлиши керак.

Очиқ бассейнларда ванналар конструкцияларнинг атмосфера таъсиrlарига карши чидамлилиги ва совуқка бардошлиги айниқса сув сатҳи ўзгарадиган жойларда ниҳоятда муҳимdir. 8.19.- расмда ванналарнинг емирилишини ўзига хос ҳоллари кўрсатилган.

Ванна ички сиртлари қопламаларининг мустахкамлигига юқори талаблар кўйилади; агар бу талабга амал қилинмаган бўлса, синишлар ва бузилишлар пайдо бўлиб, чўмилувчиларни шикастлантириши мумкин.



**8.19.- расм. Бассейнлар ванналарининг бузилишининг ўзига хос ҳоллари:**

**a-** тош ва гишил терилган жойдан; **б-** харсанг тош бетондан; **в-** темирбетондан; **г-** барча турдаги ванналарга хос бўлган бузилишлар; **1-** конструкциялардаги дарзлар; **2-** сув сатҳидаги сувоқнинг ёрилиши; **3-** ҳимоя сувоқ ёки қоплама қатлами бузилган жойда деворларнинг бузилиши.

Ванна деворларининг сирти (кирралари албатта, бўйламалари мақсадга мувофиқ) сув сатҳидан камида 1м чукурликка пастга ва 30см юқорига қатъий вертикал бўлиши керак. Сирт сирпанчик бўлмаслиги, ўткир дўнгликлар,

чиққан жойлар, чуқурчалар ва тешиклар бўлмаслиги керак, улар сузувчи деворга таяниб бурилиб сузишни давом эттиришда халал бериши мумкин. Ванна туби ҳам силлиқ бўлиши, аммо сирпанчик бўлмаслиги, чиқклар, дўнгликлар ва чуқурчалар бўлмаслиги керак. Ванналарнинг деворлари ва туби фактураси ваннани қулай ювиш ва тозалаш имкониятини таъминлаши керак. Ваннанинг ички сиртларининг ранги очик тусларда (ок, оч ҳаворанг) бўлиши мақсадга мувофиқ, бу ваннани тўлдириб турган сувга ёқимли кўринишни беради. Спортчиларнинг мўлжал олишлари қулайлиги учун сувга сакраш жойлардаги ванна тубига тўқ ранг (кўк ва бошқа) берилади.

Асос грунтларига таяниш усуllibарига кўра бассейнлар (8.20.-расм):

- туби грунтга тирадланган ваннали;
- махсус таянчлар тутиб турувчи ваннали;
- аралаш таяниш.



**8.20.-расм. Махсус таяниш усули бўйича ванналарнинг турлари**

Туби билан грунтга қисман ёки тўла таянадиган ванналар материаллар сарфига кўра анча тежамлидир. Унинг камчилиги конструкцияларни таъмирлаш ва қарашнинг қийинчилигидадир (айниқса ванна тубини). Шунинг учун бундай турдаги ванналарни фақат грунт шароитлари қулай бўлган жойлардагина қуриш лозим. Таянчларга ўрнатилган ванналар чукурликка ўрнатилган ванналарга қараганда катта қурилиш ҳаражатларини талаб этади, аммо ванналарнинг конструкцияларини таъмирлаш учун қулай шароитларни таъминлайди.

Қўлланиладиган материалнинг турига қараб, ванналар:


- бетондан, йирик тошли бетондан ва тош терилган;
- металлдан;
- темирбетондан бўлиши мумкин.

Бассейн ванналари конструкциялари учун қўлланиладиган бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлиги бўйича синфи В-15 дан кам бўлмаслиги керак. Бетон яхшилаб зичланган ва арматураланган бўлиши керак. Ваннанинг тубини ва деворларини намлик сингиб киришидан сақловчи ишончли гидроизоляция катта аҳамиятга эга.

Темирбетон ванналар монолит ва йигма-монолит конструкцияли қилиб барпо этилади. Туби грунтга таянган чуқурликка ўрнатилган темирбетон ванналарнинг конструкциясини, одатда, тўсисиз қилиб қабул қилинади, таянчлардаги ванналар эса тўсинли қилинади. Темирбетон ванналар фойдаланишда жуда ишончлидир, материалнинг сарфига кўра эса у, одатда, бетонли, йирик тошли бетонли ва тош терилган ванналардан тежамлироқдир.

Вертикал деворли ванналар тубидан ва бир-бири билан монолит боғланган ёки чоклар билан ажратилган тўсувчи деворлардан ташкил топади. Ваннанинг чет кирралари еости сувларидан бироз юқорида жойлашиши лозим. Ваннанинг ён деворлари ва туби бир бутунни ташкил этади ва бурчакларида бикр туташувчи, каррали арматураланган темирбетон плиталар каби лойихалаштирилади. Ён деворларнинг ва туби плитасининг қалинлиги 20см дан 30см гача ўзгаради (*8.21.-расм*).

Очиқ бассейнли ванналарнинг конструкциялари кенг тарқалган, уларда ён деворлари тубидан тўла ажратилган (*8.22.-расм*). Буни, бир томондан, температура ўзгаришлари, асоснинг нотекис чўкишлари таъсирида, шунингдек бетоннинг чўкиши ва силжувчанлиги таъсириларидан тубнинг ва деворларнинг янада эркин ва мустакил деформацияларини таъминлаш учун қилинади.



8.21.- расм. Темирбетон ваннанинг конструкциялари



8.22.- расм. Ваннанинг ён деворлари тубидан тўла ажратилиган.


8.23.- расм. Тайёр элементлардан ванна конструкцияси.

Иккинчи томондан бассейнлар ванна конструкциясининг чоклар билан алохида блокларга ажратилиши, бу конструкцияни тайёр элементлардан йигиб баждаришга имкон беради (8.23.-расм).

Ён деворлари конструкцияси бурчак профилли ёки контрофорс туридаги одатдаги тиргак деворлардан иборат, ваннанинг тубини монолит ёки тайёр плита блоклардан йиғма қилинади.

Очиқ бассейн ваннасининг конструкциясини камида битта профилли чок ва кейин 10-15м дан 20-30м гача масофада жойлашган кўндаланг чоклар билан ажратиш зарур.

Чет эл амалиётида унча катта бўлмаган бассейнлар учун ванналарнинг соддалаштирилган конструкцияларидан кенг фойдаланилади. Улардан энг ишончлилари заводда тайёрланган элементлардан қурилган металл ванналар, торкремтлаш усули билан бажарилган вертикал деворлардан тубининг горизонтал сиртига силлик ўтувчи темирбетонли, шунингдек ихтисослаштирилган фирмалар ишлаб чиқарадиган блоклардан тайёрланган ванналар ҳисобланади (8.24.- расм).




**8.24.- расм. Турли материаллардан иборат ванна деворларининг профиллари:**  
**а- бетондан; б- тош терилган; в- темирбетондан; г- йигма элементлардан; д-**  
**торкремтлаш усули билан бажарилган темирбетон плитали;** А- қўйши нови детали;  
**1- темирбетон девор; 2- гидроизоляция; 3- цементбетон девор; 4- қоплама**

Бетон, йирик тошли бетон ва тош терилган конструкциялар ваннани темирбетондан қуриш имкони бўлмаган холларда кўлланилади. Бу конструкцияларнинг темирбетонларга нисбатан афзаллиги металлни тежашда ва махаллий материаллардан фойдаланиш имкониятида. Камчиликлари- массасининг катталиги ва конструкцияларнинг ишочлилиги кам эканлигига, айниқса оғир грунт намлиги шароитларида (хўл, бир жинсли бўлмаган грунтлар ва бошқалар) ванналарни қуришда. Конструкция кесимлари ўзгарган жойларда, ванна тублари кияниклари жойида ёки

бетонли, йирик тошли, тош терилген конструкцияларда асос грунтга юкланишларда деформацион чокларни назарда тушиш керак.


Кейинги йилларда ванналарни металдан (пўлат, алюминий) ва полимер материаллардан (8.25.- расм) барпо қилишга уринишлар бўлди. Бундай ванналар темирбетонидан 2-2,5 марта енгил, бироқ пўлат ванналарни коррозиядан химоя қилиш зарур бўлгани учун ванналарни алюминийдан тайёрлаш мақсадга мувофиқдир. Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги бир катор ихтисослаштирилган фирмалар йиғма элементлардан тайёрланадиган ванналарни ишлаб чиқаради (8.26.-расм). Улар зичлаштирувчи қистирмалардан фойдаланган ҳолда болтлар билан монтаж қилинади.



**8.25.- расм. Алюминийли ванна**

(ФРГ):

*a- режса; б- қирқим*



**8.26.- расм. Йиғма элементлардан ванна (Франция)**

Ваннанинг ички сиртларини пардозлаш усуллари ва конструкциянинг сув ўтказмаслигини таъминлаш чоралари ванналарнинг чидамлилиги ва юқори эксплуатацион сифатлари учун муҳим аҳамиятга эга. Ванналарнинг ички сиртлари цемент қориши билан сувалиб силлиқланади ва темир ёки керамик плита қопланади. Торкрет сувоқ ҳам яхши сифатга эга.

Чет элларда ванналар қалинлиги 4мм бўлган рулонли материал билан пардозланади, у гидроизоляция вазифасини ҳам бажаради.

Очиқ бассейнларнинг ванналарини пардозлаш учун совукка бардошлилик ва механик мустаҳкамлиги юқори кўрсаткичларга эга метлаҳ ёки сирланган плитани қўлланиш лозим.

Ванналар конструкцияларининг сув ўтказмаслигини дарзлар очилишини, ҳисоблаш, тегишли материаллар танлаш, маҳсус эритма ва бетонни қўлланиш, шунингдек гидроизоляция куриш билан таъминланади.

### **8.3.3. Минора ва трамплин қурилмалари**

Минора ва трамплинлар сувга сакраш бўйича машғулотлар ва мусобақалар учун курилади. Улар ҚМҚ 2.08.-2.09 “Жамоат бинолари” да кўзда тутилган 8.4.- жадвалда кўрсатилган ўлчамларда барпо этилади.

### **8.4.- жадвал.**


**Сакраш қурилмаларига меъёрий талаблар**

Ўлчамлари	Трамплин		Минора		
	Сув устидан баландлиги, м				
	1	3	5	7,5	10
Ваннанинг чукурлиги	3,4-3,8	3,8-4,0	3,8-4	4,5	4,5-5
Минора ёки трамплин четидан масофа:	6,0	6,0	6,0	8,0	12,0
Олдинга тубига қараб чукур жойида	9,0	10,25	10,25	11,0	13,5
Оркага ваннанинг чукур кисми туби бўйича	1,5-1,8	1,5-1,8	1,5	1,5	1,5
Платформа ўки бўйича масофа	2,5-3,0	3,50	4,25	4,5	5,25
Ваннанинг четигача кўшни қурилмаларнинг					

ўқлари орасидаги	1,9-2,4	1,4-2,4	2,1	2,5	2,75
Платформадан юкорига том шипгача масофа	5,0	5,0	3,4	3,4	3,4-5,0


Эслатма: 10 метрли минора майдончасинининг ўлчамлари – 6x2,0м; 5 метрлиниги – 5x2,0м; юкоридаги майдонча четининг пастки майдончадан чиқиб туриш масофаси – 0,75-1,5м.

Очиқ бассейнларда күттаргичлар ва юқори майдончалар шамол ва нокурай об-ҳаво таъсиридан деворлар билан химояланади (8.27.- расм).



**8.27.- расм. Лейпцигдаги (ГДР) очиқ бассейндаги минора:**

**1- күттаргич шахтаси; 2- занжирни ёпиб турувчи гилоф; 3- күндаланг тұсингилар; 4- тұтқычлар**



**8.28.- расм. Энг оддий күттаргич:**

**1- узлуксиз занжир; 2- занжирни ёпиб турувчи гилоф; 3- күндаланг түсингилар; 4- тутқиичлар**


Минораларда күттаргичларнинг турли хил конструкциялари кўлланилади. Масалан, Неапаль шаҳридаги очик бассейнда Гальнинг узлуксиз занжир кўринишдаги оддий күттаргичдан фойдаланилади. Юқори майдончага кўтарилишини хоҳлаган спортчи икки узлуксиз занжирни бириктирувчи горизонтал майдончага туриб олиб, қўли билан юқорида жойлашган худди шундай түсинни ушлаб туради.

Кабинали ва чигирли ёки Мехикодаги Олимпия бассейнидаги каби чиқарилган поршенли күттаргичлар ҳам кўлланилади.

Режада ўлчамлари  $0,5 \times 0,5$ м бўлган спорт тумбалари ваннанинг чет қисмига ўрнатилади. Тумба четининг сув сатҳидан баландлиги  $0,55-0,75$ м бўлиши керак. Спортчиларнинг тумбалар устига чиқишини кулай қилиши учун зинапоя ва орқаси билан сузиш учун стартда тутқиичлар билан жихозланади. Тумбанинг майдончаси (устки юзаси) сув томонга  $10^0$  қия қилинади. Мусобақаларда старт тумбаларида старт ва финишни қайд қилиш учун автоматик курилмалар мавжуд бўлади. Чет эл амалиётида олиб қўйиладиган старт тумбаларидан ҳам фойдаланилади (8.29.- расм).

Ўқув-спорт ва намойиш бассейнларида ваннага кириш одатда бўйлама деворнинг ораларида ўрнатилган вертикал нарвонлар кўринишида қилинади (8.30.- расм). Зинапоялар ваннанинг тубигача етказилган бўлади, бу ваннани тозалашда ва ювишда қулайлик тутғиради. Баъзида кириш жойлари маҳсус уяларга жойлаштирилган текис зиналар кўринишида қилинади.

Узунлиги 25м бўлган ваннада эса камида учта нарвон ўрнатилади. Сакраш қурилмалари бўлган ванналарда нарвонларни айниқса қулай тарзда жойлаштириш зарур, чунки спортчилар машқ ўтказиш жараёнида 100 ва ундан кўпроқ сувга сакраш машқларини бажаришади, шунинг учун ваннада сакраш қурилмасига ўтиш учун ортиқча вақт ва энергияни сарфлаш мақсадга мувофиқ эмас.





**8.29.- расм. Олиб қўйиладиган старт тўмбаси: 1- тўмбага чиқиладиган зинапоялар; 2- орқа билан сузишида старт учун тутқичлар**

Сакраш қурилмалари гурухи остига ваннанинг бутун чети бўйлаб қўшимча олинувчи нарвонлар ёки зинапоялар қуриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бассейн ванналарида сув сиртини сузувчилар учун алоҳида йўлакларга ажратиш, сув полоси ўйинида майдон чегараларини белгилаш ва майдон ўртасида коптокни ўрнатиш, маҳсус машқ қилиш ускуналарини маҳкамлаш ва ҳ.к.лар, ўрнатилган деталлар спорт қурилмаларини маҳкамлаш учун зарур.

Сузувчилар учун йўлакларни белгиловчи сузиб юрувчи чизикларни қайд қилиш (маҳкамлаш) учун ванналарнинг четидаги, баъзида эса бўйлама деворларида унча катта бўлмаган уяларда илгаклар ўрнатилган бўлиб, уларга маҳкамланувчи каллаклар жойлаштирилади.



**8.30.- расм. Ваннага тусишиш нарвонлари ва залдаги қурилмалар:**

**а- металл нарвон; б- темирбетон зинапоя; в- умумий күринини;**  
**чизикларни сақлаши учун уя**

Бассейндаги сув сиртини эни 2,5-3,0м бўлган йўлакчаларга ажратувчи сузувлар чизиклар пишиқ капрон трослардан қилиниб, улар тўлқин сўндирувчи мосламалари бўлган пластмасса сузгичларнинг тешикларидан ўtkазилади. Троснинг учларига йўлакни тортиш ва тросларни ванна деворларигача маҳкамлаш учун резина ва металл амортизаторлар маҳкамланади. Йиғиб олинган йўлакчаларни сақлаш учун четки айланиб ўтиш йўлаклари остида ёки улар орқасида, масалан, спортчиларни мукофатлаш учун доимий минбар остида жойлашган маҳсус жавонлар (токчалар) ва бошқа мосламалар кўлланилади (8.30.- г расм).

#### **8.3.4. Усти ёпик бассейнлар**

Усти ёпик бассейнларнинг асосий залларини шакли ва ўлчамлари ванналар, сувга сакраш қурилмалари ва минбарларнинг миқдори, ўлчамлари ва жойлашишига кўра белгиланади.

Асосий залда одатда биттадан учтагача ванна жойлаштирилади (битта универсал- сузиш ва сув полоси учун ва иккита ихтисослаштирилган- сувга сакраш учун ва кичик ёшдаги болалар учун).


Ванналарни залнинг бўйлами ўки бўйлаб жойлаштирилганда анча тежамли ечимлар хосил бўлади. Бу ҳолда оралиқ катталигини ванналарнинг эни плюс 3м га teng бўйлама айланиб ўтиш йўлакларининг иккиланган энига teng қилиб қабул қилинади, ваннанинг эни эса сузувлilar учун алоҳида

йўлларнинг ўлчамлари ва миқдорига боғлиқ бўлади. 8.5.- жадвалда бассейнларнинг асосий заллари ёпмалари оралиқларининг ўлчамлари келтирилган.

8.5.- жадвалдаги маълумотларнинг кўрсатишича, бассейнларнинг ҚМҚ 2.08.01-97. “Жамоат бинолари” да назарда тутилганидан бироз кичикроқ кенглиқдаги ванналарни лойихалашда заллар оралиқларининг модул ўлчовлари катталигини 25-30% гача камайтириш мумкин, бу бир хил шаклга келтирилган темирбетон тўсинлардан фойдаланилганда бетон сарфини 2 марта, пўлат сарфини эса ҳар бир тўсинда 50-60% гача камайтиради.

Залнинг баландлиги бассейннинг вазифасига, минбарларнинг жойлашиши ва сифимига боғлиқ ҳолда қабул қилинади. Бассейн залининг минбарларсиз, лекин сувга сакраш қурилмалари билан минимал баландлиги 8.4.- жадвал бўйича аниқлаш мумкин. Сув полоси ўйинига мўлжалланган ванналар учун залнинг баландлиги майдон узунлигининг камидаги  $\frac{1}{3}$  кисмига тенг бўлиши мақсадга мувофиқ. Болалар ванналари жойлашган залнинг баландлиги 3,0 бўлиши етарли, айланиб ўтиш йўлларининг юқориси 2,0м бўлиши мақсадга мувофиқдир. Залнинг баландгини доимий қилиб қабул қилиш мумкин, бу ҳолда у юқорида келтирилган қийматларнинг максималига тенг бўлиши керак. Ўзгарувчан баландликдаги заллар эса (8.31.-расм) уларнинг ички ҳажмини анча тежайди.

Сувга сакраш қурилмалари билан жихозланган минбарли ва ваннали залларнинг баландлиги уларнинг ўлчовларига боғлиқ. 8.32.- расмдаги графикдан кўринадики, минбарларнинг сифими 1500 (3000) ўрингача бўлганда залнинг баландлигини аниқлаш учун ҳал қилувчи масала бу 10 метрли миноранинг мавжудлиги, ўринлар сони кўпроқ бўлганда минбарларнинг баландлиги ҳал қилувчи ҳисобланади.



**8.31.- расм. Ўзгарувчан баландликдаги бассейн залларининг бўйлама ва кўндаланг кесимлари:**

**A- икки томонлама минбарлар; B- бир томонлама минбарлар; В- бўйлама қирқим; минбарларнинг қабул қилинган сигими (минг ўрин): 1÷0,5; 2÷1,0; 3÷1,0; 4÷2,0;**

**5÷1,5; 6÷3,0; 7÷2,0; 8÷4,0; 10÷5,0**


### 8.5.- жадвал

#### Ваннали бассейнлар асосий заллари ёпмалари оралиқлари ўлчамлари


Йўлаклар сони	Йўлакларнинг кенглиги, м	Четки йўлкалар орасидаги ораликнинг катталиги, м	Ваннанинг эни, м	Четки модель оралиги ўлчамлари, 3,0 м	Кичрайтирилган йўлаклар ўлчамларида оралик катталигини камайтириш	
					м	%
3	2,5*	0,5*	8,5	12,0	-	-
3	1,8**	0,3**	6,0	9,0	3,0	25
4	2,5*	0,5*	11,0	18,0	-	-
4	2,0**	0,5**	9,0	12,0	6,0	25
6	2,5*	0,5*	16,0	24,0	-	-
6	2,3**	0,5**	14,8	18,0	6,0	25
8	2,5*	0,5*	21,0	24,0	-	-

\*Кўрсатилган ўлчовлар ҚМҚ 2.08.01.- 97\* “Жамоат бинолари” да тавсия этилган.

\*Кўрсатилган ўлчовларни ўқув бассейнлари учун қўлланилишини йўл қўйилиши  
В.В. Куйбишев номидаги МГСУ ишланмалари билан асосланган (Москва ш. Россия).



8.32.- расм. Зал баландлигининг қурилмалар ўлчовларига ва минбарлар сигимига  
боглиқлигни (суратда – бир томонлама минбарларнинг сигими, маҳражида – икки  
томонлама минбарларнинг сигими); 1- бириничи қаторнинг сув сатҳидан баландлиги  
1,8м; 2- 1,2м; 3- 0,6м




8.33.- расм. Сувга сакраш қурилмалари бассейннинг асосий зали фронтига 45°  
бурчак остида жойлашган (Токио):  
1- минбарлар остидаги хоналар

Агар минора профили минбарлар фасадига параллел жойлашган бўлса, у ҳолда сувга сакраш мусобакаларининг кўриниши энг яхши ҳисобланади. Шунинг учун намойиш қилинадиган бассейнларда миноралар одатда ваннанинг четига қурилади, минбарлар эса ванна бўйлаб барпо этилади. Бошқа ечимлар хам бўлиши мумкин, масалан, сакраш қурилмалари минбарлар фронтига нисбатан маълум бир бурчак остида жойлашган (8.33.-расм). Бу асосий залнинг бир девори бўйлаб жойлашган минбарлардаги кўпчилик томошабинлар учун қулай кўриш бурчагини яратади.

Тайёргарлик машғулотлари учун заллар КМК талабларига кўра ваннадаги сув сатҳи юзининг 20-55% га teng юзага эга бўлиши керак. Залларнинг ўлчамлари бассейннинг вазифаси, шугулланувчилар сменаси таркиби, қурилмаларнинг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилади.

Энг яхши ечимлардан икки залли: бири спорт ўйинлари, гимнастика ва деворга ўрнатилган тренажерлар (эспандерлар, сирпанувчи ўриндиклари бўлган ўрнатилган қия йўналтирувчилар, гимнастика деворлари ва бошқалар) бўлган ва иккинчиси доимий ўрнатилган универсал тренажёрлари, штанга учун чорпояси ва умумривожлантирувчи ва маҳсус машқлар учун бошқа барқарор қурилмалари бўлган бассейн ҳисобланади. Бироқ кўпчилик ҳолларда иқтисодий нуқтаи назарга кўра бассейнда тайёргарлик машғулотлари учун битта зал қурилади. Бундай залда спорт ўйинлари ва машқлар учун олиб кўйилувчи ёки деворга ўрнатилган қурилмали бўш фазони назарда тутиш ва барқарор тренажёрлар ўрнатиш учун унча катта бўлмаган жой ажратиш мақсадга мувофиқ (8.34.-а расм).

Сувга сакровчиларнинг тайёргарлик машғулотлари учун ихтисослаштирилган заллар катта майдони талаб этувчи кўчма ва барқарор қурилмалар билан жиҳозланади. Унга, масалан, поролонли чуқурлик ва сакраш учун трамплинлар ёки платформалар киради. Шугулланувчилар улардан поролонга сакрашади, пол сатҳидаги полотноси бўлган батутлар, универсал тренажёрлар киради (8.34.-б расм).




8.34.- расм. Тайёргарлик машғулотлари ўтказиладиган залларда қурилмаларни жойлаштиришга мисоллар:

*a- сузувлчилар ва ватерполчилар учун зал; б- сувга сакраш учун зал; 1- универсал тренажёр; 2- штанга учун чорпоя; 3- гимнастика перекладинаси; 4- деворий эспандер; 5- дарвозани тасвирловчи шитлар; 6- баскетбол шитлари; 7—халқа; 8- құл түпінің дарвоздалари; 9- ёммага күтариладиган баскетбол шити; 10- 3-3,5м چуқурлықдагы поролонлы چукур ва трамплин; 11- күзгү; 12- пол сатындағы батут; 13- батут (олиб қүйиладиган); 14- лопинг; 15- кресло-лонжеси; 16- гимнастика девори; 18- акробатика йүлакчаси; 19- машғулотлар учун устунлар; 20- гимнастика бруслари; 21- халқалар; 22- козел; 23- гимнастика гилами; 24- перекладина; 25- эшак*


Бассейннинг асосий зали ёпмалари күтарувчи конструкцияларини чиқаришда тежамкорлик, мустахкамлікка умумий талабларни бир-бири билан боғлаш ва шундай индустрималь конструкцияларни күллаш керакки, бунда юқорида баён қилинган мұлоҳазалардан келиб чиқиб назарда тутиладиган залнинг бўйлама ва кўндаланг профилларининг оптималь ечимларини таъминлаш керак.

Сигими кичикроқ бўлган минбарли кичик бассейн заллари ёки минбарсиз заллар учун бир ёки икки нишабли ёпмаларни темирбетон ромлар, тўсинлар ёки стропилалар бўйича қилинади (8.35.- расм).

8.35.- расмда бм қадамли темирбетон ёки металл фермалар бўйича ёпмали, минбарлари бир томонлама жойлаштирилган ва минорали ташқи деворга сурилган бассейн залининг ечими кўрсатилган.



8.35.- расм. Икки нишабли ёпмали бассейн (АҚШ): а- кирқими; б- режаси




8.36- расм. Ёпмаси бир нишабли бассейн:

1- рубероид қатлами; 2- цементтили қоплама; 3- минерал пахта; 4- бугдан изоляция; 5- темирбетон плита; 6- темирбетон ферма; 7- темирбетон ферма

8.37.- расмда Мельбурнда (Австралия) Олимпия ўйинларини ўтқазиш учун қурилган металл фермалар бўйича ёпмали бассейн тасвирланган. 70м ораликли ёпманинг қувурсимон фермалари минбарларни ва деворлар

түсікеларини күтартуувчи оғма металл фермага таянади. Конструкциянинг мустаҳкамлигини ошириш учун фермаларнинг бўғинларида маҳкамланган ва мустакил пойдеворларга ўрнатилган вертикал тортқич (камар) лардан фойдаланилган. Иссик иқлимини хисобга олган ҳолда томошабинлар учун зинапоялар ва коммуникациялар асосий залнинг иситиладиган ҳажмидан ташкарига чиқарилган.

Бассейн залларининг устини ёпиш учун фазовий юпқа деворли ёпмалардан фойдаланиш максадга мувофик.




8.37.- расм. Металл фермалар бўйича ёпмаси бўлган бассейн (Австралия):

*a- 1-қават режаси; б- қирқим; 1- минбарларни ташкил этувчи оғма металл конструкциялар ва ёпмаларни күтартуувчи фермалар; 2- ёпма фермалари; 3- таянч конструкцияларнинг пойдеворлари; 4-\* вертикал металл тортқичлар; 5- тортқичларнинг пойдеворлари; 6- очиқ галереяning поли вазифасини бајсарувчи туташ бино ёпмаси; 7- очиқ зинапоя (нарвон); 8- ванна; 9- минора; 10- четки витраж; 11- кириш; 12- маъмурият хонаси; 13- техник хона; 14- ечиниш-кайшини хоналари; 15- тайёргарлик машгулотлари учун майдонча; 16- сузии ва сув полоси учун ванна; 17- сувга сакраш учун ванна.*

8.38.- расмда оралиғи 28м бўлган тўлқинсимон қубба- қобиқ кўринишидаги Санкт-Петербургдаги (Россия) бассейн бош биносининг ёпмаси кўрсатилган. Ёпма каркасининг ромлари бўйича ётқизилган темирбетон тўсилларга таянувчи иккита майдончадан монтаж қилинган.

Темирбетон түсінлар тирады күчини қабул қиласы да уни пойдеворға узатады.




**8.38.- расм. Тұлқинсімөн әгри чизиқлы элементтерден иборат ёпмали бассейн (меңморлар Г. Евдокимов, А. Изотка, мұхандис А. Онежский):**

*1- рулонли гилам; 2- цементті қоплама; 3- армоцемент плиталар; 4- армоцементдан элементтер; 5- минерал иситкіч; 6- асбестофанера; 7- вентиляция каналы (бетоннинг келтирилган қалинлиги 6,5 см, пұлат сарғи 13,5 кг/м<sup>2</sup>; элементтің массаси- 3,6т)*

Ҳавонинг намлиги юкори эканини хисобға олиб, армоцемент элементтернинг тұлқин баландликларида конструкторлар вентиляция каналларини ташкил этувчи асбофанера листларини назарда тутишди. Бу ҳол конденсатнинг ҳосил бўлишини истисно қиласы. Армоцементли қуббанинг бир хил шаклга келтирилган элементлари деворларнинг қалинлиги 30мм гача бўлгани ҳолда 1500x1600мм ўлчамларга эга. Қубба-қобикдаги бетоннинг келтирилган қалинлиги 65мм.

Залларнинг мақбул шаклларини яратишга осма ёпмалар катта имконият беради. Масалан, турли шаклдаги осма ёпмалар Мюнхен, Мехико ва Токиодаги Олимпия бассейнлари учун қўлланилган. Таинчлар яқинидаги ёпманинг осилиб турувчи конструкциясини кўтариш сувга сакраш қурилмалари ва минбарларни хисобға олган ҳолда асосий зал баландлигини қаноатлантириши мумкин (8.39.-расм).



8.39.- расм. Токиодаги “Йоглар” мажмунининг усти ёпиқ бассейни:


*a- умумий кўриниш; б- қўшилган режса:*

*ўнгда-цокол қавами, чапда-юқори қавами; в- бўйлама қирқим; г- қўндаланг қирқим; 1- асосий ванна; 2- сакрашлар учун ванна.*

Токиодаги бассейн биноси режада овал шаклига эга. Бу минбарларга зал марказида энг кўп ўринларга эга бўлган мақбул шаклни бериш ва бундан ташкари, қўндаланг арқонларнинг тортилишини идрок қилиш учун темирбетон конструкцияларнинг кулай шаклини ҳосил қилишга имкон берди. Мюнхенда Олимпия бассейнининг вантли ёпмаси минбарларнинг йигма-ажралма конструкциясини назарда тутадиган бўлсак, ёпманинг таянч устунлари минбарлардан мустакил равишда жойлашганини кўрамиз (8.40.-8.41.- расмлар). Бундай ечим томошабинлар сони кўп бўлган мусобакалар нисбатан камдан-кам ўтказилган ҳолларда (Олимпия ўйинлари ва бошқалар) мақсадга мувофиқдир, шаҳар аҳолиси учун эса анча камроқ сигимга эга минбар талаб этилади.


Бассейн залларида ҳавонинг юқори намлиқда бўлиши оқибатида тўсувлари конструкцияларни конденсатга ҳисоблашда фойдаланишнинг энг ноқули шароитларини ҳисобга олиш ва вентиляцияни назарда тутиш керак. Бундан ташкари, конструкциялар ичига буғларнинг киришига қарши алоҳида

чораларни (ёпмада буғдан изоляция қилиш қатламлари, шипни буғ ўтказмайдиган полимер бўёқ ва бошқалар) назарда тутиш керак.



**8.40.- расм. Мюнхендаги Олимпия мажмунинг усти ёпиқ бассейни:**

*a- ерости қавати режаси; б- старт түмбалари сатҳидаги режа; в- бассейндан фойдаланиши даврида минбарларнинг юқори қавати сатҳидаги режа (Олимпия ўйинлари тугагандан сўнг); г- ўшанинг ўзи, ўзин вақтида; 1- сузиш ва сув полоси учун ванна; 2- сувга сакраш учун ванна; 3- бадан қиздирши учун ванна; 4- сузувларнинг ўзини тиклаши учун иссиқ сувли ванна; 5- сузувларнинг ўзини тиклаши учун иссиқ сувли кичик ванна; 6-жамоаларнинг кийинши-ечинишлари учун хоналар; 7- эркаклар ва аёллар кийимини алмаштиришлари учун эгасиз кабиналар; 8- душхоналар; 9- ҳаммоллар-сауналар; 11- матбуот вакиллари учун хоналар; 12- томошабинлар учун хоналар; 12- умумжисмоний тайёргарлик ва бадан қиздирши учун зал; 13- дам олии ва ўзини тиклаши учун хоналар; 14- ҳакамлар, спорт федерациялари ва маъмурий вакиллари учун хоналар; 15- техник хоналар; 16- барқарор минбарлар; 17- шархловичларнинг кабиналари; 18- олиб қўйиладиган девор; 19- ресторон хоналари; 20- йигилаидиган ажератиладиган минбарлар.*



**8.41.- расм. Мюнхендаги усти ёпиқ бассейн. Кўндаланг қирқим**


Усти берк бассейнларнинг асосий залларини тўсувчи конструкциялар учун материалларни танлашда ҳавонинг юқори намлигининг таъсирини хисобга олиш керак. Хусусан, залларнинг конструкциялари учун ёғочдан фойдаланиш конденсант ҳосил бўлиши мумкинлигидан ва чиришга қарши сингдиришлардан тўлик кафолат бўлгандагина мумкин бўлади, шунингдек ёғоч конструкцияларнинг вентиляцияси учун яхши шароит яратиш зарур.

Бассейннинг асосий залида пол, деворлар ва ўрнатилган скамейкалар сиртининг температурасини меърида сақлаш учун бу конструкцияларнинг ичидан иситиш қувурлари ўтказилади (8.42.-расм).

Бир неча ваннали усти ёпиқ бассейнларда турли вазифага мўлжалланган ванналарни ва ёрдамчи хоналарни турли қаватларда жойлаштириш қабул қилинган.

Минбарли бассейн биноларида минбар остидаги фазодаги хоналарни ёритиш учун кўпинча ички кўкарамзорлаштирилган ҳовлилар, солярийлар назарда тутилади.

Асосий кириш билан ёндош ҳолда жойлашган ички ҳовлилардан шахсий автомашиналар, мотоцикллар ва спортчиларнинг хизмат кўрсатувчи ходимларнинг велосипедлари турадиган жой учун фойдаланиш мумкин.



**8.42.- расм. Шамоллатилувчи ёпма ва иситиладиган пол детали:**

**а-** шамоллатилувчи ёпма; **б-** иситиладиган пол; **1-** шагал қатлами; **2-** рувероид; **3-** 15мм ли цемент қоплама; **4-** асбесцементли түлкінсімон листлар; **5-** минерал пахтаси плиталар; **6-** керамзитобетон; **7-** буг изоляцияси (3 қават рувероид); **8-** юк күттарувчи плиталари; **9-** қоришмали керамик плита; **10-** 50мм ли бетон қатлами; **11-** цементли қопламанинг арматураланған түри остидаги гидроизоляция; **12-**  $d=25\text{мм}$  құвурли шагал-күм аралашмаси (коришмаси) (сүниң чыкаши учун құвурларнинг қиялигини ҳисобба олинган қалынлик); **13-** 30мм ли цементли қоплама; **14-** шлакобетон 150мм.

### 8.3.5. Очик бассейнлар

Очик бассейнларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ванналар, минбарлар ва павильонлар ёрдамчи хоналари билан бирга жойларда эркин жойлаштирилген алохida иншоотларда бўлиши мумкин. Очик бассейнларда ванналарга ифлосликларнинг олиб кирилишига қарши маҳсус чораларни назарда тутиш зарур. Шу мақсадда бассейн худуди сунъий қоплама билан қопланади, шунингдек ваннага кириш олдидан ювидиган мосламалар (душлар, оёқ ювиш учун ванна ва ҳ.к) назарда тутилади.

Ванна атрофидаги айланиб ўтиш йўлларини ювиш учун қулай бўлган қаттиқ қопламали қилинади. Худди шундай қаттиқ қопламаларни (бетон, қаттиқ асос устидан плиткалар ва ҳ.к) куруқликдаги машқ ўтказиш майдончалари учун кўлланиш мумкин.

Очиқ бассейнларни режалаштиришнинг эркин шароитлари бассейн худудини катталар ёки болалар ўкув машғулотлари ва чўмилиш, сузиш машғулотлари ва сувга сакраш фаол дам олиш ва бошқалар учун ихтисослаштирилган зоналарга аниқ бўлишга имкон беради.


8.43.- расмда Римдаги “Фаро Италико” стадиони худудидаги очиқ бассейн кўрсатилган. Бассейн худуди икки асосий қисмга аниқ бўлинган. Шимолий қисми сузиш, сув полоси ва сувга сакраш бўйича малакали спортчилар билан мусобакалар ва машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган. Жанубий участкада эса болалар ва катталар учун сузиш мактаби хамда фаол дам олиш участкалари жойлашган. Бу худудлар ўртасида ресторан бор. Унда жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар ва спорт худудига келувчилар учун алоҳида кириш жойлари назарда тутилган.

Сузиш мактабида болалар ва катталар учун ванналардан ташқари солярийлар, кўкаlamзорлаштирилган майдончалар ва гимнастика шаҳарчаси мавжуд.

Ўкув-спорт машғулотлари худудида узунлиги 50м ва чуқурлиги 1,7-2,0м бўлган тўғри тўртбурчакли ванна, сувга сакрашлар учун катталарга мўлжалланган трапециясимон шаклдаги ванна ва лифт билан жихозланган минора бор.


Спорт-машқ қилиш худудидаги ванналар (8.44.- расм) минбарларнинг юқори қатламлари ер сатҳида бўлишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Бу ажralувчи минбарларни унинг юқори қаторларига ёндош худудларда ўрнатишга имкон беради, бунинг ҳисобига томошабинлар учун ўринлар сонини икки марта ошириш мумкин.

Минбарларнинг пастки қаторлари консолли осма остида спортчилар учун жойлар назарда тутилган бўлиб, у ердан мусобакаларнинг бориши яхши кўринади. Улар ваннанинг айланиб ўтадиган йўлагидан баландлиги 1м бўлган кўк тўсиқ (буталар) билан ажратилган бўлиб, унда оёқ ювиш учун ванначали ўтиш йўллари мавжуд. Айланиб ўтувчи йўлак ва унга ёндашувчи барча участкалар керамик плита билан қопланган.



**8.43.- расм. Римдаги Олимпия бассейни режаси:**

**а- ўқув-спорт худуди; б- болалар учун худуд; в- дам олии ва умумий жисмоний тайёргарлик кўриши худуди; 1- усти берк бассейн; 2- ресторан**



**8.44.- расм. Римдаги Олимпия бассейни**


**1- асосий ванналар; 2- иштирокчилар учун жойлар; 3- жисмоний тарбия билан шуғулланувчилик ва маъмурият учун ёрдамчи хоналар; 4- йигиб-ажратиладиган минбарлар ўрнатиладиган майдон; 5- томошабинлар учун ёрдамчи хоналар**

Минбар ости фазосининг юқори қисмида томошабинлар учун ёрдамчи хоналар, пастки қисмида-иштирокчилар учун ёрдамчи хоналар жойлашган.

Бассейннинг бош режасида қурилиш учун ажратилган участканинг табиий шароитларидан фойдаланган ҳолда эркин режалаштириш (сузиш

мактаби) мунтазам режалаштириш (ўкув-машқ қилиш худуди) муваффакиятли бирга кўшиб олиб борилади.

Ўкув-машқ ўтказиш ва намойиш қилинадиган ванналар оддий тўғри тўртбурчак шаклига эга. Шу билан бирга ораиклар билан боғлик бўлмаган бўш фазонинг мавжудлиги турли шаклдаги ва турлича жойлашган ванналарни кўллашга имкон беради (8.45.-расм).



**8.45.-расм. Очиқ бассейнлар (режалар):**

**а- "Москва", б- Фестервальд шаҳрида;**

- 1- чўмилиш учун бўлинмалар; 2- спорт сузиши ва полоси учун бўлинма; 3- сувга сакраш учун бўлим; 4- болалар бассейнлари; 5- кийинши-ечинии хоналари, душхоналар, буфетлар ва бошқалар бўлган павильонлар; 6- сузид чиқадиган жойлар**

Йил бўйи ишлайдиган (суви иситиладиган) очиқ бассейнлардан қишин-ёзин фойдаланилади. Унинг хусусиятлари шундаки, уларда иссиқ кийиниши-ечиниш хоналарини очиқ ванналар билан туташтирувчи сузид чиқиш каналлари бўлади.

Тажрибанинг кўрстишича, Москвадаги сузид чиқиш ариклари бўлган бассейнлардан, агар ваннадаги сув температураси  $+28^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлмаса, ташки атроф ҳаво  $-20^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда фойдаланиш мумкин.

Бу турдаги бассейнлардан қишида факат чўмилиш ва сузиш бўйича ўқув-машқ машғулотлари учунгина фойдаланилади. Сувга сакраш бўйича машғулотларни ҳаво ҳарорати паст бўлгани учун ўтказиб бўлмайди, сув полосига эса сув устида ҳосил бўладиган буғ халал беради. Шу сабабларга


кўра бассейнларда қиши фаслида томошибинлар иштирокида мусобақалар ўтказиш мумкин эмас.

Бундай бассейнларнинг ванналари очик бассейнларга бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда курилади. Ёрдамчи хоналар эса усти ёпиқ бассейнларнинг талабларига жавоб бериши керак. Яъни жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиш учун ваннадан фойдаланишгача ва фойдалангандан кейин иситиладиган хоналар назарда тутилади. Сузиб чиқиши жойлари душхоналар ёки қуруқликда машғулотлар олиб бориш учун умумий хоналардан ишлаб чиқилади. Сузиб чиқиши жойларининг узунлигини камайтириш учун бу хоналарни ваннадан унча катта бўлмаган (2-3м) масофада жойлаштириш зарур.

8.46.- расмда суви иситиладиган ва сузиб чиқиши ариқлари бўлган, ёрдамчи хоналари уч томонлама жойлашган “Чайка” (Москва) бассейни кўрсатилган. Бундай ечимнинг афзалликларига алоҳида эркаклар ва аёллар оқимларига хизмат кўрсатишида қатъий риоя қилиш, шунингдек кириш бўғинининг ва умумий хоналарнинг (маъмурият, мураббийлар ва ҳакамлар) кириш бўғини, кийиниш-ечиниш хоналари ва ванна билан яхши боғланганлиги ҳисобланади.

Қишида фойдаланилайдиган бассейнларда сузиб чиқиши йўлларининг шакли, ўлчамлари ва жойлашиши ташриф буюрувчилар учун зарур қулийликларни таъминлаши керак.

Сузиб чиқиши ариқларининг кенглиги 2-2,25м атрофида бўлиши тавсия этилади. Эни 1,2-1,8м бўлган сузиб чиқиши жойларини ҳам тайёрлаш мумкин, аммо бу ҳолда ташриф буюрувчилар чиқиши йўллари орқали сузиб чиқишлиарига эмас, балки унинг туби бўйича юриб чиқишлиарига тўғри келади. Катталар учун сузиб чиқиши ариғидан сувнинг чуқурлиги 0,9-1м, болалар учун эса 0,5-0,6м бўлиши керак.



8.46.- расм. Москваги “Чайка” бассейни 1949 йилгача.


*а-реже; 1- кириш; 2- вестибюль; 3- қайд қилиши ва маъмурият хонаси; 4- буфет; 5- дам олиши хонаси; 6- мураббийлар ва маъмурият хоналари; 7,9- хожжатхоналар; 8- кийиниш-ечиниш хоналари; 10- душхона; 11- сузид чиқиши жойлари; 12- эркакларнинг кийиниш-ечиниш хонаси хузуридаги зал; 13- техник хона; 14- асосий ванна (50x21м); 15- сувга сакраш учун ванна; 6- бассейнлардан сузид чиқишилар (бўйлама қирқимлар); 1- павильон; 2- сузид чиқиши жойи; 3- ванна*

Сузид чиқиши жойлари устидаги ҳар қандай конструкцияларни ундағи сув сатхидан 0,6-0,8м дан паст жойлаштирумаслик мақсадга мувофиқ.

Кийиниш-ечиниш хоналарини ташқаридан совук ҳаво киришдан ҳимоя қилиш учун сув сатхидаги сузид чиқиши жойларига кўндаланг қилиб эгилувчан ёки бикр тўсиқлар ўрнатилади. Пардалар кўринишидаги эгилувчан тўсиқлар резинадан ёки бошқа материаллардан, бикр тўсиқлар эса шишаблоклар, ёки шаффоф пластиклардан қилинади.

Усти ёпиқ ва очик бассейнлар мажмуи шуғулланувчилар учун энг яхши шароитларни таъминлайди ва ёрдамчи хоналардан ва техник жихозлардан (сувни тозалаш ва иситиш ва х.к) қишин-ёзин самарали фойдаланиш учун имкон беради. Бундай мажмуалар Москвадаги “Динамо” стадионида, Саратовда, Римдаги Олимпия стадионида жихозланган.

Бундай ечимларга мисол тариқасида яна Москвадаги сув спорт саройини, Минскдаги усти ёпиқ ва очик бассейнлар мажмуини келтириш мумкин (8.47.-расм).




**8.47.- расм. Минскдаги усти ёпик ва очиқ бассейнлар мажмуу (арх. О. Ладигина, мухандис И. Зибицер):**  
**а- умумий күринши; б- қирқим; 1- учта ваннали усти ёпик бассейн; 2- сузб чиқиши жойи; 3- “моржслар” учун ванна; 4- чўмилиш учун ванна; 5- сузишини биладиганлар учун бўлинма**

### **8.3.6. Ҳамма об-ҳавога мўлжалланган ва мобиль бассейнлар**

Бассейнларни ўзгаририувчи ташқи тўсувчи конструкциялар билан барпо этиш йилнинг истаган пайтида ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида сузиш машғулотлари учун қулай шароитлар таъминлайди. Аммо барча об-ҳаво шароитларига мос бассейнларни барпо этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани караб чиқишида иктисидий омилларни ҳисобга олиш керак.

8.48.- расмда 1957 йилда қурилган ва қишида йигилувчи-ажралувчи конструкциялар билан ёпиладиган Лужники (Москва) стадионидаги бассейннинг қирқими кўрсатилган. бу шундай бассейнни амалий қуришнинг биринчи тажрибаси эди ва табиийки, уни эксплуатация қилиш жараёнида

камчиликлари аниқланди. Улардан энг асосийси конструкцияларни монтаж, демонтаж қилиш ва сақлаш бўлди, шу муносабат билан улардан воз кечишга тўғри келди.



**8.48.- расм. Москвадаги бассейн ёпмасининг йигиладиган-ажраладиган конструкциялари:**


1- панжарасимон таянч; 2- панжарасимон консол; 3- тортқич; 4- самарали иситгич ёғоч шитли деворлар; 5- резиналанган матодан гилам; 6- уч қатлам шевелина; 7- резиналанган мато; 8- бикр контурли металл тўрдан шитлар (1200x2000мм); 9- қувурсимон сарровлар d=80мм (1200мм дан оралатиб); 10- кўттарувчи консоллар

Ҳозирги вақтда иссиқ ечиниш хоналари бўлган очиқ ванналарни мавсумий устини ёпиш учун пневматик конструкциялар кенг қўлланилмоқда.

Бироқ улар об-ҳавога боғлиқ холда ўзгартириш имкониятини таъминламайди. Бассейнлар учун транформацияланадиган конструкцияларни қиши илиқ ва ёзги об-ҳавоси бекарор бўлган худудларда қўллаш мақсадга мувофиқ. Ўзгартириш 5-10 минут ичida ўтказилиши, барча хоналарни қишида ва ёзда фойдаланиш учун мослаштириш керак. Бассейнда жисмоний тарбия билан банд бўладиган кишилар сув спортиning турли хилларида (сузиш, сувга сакраш) шуғулдана олишлари, катталар ва болалар эса чўмилишлари мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ваннанинг минимал зарур ўлчамлари 16,7x8м бўлиши лозим. Ваннани ҳаракатланланувчи туб ва сакраш мосламалари билан жихозлаш лозим, бассейнда болалар учун ванна бўлиши мақсадга мувофиқ.

Хар хил об-ҳаво шароитига мос бўлган бассейнлар доира ва тўғри тўртбурчак шаклида секторли, секцияли, телескопик, тентли ва ўзгартирилувчи конструкцияларнинг бошқа кўринишлари билан барпо этилади.

Режада думалоқ бўлган ҳар хил об-ҳаво шароитига мос бассейн иккита бурилувчи устёпма секторига эга бўлиб, улар залнинг ички фазосини режада  $120^0$  бурчак чегарасида ва қуббали ёпма қулфида тахминан 10м баландликка очишига имкон беради (8.49.- расм).




**8.49.- расм. Ички фазоси  $240^0$  га оғувчи, икки ҳаракатланувчи секторлари бўлган бассейн биноси:**

*а- режса; б- перспектива; в- умумий кўриниш; 1- 25x12,5м ли ванна; 2- болалар учун ванна; 3- сузишини билмайдиганлар учун 12,5x25м ли ванна; 4- ромли каркас*

Ёрдамчи хоналар ёpmанинг кўзгалмас қисми остига жойлаштирилади. Қубба пўлат каркасдан ва қалинлиги 15см бўлган уч қаватли пластмасса панеллардан монтаж қилинади. Қурилишга тахминан 100т пўлат керак бўлади.


Вертикал текисликда буриладиган устёпма секторлари билан режада думалоқ бассейн биноси (8.50- расм), шундай афзалликка эгаки, унда залнинг ички фазоси тўла очилади ва ўзгартирилувчи конструкцияларни ёpmани демонтаж қилгандан сўнг жойлаштириш учун қўшимча фойдали майдон

талаб этилмайди. Ер устидаги қисмини 10-20 мин. ичиди буриш мумкин бўлган бассейн биносининг (8.51.- расм) афзалиги шундан иборатки, бунда фақат ваннанинг ўзигина эмас, балки унга ёндош худудлар ҳам тўла очилади, лекин бундай бино катта майдонни эгаллади.




**8.50.- расм. Ички фазоси тўла очишга имкон берувчи устёпма секторлари бўлган бассейн биноси:**

*a, б- усти ёпиқ бассейннинг умумий кўриниши ва режаси; в, г,- ўшанинг ўзи, очиқ бассейнники; 1- 25x15 (33x15) ли ванна; 2- 13,5x12,5 ли ванна*



**8.51.- расм. Ер усти қисми вертикал ўқ бўйича  $90^0$  га буриладиган бассейн биноси: 1- 25x10м ли ванна**


Схемаси 8.52.- расмда кўрсатилган бассейн биноси худди шундай афзаликларга ва камчиликларга эга. Массаси 50т бўлган пўлат каркасли ва енгил панеллар билан тўлдирилган ерусти қисмини рельслар бўйлаб ҳаракатлантириш учун иккита электродвигатель талаб этилади.




**8.52.- расм. Ер усти қисми илгарилама суриладиган бассейн биноси: 1-  
25x12,5м ли ванна; 2- 12,5x8м ли сузиши билмайдиганлар учун ванна**

Телескопик конструкциядаги бассейн бинолари лойихасида режада 25x12,5, 25x16,5м ли ва 50x21м ўлчамга эга универсал ванналари бўлган, шунингдек ўлчамлари 12,5x10м (сузиши билмайдиганлар учун ва 6х6м (болалар учун) қўшимча ванналари бўлган варианtlари ишлаб чиқилган (8.53.- расм)). Уст ёпмани ўзгартириш учун 10-15мин. талаб этилади. Пўлат ромли каркасли кўчма секцияларни (залга 100т пўлат конструкциялар керак) рельслар бўйича қуввати 3кВт бўлган электро двигателли тўртта мотор-ғилдирак ёрдамида кўчириш мумкин.

8.54.- расмда вантли ферманинг пастки камари бўйича йўналтирувчига роликларда конъки чизиги бўйича осилган, ён кирраларидаги роликлари билан енгил металл (сим ўрам) фермаларда жойлашган элементларга тирадиган тентли ёпмаси бўлган бассейн кўрсатилган. Ванналар залини очиш учун ёпма залнинг четларидан бирига йигилади.



**8.53.- расм. Телескопик конструкцияли бассейн биноси:  
а- ёпиқ ҳолатидаги умумий кўриниши; б- ўшанинг ўзи очиқ ҳолатда; в- ёндан  
кўриниши; I- ванна**




**8.54.- расм. Ёпмаси тентли сурилувчи бассейн: а- ёпик ҳолатдаги бассейннинг умумий кўрининши; б- очиқ ҳолатдаги кўрининши**

Залининг устида ёрдамчи хоналар томонига суриладиган ва сурилувчи деворларга эга бўлган ёпмали бассейнлар лойиҳаларида (8.55. - расм) режада ўлчамлари  $25 \times 8$  ва  $25 \times 10$  м бўлган ванналарнинг варианatlари назарда тутилган. Ўзгартеришга факат 4 мин. вақт талаб этилади. Бассейнларнинг асосий конструкциялари пўлат, елимланган ёғоч ва пластмассадан лойиҳалаштирилган.

Бундай ечимнинг афзаллиги унинг нисбатан оддийлигидадир: устёпма бинонинг ўзгартирмайдиган каркас тўсинлари бўйича кўндаланг йўналишда кўчади, сурилувчи деворлар эса ваннали залнинг ички фазосини тўлиқ очишга имкон беради. Конструкциянинг камчилиги каркаснинг йигилмаслигидадир.

Тавсифланган схема Францияда ёшлар ва спорт ишлари бўйича Давлат котибиятининг режасига кўра кўп сондаги бассейнларни қуриш учун умумий лойиҳаларни ишлаб чиқишга асос қилиб олинди.



**8.55.- расм. Ёпмаси ёрдамчи хоналар томонига суриладиган бассейн:**  
**а- ёпмаси силжисиган; б- силжииш йўналиши; 1- 25x10м ли ванна; в- ваннанинг кўрининши**


Тажрибанинг кўрсатишича, юқорида айтиб ўтилган турдаги бассейнларни аҳолиси камида 20 минг бўлган аҳоли пунктларида барпо қилиш мақсадга мувоғик, аҳолиси камроқ бўлган аҳоли пунктлари ва мактаблар учун бундай бассейнларни қуриш ва фойдаланиш ҳаражатлари жуда катта бўлар эди.

Францияда кичик мобиль бассейнларнинг лойиҳалари яратилган бўлиб, уларга қилинадиган ҳаражатлар унча катта бўлмаган аҳоли пунктлари ва болалар муассасалари учун маъқулдир. Бундай турдаги бассейнлар болаларни сузишга ўргатиш учун мўлжалланади, чунки бунинг учун 2-3 ой вақт етарли, бассейнларнинг конструкциялари чекланган муддатга ўрнатиш учун мўлжалланган йигилувчи-ажралувчи бўлиши мумкин.

Францияда қўлланиладиган, кичик аҳоли пунктлари ва болалар муассасалари учун йигиладиган-ажраладиган усти ёпиқ мобиль бассейнлар куйидаги тавсифларга эга: режада ваннанинг ўлчамлари – 12,5x6,0м,

чукурлиги 0,9м, айланиб ўтuvчи йўлакларнинг эни 0,8-1,2м, режада залнинг ўлчамлари 15,3x7,2м, айланиб ўтuvчи йўлаклар устидаги баландлиги 2,5м, ванна устидаги эса – 2,0м. Деворлар ва ёпмалар ёзда тўла очилади ва қишида беркитилади; ечиниш-кийиниши хоналарнинг бир вактдаги сифими 20 киши. Бассейн мажмуининг хизмат қилиш кафолат муддати- камида 5 йил.

Француз фирмаси йигилувчи-ажратилувчи бассейнларнинг икки хил турини ишлаб чиқкан: “BAM-1”, шитлардан ва “BAM-2” – қўтарувчи конструкциялари енгил металл ром кўринишида ва полимер матодан икки қаватли тентли ёпмали йигилади (8.56.-расм).



**8.56.- расм. “BAM” (Франция) туридаги йигиладиган-ажратиладиган бассейнларнинг умумий кўринишилари (аксонометрия)**

*a- “BAM-2” туридаги бассейн; б- “BAM-1” туридаги бассейн; 1- киши; 2 ва 3- ечиниш-кийиниши хоналари; 4- бассейн ваннасига ўтиши йўли; 5- техник хона; 6- душхона ва хожатхона; 7- ваннанинг чети сатҳидаги платформа; 8- айланиб ўтиши йўлакчаси; 9- бассейн ваннаси; 10- ваннага кириш учун зина (нарвон); 11- деворлар каркасининг ёргу шаффофт тўлдиргичи; 12- қўши ёпма; 13- бино каркаси роми*

“BAM” туридаги бассейнни жойлаштириш учун сиртининг қиялиги 25 дан ортик бўлмаган ва кўтариш қобилияти камида 98 кПа ( $1\text{kgc}/\text{cm}^2$ ) бўлган грунтли, ўлчамлари камида 25x27м бўлган ер майдони талаб этилади. Йигиш ишларини 4-6 кишидан иборат бригада 3-4 иш кунида бажаради, ажратиш


ишилари эса 1 суткада амалга оширилади (8.57.- расм). Транспорт воситалари бассейнни монтаж ва демонтаж қилиш учун кўтариш курилмаларига эга.

### **8.3.7. Бассейн ванналарининг ишлаш тамойиллари**

Грунтга ботирилган ваннанинг ҳисоби юкланишлар таъсирининг икки ҳолати учун амалга оширилади:

1. деворга грунт томонидан энг катта таъсир кўрсатиш.
2. деворга сув томонидан энг катта таъсир кўрсатиш

Бундай ванналарнинг деворларини ҳисоблаш соҳиллардаги тиргак деворларники каби амалга оширилади.




**8.57.- расм. “ВАМ” туридаги бассейнни йигиш кетма-кетлиги:**

**а-** майдонча ва деталларни йигишга тайёрлаш; **б-** айлануб ўтиши ўйлакчалари ва ванна каркаси таянч элементларини ўрнатиши; **в-** ром устунларини ва шамол боғланишиларини ўрнатиши; **г-** ёпманинг кўтарувчи элементларини ўрнатиши; **д-** тентни ётқизиши; **е-** тентни тортиши ва маҳкамлаши

Алоҳида устунлар ёки деворларга тирадан бассейн ванналари уларни сув билан тўлдирилган ҳол учун ҳисобланади, бунда унинг тубига вертикал

гидростатик босим ва ён деворларига горизонтал босим ҳисобга олинади (8.58.-расм).




**8.58.-расм. Алохида устунларга тиралган бассейнлар ванналарини ҳисоблаш схемаси**

Бундан ташқари ваннанинг деворлари ва туби чўзувчи кучланишлар таъсирига дуч келишини ҳисобга олиш ҳисобга олиш зарур.

#### 8.4. ТОББОГАНЛАР

Спорт иншоотлари каторига сувга эгри чизикли тушишлари бўлган минораларни ифодаловчи тоббоган деб аталувчи қурилмалар ҳам киритилади. Тоббоганлар, одатда, темирбетонли, монолит ромли конструкцияда қилинади (8.59.-расм).



**8.59.-расм. Тоббоган конструкцияси**

**Назорат саволлари:**


1. Спорт иншоотларига қандай конструкциялар киритилади?
2. Минбарларнинг конструкциялари қандай бўлиши керак?
3. Минбарнинг кўтарувчи конструкциялари материаллари нималардан иборат бўлади?
4. Стадионларнинг томлари қандай бўлиши мумкин?
5. Стадионларнинг минбарлари остидаги бўшлиқ нимага мўлжалланади?
6. Стадионларнинг минбарларидаги металл конструкциялари нима учун қўлланилади?
7. Минбарларни хисоблашда фойдаланиладиган асосий юкланишлар қайсилар?
8. Бассейн ванналари конструкциялари учун қўлланиладиган бетон синфи?
9. Асос грунтига таяниш усулига кўра қандай бассейнлар бўлиши мумкин?
10. Усти ёпик бассейнлар конструкциялари қандай бўлади?

## **9. МИНОРА ВА МАЧТАЛАР**

### **ЭУЛ ТАЯНЧЛАРИ.**

Баланд иншоотларга радио ва телевидение антенналарининг таянчлари, сув тортиб олуви чи келиши ва сув босими миноралари, шамоллатиш ва тутун чикариш қувурлари, электр узатиш линиялари (ЭУЛ) таянчлари киради.

Конструктив схемасига кўра улар иккита асосий турга ажратилиши мумкин-миноралар ва мачталар. Минора деб маҳсус пойдеворда арматура ёрдамида бикр маҳкамланган баланд иншоотга айтилади (*9.1.- расм*).




**9.1.- расм. Жаҳоннинг турли малакатларида қурилган миноралар:**

*a- Торонто, 550м; б- Москва, 540м; в- Тошкент, 371м; г- Париж, 312м*

Мачта – баланд иншоот бўлиб, унинг барқарор ҳолати тортқичлар тизими билан таъминланади (*9.2.- расм*). ЭУЛ минорали, мачтали ёки пештоқли иншоот ҳисобланиб, ҳаво орқали ўтказиладиган электр узатиш линияларини осиш учун мўлжалланган (*9.3.- расм*).


Баланд иншоотлар асосан унга ва ундаги жихозларга қўйилган горизонтал шамол юкланишларини қабул қилишга ишлайди. Шамол таъсири кучлари фақат шамолнинг тезлиги босимига эмас, балки иншоотнинг ва унинг айрим элементлари шакли ва ўлчамларига боғлик бўлади.



**9.2.- расм. Мачталар:**

*a, b, c- намунавий мачталар (МДХ) (120, 205, 400м); z- кувурсимон мачта (194м)*

Шамол юкланишлари иншоотнинг ёки унинг элементларининг ташки сиртига қўйилган нормал босим ва унинг ташки сиртига уринма бўйича йўналган ишқаланиш кучларининг йигиндиси сифатида караб чиқилади. Шамол босими қийматини Ўзбекистон Республикасининг шамолли худудига боғлик ҳолда ҚМҚ 2.-01.07.-97 “Таъсир кўрсатиш юкланишлари” га мувофиқ қабул қилинади. Бунда жойнинг турига караб аниқланадиган баландлик бўйича шамол босимининг ўзгариш коэффициенти ҳисобга олинади. Шамол юкланиши компонентларини аниқлашда аэродинамик коэффициентларнинг тегишли қийматларидан фойдаланилади, бу коэффициентлар иншоотнинг ва унинг элементларини шаклига боғлик бўлади. Шамол юкланиши уларнинг ўртacha пульсациясини ташкил этувчилари сифатида, у иншоотларнинг хусусий тебраниш частоталарини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.



**9.3.-расм. ЭУЛ таянчлари: а- V- симон, тортқұчларда; б- пештоқлы, тортқұчларда; в- минорали; г- мұраккаб минорали**

### 9.1. МИНОРАЛАР

Миноралар пўлат, алюминий қотишмалари ва темирбетон қўлланиб барпо этилади. Металл панжарали миноралар энг кенг тарқалган. Темирбетон миноралар кам қурилади ва уларнинг баландлиги одатда 200м дан ортмайди. Шунга қарамай Европадаги энг баланд (1975 йилгача жаҳонда энг баланд хисобланган) Москвадаги баландлиги 540м бўлган Останкино телеминораси олдиндан зўриктирилган темирбетондан қурилган ва пўлат антенна билан тугалланган. 1975 йилда Торонтода (Канада) қурилган минора ундан баландлиги бўйича 10м ошади ва худди шунга ўхшаш конструктив схемага эга (9.1.-расм).

Тошкентдаги телевизион минора Марказий Осиёдаги ўзига ўхшаш иншоотларнинг энг баланди хисобланади. Унинг баландлиги 375м ташкил этади. Телеминора 1978 йилдан бошлаб 6 йил мобайнида қурилди. У 1985 йил 15 январда фойдалинишга топширилган эди (9.1.-расм).

Кичик баландликдаги (50...100м гача) метал панжарали миноралар одатда призматик шаклга эга (параллел белбоғли схема). Катта баландликларда (100 дан 300м гача) минораларга пирамида шакли берилади, бу уларнинг барқарорлиги яхши бўлишини ва шамол юкланишларига яхши қаршилик кўрсатишини, шунингдек белбоғларида кучланишларнинг нисбатан бир текис тақсимланишини таъминлайди. Панжарали минораларнинг кўндаланг кесими учбурчакли, квадрат ёки кўпбурчакли бўлиши мумкин. Минора асоси кенглигининг унинг баландлигига нисбати 1/12 дан 1/6 гача бўлган чегараларда қабул қилинади. Бунда кенгликнинг ортирилиши шамол юкланишлари вужудга келтирадиган моментлардан белбоғларда ҳосил бўлувчи кучланишларнинг пасайишига имкон беради, бунинг натижасида эса белбоғларга ва пойdevорларга материал сарфи камаяди, лекин панжара ва диафрагмаларга бўлган материал сарфи ортади.


Шамол юкланишлари таъсирини камайтириш ва барқарор вазиятни таъминлаш учун миноралар юкори қисми шамол таъсиридан эгувчи моментлар эпюрасига мувоғиқ кенгайиб борадиган қилиб лойиҳаланади. Минора белбоғларининг эгри чизиқли шакли белбоғларда синиқлар қилишни талаб этади, бу уларнинг конструкциясини мураккаблаштиради. Шунга қарамай баландлиги 300м дан ортиқ бўлган минораларнинг кўпчилиги шундай шаклга эга. Бундай шакл биринчи марта 1889 йилда Парижда Эйфель томонидан қурилган минорада қўлланилган эди. Шунигдек XX асрнинг бошида ёгоч ва металл конструкциялардан фойдаланиб қурилган оригинал Шухов минораларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг афзалликлари шундан иборат эдики, бунда эгри чизиқли шаклдаги фазовий каркас бир хил узунликдаги тўғри чизиқли элементлардан йигилар эди, бу уларни тайёрлаш технологиясини соддалаштиради (9.1.-расмга қаранг).

2008 йилда қурилган энг замонавий ноёб иншоотлардан бири Дубайдаги осмон ўпар минора ҳисобланади, унинг баландлиги 818м ни ташкил этади.

Оммавий курилишда пирамида шаклидаги түрт қирралы миноралар унча катта бўлмаган баландликларда ва технологик юкланишлар кам бўлганда қўлланилади, кўп қирралари эса – баландлик юқори бўлганда ва курилмалардан тушадиган юкланиш катта бўлганда қўлланилади. Панжарали миноранинг қирралари текис шаклни ифода этади. Пирамидасимон минораларда белбоғи узунлиги бўйича бўғинлар орасидаги масофа юқорига кўтарилиган сари уларнинг кенглиги камайишига мувофиқ камайиб боради. Белбоғлар учун аэродинамик сифатлари яхши бўлгани туфайли қувурсимон кесимлар афзалдир. Баландлиги унча катта бўлмаган минораларда белбоғлар бурчакли ва бошқа прокат профилларидан тайёрланади. Белбоғлари қувурдан бўлган минораларда думалоқ пўлатдан олдиндан зўриқтирилган қия каркасли хочсимон панжара энг маъқул ҳисобланади. Белбоғлари бурчакли ва бошқа прокат профиллардан бўлганда белбоғларнинг ҳисобдаги узунлигини камайтириш учун зарур шпренгел қўшимчали учбуручак в ромб панжаралар қўлланилади.

Миноранинг белбоғлари ва панжарарадаги кучланишлар пойдеворда консолли маҳкамланган ва кўндаланг қўйилган шамол юкланиши ва хусусий оғирлигидан ҳамда технологик курилмалардан ўқдаги юкланиш билан

юкланган фазовий шаклдаги (фермадаги) каби аниқланади. Уларнинг таъсири натижасида фазовий фермада эгувчи момент, кўндаланг ва бўйлама кучлар вужудга келади, улар белбоғ ва панжара стерженларида чўзувчи ва сиқувчи йиғинди кучланишларни вужудга келтиради.



**9.4.- расм. Минораларни ҳисоблашга онд: а- тўрт қиррали, б- уч қиррали**

Эгувчи момент ва бўйлама кучни белбоғлар, кўндаланг кучни панжара қабул қиласди. Тўрт қиррали минорада энг катта  $N_1$  кучланиш шамол юкланиши квадрат кўндаланг кесимнинг диагонали бўйича йўналганда ва ишга факат иккита белбоғ кўшилганда вужудга келади (9.4.- a расм).

$$N_1 = \frac{M}{b \cdot \sqrt{2}}, \quad (9.1)$$

Бу ерда,  $b$ - ёқнинг режадаги ўлчами.

Уч қиррали минорада белбоғдаги горизонтал юкланишдан энг катта кучланиш (9.4.- расм)

$$N_1 = \frac{2M}{b \cdot \sqrt{3}}, \quad (9.2)$$

га тенг.

Вертикал Р юкланишлардан  $N_2$  бўйлама куч миноранинг белбоғлари орасида уларнинг вертикал ўқка  $\alpha$  бурчак остида оғишини ҳисобга олган ҳолда тенг тақсимланади:

$$N_2 = \frac{P}{n} \cos \alpha \quad (9.3)$$

Белбоғда горизонтал ва вертикал юкланишлардан тўлиқ ўққа кучланиш

$$N = \pm N_1 + N_2 \quad (9.4)$$

га тенг.

Минора белидаги панжара элементларидаги кучланишларни қиррада таъсир қилувчи кўндаланг кучларнинг йигиндиси бўйича аниқланади, у миноранинг асосига сиқилган ва горизонтал қўйилган шамол юкланишига ишловчи текис консолли ферма каби қаралади. Бунда вертикал юкланиш панжарани ишга жалб қиласдан, фақат белбоғларнинг сиқилишини вужудга

келтиради, бу эса призматик миноралар учун бутунлай, пирамидали миноралар учун эса қисман түгридир.

Сиқилган элементлар кесимини танлаб олиш уларнинг бўйлама эгилишга, чўзилган элементлар кесимини танлаб олиш эса марказий чўзилишга ишлаш шароитидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Бўғинларнинг конструктив қарори миноранинг элементлари танасининг эни катта бўлгани туфайли қурилиш майдончасига сочилган ҳолда келишини ҳисобга олиб қабул қилинади. Минораларнинг намунали конструкцияларида болтларда маҳкамланадиган фланецли бирикмалар кенг қўлланилади. қия каркаслар учдаги фасонкалар билан таъминланади, улар конструкцияни монтаж қилишда белбоғнинг кувурсимон элементларига олдиндан пайвандланган фланецлар орасида сиқилади. Думалоқ пўлатдан қилинган қия каркаслар учи фасонкалар билан таъминлаган, уларга болт ўтказиш учун тешиклари бўлган жуфт ҳалка (тешик) пайвандланган. Бу болт билан қия каркас белбоғ ва фланецга пайвандланган фасонкага маҳкамланади (9.5.- a, b расм).

Тананинг кенглиги унча катта бўлмаганда секцияли миноралар қўлланилади, унинг элементлари пайвандлаб бириктирилади, секциялар эса бир-бири билан болтлар ёрдамида туташтирилади.


## 9.2. МАЧТАЛАР

Мачтанинг конструкцияси учбурчакли, квадрат ёки думалоқ кесимли танадан ва тортқичлардан иборат. Мачтанинг танасини асосан призмасимон шаклда панжарали қилиб ясалади, бундай тайёрлаш, айрим секцияларни қўшиб бориш ва туташтириш усулида монтаж қилиш учун ҳам кулайдир. Белбоғлар кўпинча кувурлардан тайёрланади, бу эса фланецли бирикмаларни қўллашга имкон беради (9.5.- в, г, д расм).

Уч қиррали мачталар бир-бирига режада  $120^0$  бурчак остида жойлашган тортқичлар билан тортилади, тўрт қирралиси эса иккита ўзаро перпендикуляр йўналишда тортилади (9.6.-расм). Мачтанинг баландлиги


бўйича тортқичлар бир-бирига параллель ҳолда горизонтга  $45^0$  бурчак остида, ёки бир неча ярусларнинг тортқичлар гурухини бир пойдевордан йўналтирилади ва уларни реялар билан бўшатилади (9.7.- расм).

Охирги ҳолатда юқори ярус тортқичининг горизонтга нисбатан чегаравий қиялик бурчаги  $60^0$  ни ташкил этади. Режада тортқичлар мачта танаси ўқига нисбатан радиал йўналишларда жойлаштирилади: учта – тананинг кесими учбурчакли ва юмалоқ бўлганда, тўртта квадрат бўлганда. Арконли тортқичларнинг учлари пўлат стаканларга рухли ёки бошқа қотишмалар билан қўйилади.




**9.5.- расм. Панжарали миноралар ва мачталар бўғинлари:**

- a- намунали миноранинг монтааж бўғини; б- намунали радиомачтанинг бўғини;*
- в- намунали радиомачтанинг бир қисми (қирраси томонидан кўриниши); г- ЭУЛ мачта таянчини пойдеворга маҳкамлаш; д- ЭУЛ мачтаси тортқичини зулфинли плитага маҳкамлаш*



**9.6.-расм. Уч киррали мачта**



**9.7.-расм. Телевизион мачта**

Радиомачталар асосан шамол юкланишига ва шамолнинг тезлик босими катталиклари ва температураларнинг турли хил нисбатларида тортқичларнинг тарангланиши вертикал ташкил этувчисига хисобланади (амалдаги меъёрларга мувофиқ). Мачталар орасидаги симли антенналарнинг узилиши мумкинлиги ҳам, шунингдек конструкциялар ва антенналарнинг барча элементларида муз пайдо бўлиши хисобга олинади.

Мачта танасининг тортқичлар маҳкамланган жойларда энг катта эластик силжиши бу маҳкамлагичларнинг пойдеворда жойлашишининг 1/100 баландлигидан ошмаслиги керак. Мачтанинг учи ҳам консол узунлигининг оғиши 1/100 дан ошмаслиги керак.


Мачтани ҳисоблаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда мачта танаси бикр таянч-тортқичларда ётувчи сиқиб-эгилган стержен сифатида қаралади, шу билан бирга бўйлама куч конструкцияларнинг ва мачталарда жойлашган қурилманинг ҳамда тортқичларнинг реактив кучларининг вертикал ташкил этувчилари йигиндиси тарзида аниқланади. Бу кучланишларга кўра мачта танаси ва тортқичлар кесими танлаб олинади, ҳисоблашнинг иккинчи босқичида тортқич бошлангич кучланишга эга тортилган эластик ип (танланган осилиб туриш билан) сифатида ҳисобланади ва тортқичлар маҳкамланган жойларнинг мумкин бўладиган горизотал силжишлари аниқланади. Шундан сўнг мачта танаси эластик эгилувчи таянчларда ётувчи сиқиб эгилган стержень сифатида ҳисобланади. Изоляцияланган мачталарда таянч бочкасимон чинни изоляторлардан қилинади, унга пўлатдан кўйилган балансир таянч ётқизилади.

### **9.3. ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИ ТЯНЧЛАРИ**

Электр узатиш линияларида металл таянчлар асосан юқори кучланишли (220, 330, 500 кВт ва ундан ортиқ) линиялар учун қўлланилади. оралиқли анкерли, бурчакли ва охирги таянчлар фарқ қилинади. Оралик таянчлар (*9.8.-расм*) асосан тортилган симларни кўтариб туриш учун мўлжалланган. Улар 220-330 кВт кучланишли линиялар учун 200-400м масофаларда ва янада қувватли линиялар учун 400-600м масофаларда жойнинг рельефига боғлик ҳолда ўрнатилади. Симларнинг осилиб туриши баландлиги одатда ер сиртидан энг кўп осилиб турган жойгача камида 6-10м бўлиши ҳисобида белгиланади. Бунинг учун таянчларнинг баландлиги 20-40м бўлиши керак. 220-500 кВт линиялар учун оралик таянчларнинг массаси 4-8 тоннани ташкил этади.


Анкерли таянчлар тахминан 5-7 та оралиқ таянчлардан кейин қўйилади. Уларнинг асосий вазифаси симлар бир томонлама узилганда уларнинг тортилишини тўла қабул қилиш. Анкерли таянчлар бурчак таянчларини аралаш ўрнатиш маъкулдир (*9.9.-расм*). Бундай таянчлар оралиқ таянчлардан 2-2,5 марта оғирдир.

Таянчларнинг конструкциялари жуда хилма хилдир. Битта танали (бир ва икки занжирли) ва порталли таянчлар фарқ қилинади. Тортқичлардаги ттаянчлар энг тежамли таянч турларидандир.



**9.8.- расм. 220кВт иккى зангирил электр узатиш линиясининг бир танали оралиқ таянчи**

Электр узатиш линияларининг таянчларини баъзида бориш кийин бўлган жойларда ўрнатишга тўғри келади. Шунинг учун таянчларнинг конструкциялари ташиш ва монтаж қилиш учун енгил ва қулай бўлиши кераклиги жуда муҳимдир. Шу муносабат билан таянчларда пўлатнинг Ст 3 маркасидан кенг фойдаланиш билан бирга пастилгирланган пўлатдан фойдаланилади ва бундан кейин алюминий қотишмалари кенг қўлланилади.



**9.9.- расм. Электр узатиш линияларининг порталли мачталарининг ташки  
кўриниши**

Бир танали таянчнинг конструкцияси тўртта текис фермаларни ташкил этувчи тўртта белбоғли бурчакликлар ва панжаралардан бажарилади. Таянчнинг хисобий юкланишлари вертикал ва горизонтал кучлардан ташкил топади. Вертикал юкланишлар хусусий, симларнинг изоляторлар тўплами билан биргаликдаги, горизонтал троснинг ва симлардаги ҳамда тросдаги музларнинг вазнлари йигиндисидан иборат. Вертикал юкланишлар таянчнинг белбоғлари орасида тақсимланади. Горизонтал юкланишлар шамол ва симларнинг бўлиши эҳтимоли бўлган бир томонлама узилиши (қисман ёки тўла) юкланиши йигиндисидан иборат. Юкланишларнинг турли хил қўшилишлари электр узатиш линияларини лойиҳалашнинг маҳсус меъёрлари билан белгиланади.

Горизонтал юкланишлар таъсирида таянчни хисоблаш асосда сиқиб қўйилган консолли чоркирра темир сифатида олиб борилади. Шу билан бирга горизонтал юкланиш чоркирра темир ўқига горизонтал текисликда таъсир қилувчи ва таянчнинг буралишни вужудга келтиради, уни иккита текис фермалар қабул қиласи. Бу фермаларнинг белбоғлари ва панжараларида кучланиш оддий усууллар билан аниқланади. Буровчи

момент  $M_{kp}$  текис фермаларнинг панжаралари қабул қиласиган кўндаланг кучларни вужудга келтиради.

Таянчнинг тўғри тўртбурчакли кесимга эга ҳар бир кўндаланг кесимида буровчи моментнинг таъсиридан икки жуфт вужудга келади (9.10. a расм).

$$Q_1b + Q_2a = M_{kp} \quad (9.5)$$


Агар тўғри тўртбурчакли кўндаланг кесимли таянч яхлит юпқа деворли берк стерженни ифодаласа (тўғри тўртбурчак қувур кўринишида), у ҳолда буровчи момент бутун контур бўйлаб уринма кучланишлар  $\tau$  ни вужудга келтирган бўлар эди. Маълумки, берк юпқа деворли профилда профил қалинлигига кўпайтирилган уринма кучланиш  $t = \tau \cdot \delta$  погон уринма кучлашини ифода этади. У бутун кесим бўйлаб ўзгармас ва берк контур билан чегараланган иккиланган юзага бўлинган буралиш моментига teng:

$$t = \tau \delta = \text{const}; \quad t = \frac{M_{kp}}{2a \cdot b} \quad (9.6)$$

кўндаланг куч тўғри тўртбурчакнинг ҳар бир киррасидаги уринма кучланишлар оқимини йигади, деб хисоблаш мумкин ва бинобарин,

$$Q_1 = ta = \frac{M_{kp}}{2b}; \quad Q_2 = tb = \frac{M_{kp}}{2a}; \quad (9.7)$$

Бу кўндаланг кучланишларга таянчни эгишдан ҳосил бўладиган кўндаланг кучлар қўшилиши керак. Кўндаланг кучларни аниқлаб, панжара элементларидағи кучланишларни аниқлаш осон.



9.10.- расм. Электр узатиш линиялари таянчларини хисоблашга оид

Таянч кирралари панжараси учбурчакли, учбурчакли қия каркаслари билан ва қия каркасларсиз кесишувчи бўлиши мумкин (конструкциянинг ўзгармаслигини таъминловчи четки панжараларидан бошқа). Кўшни кирралар қия каркасларининг кесишиш нуқталари устма-уст тушиши (9.10.-б расм) ёки панелнинг ярмига силжиган бўлиши мумкин (арчали жойлашув, 9.10.- в расм). Панжаранинг схемаси битта бурчакликдан иборат белбоғнинг хисобий узунлигини аниқлашга таъсир кўрсатади.

Кўшни кирраларда бўғинлари қўшилган таянчлар учун (9.10.- б расм) белбоғнинг хисобий узунлиги панелнинг  $l_n$  узунлигига teng қилиб қўлланилади. бунда бурчаклик инерциясининг радиуси минимал қилиб қабул қилинади (ўқ бурчаклиги токчаларига нисбатан қия). Кўшни кирраларда бўғинлари бирга қўшилмайдиган (сифмайдиган) таянчлар учун (9.10.- в расм) белбоғнинг хисобий узунлиги  $l_n$  панел узунлигининг  $\mu$  коэффициентга кўпайтмасига teng, яъни  $l_n \cdot \mu$  қилиб қабул қилинади.

$\mu_0$  коэффициент ШНК 4.02.09.04 бўйича белбоғ ва қиясининг погон бикрликлари нисбатларига боғлиқ ҳолда аниқланади ва  $\mu_n = 1 \dots 1.13$  ораликларда бўлади. Қия каркаслар белбоғларга бевосита ёки фасонкалар

орқали пайвандланади. Барча монтаж бирикмалари болт билан маҳкамланиши, шу билан бирга битта болт билан бириктириш мумкин. Бирикиш тури ишлаш шароитининг тегишли коэффициенти билан, шунингдек кия каркасларнинг ҳисобдаги узунликларини келтириш коэффициентлари билан ҳисобга олинади (ШНК 4.02.09.-04).

#### **9.4. МАЧТАЛАРНИ ҲИСОБЛАШ АСОСЛАРИ**

Мачталарни ҳисоблашда юкланишлар ва таъсирларнинг тегишли қўшилишлари қабул қилинади.

Шамол йўналишини танлашда мачтага шамол юкланишининг бошқа юкланишлар билан энг нокулай қўшилишини ҳисобга олинади. Ҳисоблашларда тортқичларнинг мачта танасига босими ҳам ҳисобга олинади. Муз қоплаши конструкцияларнинг барча элементларида, арқонларда ва антенналарда ҳисобга олинади.

Кўндаланг кучлар юпюраси олинган эгувчи моментлар эпюрасига мувофиқ курилади. Танадаги бўйлама кучлар:

$$N = N_c + N_{ob} + N_e + N_T, \quad (9.8)$$

бунда  $N_c$  – тананинг юкорида ётувчи қисми оғирлиги;

$N_{ob}$  – куйида жойлашган курилманинг оғирлиги;

$N_e$  – арқоннинг оғирлиги;

$N_T$  – арқонларнинг тарангланишининг вертикал ташкил этувчиси.

Топилган кучланишлар  $M_1Q - T$  бўйича танинг кесими мустаҳкамликка ва чидамлиликка текширилади, шунингдек чоклар ҳисобланади. Олдиндан белгиланган катталикларга боғлиқ ғолда танани ҳисоблашни арқонларнинг бошланғич тарангланишини бориши усули билан, моментлар эпюрасини бериши усули билан ва тортқич тутунларининг силжишини бериши усули билан амалга ошириш мумкин.

Мачта элементлари кесимини қуйидаги формулалар бўйича тайинлаш мумкин:

1- Арқон учун кучланиш бўйича:

$$N_T = K \frac{R}{\sin \alpha} \leq 0,5 N_p \quad (9.9)$$

бунда  $N_1$ - шамолда турган арқон кучланиши;

$R$ - тортқич тугунидаги реакция;

$\alpha$ - тортқич олди ва тана ўқи орасидаги бурчак;

$N_p$ - арқоннинг узилиш кучланиши;

$K$ - арқонлар сонига боғлиқ коэффициент;

2- Момент бўйича тана учун:

$$M = q l^2, \quad (9.10)$$

бунда  $q$ - тананинг мазкур оралиғида кўндаланг юкланишлар билан бир текис тақсимланишининг ўртачалаштирилгани;

l- тана учун бўйлама куч бўйича;

$$N = 0,5 \sum n N_T \cos \alpha + N_c + N_{ua}, \quad (9.11)$$

n- юқорида жойлашган тортқичлар сони.

Бу формулалар бўйича олинадиган натижалар тахминийdir ва ҳисоблаш тугаллангандан сўнг аниқлаштиришни талаб этади.

**Назорат саволлари:**

1. Баланд иншоотларга қандай иншоотлар киради?
2. Минора нима?
3. Мачталар ва ЭУЛ таянчлари баланд иншоотларининг қандай хусусиятлари бор?
4. Металл панжарасимон минораларнинг шакллари.
5. Минораларнинг белбоғларида ва панжараларидаги кучланишлар қандай аникланади?
6. Минора бўғинларининг конструктив ечими қандай қабул қилинади?
7. Мачталарнинг конструкцияси қандай элементлардан ташкил топади?
8. Радиомачталар қандай кучланишларга ҳисобланади?
9. Электр узатиш линияларининг қандай таянчлари мавжуд?
10. Таянчнинг ҳисобдаги юкланишлари қандай ташкил этувчилардан иборат?

## **10.РЕЗЕРВУАРЛАР ВА СУВ БОСИМИ МИНОРАЛАРИ**

### **10.1 УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Резервуарлар саноатнинг турли хил соҳаларида: транспортда, кишлоқ хўжалигида ва бошқаларда қўлланилади, аммо шаҳар ва саноат корхоналарининг водопровод-канализация хўжалигида, шунингдек нефть ва нефтьни қайта ишлаш саноатида қўлланилади. Бир қатор санитария-техника иншоотлари, масалан: метантанк, тиндиргич ва бошқалар, шунингдек сувни совитиш учун бассейнлар резервуарлардан факат вазифаси ва технологик жиҳозлари билан фарқ қиласди. Конструктив жиҳатдан бу иншоотлар ўртасида умумийлик анчагина.

Маълум баландликда резервуарларни ўрнатиш учун мўлжалланган иншоотлар сув босими миноралари дейилади. Бу иншоотлар аҳоли пунктларини (ёки алоҳида обьектларни) сув билан таъминлаш тизимларига киради ва насос станциялари бўлмаганда ёки ишламаганда водопровод тармоқларида сув босимини ҳосил қилиш, сув истеъмолини тартибга солиш, гидравлик зарбаларни бартараф этиш ва ҳ.к.лар учун хизмат қиласди.

Сув босими минорасининг конструктив қисми таркибига резервуар (битта ёки бир нечта), таянч ва пойдевор киради.

Сув босими минораларининг асосий параметрлари: резервуарнинг ҳажми ва иншоотнинг умумий габаритларига таъсир кўрсатувчи баландликда унинг жойлашув белгилари технологик хисоб китоблар асосида белгиланади.

Сув босими минораларини куришнинг замонавий амалиётида бутун иншоот ёки унинг таянч қисми ҳамда пойдевори темирбетондан қилинади, резервуар эса металлдан (аралаш конструктив ечим) тайёрланади.

### **10.2. РЕЗЕРВУАРЛАР**

Нефть маҳсулотларининг асосий хусусияти – уларнинг буғланиши бўлиб, у резервуар деворларига буғларнинг ички босимини ҳосил қиласди. Нефть маҳсулотларининг буғланиши уларнинг йўқотилишига олиб келади.

Уларга қарши курашиш – резервуарларни лойихалашдаги асосий вазифалардан бириди.

Бүглари унча катта бўлмаган эластикликка эга бўлган нефть маҳсулотлари учун (масалан, керосин, газолин ва бошқалар) паст босимли резервуарлар қўлланилади, бу резервуарларда ички ортиқча босим  $0,02 \text{ кгс}/\text{см}^2$  ортиқ эмас, вакуум эса  $0,003 \text{ кгс}/\text{см}^2$  дан ортмайди.

Буғ эластиклиги ( $0,2\text{-}0,3 \text{ кгс}/\text{см}^2$ ), ва вакууми,  $0,005 \text{ кгс}/\text{см}^2$  кўпроқ бўлган нефть маҳсулотлари юқори босимли резервуарларда сақланади.

Паст босимли резервуар (*10.1 - расм*) яси туб, корпус ва қопламадан иборат. Резервуар учун асос сифатида  $20\text{-}30\text{см}$  қалинликдаги кум ёстиқча хизмат қиласиди.




Рис. 29.1. Вертикальный резервуар низкого давления для хранения нефтепродуктов  
а – общий вид; б-г – соединение листов корпуса;  
г – висячее покрытие; д – план покрытия из жестких панелей, опирающихся на колонну

**10.1.- расм. Нефть маҳсулотларини сақлаш учун паст босимли вертикал резервуар:** а- умумий қўринини; б-г- корпус листлари бирикмалари; д- осилма ёпма; е- устунга таянуви чикр панеллардан иборат ёпманинг режаси

Паст босимли резервуарлар сифими  $100$  дан  $10000\text{м}^3$  гача, баландлиги  $5,5$  дан  $12,5\text{м}$  гача ва диаметри  $5,5$  дан  $33,5\text{м}$  гача бўлади. Суюқлик массасидан жуда кичик сиқилишни сезувчи тубининг қалинлиги конструктив

равища 4 дан 6мм гача белгиланади. Тубнинг ташки листлари қалинлигини 8мм қилиб қабул қилинади.


Паст босимли резервуарларнинг қопламаси қўйидаги варианtlардан бирида бажарилиши мумкин.

- Қоплама кўтарувчи қисми марказий устунга таянувчи бир томонга нишабли пўлат фермалардан иборат (*10.1.- a расм*); фермалар бўйича прокат прогонлар ва қалинлиги 2-3мм бўлган пўлат тўшама ётқизилади;
- Қоплама устунга таянувчи бикр панеллардан қилинган (*10.1.- e расм*);
- Осиљма қоплама зонт кўринишидаги таянч конструкцияга эга марказий устунга таянади (*10.1.- d расм*).

Бу варианtlарнинг ҳаммасида устун қувурсимон кесимга эга. Факат чўзилишга ишловчи ва шунинг учун ҳам энг кичик массага эга бўлган осма қоплама максадга мувофиқроқдир.

Паст босимли резервуарларнинг қопламалари сақлагич нафас олиш клапонига эга бўлиб,  $0,02 \text{ кгс}/\text{см}^2$  дан ортиқ босимда бу клапон орқали буғлар резервуардан ташкарига чиқади. Бу сақланаётган энг қимматбаҳо енгил фракцияларнинг чиқиб кетиши оқибатида маҳсулотларнинг йўқотилишига ва уларнинг сифати ёмонлашишига олиб келади. Нефть маҳсулотларининг буғланишини камайтириш учун резервуарлар оч рангларга бўялади ёки иссиқлик изоляцияси қўлланилади.

Нефть маҳсулотларининг йўқотилишларига қарши курашнинг энг самарали усули – юқори босимли резервуарларнинг қўлланилишидир (*10.2.-расм*). Юқори босимли резервуарларнинг туби ва деворлари паст босимли резервуарлар конструкцияси каби бўлиб, факат уларнинг деворлари бикрлик қовурғалари билан кучайтирилган бўлади. Сфероцилиндрик қопламанинг каркаси бўлмайди ва алоҳида листлар билан бажарилади. Юқори босимли резервуарларда буғларнинг босими  $0,3 \text{ кгс}/\text{см}^2$  бўлиши мумкин.



**10.2.- расм. Нефть маҳсулотларини саклаш учун юкори босимли вертикал резервуар**

### **10.2.2. Резервуарларни ҳисоблаш**

Резервуарнинг қопламаси қоплама конструкцияси массаси, буғларнинг ички ортиқча босими, буғлар тез совиганда вужудга келадиган вакуум, шамолнинг сўриб оловчи таъсирида бўладиган юкланишлар ва қор юкланишини қабул қиласи.


Қоплама элементларидаги ҳисобий кучланишлар юкланишларнинг иккита комбинациясида аниқланади:

- 1) Ҳисобланадиган элемент массаси, қор юкланиши ва вакуум;
- 2) Ҳисобланадиган элемент массаси, буғларнинг ички босими ва шамолнинг сўриши.

Резервуар девори суюқликнинг гидростатик босимидан ва буғларнинг босимидан чўзилади. Суюқлик сирти сатҳидан х чуқурликда 1 см кенглиқдаги полосага ҳисобдаги босим (*10.3.-расм*)

$$P_x = \gamma n_1 + P n_2 , \quad (10.1)$$

бўлади, бу ерда  $\gamma$ - суюқликнинг зичлиги  $P$ - буғларнинг ортиқча босими;  $n_1=1,1$  ва  $n_2=1,2$  –ортиқча юкланиш коэффициентлари.



10.3.- расм. Вертикал резервуар қопламасини ҳисоблашга оид

Халқа ярмининг мувозанат шартидан

$$2T_x = P_x D$$

$$\text{бундан } T_x = P_x D / 2$$

бунда  $D$ - резервуарнинг диаметри.

$\delta$  қалинликдаги резервуарнинг деворидаги кучланиш қуидагича аниқланади:

$$T_x = \frac{(\gamma m n_1 + P n_2) D}{2} \quad (10.2)$$

Листларни учма-уч чок билан бириктиришда деворнинг талаб этиладиган қалинлиги

$$\delta = \frac{(\gamma m n_1 + P n_2) D}{2m R_D^{\text{нн}}} , \quad (10.3)$$

бу ерда  $m=0,8$ - иш шароити коэффициенти.

Агар деворнинг қалинлиги ўзгармас бўлса, у ҳолда уни резервуарнинг пастки қисми учун аниқланади. Деворнинг қалинлиги ўзгарувчан бўлганда баландлиги 2-3м ли алоҳида полосалар ҳисобланади.

### **10.2.3. Нефть маҳсулотларини сақлаш учун горизонтал резервуарлар**

Горизонтал резервуар (*10.4.- а расм*) цилиндрический корпус из трубы и обивка. Юбка кисми плюстасында эга бүлгөн үйнелештеси темирбетон устуналар резервуарнинг таянчлари бўлиб хизмат қилади.

Сигими 10 дан 150 $m^3$  гача бўлгандан горизонтал резервуарларнинг диаметри 1,4 дан 3,8 м гача ва узунлиги 27 м гача бўлади. Буғларнинг ортиқча босими 18 кгс/см<sup>2</sup> га, вакууми эса 0,5 кгс/см<sup>2</sup> га етиши мумкин.

Резервуарнинг корпуси обечайка деб аталувчи алоҳида секциялардан ташкил топган. Корпус листларини учма-уч пайванд чоклари билан бириттириш тавсия этилади, аммо кўндаланг чоклар учун устма-уст қилиб туташтиришга рухсат этилади. Резервуар корпусининг бикрлигини таъминлаш учун ҳар бир обечайкани перо тарзида букилган бурчаклардан иборат бикрлик ҳалкалари билан кучайтириш ( $D/\delta > 200$  бўлганда) зарур. Резервуарнинг устуналарга таянадиган жойларида диафрагмалар ўрнатилади (*10.4.- б расм*). Резервуарларнинг туби сферик, эллипсоид ёки бикр қовурғали ясси қилиб ишланади.

Горизонтал резервуарлар одатда катта ўлчамда тайёрланади, яъни уларни тугалланган ҳолда ташишга йўл қўядиган ўлчамларга эга бўлади.

Резервуарлар ички босимга ҳисоб қилинади. Бундан ташкари, резервуар корпусининг икки аркали тўсин сифатида ишлашида юзага келадиган кучланишларни ҳисобга олиш керак (*10.4.- г расм*). Ички босим таъсирида вужудга келадиган девордаги кучланишлар (*10.4.- в расм*) куйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\delta_1 = \frac{PD}{2}; \quad (10.4)$$


$$\delta_2 = \frac{PD}{4}, \quad (10.5)$$

бунда Р- ортиқча босим, Д ва δ – резервуар диаметри ва деворининг қалинлиги.

Эгилишдаги кучланиш:

$$T_3 = \frac{M}{W} \delta \approx \frac{4M}{\pi D_{n\delta}^2}, \quad (10.6)$$

бунда  $M$ - эгуувчи момент;  $D_{cp}$ - резервуарнинг ўртача диаметри.



**10.4.- расм. Нефть маҳсулотларини саклаш учун горизонтал резервуар:**

*а- умумий қўриниши; б- таяниши жойларидаги диафрагмалар; в- ички босим таъсирида тўрдаги кучланишлар; г- резервуарнинг тўсин сифатида ишлишида корпусдаги кучланишлар*

Деворнинг мустаҳкамлигини текширишда  $T_2$  ва  $T_3$  кучланишларни қўшиш зарур. Агар резервуар корпуси листлари пайванд чоклари билан бириттирилса, ухолда деворларнинг қалинлиги

$$\delta \geq \frac{PD}{2R_{\partial}^{n\hat{a}}} \quad (10.7)$$

$$\delta \geq \left( \frac{PD}{4} + \frac{4M}{\pi D_{\hat{n}\delta}^2} \right) \frac{1}{R_{\hat{n}\delta}} \quad (10.8)$$

шартлардан аниқланади.

### **10.3. СУВ БОСИМИ МИНОРАЛАРИ**

#### **10.3.1. Сув босими минораларининг конструкцияси**

Сув босими миноралари сув босими тармоғида зарур босимни вужудга келтириш ва насос станцияларининг ишлаши тўхтаганда сув захираси билан таъминлаш учун хизмат қиласи. Миноралар ҳаракатланувчи қолипда монолит темирбетонда ёки фазовий ромли ва йигма темирбетонда тўрли конструкция ёки стерженли йигма кўринишда бажарилади. Монолит миноралардан йигма тўрли миноралар қиймати ва материаллар сарфи бўйича анча тежамли сифатида энг катта афзалликларга эга.


Миноралардаги резервуарлар одатда сиғими унча катта бўлмагандан туби ясси, думалоқ қилинади ва сиғими  $200\text{m}^3$  ва ундан ортиқ бўлганда тубининг шакли анча мураккаб қилиб ишланади. Жуда катта сиғимли ( $1000\text{m}^3$  ва ундан ортиқ) резервуарларга эга бўлган миноралар одатда резервуарлардан юкланишни қабул қилиш учун катта миқдордаги ташқи ва ички устунлари бўлган ром туридаги тўртбурчакли ёки резервуарлар таянадиган айлана бўйича ва марказий пилон бўйича думалоқ қилиб тайёрланади. Қиши жуда қаттиқ ўтадиган жойларда миноралар чодирли қилиб тайёрланади. Чодирлар сувни музлаб қолишдан муҳофаза қилиш учунгина эмас, балки резервуардан фойдаланишни кулагаштириш учун ҳам керак. Минора корпуси очик бўлганда ва чодири бўлмагандан босимли – таркатувчи трубопроводни ва резервуарнинг ўзини термоизоляция билан иситиш лозим.


10.5.- расмда чодирли ва қуббали тубга эга бўлган доиравий резервуари бўлган монолит сув босим минораси кўрсатилган. Миноранинг баландлиги

34м, бакники 10м, резервуарнинг сигими таҳминан 900м<sup>3</sup>. Минора кўчма қолипда барпо қилинган. Чодир бак туби сатҳида чиқарилган аркали плитага таянади. Минора пойдевори диаметри 15м атрофида ва қалинлиги 0,65м бўлган думалоқ темирбетон плитани ифодалайди.


10.6.- расмда очик ромли корпусли минорага таянувчи Интце резервуари кўрсатилган. Резервуар таянч ҳалқали тўсинидан чиқарилган аркали плитада турувчи темирбетон чодир билан химояланган. Чодирли ва конуссимон қобиқлар билан ташкил этилган тубли Интце резервуари туби куббали резервуардан тиравш кучларини қобиқлари билан ўзаро сўндириши сабабли таянч ҳалқаси худудида тортувчи кучланишларнинг бўлмаслиги туфайли афзалликка эга.

10.7.- расмда темирбетон ромли корпусга эга сув босими минораси кўрсатилган. Миноранинг ромли тизими яхлит темирбетон конструкциясига қараганда анча тежамлидир. У йиғма темирбетонда бажарилиши ҳам мумкин.





**10.7.- расм. Ромли каркасли сув босими минораси**



**10.8.- расм. Йифма түрли каркасли сув босими минораси:**  
**а- умумий күрниши; б- ромбсимон панель;**  
**в- белбог элементи; г- каркасларнинг нуткат элементи**

10.8.- расмда йифма темирбетон түрли, каркасли минора кўрсатилган. Каркаснинг монтаж элементи ромбсимон панеллар бўлиб, улардан миноранинг бутун корпуси йифилади. Бу панеллар вертикал қилиб ўрнатилади ва бир-бири билан белбоғли элементлар оркали ўзаклар чиқиқларини ёпмайдиган деталлар ва фасонкаларга пайвандлаш ёрдамида бириктирилади. Барча чоклар темирбетон билан монолитланади.

Миноралар хисобий юкланишларнинг номарказий таъсирига: резервуар оғирлиги, уни тўлдирувчи суюқлик, чодир, минора корпуси ва пойдевори ҳамда чодирга ва минора корпусига шамол юкланишига ҳисобланади. Миноралар учун шамол юкланиши иккита ташкил этувчининг йифиндиси сифатида аниқланади. Ташкил этувчилардан бири қарор топган тезликни босимига мос келади ва статик таъсир қўрсатади. Тезлик босимнинг пулсацион қисмига боғлик бўлади ва динамик таъсир қўрасатади.

Динамик қўшимчага иншоотларни эркин тебранишлари даври 0,25 С дан ортиқ бўлганда ҳисоб қилинади.

### **10.3.2. Сув босими минорасини ҳисоблаш**


Бу жараён резервуарни, чодир элементларини (агар у бўлса), таянч ва пойдеворни ҳисоблашдан иборат.

Сув босими миноралари темирбетон резервуарларни ҳисоблаш ва қуриш ерусти ҳамда еrosti резервуарларини ҳисоблаш ва қуришдан фарқ қилмайди. Резервуарларни ҳисоблашда қуйидаги юкланишлар ва таъсиrlар ҳисобга олинади: доимий – резервуар элементлари ва иситкичнинг оғирлиги, дастлабки кучланишнинг таъсири; вақтинча узоқ муддатли – суюқликнинг босими; қиска муддатли - қор ва шамол юкланишлари (охиргиси чодир бўлмаганда ҳисобга олинади), шунингдек зарур бўлган ҳолларда сейсмик таъсиrlар. Юкланишларнинг қуйидаги асосий қўшилишлари кўриб чиқилиши керак: биринчи – барча доимийлар, суюқлик ва қор юкланиши; иккинчи – барча ўзгармаслар ва шамол юкланиши (бўшаган резервуар холи).

Шундай қилиб, миноранинг конструкцияси фақат статик шамол юкланишига эмас, балки динамик юкланишга ҳам ҳисобланиши керак. Минора кесимидағи кучланишлар қурилиш механикаси қоидаларига кўра аниқланади.

Миноранинг резервуар бўш бўлганда ва ўта юкланишларда ағдарилишга мустаҳкамлигини аниқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқамиз: хусусий оғирлиги учун  $n = 0,9$ , шамол юкланиши учун эса  $n=1,3$ . Пойдевор остидаги грунтнинг чегаравий ҳолатида миноранинг барқарорлигини кўриб чиқамиз. Юкланишнинг грунтта чегаравий жадаллигини  $\delta_{qe}$  билан белгилаймиз. Агар  $M$  ва  $N$  ҳисобий кучланишлардан пойдевор ости сатҳидаги эксцентритет  $e_0=M/N e_{qe}$  пойдевор марказидан  $\sigma_{qe}$  юкланиш жадаллигига  $F$  сегментнинг оғирлик марказигача масофа сифатида аниқланади (10.9.-расм):

$$e_0 \leq e_{qe}$$
$$\text{бунда } e_{qe} = \frac{2}{3} r \frac{\sin^3 \alpha}{\alpha - \sin \alpha \cos \alpha} \quad (10.9)$$



10.9.- расм. Минорани шамол юкланишига ҳисоблашга доир

а нинг қиймати сегмент юзи учун боғланишдан аниқланади:

$$F = \frac{N}{\sigma_{ue}} \quad (10.10)$$

$$F = \frac{\pi r^2 \alpha}{180} - \frac{1}{2} c(r - h) = \pi r^2 \frac{\alpha}{180} - r \sin \alpha (r - h) \quad (10.11)$$

Бу коидалардан келиб чиқиб, худди шунга ўхшаш миноранинг думалоқ бўлмаган, балки ҳалқали пойdevорга эга бўлганда ағдарилишга барқарорлиги текширилади.

#### Назорат саволлари:

1. Резервуарлар қаерда кўлланилади?
2. Сув босими минораларнинг асосий параметрлари қайсилар?
3. Паст босимли резервуар қандай элементлардан ташкил топади?
4. Юқори босимли резервуарлардаги буғ босими нима?

5. Резервуарлар қопламаси элементларида ҳисобий кучланишлар қандай аниқланади?
6. Сигими 10 дан  $150\text{m}^3$  гача бўлган горизонтал резервуарларнинг ўлчамлари қандай бўлади?
7. Резервуарлар қандай босимга мўлжалланади?
8. Сигими  $1000\text{m}^3$  ва ундан ортиқ бўлган резервуарларнинг кесими қандай шаклга эга?
9. Сув босими миноралари қандай кучланишларга мўлжалланади?

## **11. БОЗОРЛАР**

### **11.1. ТОШКЕНТ ШАХРИДА БОЗОРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ**

#### **11.1.1. XX аср даврида**

Тошкентда бугунги кунга келиб таҳминан йигирмата йирик бозор фаолият юритади, уларнинг ҳар бири ўзи шаклланишининг тарихий даври билан фарқ қиласиди. Улардан энг қадимийси, майдони ва савдо айланмаси бўйича энг каттаси Чорсу бозори ҳисобланади. Ўрта асрларда шахарнинг бу бош бозори бўғинлари бўлиб ҳисобланган, бошқа унча катта бўлмаган бозорлар ҳам бўлган.

Тошкент бозорлари мавжуд бўлишининг бутун даврида кўча ва майдон бозорлари тармоғидан ташкил топган ихтинослаштирилган шаҳар худудларини ифодалаган. Бу ерда савдо расталари, хунармандларнинг устахоналари, карвон-саройлар, масжидлар ва ҳатто ҳамомлар жойлашган. Уларни қайта қуришда ва график жиҳатдан аслидек қилиб тиклашда ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос ҳусусиятлари ҳисобга олинган.

XIX-XX аср чегараларида янги Тошкентнинг туар жойларида кичиккина бозорлар вужудга келар эди, уларнинг айримлари шаҳарнинг йирик бозорларига – Олой, Миробод (собиқ Госпитал), Паркент бозорларига айланди.

Шаҳар худуди тузилмасида бозорларнинг жойлашуви ҳар доим мувафақиятли бўлавермайди, бу уларда харидга эътиборни камайтиради. Бундай бозорлар вақт ўтиши билан ўзининг етакчилик вазиятини йўқотиб борган. Масалан, Туркман бозори (Марказий деб қайта номланган), янги жойга кўчирилган ва йирик транспорт чорраҳасидан узокроқда жойлашиб қолган Бешёғоч бозори.

Тошкентнинг бошқа бозорларида масалан, Олой бозорида харидорлар учун жалб қилувчи кўп йиллик фаолияти давомида қарор топган жиҳатлар ва анъаналар (сут, гўшт ва мева қаторлари) сакланиб қолган.

XIX асрнинг охирига келиб Тошкент Марказий Осиёнинг энг йирик шахри сифатида шаклланди, Чорсу бозори эса бу минтақадаги энг катта савдо пунктларини бошқарди.


Бу ерга Россиядан ва бошқа давлатлардан келтириладиган юкларнинг катта қисми бош бозорнинг карвон-саройларига жойлаштирилар эди. Бу ердан улар кўшни хонликларга, шунингдек Туркистон ўлкасининг пойтахтдан узоқдаги шаҳарларига олиб кетилар эди.

Биринчи темир йўлнинг (Оренбург - Красноводск) қурилиши шаҳар иқтисодиётiga Россия ва чет эл банкларининг маблаг қиритишини рагбатлантириди. Европадаги хусусий фирмалар Чорсу бозорининг шимолий қисмидаги эски карвон-саройларни, шунингдек Махсидўзлик кўчаси бўйлаб ер участкаларини сотиб олишар эди. Бу ерда Россия ва чет эл фирмаларининг бинолари барпо этилган эди, жумладан, Москванинг Катта Мануфактура, “Савва Морозов ва К”, “Циндалъ” ва бошқалар (*11.1.-расм*). Бугунги кунга келиб сақланиб қолган шундай обьектлар қаторига Сағбон ва Фаробий кўчалари кесишувидаги банк биносини қиритиш мумкин.

1867 йилда Тошкент Туркистон ўлкасининг янгидан ташкил этилган маъмурий-худудий округининг маркази бўлиб қолди. Бу тарихан қарор топган шаҳар ёнида Европа манзилгоҳларининг шакллана бошлашига сабаб бўлди (*11.2.-расм*).

Янги шаҳарнинг қурилиши дастлабки вақтларда эски Тошкентнинг мавқеига таъсир кўрсатмади. У кўпгина асрлар давомида қарор топган ислом анъаналари билан, урф-одатларга риоя қилган ҳолда яшашда давом этди. Рус колония маъмурияти шаҳарнинг ҳаёт тарзига аралашмас, факат баъзида жамоат фойдаланадиган жойларни ободонлаштиради.


Тошкент шахри янги қисмининг савдо майдони – Воскресенский бозори катта кўчанинг Константиновский кўчаси билан кесишган жойида (ҳозирги Ўзбекистон шоҳ кўчаси) жойлашган эди. Воскресенский бозори стихияли тарзда, кичик бозор сифатида пайдо бўлиб, унга маҳаллий аҳоли ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш учун олиб келар эди.



**11.2.- расм. Тошкент (1865й). Кўймас дарвозаси атрофида шарқий чеккада янги шаҳар қурилиши**

М. Колесниковнинг лойихасида (1866й) бозорнинг янги худудда шундай жойлашуви график тарзда қайд қилинган ва расман мустахкамланган. 1874 йилда, шаҳарнинг Европача қисми анча қурилиб битказилгандан сўнг бозорда лойиха бўйича назарда тутилган савдо иншоатлари барпо этилмай қолаверди. 1880 йилгача майдон жуда кўп дўконлар ва спиртли ичимликлар сотиладиган жойлар билан тартибсиз равишда тўлдирилган эди. Бу маҳаллий аҳолининг Воскресенский бозорини норасмий равишида “Пьян-бозор” (маст-аласлар бозори) деб аташга сабаб бўлди.


XIX-XX аср чегараларида Тошкентнинг кенгайиб кетган Европача қисми янги бозорларга, айниқса озиқ-овқат бозорларига эҳтиёжи ортди. Шундай савдо массивларининг учтаси Махромской кўчаси билан Московский шоҳ кўчаси кесишган жойда ташкил этилди. Булар – Куриний, Зелёний ва Клеверний бозорлари бўлиб, у ерда қўлда ёки унча катта бўлмаган кўчма дўконларда савдо қилинар эди (11.3.-расм).



**11.3.- расм. XX аср холатига кўра. Янги Тошкентнинг марказий қисмида бозорлар тармоғининг ривожланиши**

Якшанба кунлари бу ерда шу даражада қўп одам тўпланар эди, бунда савдо ҳатто яқин атрофдаги кўчаларга ҳам ёйилар эди. Мисол тариқасида Тошкентнинг Европача қисмидаги янги қарор топаётган атроф даҳаларида ўзидан ўзи вужудга келадиган, кейинчалик эса шаҳарнинг бош режасига киритилган бир неча унча катта бўлмаган бозорларни кўриб чиқиш мумкин. Бундай бозорлар қаторига Солдатский (хозирги Олой) бозорини киритиш мумкин.

Дастлабки босқичда (XIX асрда) унча катта бўлмаган бозор ҳарбий лавозимларнинг қуи тоифалари хизматидан бўшаган собиқ ҳарбийлар қишлоғи ичida вужудга келди (*11.4.- расм*). Бу ерда кўчанинг кичик бир қисмида Тошкентнинг шимолий худудларида яшовчилар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан даврий равишда савдо қилишарди. Улар ўз савдо қилиш нуқталарини Олой бозори деб аташган, бунинг маъноси ҳарбийлар (солдатлар) бозори (Олой – ҳарбий, жангчи) деган маънони англатади. Бу ном аста-секин шу савдо тармоғига мустаҳкамланиб қолди ва шаҳарнинг 1914-15 йилларда суратга олинган материалларида картографик хужжатларда расман кайд этилган (*11.4.- расм*).



**11.4.-расм. Янги Тошкентнинг  
тузилишида Олой  
бозорининг жойлашиши**

**11.5.- расм. XX аср бошида ҳарбий  
госпиталь худудида  
бозорининг ташкил этилиши**


Госпиталь (хозирги Миробод) бозори 1880 йилларда ҳарбий госпиталь худудида аста-секин қарор топди ва 1910 йилгача мустақил шаклланган бозор сифатида фаолият юритди (11.5.-расм).

Бозор госпиталь мискинлари уйининг жануб томонида жойлашган эди, бу уйда урушларда ярадор бўлган ва шикастланган қари аскарлар, шунингдек доимий тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлган паст ҳарбий табақадаги бошқа шахслар охирги бошпана топишган эди. Фақат 1910 йилдагина Госпиталь бозори шаҳар Европача қисми жанубий-шарқий худудининг савдо маскани деб расман қайд этилган эди.

Бу ерда унча катта бўлмаган савдо майдончасида маҳаллий аҳоли ўзининг боф ва полизларидаги мева ва сабзавотлар, гўшт-сут маҳсулотлари ва бошқа хунармандчилик маҳсулотлари билан савдо қиласалар.

Бозор хизматларидан яқин атрофдаги турар жой ақолиси, шунингдек госпиталнинг лазаретларида даволанаётган ҳарбийлар фойдаланишар эди (11.5.- расм).

Паркент бозори ва шаҳар мозори яқинидаги бозор XIX-XX асрлар чегарасида вужудга келди ва янги шаҳар шарқий ерларининг унча катта бўлмаган савдо ҳудудлари бўлиб ҳисобланарди. Уларнинг биринчиси Юнкерлар билим юрти яқинида, иккинчиси мозор яқинида жойлашган эди. (11.6.- расм). Уларнинг режавий тузилишининг ўзи хос хусусияти – тўлиқ барпо этилган иншоотларнинг йўклигидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси кўпинча ердаги қоплар ёки араваларда амалга оширилар, бу аравалар савдо дўкони вазифасини бажарап эди. Кечга бориб бундай четки савдо майдонларида ҳеч нарса қолмас ва эрталаб ҳаммаси янигидан олиб келинар эди.



11.6.- расм. Паркент бозори – янги шаҳарнинг шарқий четки савдо ҳудуди. XX аср бошидаги ҳолатга кўра

Туркман бозори 1880-йилларда Тошкент қалъасида, ҳарбийлар учун унча катта бўлмаган майдон кўринишида вужудга келган (11.7.- расм). Туркман бозори номи у жойлашган кўчанинг номи билан боғлиқ. 1930 йилгача бу унча катта бўлмаган бозор бўлиб, унда қизғин савдо фақат якшанба кунлари бўлар эди.



**11.7.-расм. Туркман бозори жойлашган худудининг тузилиши XX аср  
бошидаги вазият**

Бу ерга қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари атрофдаги қишлоқлардан келтирилар, бу маҳсулотларни ҳарбийлар ва яқин атрофдаги аҳоли сотиб олишарди. Воскресенский бозори бузилгандан сўнг (1930-йиллар) Туркман бозори янги Тошкентнинг марказий худудидаги бош бозор бўлиб қолди. Ўша вақтларда у қайта қурилди, анча кенгайтирилди, унда савдо павильонлари ва майший хизмат корхоналари қурилиб ишга туширилди. Шу билан бирга айтиб ўтиш жоизки, бозорларнинг мавжуд бўлиши ўзининг ёзилмаган қонунларига эга. 1980-йилларда бу худудда қайта қуриш ишлари амалга оширилди ва бозор ўз турган ўрнидан 150-200м га сурилди. Шундан сўнг бозор аста-секин ўз фаолиятини тўхтатди.

Бешёғоч бозори шу номдаги бузилган қалъа дарвозалари яқинида вужудга келди ва “Татарская” деб номланган янги қишлоқ аҳолисига савдо хизматини кўрсатиш учун мўлжалланган эди (11.8.-расм).



**11.8.- расм. Татарская слабодкаси (қишлоғи) яқинидаги янги Бешёгоч бозори түзилиши XX аср бошидаги ҳолат**

1870-йилларда шаҳарнинг жанубий-шарқий деворлари яқинида бунёд этилган қишлоқ (слабодко) Тошкентга маҳаллий ва рус мансабдорлари ўртасида тилмоч сифатида келган татар-мусулмонлар учун мўлжалланган эди.

Бешёгоч қалъа дарвозаси яқинидаги бу бозор XIXасрнинг бошида ҳам шаҳар атрофидаги қишлоқ аҳолисининг шаҳарликлар билан савдо қилишлари учун мавжуд эди.

XX асрнинг бошига келиб слабодкада бир канча уйлар бўлиб Махрам кўчасини (шаҳарнинг янги қисмини) Бешёгоч кўчаси билан бирлаштириб, йўл алоқасини ташкил этди.

Бешёгоч бозори, балки жуда кам сонли бўлган слабодка аҳолиси учунгина мўлжалланмаган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу бозорда унга яқин жойлашган маҳаллалар аҳолиси, айниқса Бешёгоч ва Олмазор кўчаларининг жанубий қисмидаги аҳоли харид килишар эди.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, бу бозор 1990-йилларгача анча муваффақиятли фаолият олиб борди, бироқ юқорида айтиб ўтилганидек, унинг учун жуда зарур бўлган транспорт чорраҳаларидан анча узоклашиб қолгани сабабли ўз аҳамиятини йўқотди.



**11.9.- расм. Йирик ярмарка мажмуи шакллантираётган янги шаҳарнинг жанубий-шарқий қисми. 1981-йилдаги режа**

1870-йилларнинг бошида Константинов хиёбонидан Салар дарёсигача бўлган ерлар ярмарка учун ажратилган ва шу билан Ярмарка мажмунини яратиш учун асос солинган эди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, молларни ва турли хил хунармандчилик маҳсулотларини мавсумий сотишни бир жойга тўплаш режалаштирилган эди (*11.9.- расм*). Ўша вақтда бу худудларда курилиш ишларини олиб бориш режаси, шу жумладан ўша даврлар учун ўлчамлари бўйича анча катта карvonсарой ва йигирмадан ортиқ турар жой ҳовлиларини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилган эди (1873 й. А.Леванов).

Бош карvonсарой ички периметри бўйича ўзаро усти берк галереялар билан боғланган савдо хоналари, дўконлар, қурилган ҳовлидан иборат бўлган.

XX аср бошида Оренбург – Краснодар (Тошкент орқали) темир йўл ётқизилиши билан Туркистон ўлкаси ва Россия шаҳарлари ўртасида кенг товарлар алмашуви қарор топди. Тошкентда ўлканинг бош юк тушириш ва

ортиб жүнатиши пункти вазифаси қўп сонли карvonсаройлари билан собиқ ярмарка мажмуюзимасига юклатилди.

Бундай қарор қабул қилиш учун биринчидан Россияга жүнатиладиган вагонларга юк ортиш учун ўтиш йўллари бўлган икки темир йўл товар станциялари; иккинчидан – товарларни ярмарка мажмuinинг ўнта карvonсаройларида сақлаш имконини берди. Тошкентning вокзалининг атроф худуди XX аср бошида жуда катта минтақанинг савдо – юк тушириш ва ортиб жүнатиши худуди бўлиб қолди.

XXасрнинг бошида аввалги юз йиллик давомида гуллаб – яшнаган эски шаҳарнинг катталигига кўра иккинчи бозори – Яккабозор ёмон ахволга тушиб қолди. Бу ҳолат 1980-йилларгача фаолият юритган йирик қабул қилгичнинг очилиши билан боғлиқ бўлди.

1950-йилларнинг бошига келиб бозорларнинг режавий тузилмаси ниҳоятда рангбаранг хусусиятга эга бўлди. Давлат кооператив савдо магазинлари, дўконлари, киоскалари хом гиштдан, баъзида каркасли эди. Улар яқинида зич қатор бўлиб умумий овқатланиш корхоналари, ошхоналар, буфетлар, салқин ичимликлар ҳамда енгил маҳсулотлар савдоси (сомса, гумма, кабоб) жойлашган эди. Хусусий тадбиркорлар дехқон ва хунармандларга бозор майдонининг ичкарисидан жой ажратилган эди. Колхозчилар енгил соябонлар остига жойлашиб, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишарди. Бозор худудидан ташқарида, унга ёндашган кўчаларда артеллар ва таъмиглаш цехлари корпорацияси таркибиға киравчи хунармандларнинг устахоналари енгил курилиш материаллари (ёғоч, хом гишт ва тошлар) дан барпо этилган вақтингчалик курилишлар кўринишида эди. 1950-йилларнинг бошида бозорнинг энг гавжум жойларига ўрнатиладиган кооператив савдо дўконлари ва киоскалари пиёдалар ўтадиган йўлларда бетартиб ҳаракат ва тиқилинчни вужудга келтириб, бозорларда нокулайликлар туғдирган.



**11.10.-расм. Жоме масжиди (Чорсу бозорида) атрофидаги савдо дўконлари ва хунармандчилик цехларининг хаотик қурилган жойи. XX аср ўртасидаги фотосурат**

1970-йилларнинг охирида тошкентга анча мукаммал шаҳар бозори керак бўлиб қолди. Чорсу бозорининг ишлаб чиқилган янги лойиҳасига кўра (Тошгипрого институти тайёрлаган) бозор худудини тубдан қайта қуриш, бу ерга метрополiten линияси тортиб келиш ва узоқ муддатга чидамли бўлган материаллар (металл, бетон, пишиқ ғишт) дан янги корпусларни қуриш назарда тутилган эди. Чорсу бозорининг янги барпо этилган обьектлари (1980-йиллар охири ва 1990-йиллар боши) очик ва берк кўринишидаги ўзаро боғланган савдо павильонлари мажмууни ифодалар эди. Бош савдо корпуси асосининг диаметри 80 метр бўлган сферик қубба шаклини олди (*11.11.-расм*). Бозорнинг аввалиндан ғарброқда, бузиб ташланган Калонхона турар-жой массиви худудида янги корпуслари қурилди. Янги савдо мажмуи барпо этилиши билан қадимги бозорни қайта қуришнинг иккинчи босқичи тугалланди. Бу чора-тадбирлар туфайли Чорсу худуди катта қубба шаклидаги ўзига хос асосий белгига эга бўлди, қубба бозорнинг турли хоналари куббачалари билан қўшилиб эски шаҳарга шарқона қиёфа баҳш этди (*11.11.-расм*).



**11.11.- расм. Калонхона турар-жой массиви ўрнида барпо этилган янги Чорсу савдо мажмуининг умумий кўриниши**

Бошқа бозорларни қайта қуриш жараёни Чорсу бозорида олиб борилган ишларга ўхшаш бўлди. 1960-70-йиллар мобайнида Олой, Госпитал, Бешёғоч, Аския ва бошқа бозорлар худуди аста-секин кенгайди. Бу ерларда ҳам худди Чорсу бозоридаги каби асосан давлат савдоси объектлари қурилган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган хусусий сектор енгил шийпон остидаги маҳсус майдонда жойлашган эди.


1960-80-йилларда Тошкент бозорларида колхоз ва совхозлар маҳсулотларини сотиш бўйича ихтисослашгаштирилган павильонлар мавжуд эди. Булар гўшт ва сут павильонлари бўлиб, уларда шаҳар ташқарисидаги ҳар бир колхоз ўзининг савдо нуқтасига эга бўлар эди.

Бозорлар ичидаги иморатлар уларни қайта режалаштириш даврида вақтинчалик хусусиятга эга эди. 1960-йилгача савдо объектлари маҳаллий материаллардан (хом ғишт, ёғоч ва қамиш) фойдаланган ҳолда барпо этилган эди. 1960-йилларнинг охирларидан бошлаб кўпчилик бозорларни қуриш бетон ва темирбетон устунлар, плиталар, панеллар ва пишиқ ғиштдан фойдаланган ҳолда индустрисал усулда олиб борила бошлади (*11.12.- расм*). Шу даврда шаҳарда, янги турар-жой массивларида қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига мувофиқ барпо этилган, ҳар бир савдо участкасини аниқ зоналарга ажратилган бозорлар пайдо бўлди (Юнусобод, Фарҳод, Авиасозлар, Қорақамиш, Тракторсозлар).

Уларни лойиҳалашда ва барпо қилишда хизмат кўрсатилаётган аҳоли миқдори, аҳолининг бозорга пиёда бориши қулайлиги, шунингдек бозорнинг йирик транспорт чорраҳасига яқинлиги ҳисобга олинган. Бозорларни жойлаштиришнинг бундай тизими Тошкентда катта йўловчи айланмасига транспорт бекатларида савдо бўғинларининг бутун бир тармоғини ва кичик миқдордаги йўловчилар бўлган бекатлар яқинида кичик бозорлар ташкил этишга имкон берди.



**11.12.- расм. Индустрыйлуда барпо этилган Юнусобод турар-жой тумани бозори**



**11.13.- расм. Йўловчилар оқими катта бўлган транспорт бекати ёнида қулай жойлашган бозор мисолида- Олой бозори**



**11.14.-расм. Миробод (собиқ Госпитал) бозори – бозорни транспорт бекати  
худудига саводли кўчириш намунаси**


Бозорни муваффақиятли жойлаштириш намунаси сифатида Олой бозорини (*11.13.-расм*) ва саводли кўчириш намунаси сифатида эса Миробод (собиқ Госпиталь) бозорини (*11.14.-расм*) келтириш мумкин.

### **11.1.2. Мустақиллик йилларида бозорларни қайта қуриш**

Бозор муносабатлари қарор топишининг дастлабки йилларидаги қийинчилклар ва хусусий тадбиркорлик тажрибасининг йўқлиги шаҳардаги барча бозорлар фаолиятида акс этди. Шаҳарда давлат назорати ва тартибга солишининг ўткинчи тизимидан ажralган бозорлар тармоғини яратиш масаласи аста-секин ҳал қилина бошланди (*11.15.-расм*).



**11.15.- расм. Шаҳар ҳудудида энг катта бозорларнинг жойлаштирилиши**




**11.16.- расм. Миробод бозори. Бош павильон устёпмасининг кўриниши**

Бозорлар хусусийлик характеригига эга бўла бошлади, бунда асосий ўринни тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар эгаллади. Қисқа муддатларда шаҳарнинг барча бозорлари зарур озик-овқат маҳсулотлари ва қундалик эҳтиёж буюмлари билан тўлдирилди. Бу аввалги давр бозорлари ва магазинларига хос бўлган товарлар “камомади” деган тушунча йўқолди. Кейинги ўн беш йил мобайнида мустақил Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги барча соҳаларидағи ислохотларни ҳисобга олган ҳолда Тошкентдаги бозорлар тубдан қайта курилди. Қисқа муддатлар ичida улкан ишлар амалга оширилди, хусусан, савдо иншоотлари тизимининг режавий қурилиши, уларнинг бозорлар ҳудудида функционал жойлаштирилиши қайта кўриб чиқилди. Масалан, Олой бозорида аввалги давлат ва колхоз савдоси обьектларининг ҳаммаси, шу жумладан умумий овқатланиш иншоотлари олиб ташланди. Улар ўрнига хусусий мулкчиликни ҳисобга олган ҳолда янги савдо бинолари барпо этилди. Олой бозори ҳудуди анча кенгайтирилди, транспорт келадиган йўллар яхшиланди, автомобиллар тўхташ жойлари жихозланди. Бозор ҳудудининг ўзи ободонлаштирилди, унинг бош кириш қисмидаги пассаж туридаги усти берк павльон унинг кўркига айланди.

Аввалги даврлар анъаналари тақрорланди – оралиқлари ўқ-ёй билан тугалланган рамзий кириш эшикларининг ўрнатилиши уларга анъанавий меъморчиликнинг айрим жиҳатларини берди.

1990-йилларда собиқ Госпиталь бозори номи ўзгартирилди. Унинг аввал жойлашган худудда транспорт тизимининг кенгайтирилиши муносабати билан бозорнинг янги жойга кўчирилиши унинг рентабиллигига таъсир кўрсатмади. Янги иншоотларга унинг кириш дарвозаси (*11.13.-расм*) ва уст ёпмасининг мураккаб қувурсимон конструкцияси билан ўзгача чирой бахш этди (*11.14.-расм*). Магазинлар, овқатланиш ва майший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи хусусий мулк хисобланади, бу эса аҳоли имтөймол қиласидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва биринчи эҳтиёж товарларининг асосий турлари нархларининг барқарорлигига ва рақобат муҳитининг яратилишига имкон беради.

Чорсу бозори бўйича (расмий номи Эски Жўва) ёрқин куббалари ва улкан савдо павильонлари бўлган ташқи жиҳатдан меъморий ифодали бозорни яратишнинг аввалги режавий концепциясидан воз кечишга қарор қилинган эди. Унинг ўрнинг амалий жиҳатдан қулай, функционал зарур ва тез бунёд этиладиган иншоотларни қуриш бошланди (*11.17, 11.18.-расмлар*). Улар унча катта бўлмаган муддат фойдаланишга мўлжалланган ва бундан кейин эҳтимол янада замонавий ва мукаммал савдо иншоотлари билан алмаштирилар. Масалан, бош автотўхташ жойидан хусусий буюм бозори, эски бозорда аввал мавжуд бўлган савдо қаторларини янада замонавий кўринишида тақрорловчи очик турдаги савдо қаторларини янада замонавий кўринишда тақрорловчи очик турдаги савдо қаторлари (*,11.18-расмлар*).



11.17.- расм. Қадимги Регистон майдонидаги замонавий савдо павильонлари



11.18.- расм. Чорсу бозорининг чизиқли жойлашган савдо павильонлари


Чорсу бозори жуда кўп асрлар аввал ҳам хусусий савдогарлар сотадиган ўзининг шарқ ширинликлари, лаззатли анъанавий овқатлари, қуруқ мевалари билан ўзига жалб қилиб келди ва дадил айтиш мумкинки, жаҳонга машҳур килди.

Хунармандлар бозор ёнидаги алоҳида ихтисослаштирилган ҳудудда қулай жойлашиб, (Сакичмон кўчаси бўйлаб) ўзларининг анъанавий хунарларини давом эттиришмоқда.

Чорсу бозорини қайта қуриш бўйича энг меҳнатталаб ишлар қаторига униниг ўрта қисмини ободонлаштиришни киритиш мумкин (11.18.- расм) бу харидорларга қулайликни таъминланди. Собик ўрта аср калъаси ҳудудида

(Арк, Эски Жўва) ва унга ёндошган собиқ Махсидўзлик қўчасида йирик режавий ишлар амалга оширилди.

Барча бу шаҳарсозлик тадбирлари Чорсу майдонидаги “Чорсу” меҳмонхонасини, “Чорсу савдо маркази” супермаркетини қайта қуриш билан биргаликда, янгидан барпо этилаётган Хўжа Ахрор Вали жомеъ масжиди собиқ эски Тошкент марказининг бетакрор қиёфасининг ва унинг бош ядроси – Чорсу бозорининг шаклланишига имкон берди.



**11.18. Чорсу бозорининг ўрга қисмидаги қисмини ободонлаштириши.**

2006 йилдаги фотосурат

## **11.2. Усти ёпиқ бозорлар**

Мамлакатимизда устибарпо килиш бутун бир катор муҳим масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ: усти ёпиқ бозорларни шаҳарнинг шаҳарсозлик схемасида жойлаштириш ва уларнинг савдо марказлари билан ўзаро алоқаси, ҳажмий-режавий қарорлар (ечимлар) усуллари ва уларнинг усти ёпиқ бозорларга қўйиладиган талабларга боғлиқ ҳолда, бозорлар

бинолари топологияси ва ҳ.к.лар билан боғлиқ. Бу масалаларнинг ҳаммаси тасодифий ёки замонавий қурилиш амалиёти олдида тўсатдан пайдо бўлган масала ҳисобланмайди, улар чуқур тарихий илдизларга эга.

Усти ёпиқ бозорларни қуришга катта эҳтиёж ҳозирги вақтда шаҳаримизни қайта қуришнинг шаҳарсозлик вазифалари ва очик бозорларни ёпиқ хоналарга ўтказишни қатъий ҳолда буюрувчи санитария-гигиеник талаблар асосида вужудга келмоқда. Бизда усти ёпиқ бозорларни лойиҳалаш ва қуришнинг маълум тажрибаси тўпланган, лекин шунга қарамай бу тажриба шу пайтгача етарлича ўрганилмаган вва умумлаштирилмаган, улардан усти ёпиқ бозорларни янада такомиллаштиришга имкон бериши мумкин бўладиган ижобий сабоқлар йўқ.

Маълумки, усти ёпиқ бозорлар – савдо қилиш вазифасини бажарувчи жамоат иншоотлари – қадимги агарлар ва анжуманлар билан боғлиқ. Бинолар қурилиб тўлдирилган антик шаҳарларнинг бу ижтимоий ва савдо ҳаётининг саҳнаси ҳисобланарди, шу ернинг ўзида савдо ҳам қилинарди.

Шаҳарларнинг ривожи ва жадал суръатларда ўсиши жамоат биноларининг янги тури усти ёпиқ бозорларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Усти ёпиқ бозор ҳакида яхши ёритилган ва шамоллатиладиган, яхши қўринадиган савдо ўринлари билан жиҳозланган катта савдо зали ҳакида тасаввур пайдо бўлади. Усти ёпиқ бозорлар кўпинча бозор хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг зарур мажмуи бўлган савдо марказлари ҳисобланади.

ГЛОССАРИЙ			
Атаманинг узбек тилиданомланиши	Атаманинг инглизтилиданомланиши	Атаманинг рус тилиданомланиши	Атаманинг маъноси
Акрополь	Acropolis	Акрополь	Сунъий ташкил қилинган тепалик.
Амон	Amon	Амон	Мисрликлар худоси, унга атаб Карнакда иб курилган
Айвон	Terrace	Терраса	Ёзги хонани ойналаштирилгани бўлиб, улар бинонинг хажмига ўрнатилгандир.
Балкон	Balcony	Балкон	Анъанавий ёзги хона тури бўлиб, хар ху кўриниш ва белгиларга эгадир.
Бўлинмали уй	Division	Деление	Бир ёки бир неча туташтирилган бўлимдади бинодир.
Византия	Byzantine	Византия	Эрамизнинг IV асрда Рим давлатининг парч натижасида вужудга келган Шарқий Рим импе
Галерея	Gallery	Галерея	Узунлиги энидан катта бўлган усти ёпиқ хона
Готика	Gothic	Готика	XII-XV асрлар меъморчилиги, Готика меъмадеб юритилади. Готика ибораси хам шартли бўлиб, Готларники деган мазмунни билдиради. Герман кабилаларининг бири).
Гумбаз	the dome	Купол	Хона устини беркитувчикубба том.
Галерея типидаги тураржой биноси	Residential building like type of Gallery	Жилой дом галерейного типа	Квартирадан (ёки ётоқхона хонасидан) умуми орқали камида икита зинага чиқладиган бино
Дольмен	Dolmen	Дольмен	Тик ўрнатилган икки ёки тўртта тош устун, тош билан беркитилган.
Ертўла қавати	Basement floor	Подвальный этаж	Пол сатҳи ер сатҳидан ярим қаватдан кўп бўлган қават.
Ёзги хона	Summer room	Летняя комната	Йилнинг иссиқ (илик) даврида, дам олиш ва хмаиший максадда фойдаланиб учун мўлжалочик (яримочик) ёки ойнаванд иситилмайдиги ёзги хоналарнинг кўйидаги турлари бўлладайвон (веранда), пешайвон (лоджия), террасайвон (балкон), анъанавий айвон ва ёпилган ёшу жумладан:
Карвонсарой	caravan palace	Караван дворец	Тим ва бозорлар билан боғлик объект.
Мўмиёлаш	embalming	Мумировать	Ўлган киши танасини чиришдан сақлаш махсус тайёрланган коришмага бўклириш.
Мадраса	madrassa	Медресе	Илм-маърифатга ўргатувчиолийгоҳ
Мансард қавати (mansarda)	mansard floor	Мансардный этаж	Чордоқ бўшлиғида жойлаштириладиган яш қават.
Мегалитик	megalithic	Мегалитический	Грекча «мег» - катта, «лит» - тошсўзиданолини
Менгер	Menger	Менгер	Тик ўрнатилган каттатош.
Мехроб	Mehrob	Мехраб	Масжидичидагиравоқлисаждагоҳ.
Мукарринас	Mukarnas	Мукарринас	Равоқли косачалардан ташкил топган хажмдаги безак тури, карниз шаклидаги мунашарафа дейилади.
Осма айвон (балкон)	balcony	Балкон	Фасад девори текислигидан чиқиб турувчи, жойлашган тўсиқли майдонга.
Пилястр	Pilaster	Пилястр	Деворнинг капител базали устунга ўхшаш тектуртбурчак шаклидаги бўртган жойи.
Пирамида	Pyramid	Пирамида	Эхром. Қадимгиподшолик даврида шоҳқабри.
Пешайвон (ложжия)	loggia	Лоджия	Бино хажмига киритилган, уч томони девор, о

Пешайвон	loggia	Лоджия	ёки ойнаванд ёзги хона;
Равон айвон (веранда)	veranda	Веранда	Бинога ёпиштириб курилган ойнаванд ёзги хона;
Роман услуби	Roman style	Романский стиль	X-XII асирларни ўз ичига олган тараққиёт бар роман архитектураси дейилади. «Роман» шартли бўлиб, лотинча «римники» деганинган.
Саркофаг	Sarkofag	Саркофаг	Тош, металл ёки ёғочдан безаклар билан ичулувор ботуб.
Сулола	dynasty	Династия	Бир оиласга мансуб бўлган таникли мунтазамлилиги.
Сфинкс	Sphinx	Сфинкс	Танаси шер, боши одам киёфасидаги ажаб маҳалла.
Терраса	Terrace	Терраса	Ерда ёки пастки қаватларнинг томида жойланган кисман ёки бутунлай очик бўлган ёзги хона.
Туташтирилган уй	connected home	Соединенный дом	Вертикал ва горизонтал бўйича бирлаштирилган уйдан ортиқ хонадон. Ҳар бир хонадон ерда юкори қаватдаги ҳовли билан бевосита бояланади.
Тепа қаватлар	the upper floors	Верхние этажи	Хонанинг полини сатхидаги қаватлар бўлиб, сатхининг режаланганидан паст эмас.
Техник қават	technical floor	Технический этаж	Муҳандислик ускуналар, коммуникацияларни жойлаштириш учун ишлатиладиган қават; олар пастки, устки ёки ўрта қаватларида жойланадиган мумкин.
Томдаги ёруғлик туйнуғи (фонар)	Light roof hatch	Фонар	Зина бўлмасини ёки ёпик ички ҳовли-фонарни ёритадиган ойнаванд том конструкцияси.
Тамбур	tambour	Тамбур	Совуқ ҳаво, тутун, хидлар киришидан химийи эшиклар орасидаги ўтиладиган бўшлик; ҳонага, зина бўлмасига киришда ўрнатилади.
Терраса	Terrace	Терраса	Бинога ёпишган очик ёки ёпилган дам олдиш майдонга – ҳовли, шу жумладан қуйи қаватни жойлашиши ҳам мумкин;
Қошгарча	Kashgar	Кашгар	Ташки тўсикларини трансформация килишиб бўлган икки хона ўртасидаги ёпик ёзги хона.
Хонакоҳ	Xonakok	Хонакоҳ	Масжиднинг меҳробли хонаси.
Цокол қавати	Ground floor	Цокольный этаж	Хоналар полини сатхи, текисланган ерда пастлиги хона баландлигини ярмидан кўп қават ва қават ёпмасини сатхи ердан баъзи камидан 2м.
Чордок	Attic	Чердак	Том, ташки деворлар ва юкори қават ёпмаси орнадиган.
Эллинизм	Hellenism	Эллинизм	Эрамиздан аввалги IV-I асирларда Ўрта ерда хавзасида юонон-македон давлатининг хукуни даври.
Эркер	Bay window	Эркер	Қисман ёки тўлиқ ойнанган, фасад текисидаги чиқиб турадиган хонанинг бир қисми, ёритишини инсолиция (куёш тушиши)ни яхшилаштириб кўлланилади.

## **АДАБИЁТ**

1. Каримов И.А.Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Ўзбекистон нашриёти 2015й .
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекитон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Ўзбекитон нашриёти 2009.
3. Аскаров Б.А. “Қурилиш конструкциялари” Дарслик. Тошкент. Ўзбекистон 1995й.
4. Касымова С.Т, Шоджалилов Ш, «Городские инженерные сооружения». Учебник.ТАСИ 2015г.
5. ШНК 2.05.02 – 07 Автомобиллар йўллари. Тошкент 2007.
6. Юклар ва таъсирлар. ШНК 3.06.03-08. Автомобил йўллари. Тошкент 2008.
7. КМК 2.02.01-98. Бино ва иншоатларни асослари.
8. КМК 2.03.01-96 «Зилзилавий худудларда қурилиш». Ташкент 1997.
9. Пособие по проектированию каменных и армокаменных конструкций СНиП П-22-71. М, 1989..
10. КМК 2.03.01-96 «Бетон ва темирбетон конструкциялар». Ташкент 1997.
11. Ашрабов А.Б. и другие «Справочник строителя» Т., Мехнат, 1987.
12. «Железобетонные конструкции» Специальный курс (Байков В.Н., Дроздов П.Ф., Трифонов И.А. и др) М., Стройиздат. 1981.
13. Будин А.Я., Демина Г.А. «Набережные» справочное пособие М., Стройиздат 1979.

14. Қосимова С.Т., Ходжаев С.А., Шоджалилов Ш. “Бино ва иншоотларни синаш метрологияси”. Ўқув кўлланма I, II қисм, ТАҚИ 2002, 2003й.
15. Гибшман Е.Е. “Проектирование металлических мостов”. М., Транспорт, 1980.
16. Гибшман М.Е. “Проектирование транспортных сооружений”. Учебник, М.. Транспорт. 1980.
17. “Пересечения в разных уровнях городских магистралей”
18. Гуляев А.Я. «Конструкция и расчет дренажных устройств» М., Транспорт, 1980.
19. Р.И. Берген, Ю.М. Дукарский «Инженерные сооружения» М, 1982.
20. Акселород Л.С. «Городские набережные» М., 1952.
21. Гинсбург Л.К. «Противополоезневые удерживающие конструкции» М., Стройиздат 1989.
22. Под ред. Гибшман М.Е. «Мосты и строительные конструкции» М., 1975, МАДИ.
23. Кудзис. Железобетонные и каменные конструкции. Конструкции промышленных и гражданских зданий и сооружений. Москва. Высшая школа 1973.
24. Михайлов Б.П. Архитектура металлических соружений. Издательство Всесоюзной академии архитектуры. Москва 1938.
25. Лысогорский А.А. «Городские гаражи и стоянки» М, Стройиздат, 1979.
26. К.К. Муханов «Металлические конструкции» М, Стройиздат, 1979.
27. Шештокас. В.В. и др. Гаражи и стоянки: Учебное пособие для вузов. М.Стройиздат, 1984-214 ., ил.
28. Справочник по проектированию элементов железобетонных конструкций. Лопатто А.Э. Киев, изд. объединение «Высшая школа». Головное изд-во, 1978. 256 с.

29. Строительные конструкции. Учебник для вузов. Под ред. А.М. Овочкина И.Р.Л. Маиляна. Изд. 2-е перераб и доп М., Стройиздат, 1974, 487 с.
30. Маковский Л.В. Городские подземные транспортные сооружения. М.: Стройиздат, 1979. 472 с.
31. Резников Н. Универсальное зрелищно-спортивные залы. М.:Стройиздат, 1969. 223 с.
32. Железобетонные конструкции. Уч. Пособие для вузов. Специальный курс. Под общ. Ред. В.Н. Байкова. Издание 2-е, переаб. и доп. М., Стройиздат, 1974. 800 с.
33. С.Б. Сборщиков, Ю.Н. Доможилов. Технико-экономические основы эксплуатации, реконструкции и реновации зданий. Уч. пособие. Издательство Ассоциации строительных вузов. М.2007. 192 с.